


ШАРИФА САЛИМОВА

ТОНГГА ҚАСАМ



CH0000033948

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 10 йиллигига
багишланади*


աշխարհի բարեկամության
պահանջ և անտառապահութեան
աշխատանքնեան



ШАРИФА САЛИМОВА

ТОНГГА ҚАСАМ

Бадиалар



Faafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'yat nashriyoti
Toshkent — 2001

66.74(5Y)
C26

ШАРИФА САЛИМОВА

МАДАМ АКИНОЙ

Масъул мұхаррир: Назира ЖҮРАЕВА



С 4702620201 – 3
М 352 (04) – 2001 режа – 2001

ISBN 5-635-01977-3

© Шарифа Салимова,
Faafur Fулом номидаги
Адабиёт ва санъат
нашиёти, 2001 й.

XXI АСРГА ЮЗЛАНИБ

Сүзбоши ўрнида

Онам 1913 йилда туғилғанлар. Йигирманчи аср бошларида. Очарчиллик останасида. Бир ярим яшар өчифи онадан ажраганлар. Саккиз ёшида отадан. Онамнинг отаси — менинг бобом Мир Юсуфбой эл-юртнинг таниқли атовли ҳожиларидан бўлган эканлар. Онаизорим тоғамнинг кўлида қолганлар. Бешта азamat-азамат акалари билан тириклилик дардида эрта кетиб, тунда қайтадиган, ишлайдиган қўлларидан бошқа ҳеч вақоси йўқ кўнгли синиқ акалари билан... Кейин... кейин кун кўрдими, онам, онагинам... тўққиз ёшли қизалоқ эплаб хамир қоролмай, қорган хамирини эплаб ёполмай, эллаб ёлаётганида қошу киприги, сочининг пиликларигача куйиб кетган онам кейин кун кўрдими?

1936 йилдаги очарчилликлар... Очлиқдан ўлиб, кўчаларда, далаларда шишиб кетган жасадлар... Териси суюгига ёпишиб, бир бурда нон деб жовдираб йиглаб, оғзидан қуруқ сув оқиб ухлаб қолган гўдаклар...

Кун кўрганими ўшанда онам... Бутун 87 ёшли онаизоримнинг беҳисоб ажинларига қараб ўқолмаган кунларини қайтадан ўқийман. Инсон бўлиб, аёл бўлиб кўрмаган кунларининг армонларини таржима қиласман...

Онам билан йигирманчи асрнинг узун йўлларидан юравериб, ҳориб-толиб кетаман. Туну кун ойлаб даладан келмаслик. Хира чироқ ёруғида кўсак чувишлар... “Бир куни бизчувиган кўсак хирмонлари ичидан битта кўсак топилди. Раисни ўша заҳоти қамашди, — хотирлайди онам. — У кунларни қайтиб худо кўрсатмасин, болам?!”

“У кунларни қайтиб худо кўрсатмасин...” деб онамга жўр бўлади бугунги кунга етиб келолмаган оналар.

“У кунларни худо қайтиб кўрсатмасин”, деб нидо солади Чўлпонлар, Усмон Носирлар, Қодирийлар, Элбеклар.

“У кунларни қайтиб худо кўрсатмасин”, — дейди йигирма етти миллион шаҳид кетган — уруш қурбонлари...

ХХ аср пешонасидаги қатор-қатор ажинлардан ушбу азобларни қайта-қайта ўқийман: “У кунларни худо қайтиб кўрсатмасин?!”

Бугун эса... Яратганга беадад шукурлар бўлсинким, онам ҳам ҳур, ёруғ озод кунларимизнинг гувоҳи бўлди.

— Давлатимиздан миннатдорман, — дейди онам томирлари бўртиб-бўртиб чиққан озғин қўллари билан нонни ушатаркан — худога шукур, — дейди яна онам. — Ўзига шукур, энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Бундай чиройли нонлар, қара, қайда эди... Қара — ҳидлаб-ҳидлаб кўзларига сурадилар. Ўзимизнинг буғдойдан, шивирлабгина айтган бу сўзларидан денгиздек чайқалиб турган буғдойзорларимизнинг иси, ёпилган иссиқ қайноқ нонларнинг иси димогимга урилади. Онамни қучоқлаб оламан, онамнинг не азобларни кўрмаган борлиғидан Ўзбекистоннинг иси келади.

Ўз даврида мулку давлатлари тортиб олинган Онам синмади. Юрт тупроғига сяяниб яшайверди. Ота-онасиз қолди, ўзидај жафокаши, мунглиғ тупроққа таяниб яшайверди Онам!

Алла айтган тиллари тилиниб кетди.

Дилида аллалар айтиб яшайверди онам!

Бемаҳал йўқликка ўтган авлодларининг зоҳири бўлиб яшайверди онам. Аллоҳ узун умр берди онам, онажонимга!

Бугун... бугун эса XXI асрнинг кутлуғ остонасида туриб аср билан хотиржам юзланәтиб, “Шукур қилинглар болаларим, ҳар бир ўтган кунингизга шукур қилинглар”, деб ибрат мактабидан дарс ўтади ҳар биримизга. “Ёмонларнинг юзи курсин, худо жазосини беради ҳам”, — дейди онам ишонч билан. — Худога шукур ўттиз кунлик рўзамиз тинчлигини сўраб тутдим, мен дунёда кўрмаган нарсам қолмади, биз кўрмагани сизлар кўринглар”, — дейди онам.

Лайлатулқадр туни онамнинг муножотлари билан янада суюқ, янада файзиёб бўлди. Бир бурдагина бўлиб қолган онам, ўша жафокаш, меҳнаткаш қўлларини очиб юрга тинчлик, узоқ умр тилади:

“Жоним тасаддуқ бўлсин. Ўзлари эккан дарахтларнинг меваси ўзларига насиб қилсин! Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан аспа, худойим?!?”

Онамнинг муножотлари наздимда юлдузлар салтанатиданда узоқларга бориб урилади. “Кўрсатганингга шукур, нозунеъматларинингга шукур!”

Онам оқариб ёришаётган тонгга юзланаркан, хира кўзларини қоплаган ёш томчиларини сидириб ташларкан, усти очилиб қолган набирасининг кўрпасини тўғрилаб, бош-кўзларини силаб узоқ жимиб қоладилар. Ул зотнинг нуроний чехраларидан кўзимни узолмайман.

Келаётган асрга қайта умид ва ишонч билан қараб, фарзандларни унга ишониб топшираётган, Аллоҳдан сўрагани тинчлик ва эркимизнинг абадийлиги бўлган мунис ва муҳтарама она — Ўзбекистон — XXI асрга юзланиб турибди.

МЕДАЛЬОНЛАРДА НАДИР
ЭРК МАНЗАРАЛАРИ



КЕТДИ МАНГЛАЙЛАРДАН МАНГУЛИК ҚОРЛАР...

1969 йил. Университет талабаси бўлганимнинг ilk йиллари эди. Умумий ётоқхонадан жой топилмагач, ўша атрофдан ижара уй топдим. Каталакдек уй. Ижара ҳақи чақиб олади. Тошкент вилоятидан бўлганим учун стипендия олмайман. Уй эгасининг қош-қовоғидан юрагим безиллайди. Шеър дафтаримни ҳасрат билан варақлаб-варақлаб кўяман. Кунлар кинолентадек ўтади. Шанба кунлари уйга — онамнинг хузурига ошиқаман. Дарслар кўпайгандан кўпайиб боради. Тунлари ҳам тайёрланишга тўғри кела бошлади. Бир-икки кун мириқиб ишладим. Сокинликнинг ўз тили, ўз дили бор. Шоира Нодирабегим ҳақида достон режаларини туздим. Учинчи куни эса... учинчи куни уй эгаси кириб, стол устидаги қофозларимни суриб юборди. Унинг қизариб кетган кўзлари, муздек нигоҳларини эсласам, юрагим ҳалигача музлаб кетади. “Ким тўлайди светнинг пулини... Ҳозир чироқни учирив ухлаларинг. Бўлмаса...” Ташқарида қор гупиллатиб уриб турган, совуқдан деразаларнинг ойналари чирсиллаётган ушбу тунда юлдузлар юм-юм йиглашарди. Шеърлар ёзилган дафтарим ерда қунишибги на ётарди. Қофозлар у ён-бу ёнда сочилиб ётар, наздимда улар қорайиб кетгандек... Юрагимнинг аллақаери қуйгандек ачишарди. Тараклаб ёпилган эшикдан ҳушимга келдим. Гўё ташқаридаги совуқ томирларимнинг ич-ичигача ўтириб олгандек титрардим. Кўз олдимга шеърлар ёзишимдан кувонадиган онам келди. “Дафтaringни ердан ол, болам”, — дерди гўё онамнинг нигоҳлари. Ҳали улар кўп керак бўлади”. Унинг ilk варакларида ҳазрат Навоийдан армонлар, Нодирабегимдан фифонлар, Увайсийдан фарёдлар, Зебунисобегимдан исёнлар бор эди. ўша таҳдидли тундан сўнг... чироқлар бошقا ёнмайдиган бўлди. Ёзилмаган шеърлар 17 ёшдаги маъсума қизалоқнинг юрак тубларига ва бешафқат XX асрнинг дафтарларига тўкилиб қолди. У шеърларнинг исми туннинг армонлари эди.

* * *

Мұхаббатнинг саройи кенг
экан йұлни йүқтедім-ку.
Асрлиғ тош янглиғ бу
хатарлық йұлда
қотдим-ку...
...Қаландардек кезіб дунёни,
Топмайин ёрни
яна күлбамга қайғулар,
аламлар бирла қайтдім-ку.

Пинҳон үқийдиганим Чүлпон менинг дардкашим эди.
“Мен уни — шундоқ гүзәл ҳасратли, ёруғ Чүлпонни дарс-
ликлардан бекор қидириб, овора бұлардым. Нега, нима
учун? — деб үзимга күп-күп саволлар берардым. Тұнлари
Абдулла Қодирийнинг тубсиз ҳасратларга лиммо-лим ни-
гоҳи мени қийнарди. Улуғ адибнинг ўели раҳматли Ҳаби-
булло Қодирийта берган саволларимга күпинча сукут жавоб
берарди.

Усмон Носирнинг волидаи муҳтарамаси — аччиқ азоб-
ларга она бұлған зот шундай васият қылған эканлар: “Мен
оламдан үтсам, ерга қаратиб ётқизиб қўйинглар. Усмон де-
ганда узилган ўпкам, бурда-бурда бұлған жигарим, жоним-
нинг ичидаги зардолбар оғзимдан ерга сизилиб оқиб сингиб
кетсин!” Она кетди... Аммо, унинг ҳасратларига биз қайдан
жавоб излаймиз. XX аср... Битта Усмон яралиши учун яна
йиллар неча бор ҳаққа илтижолар қилишига тұғри келади.

Шундай... “Киприги кўксига соя солған қиз”нинг қўлла-
рини бир бора силамаган ёвқур йигитнинг, миллат овози-
нинг уволи сенинг бўйнингда кетди XX аср!

* * *

...Комсомол мукофотлари булгувчи эди ўша пайтларда.
Шеърларим, фаоллигим, бир үзим үнлаб радиожурналлар
тайёрлашим (яхши деб тавсиялар ёзилганди) учун область
комсомоли мукофотига номзодимни кўрсатиши.

Беш-үн хил суҳбатлардан, маслаҳатлардан талаб даражада
үтдим. Ёш кадр, истеъоддли деган сўзлардан қанот боғ-
лаб учиб юрадим. Энг охирги суҳбатга белгиланган соатга
бордим. Юрагим гупиллаб уради. Ҳамма нарса бошқача
кўринарди. Ўша раҳбар аввал бошдан-оёқ осмондан туриб

мени кузатгач, ўзга тилда ўтиришга таклиф қилди. Ҳужжатларим столининг устида туради. “Истеъоддли эканлигинизга шубҳа йўқ”, — деди у чайналиб. Лекин, ёш экансиз, шартми сизга шу мукофот.

Мен индамай, тўкилай-тўкилай деб ўтирадим. Учиб кирганимдаги қанотларимнинг чирс-чирс синаётганилиги кулоқларимга эшитилиб туради. Хуллас, бир ярим соатлик суҳбат мобайнида мен ёш, ишонувчан, иқтидорли одамдан нотовон, ношуд, кераксиз одамга айланяётганимни сезардим.

Охири кўнглимнинг ичидаги иккинчи бир одам тилга кирди: “Тўғри айтасиз, мукофот олишга мен ёшман! Унга бошқалар кўпроқ лойик”. “Ия, — деди раҳбар... Мукофотдан ўз ихтиёри билан воз кечайдан одамни энди кўришим”... У яна нималар деди, ёдимда йўқ... Аммо, мен ўша даргоҳдан тезроқ отилиб чиқиб кеттим келар, гуруримнинг энг нозик торларини масхараомуз ўйнаётган ушбу кимсанинг қиёфасини кўрмаслик баҳтини тезроқ хис қилгим келарди. Суҳбат ниҳоясига етгач, шоша-пиша эшикка отилдим. Кириб кетаётганимда чараклаб турган ҳаво айниган, ёмғир шиддат билан ёғарди. Шаҳарнинг хазонлари чиройли тушалган йўлакларидан юриб борарканман, ёмғирдан пана бўлишни истаб юргурган йўловчилар, рӯпарасидан шошмай келаётган ёмғирда ивив, соchlари, қошу киприкларига ҳўл бўлган мусофири қизчанинг юзларини ёмғир юважитими ёки кўз ёш, ажратолмай бепарво ўтиб кетишарди.

Мен-ку ўша даврда бир зарра, бир ушоқ эдим. Аммо золим замон қанча мурғак истеъоддларнинг қанотини юлиб, шу тахлит синдириган экан... Бугун эса юзлаб “Умид”чилар пешонамдаги ажинни текислаб юборадилар. Компьютер сабоқларини олаётган миллионлаб ўқувчилар, ўз мустақиллиги шодликларини сипқариб, денгиздек гувиллаётган Ўзбекистон. Ўзимизнинг нон, ўзимизнинг тайёралар, ўзимизнинг миллий, замонавий санъатимизнинг тирик қолган илдизларига олий эъзозлар... Ёса китобларга сифмайдиган мавзу бу. Ҳурлик бу. Уларга қараб айтгим келади: XX аср, ахир биз ҳам ўша пайтлари дунёларга сифмаган шиддат, ёшлик эди-ку, гўзаллик эдик-ку. Булбулнинг биродарлари, сингиллари эдик-ку... Бизнинг навқирон ёшлигимиз кўксисда сенинг оёқ изларинг қолган... Энди у кунларни қайтиб кўрмайлик.

* * *

1991 йил 31 август Ўзбекистон ҳур бўлди. Мен озод бўлдим. Ўзбекнинг оддий бир қизи “Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган маданият ходими” бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, нуфузли комиссиянинг раиси бўлди. Буларнинг барида муҳтарам Президентимизнинг, улуғ юртимнинг шерюракли паноҳбони Ислом Каримовнинг муборак имзолари турибди.

Ўзбекнинг оддий бир қизи бўлиб, XXI асрга юзма-юз турган ушбу муқаддас дамларда мен қалбимдаги шукроналик ва миннатдорчилик сўзларимни айтмай туриб унга ўта олмайман.

Муҳтарам Юртбошим! Азиз Юртбошим!
Майлими, мен сизни отам деб айтсан.
...Ҳадсиз зулмлардан оқарган бошим.
Муборак қўлингиз кўзимга суртсан.
Тош келса кемирдим. Сувни симирдим.
Лек ота меҳридан ўсдим кўп йироқ.
Тунлар юлдузлардан ёғду тиладим,
Хазонлар кафтимга тўкилди бироқ.
Ўзбекман деб яйраб айта олмадим,
Бўғзимни тифлади аччиқ унларим.
XX аср сўқмоқларида
Туманларга сингди ёшлик кунларим.
Бугун мен ҳурликини туйиб сипқордим.
Кетди манглайлардан мангулик қорлар
Қалдирғоч гўдаклар тилида дуо —
Шундай эркин юрар отаси борлар.
Бугун қўёшга қўл чўзмоқда Ватан,
Эгилган қаддимни тутиб юрдим тик.
Оталарнинг қўли манглайдага бўлса,
Чинорлар синмайди.
Чинорлар тирик.
Муҳтарам Юртбошим, азиз Юртбошим,
Майлими, атасам мен сизни падар.
Яратгандан ёлгиз сўраганим бор.
Омон бўлинг дунё тургунга қадар.
Кўксимда шу юртнинг ёруғ умиди,
Кўзимдан түғёнлар сизиб турибди.
Ўзбек оналари, ҳур сингиллари
Сиз бор дунёларга сиғиб юрибди.

* * *

“Энг муҳими ўзингга ишон. Шунда сен ҳеч кимга хиёнат қилмайсан”, дейдилар муҳтарам Президентимиз. XXI аср, биз сенга юзланаётib, шундай деймиз: Биз оналар ва болалар, дунё мөхваридаги инсоният қодир Аллоҳга ишониб, гуноҳларимиз бўлса, унга истиғфорлар қилиб, хур бўлиб ўзимизга ишониб, сенга ишониб бораётимиз! Кўксинг фарзандларимизнинг беғубор кулгуси, оналаримизнинг дуолари ила сероб бўлсин! Ўзбекистонимизга меҳримиздан кўзмунчоқлар тақиб қўйдик. Унга ишониш ва асраш эса сенга боғлиқдир. Инсониятга инсонийлик ва тинчлик асри бўлгин! Қадамларинг қутлуғ келсин, азизим!

ВАТАНДИР ДУНЁДА ТАНҲО ИЛИНЖИМ

* * *

...Болалик хотираларимдан сира-сира ажралмайдиган бир қўшиқ бор. У доим оҳанги, ижроси, бошқа ҳеч ким унга ўхшатиб айта олмайдиган йифиси билан мени таъқиб қилиб юради. Баъзан тунлари ширин уйқумдан бирдан уйғотиб юборади, миямнинг ич-ичида изғиб юриб, ўзининг миллат хотираси қадар тирик эканлигини эслатиб қўяди. Қўшиқ ҳар сафар хотирам заминида айтилаверса, кўз ўнгимда юпунгина чопонларига маҳкам ўралиб олган, ўзбекона дўпписининг ҳар чокига алвидо муҳри босилган, катта, қора кўзларидаги ишқ Ватанинг ҳар бир гиёҳлари, дараҳтлари, вассажуфтлари, рўмоли бошларидан сирғалиб тушиб, йиглаб, юриб кетаётган поезд орқасидан “болам” деб бўтадай бузлаб югураётган ўзбекнинг онаси, дардини жимгина ичига ютган отаси, акажоним деб бўзлаётган қизалоқлар — уларни кўзларида ҳасрат билан олиб кетаётган навқирон йигитлар намоён бўлади...

Поездингни жилдирған
Ўтхонаси билан замбараги.
Двінскка кетди Андіжоннинг
Мард йигитнинг бир бўлаги.

Қўшиқ “Гиря”га айланиб, тўлғанади... Фарёдга айланиб, кўкка ўрлайверади. Кейин сизу бизга ростгўй кўзларини тикиб, азобли, оғриқли савонни беради: Нега? Нега йигитлар

кетди? Ким уларни она-Ватанидан узокларга улоқтириди?
Қани, қаерда улар?

Двинска кетмас эди
Мард йигитнинг бир булаги
Двинска кеткизворган
Николай золим замбараги...

Күшиқнинг бўғзидан дуд чиқади. Энди бу қўшиқни назаримда кўз ёшидан ёқалари ҳўл бўлиб кетган Ватан, қисматнинг ноаён чоҳига кўринмас қўллар билан судраб олиб кетилаётган ўсмирлар, чимилдиқقا куёв бўлиб улгурмаган, ишқи увол кетган йигитлар, туннинг қоп-қора кўксини иккига бўлиб югураётган поездлар айтаётгандек бўлаверади.

Тахта кўпприк битдими,
Поезд юриб ўтдими?
Мардикорга юбориб,
Бой муродга етдими?

...Бу қўшиқларни четлаб ўтиб, Ватан ҳақида ёза олмайман.

* * *

“Маорифга ёрдам этингиз. Ўртадан нифоқни кутарингиз. Туркистон болаларини илмсиз қолдирмангиз!”

Махмудхўжа Беҳбудий

ХХ асрдаги Туркистон болалари... Ҳурликкача кенг елкалари меҳнатда торайган — сардорлари, ҳушёрлари, фидожонлари битта-битта териб олинган Туркистон болалари...

Оғзида оши, кўзида ёши билан Сибирга сургун қилинган Туркистоннинг “бой” болалари... Уларнинг иложсиз, она юртдан кўнгил узмай кетишлари, қарсилаган қишида, совук ўлкаларнинг абадий музикларида жон таслим қилишлари...

Оҳ... Ватан, оҳ... она, деганларида музлаб қолган ҳаволар. Ҳаққа илтижо қилаётганида юзларида қотиб қолган кўз ёш томчилари...

Шундай... сара бошлар териб олинниб, зулм занжирлари юраклар ва тилларга солинган эди.

“Бир элнинг мактабин тиргизадурюн нарса у элнинг она тилисидир. Тили бўлак эл тури бўлак мактаб излайдур. Бир

элнинг мактаби ўша элнинг ўз тилининг негизига қурулғон бўлмоғи тегишидир. Эл тили эм мактабига она бўлмоғи тегишидир”.

Ўз миллатини маърифатли қилишга астойдил бел боғланган Элбек ўшандада жуда ёш эди, навқирон эди. Халқ оғзаки ижодйининг дурданаларини жамлаб, китоб қилишни бошланган, жон-жаҳди билан Туркистон болаларининг кўзини очишга ҳаракат қилаётган Элбеклар зулмат кўксидаги машъаллар эди. Унинг жасадини музлар оғушлаганида Элбек борйуғи 38 ёшда эди.

...Бу қисматларни четлаб ўтиб, она-Ватан ҳақида ёза олмайман.

* * *

Тарихни кўп варақлайман.

Тарихий хотиралар онгимнинг мудроқ қатламларини бирдан уйғотиб юборади. Ватанини жондан севиш, унга фидо бўлиш учун у бошидан кечирган азобларни ҳис қилмоқ кераклиги ниҳоятда равшанлашиб бораверади. Ватан қисматини чуқур англаш — бизни унга тобора яқинлаштириб юбораверади.

Кейин XX аср охирларида мабодо биз мустақилликни кўлга кирита олмаганимизда нима бўлар эди, деган хәёл ўтади-ю, бирдан даҳшатга тушаман. “Худо арасин, — дейман, — қуллик занжирларининг кул-кул бўлгани абадий бўлсин”. Энди қузгуналарга ем бўладиган юрак йўқ. Энди муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, орқага қайтиш йўқ!

Мустақиллик эса “Ойдан тушган эмас. Мустақиллик учун курашмоқ керак. Керак бўлса, жонни фидо айламоқ даркор”.

Узоқ йиллар мустамлака кишанларида азоб чеккан халқ грек мифологиясидаги Антей ҳолатида — оёғи ердан узилган ҳолатда эди.

1991 йил 31 августда биз яна ўзлигимизга қайтдик. Ўзимизники бўлдик. Ўн йил юз йилларнинг ишини қўлмоқда.

Ўтаётган йиллар миллат аёлининг бағрида навқирон баҳорлар ийманиб, яшириниб ётганини кўрсатди. У асрлар мобайнида зулмдан зада бўлган, қўрқиб қолган эди. У энди соғлом фарзандлари, ўз илми, истеъоди, меҳнатининг ҳамма кўринишлари билан жамиятга ниҳоятда зарур эканлигини тобора чуқур англаб бораяпти. У XXI асрга озод ва ҳур ўзбек

аёли, Онаси бўлиб кириб борди. Унинг жафокаш ва мунгли қалби жароҳатларига энди XXI аср малҳам қўйсин.

Зоро, она-Ватан тимсолидир. XX аср онасини четлаб ўтиб, мен Ватан ҳақида ёзолмайман...

* * *

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида кўнглимдан кечирганиларим. Кундаклик дафтаримдан...

“Биз муқаддас қасамёднинг ҳар бир сўзидан ларзага тушиб, она-Ватанга янада кучлироқ туташиб, тарихий лаҳзаларни бошимиздан кечириб турибмиз.

Бу муқаддас юртга, меҳнаткаш, кудратли халқقا яна ўзи севган, ўзи танлаган инсон — муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов Президент бўлди.

Халқ ҳаммага ҳам дуо беравермайди. Халқ ҳаммага ҳам ўз тақдирини ишониб топширавермайди. Халқ ҳамманинг қўлини ҳам нондек азиз билиб, кўзига суртавермайди.

Сиз бу юртга ўз эрки билан бирга эзгулик, юрт тақдирига эзалик туйгуларини ҳам қайтиб бердингиз.

Миллат оналарига, миллат аёлига ишондингиз. Уларнинг унут қисматига нур олиб кирдингиз. Зулмлардан адо бўлган, вайрон қалбida оналик туйгусини уйғотдингиз.

Асл ва тоза наслимиз ҳақида мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бонг урдингиз. Миллат, озод Ўзбекистон байроғини фақат соғлом авлод — соғлом насллар келажакка толмай кўтариб боришига қодир эканлигига бизни ишонтирдингиз. Улуғ пиrlар, авлиёлар манзилини обод айладингиз. Оналарга илмини, унут аллаларини қайтиб бердингиз. Зоро, “*сиз бизга илми оналарни беринг, биз сизга даҳоларни қайтарамиз*”, дейилади улуғ китобларда.

Ҳар бир ишда адолатпеша бўлдингизки, мендек бир оддий аёл бутунги кунда Олий Мажлис депутати — Сиздек Президентим борлигидан чексиз фахрланаман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз оналарнинг дуолари бошингиз узра ҳамиша соябон бўлиб турар экан, биз ҳам сиз суюнган тофимизга елка тутиб, доим ёнингизда бўламиз, деб ўз-ўзимизга қасамёд қиласмиз.

Олдимизда қилинажак асосий ишлар биздан ўз ечимини кутиб турибди. Яқинда иккинчи чақириқ ҳалқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаған нутқингизда депутат зиммасидаги жуда катта вазифа ва

масъулият ҳақида гапириб, бугуннимиз депутаттадан “*том маңнода халқ дарди билан яшашни талаб этади*” деган әдінгиз.

Бугуннинг аёли, унинг соғлиғи, илми, тадбиркорлиги, фарзандлар тарбиясидаги мұрт жиҳатлар, унга яратып берилдиган шарт-шароитлар — бир сүз билан айтганда, она-Ватанин бор бўйи билан оёққа қўйиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Мана ҳозиргина сиз санаб ўтган ижтимоий соҳадаги улкан вазифалар, давлат миқёсида ҳар бир соҳадаги буюк ўзгаришларни қўллаб-куватлаш билан бирга, ўзимизнинг ҳам бор кучимиз, ақлу шууримиз, ғайратимизни шу йўлга қаратамиз, сарфлаймиз. Чунки Ватан битта, мақсадларимиз битта.

* * *

Мен XXI асрга ана шундай улуғ Ватан, унинг улуғ халқи, буюк тарихи ва тақдиди, барҳаёт илдизлари билан ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда қадам қўйдим.

Зеро, онамиз — Ватанимиз бу ёруғ оламдаги энг катта бойлиқ, икки дунё саодати, танҳо илинжимиздир.

ВАТАН

Бир куни ё майса, гиёҳ бўламиз,
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.
Шоир қаламингга сиёҳ бўламиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,
Майсалар кипригин айлажакмиз нам.
Ногоҳ ҳазон мисол тўкилганда ҳам,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол.
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил ё ини, ёки оғамиз,
Бағрингда дарё ё тогдек қоламиз.

Фаним бошига тош бўлиб ёфамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксингда қулуналар бўлиб чопамиз,
Арча бўлиб тоғлар бағрин ёпамиз.
Бургут бўлиб, чўққинг излаб топамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Майли, тиканларинг қонатсин қўлим,
Майли, изгириналар қилсинглар зулм.
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,
Онасини кучган фарзанд сингари.
Сўнг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Туғинг нафасларин ичганда дунё,
Ўзбек деган номга тўлганда само.
Биз бағрингда ётиб, қилганча дуо,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

БИЗГА СЎЗ АЙТСАНГИЗ, ВАТАНДИН АЙТИНГ

Зомин дафтаридан

1

Мен тоғларга бордим. Кибор тоғларга... Чўққилари само тоқини ўпган. Ям-яшил арчалар пойига тунлар гўзал юлдузларин этаклаб тўккан... Мен тоғларга бордим. Кекса тоғларга. Бошлари ғамлардан оқариб кетган. Асрий овозларни, асрий сирларни бир хўплам ҳаводек бағрига ютган. Мен тоғларга бордим. Улуф тоғларга... Вазмин нигоҳлари тортирган хушёр. Гуллар, капалаклар, қушлар, йўлбарслар мангу Ватан айлаб, бўлган баҳтиёр. Бу не салқин ҳаво жоним элитган, бу не сирли саслар ўғирлар ҳушим! Ростини айтақол, жоним капалак, гашингта тегмасми бунга келишин? Тин-

чингни бузмасми, эй гүзал оху, бу сирли хилқатдан излашым шеърлар? Дунёда бир ишқ бор қүёшдек боқий — уни Ватан дерлар, онажон, дерлар! Теграмда чуғурлаб учади күшлар, қанотларин силкиб, вижирлаб иноқ, гүзал чуғуридан бир сир ўқийман:

— Дунёда Ватандан шеър йўқ гүзалроқ! Бири опам, дейди мени эркалаб, бири синглим дейди, рўмолим тортиб. Мунчоқ қўзларида бир илинж ёнар: “Бизга шеър айтсангиз Ватандин айтинг!”

2

Ватан! Мен не дейин сени, онамми. Жоним дейми сени бўғзимда турган! Тушларимда келиб момо Тўмарис неча бор рўмолин бошимга илган. Ҳар сафар оқ ҳарир либосда келиб, жонимга туғёнлар индириб кетар. Бошларимни си-лаб, бир сўз айтмайин, ичимдаги кулни ўлдириб кетар. Кетар шамолларга қоришиб, ёниб, тулпор ёлларига осилар тинчим. Ҳилпираб эрк борар тугфа айланиб: Ватандир дунёда танҳо илинжим! Ватан, мен не дейин сени, онамми? Жоним дейми сени бўғзимда турган. Эркнинг тугросини титроқ жонимга илк бор оқсоч момо — Тўмарис илган. Гулдурос солади тоғлар энтикиб, чақмоқлар қарсиллаб ёқарлар чироқ. Тоғу тош, майсалар ўқир саловат: дунёда Ватандин сўз йўқ улугроқ! Осмон оқ булатин сутдек тоширап, мисдек қизиб борар Қуёшнинг юзи, Доронинг бошини қонга ботира, муқаддас Ватаннинг муқаддас қизи. Оҳ, Ватан, онажон, уфққа қара, у мудом қизиллир, мудом қирмизи. Сени фанимларга бермас, хўрлатмас, муқаддас қизларинг — муқаддас тузинг! Тушларимда келиб момо Тўмарис қўзларимга боқиб, жилмаяр хушҳол, дейди: Бошгинангда ҳилпираб турган ипак рўмолингни қўлларингга ол! Қошимда депсиниб турар тулпор — Эрк, даштнинг шамолида терлари қотган, Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда туёғига фаним гулмихлар қоқҷан. Ипак рўмол ила қўзин артаман, ёлларини ўпид, титрайди ичим. Инграма, жонивор, гулмихларингни тиш-ла суғуришга етади кучим. Жонимнинг ичидан қанд-новвот олиб тўрвасига солиб унга тутаман. Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда, мен ҳам сал Барчинга ўхшаб кетаман. Ҳовуч-ҳовуч дуо узатар момо: кўксингда дарёлар тўлғонган пайтдир... Сен сўз айтар бўлсанг кекса момонингга, уриб турган қалби — Ватандин айтгин!

Ватан, ох онажон, күзим қароги. Не савдо кечмади азиз бошингдан. Ҳар гал оғзинг ошга тегиб улгурмай, игна чиқа-верди пишган ошингдан. Қирғинлар, босқынлар, дарё-дарё қон... Вайронанг устида базм қурғанлар... Қара, гулханларга айланади-Эрк: “Оқ кийинар уни күрмак бўлғанлар!” Ватан — Самандарқуш, қирқ йил қирғинда минг битта патидан бири кўймаган. Тарих саҳифасин йўқдир вароги маккор ёғийлар-нинг тифи тегмаган... Чингизхон саҳронинг ёвуз илони, қисиқ кўзлари-ла туради боқиб... Қара, Жалолиддин, қон дарёсида волиданг-у, ёринг кетмоқда оқиб. Улар балиқларга ем бўлар балки, балки сув чечаги — мангу сўлмаган... Ватан — Самандарқуш, қирқ йил қирғинда минг битта патидан бири кўймаган. Қара, Жалолиддин қўрқувга солар ёғийни ўғлинг-нинг кўзидағи ўт. Талвасага тушиб, буюар Чингиз: Боланинг юрагин итим есин... ит.

Эй, худо, бўғзимни ёргудай Фарёд, хотир осмонимдан чиқмоқда дудлар: Ватан, жоним Ватан, ўғлоним Ватан! На-ҳот юрагингни емоқда итлар? Тишлар орасидан чакиллади қон. Тупроқнинг юзида қотиб қолар доғ. Шовуллаган боғлар сиздан сўрайман: айтинг, юрагингиз қолдимиликан соғ? Зомин тоғларида паришон юриб, жонимни минг турли ўтларга қордим. Бир чечакни суйиб, баргидан ўпсам, бир чайқалиб, титраб, инграб юборди. Наздимда арчалар қимиirlаб кетди, чайқалиб кетгандай бўлди улкан тоғ. Боқсан юзларида юракдан кетмас тишлар орасидан томган ўша доғ... Менинг ҳам юрагим санчийди тинмай, кўксимга турналар келади қайтиб. Қўлларимни ушлаб, инграйди чечак: Бизга сўз айтсангиз Ватандин айтинг!

Даҳолар дунёга келмоғи учун асрлар неча бор синовдан ўтар. Бир ютум ҳаводек қисқа умрда ким Ватанга ханжар, кимдир қалб тутар. Даҳолар дунёга келмоғи учун узоқ вақт самони тутар тўлғоқлар, минг бора кўкариб, минг бора гуллаб, минг бора ҳазонга юз тутар боғлар. Само кемалари нурдай югуруқ — ҳуру малоиклар келурлар минг бор, руҳлар келаверар тонгга қўшилиб соҳиби қудратдан бўлиб умидвор.

Хазон япроқлари юртни тутганда, боғларнинг бўғзидан сизганда ингрок, оқ сочли онани — улуғ тупроқни жаҳонгир Темур-ла сийлади Аллоҳ! Янчилган фуурурлар кўкарди бирдан, кесилган чинорлар қайта ёзди барг, жаҳонгир тулпорин туёқларидан ҳайрату титроққа тушди кибор Farb...

Самарқанд... Кўп азим, донишманд маъво. Дунё тожидаги танҳо Кўҳинур. Бағрингда қуёшнинг нурин оғушлаб, соқингина ётар ҳазрати Темур. Ҳар гал ул олий зот хилхонасида кўлимдан келгунча тиловат қилгум, садолар ёпирилиб жонимга келар, садоларга қулоқ тутгим келар жим: бир юрт барпо бўлди адлу иймондан, бир ҳовуч тупроғи азиз жон қадар, пойдевори инсоф, фиши тадолат Турондан то мулки Ҳиндистон қадар. Даشت қипчоқлару, Мозандаронлар, Ироку, Шерозу, Бағдод томонлар. Авник қатъалари, Дарбанд йўллари, Катур ғазоти-ю, Эрёб эллари... Сиволик тошлари, Жамму замини, Озарбайжон юрти, Дамашқ замини... Куён каби елди темурий отлар, фотиҳга бош эгди гўзал Бағдодлар. “Темур тузуклари” — дунё қомуси, ақл ва идрокнинг ўқ емас куши.

Тиловат... Кўзимга жиққа ёш тўлар. Мен сизга қанчалар ўҳшагим келар. Сиз каби Ватанни сўйтим келади, эрк юзига юзим қўйгим келади.

Сиздан сўнг барибир яна буздилар, хазон япроғидек яна тўздилар. Юрт бошидан кечди яна қанча фам: қисмат қўлларида илоҳий қалам.

Верешчагин, сени кўп хотирлайман: Бот-бот сен ёдимга тушасан туриб. Ҳузур-ла чизгансан миллатдошимни, дорда саланглатиб, питратиб қўйиб. Верешчагин, сени кўп хотирлайман. Сен ёдимга тушиб турасан бот-бот: Бобом Темур қурган мадрасалардан сен отиб юборган Эрк қилар фарёд. Унугиб бўларми, бундоқ тарихни! Кўзлар кўр, қўллар шол бўлиб қолмасми? Манкурт бўлиб қолсам — ё зомби бўлсам, улуғ руҳлар келиб ўчин олмасми? Ватан — бу ҳаққоний ўқилур тарих. Биргина ҳарфи ҳам хатосиз, ҳалол! Тоғларга боқаман: ҳамон буюkdir, ҳамон кўксидаги булоғи зилол!

...Мозий, мен ҳали кўп сенга қайтаман. Хотир дафтарларим сўзга тўлганча. Ким юртини севса, замин дардлари уни тинч қўймайди ўла-ўлгунча. Буюк Амир Темур хилхонасидан нурлар ҳорғин синган ушбу дам қайтдим: ортимдан эргашиб келди бир садо: Улуғлар руҳини шод қилмоқ учун айттар бўлсанг сўзни Ватандин айтгин!

Мен күркінч туш күрдим, босиринқи туш. Юзу күзларимга босмоқдалар чұғ. Дод дейайн десам, чорлайин десам, оғзимда жарлик бор, аммо тилем йўқ. Э, худо, бу қандай таҳқир, разолат, жоним нақ бұғзимга тиқилюб қолган. Юмюм йиғлайман-у, сұз деёлмайман, қайси иблис менинг тилемни олган... Аллалар айтувчи тилем қайдасан, яллалар айтувчи тилем қайдасан? Болага сен бола бұлгувчи тилем, азада сен нола бұлгувчи тилем, дүстимни дүст бұлиб күнглин олувчи, ёримнинг қалбига ғавро солувчи, тоғларга бокқанда садолар бұлған, құшиқ айтганимда гадолар қылған, шеърларни ёздриб күнглим бұшатған, нағмаси булбулнинг күнглин юмшатған, қоракұз боламни қалдирғоч қылған, ғанимнинг бағрини ханжардек тилған, тилем сен қайдасан, деб роса ёндим. Күйдим, пишдим: чүелар ичра түлғондим. Аллоҳдан нахотлар сұраб турған дам, оппоқ нурдан ногоҳ порлади хонам. Ёраб, азобларим мингга бұлинди, нахотки улуглар менга куринди? Бирларида улуғ тангри каломи, бирларида улуғ шоир девони... Барчасин ташрифин күзимга сурдим, улуғлар пойига бошимни күйдим. Сұнг күзимга тошди забонсиз хүним: билмайсизми, қайда йўқолған тилем?

Етмиш йилки шундай күркінч туш күрдим. Заминда қанотсиз, тутқун қүш күрдим. Йұқлика Қодирий, Чүлпонлар кетди. Абдурауф Фитрат, Элбек, Усмонлар, ҳар қайсиси нури жаҳонлар кетди. Итироби ҳамон бағримга томар, тұнлар ухлолмайин бедор юлдуздек, кезсам сұз айттолмай қошимда турар тоғлардек буюғу, забонсиз Ойбек. Ўшанда осмон ҳам қоп-қора эди, булатлар ичидә яшарди ҳилол, сенға нима дейин, ростини айтсам, қошингга забонсиз келдик, Истиқлол! Улуғ рухлар бизни күллаб турибди, дунёга сүзимиз айтмоқлик пайти. Бугун бағримизни ҳүрлик тұлдирап: Бизга сұз айтсанғиз Ватандин айтинг!

Ватан! Мен не дейин сени онамми? Жоним дейми сени бұғзимда турған. Юрек, ҳайрат күзинг титрамасдан, оч, руҳинг даштларига ҲУРРИЯТ келған. Майсалар ям-яшил тұллар күтарди, чечаклар юлдуздир унда ярқи्रоқ. Нурлар кесиб борар зулмат күксини: юрак осмонида чақылди чақмоқ. Күнгил үсіб кетди ердан күк қадар, тоғлар, бу мағрур бош менинг бошимдир. Бу тупроқ, бу гиёх, бу топталған боеңди

менинг боғим, менинг тошимдир. Томирларимда қон лоппилаб оқар, руҳим юлдузларни кучиб олар шарт. Дийдоринг кўзимнинг устинан бўлсин, азизим, ҳаётим, орим ҲУРРИЯТ!

Хуррият, кутганим, тожу тахтимсан, поймол фуурларга қайтадан насиб! Бисотимни титиб келар йўлингга туҳфа тополмадим қалбдан муносиб. Шу қалбим, дарёлар ҳайқирган қалбим, изларингга қўйди оппоқ бошини. Шаҳид ўғлонларинг йиглаб артмоқда жон ичидан силқан армон ёшини! Нега чечакларнинг киприклари нам? Нега жон ичиндан келмоқда титроқ? Эй, руҳимнинг мағрур, Самандар куши, сен учун нима бор Эркдан улуғроқ.

Хуррият, хуррият, жоним хуррият! Жароҳатидан қон силқан Туроним! Бугун бир шаҳд ила алплар камонин юртимда кутариб турган ўғлоним! Сен етти ёшдаги бола Алпомиш! Ўн турт ботмон ёйни турибсан тутиб. Силтасанг камонинг Асқар тоғларнинг чўққисини олиб ўтади юлиб... Қошлари қалдирғоч қизу ўғлонсан, Хуррият, беғубор тиллари бийрон! Исириқлар солай бўйи-бастингга, ёмон кўзлардан деб мангу бўл омон!

Камалаклар қўнди тоғлар бошига, чўққига бургутлар келмоқда қайтиб. Қанотлар шовқини самони тутар: Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг!

7

“Энг олий мақсадим —
халқимнинг омонлиги”

Ислом Каримов

Ватан — бу юракнинг тубидаги гул. У жоннинг ўзига томирлар отган. Сут каби кўпириб, куйилган тонгни арча учидаги Ҳулкар уйғотган. Гиёҳлар кўзларин ишқаб уйғонар, гулкоса ичинда капалак хушҳол. Биз сени гул каби юракка босиб, асраромимиз шарт, улуғ Истиқлол!

Етти йил! Асрлар узоқ умирида гўёки анорнинг етти донаси. Лек сен босиб ўтган кутлуг йўлларинг заминдан то Қуёш қадар ораси... Кимдир ҳамон нафсин ўйлаб кун кўрар, занжирин соғиниб, суради хаёл. Эй, қуёш юзлигим, чечакли боғим, қулларга бермайман сени Истиқлол!

Кимдир юртдан узок, жигар-бағри қон, Ватан соғинчлары ўртар жонини. У күзига сурар, топған-тутгани: бир ҳовуч тупроқни — хонумонини. Оқарған соchlарин шамол тұзғитар, жон-жонини ўртаб ҳижрон кулади. У бир зум болага айланиб қолар: болалиги сен-ла үйнаб юради. Күздан оқдан ёши тупроққа томар, жийда гулин иси урап димоққа. У маҳзун пичирлар, дуолар қылар; ҳеч кимса тушмасин юртдан йироққа! Қошғар тупроғида йиғлайди Фурқат, шеърида ҳижронлар сұзлаб ётади. Бир ҳовуч тупроқнинг армонаиде у тоқиёмат қадар бұзлаб ётади! Ватан, тупроғингга бошимни күйдим, сен армон, сен ҳижрон, үтли охымсан: Боламни оқ ювиб, оппоқ тараган, улуғ меҳроб — танқо саждагохимсан! Сен берган неъматинг, нон ила тузинг, асрий фуурларинг сутдайин ҳалол! Сенга күз тегмасин, жонимда асрай, боболар армона улуғ Истиқдол!

Сен келдинг! Фанимлар питраб қолдилар. Товоңдан бошигача игна югурди. Улар билдиларки, ҳалол бойлигинг: яна үэлигингга, сенга буюрди. Яна гұдакларинг чехрасида нур, яна оналаринг құли дуода, дунё дарвозаси бизларга интиқ, яна ҳурлик туғинг порлар самода. Улар талвасада: игна югурар, боши-ю товони ва жони томон. Қайлардадир үқлар тинмай отилар, үт ичра инграйди жафокаш Афон! Истиқдол! Мен сенинг битта заррангман. Зулмат водийсидан кечган күп йўлим! Бугун, сен гўдагим умрини тиляб, заминдан аршгача узаяр қулим: оналар дуоси ижобат бўлғай, фаним ўз ёғига қовурилсин ўзи! То дунё тургунча сутдек оқ бўлсин оқкўнгил ўзбекнинг юзи-ю, сўзи!

Сиз, эй дўсти азиз, субҳидам туриб, шукр қилдингизми тиниқ тонгларга. Тўймай боқдингизми кўз ёндирувчи, гуллар илинувчи гўзал рангларга. Сизга ҳовуч-ҳовуч зилол узатган сувга айтдингизми ўз сузингизни? Порлаб тургани-чун, лоақал бир бор, эркалаб кўйдингизми ўз кўзингизни! Шундай. Ҳар бир нарса шукр сўрайди. Шундай. Ҳар бир нарса лутф сўрар ҳалол! Сенга етказгани-чун, Парвардигорга минг бора шукрлар қилгум, Истиқдол! Замину осмоним тинчлиги учун, гўдак кўзидағи ширин хоб учун, шеърлар ёзгин, деб мени қўймаган, кўнглимдаги гўзал изтироб учун, юртим деб туну кун ором билмаган, бир сўзли мардона Юртбошим учун, биз яна озодмиз, ҳурмиз деб турган Асқар тоғлариму ҳам тошим учун, саксонлардан ошиб, топгани сабр ва шукр айлаган оналар учун, етти ўшларида дунё уйида тенгма-тенг юргурган болалар учун, гулкоса ичидә беҳадик ухлаб, субҳидам уйғонган капалак учун, менинг юрагимдан сизга тал-

пинган, қадр деган гўзал камалак учун, дину илмимизни кўксимизга солиб, кўзимга ёш берган тиловат учун, топталган қадрларни азот кутарган Истиқлол аталган саодат учун... Шукрлар қиласман, кўзда ёш билан кўксимда ўзбекнинг беку хонлиги: омон бўл, она-Юрт, она-Истиқлол, энг олий мақсад бу — юрг омонлиги...

АЁЛ УЙФОНМАСА, УЙФОНМАС МИЛЛАТ

Зомин дафтаридан

1

Ривоят қилурлар: жаннат мевасин тенг иккига бўлиб еган ўшал дам Ҳақ амри-ла ундан кувилган эмиш Момо Ҳавво Она, Ҳазрати Одам... Ўша дам дунёнинг залворли юки ўрин қолдирмайин сира саволга: теппа-тенг иккига бўлинган эмиш — ярми эркакка-ю, ярми Аёлга. Мұҳаббату нафрат, кувончу алам, висол ила ҳижрон, сиҳату дард ҳам, қуёшу ой сочган нурлар ҳам тоза, умр деб аталган кўхна дарбоза... Руҳ қушин сайроғи... югуруқ хаёл... барига тенг шерик бўлганмиш Аёл.

...Хиндистонга тушди Ҳазрати Одам. Қип-қизил Сарандиб тоғига тушди. Кўз ёш тўқди беҳад. Тавбалар қилди, изтиробнинг ёлғиз домига тушди. Кўз ёшлари томган ҳар қарич ердан чечаклар, ям-яшил майсалар унди. Тақир тошлар аро кўз ёшдек тиник, чанқоқ қондирувчи булоқ кўринди. Доривор гиёҳлар гуркираб ўсди. Сарандиб тоғининг ҳар бир тошида, бизга замин деган зўр мерос қолди. Одам Атомизнинг кўзин ёшидан...

...Жидда тоғларига тушди онамиз. Одам Атомизнинг жуфти ҳалоли. Дунё ибтидосин танҳо гавҳари, дарёларнинг боши — танҳо Аёли. Жаноби Ҳақ уни яратмишида кўрк ҳали бир бутун — юз улуш эрди! Улуг Тангirim кўркнинг тўқсон тўққизин Ҳазрат Она — Момо Ҳаввога берди... Ва унга сабр берди ва берди ҳаё, илоҳий ишқ берди нур каби ҳалол, аршда никоҳ қийди, гўзал жуфт берди. Жаннатга жуфти-ла йўл олди АЁЛ...

...Уч юз йил у танҳо саргардон кезди. Жуфтидан йироқда тўкиб кўз ёшлар. Истиғфор айлади. Аёл фамидан тарс ёрилиб кетди қорайган тошлар. Булоқ суви каби тиник жолалар томган ерларида сунбуллар унди. Қалампирмунчогу ўсма, хинони Ҳазрат Момо Ҳавво бизга илинди. Фироқнинг бу узоқ оташларида икки кутб аро улар чопдилар. Улар бир-

бири-чун яралган эди: улар бир-бируни яна топдилар. Одам вужудида ер сирри пинҳон, тириклик дегани Момо Ҳавво ҳам. Улардан лоақал бири бүлмаса ўқидан чиқади, бу күхна олам. Улар бир вужудда гүё икки жон: Ватан деб жон жойи сүқилиб борар. Бир-бирун құлларин туттан чоғида гунохла-ри дув-дув түқилиб борар.

Тириклик дегани Аёл дегани. Миллат нафас олган тоза ҳаво у. Тоғларда бор овоз ила ҳайқырсанг яна қайтиб келар акс-садо у. Миллатни оқ ювиб, оппоқ тараган, аллалар ай-түвчи бир ғамгусордир. Эрни эр қылувчи, дардин оловчы, унга баҳт берувчи вафодор ёрдир. Қоракұз тулпорлар ёлин силаса, күёшга учгудай қувват берувчи, сочини супурғи қилиб Ватанга, үзи тоғлар каби мағрур турувчи... жимгина суювчи... күз ёш түқувчи, ишқи ҳам гул каби, нур каби ҳалол...

Ҳәётнинг табаррук юкин елкалаб, шу зайл Ҳақ сори кетмоқда...

АЁЛ...

2

— Хайр, ўғлим, ота-боболаринг ҳам душман құлида ҳалок бүлган. Шаҳид ўлмоқ бизга мерос. Сенга берган сутим оқ бүлсин!..

*“Олои Маликаси” —
Курбанжон Додхөс сүзидан*

...”Сенга берган сутим оқ бүлсин, болам!..” Эркнинг чақ-моқлари айтди бу сүзни. Ҳурликни бүғолмай, узилиб кетган дорнинг сиртмоқлари айтди бу сүзни. Зарраси жон қадар табаррук бүлган Ватан тупроқлари бу сүзни айтди. Болам, деб қон йиглаб, ёши тутаган, ҳув, сүқир булоқлар бу сүзни айтди. Навқирон вужудни сұнгти бор құчган девона шамоллар айтди бу сүзни. Болалигин изи құксіда қолган нураган деворлар айтди бу сүзни.

— Болам! — деб дор сари келдингми, Аёл! Болам, деб, дор сари келдингми, Она! Ватан, деб дор сари келдингми, Аёл! Ватан, деб дор сари келдингми, Она! Эрк, дея дор сари келдингми, Аёл! Эрк дея дор сари келдингми, Она! Кел, хоки пойингни күзимга сурай, кел, сенга бош қүй, УЛУФ ОСТОНА!

Сен қандай сеҳрли құдратсан, Она! Она десам борим юшшаб кетади. Сув булиб оқаман, дарё бұламан, армонлар

жонимда нураб битади. Куриган гуллар ҳам исминг эшитиб, қайтадан яшнарлар ифорга тұлиб, тиззанға бош қүйіб ором оламан, сочим оқарса-да, бир бола бұлиб.

Сен қандай сәхрли хилқатсан, Она?

...Гувиллаган дengiz гувранар, инграр. Дорға тортмоқчилар Эркни — болангни. Сен кириб келасан тулпор ёлиға сингдириб юрт исин, куттуға далангни. Құзингта болангнинг нигоҳи тушди: қон сизған сүзингни ичға ютасан. “Она!” — деб бұзлаган жонжақонингта “сүтим оқ бұлсın!” — деб қайтиб кетасан.

— Жоним-ей, онам-ей” “Жоним-ей, болам... Менинг шунқор болам, менинг мард болам. Менинг аллаларим ҳаром құлмаган, бургут болам менинг, лочиншаң болам!..” Кетасан... Йиғлайды тагингда тулпор... Тишлиаринг сингудай кетиб борасан. Моможон, асилим, менинг мард момом, шу алпоз Қуёшга етиб борасан. Құзларинг ёшини шамоллар артар. Қулоғинг остида бир үктам нола. Сукутни синдирмай йиғлайды дилинг. “Сен эмас, мен ўлсам бұлмасми, болам?”

...Гувиллаган дengiz гувранар, инграр. Тулпор туёқларин үпади тупроқ... Мозий, не сўзинг бор менга айтгувчи, ОНА деб аталған сўздан улуғроқ.

Дор тагига келди оқ отда АЁЛ. Бошидаги сочи тоғ қоридан оқ. У Ватан тимсоли, кураш тимсоли, бутун борлиғида шивирлар тупроқ. Унинг мағрур боши мангу әгилмас, шамолга ишонмас соч толасини. Аммо Ватан учун, улуғ юрт учун, бағишилар ўзини ва боласини.

Зеро, бу дунёда бир ҳақиқат бор: күп бор әгилгану аммо синмаган. Аёл — битта исми Эрк бұлған Аёл — дунёда ҳеч бир күч уни енгмаган...

3

Болалар уйига борсам, бир жажжи қизалоқ “ўзингиз билан мени ҳам олиб кетинг” деб, бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олди. Ўша тун кечаси билан мижжа қоқмадим.

1990 йил, февраль.
Кундалигимдан

Күрдим. Етимхона хобхонасида бир түп тоғдан тушган жайронни күрдим. Құзда ҳасратнинг қора қюони — чил-чил синиб ётган осмонни күрдим. Ҳуркакларим менинг, қоракузларим, нигоҳингиз мени бўлиб ташлади. Бир бутун миллатдим,

бутун давлатдим — қилич бўлиб, тилиб-тилиб ташлади. Мен она бўлдимми, сиздан узоқда, сиздан қочиб, излаб, топмай тилла тахт. Оҳ, армон исидан пишган мевалар — кимга ҳам ёқади мевасиз дараҳт. Мен ўзим бўлмадим, она бўлмадим, мен ҳаёт топтаган қора тош бўлдим. Ҳиссиз, лаёқатсиз... Эрмак бўлган ишқ — иблис ила ошно муздек лош бўлдим.

Сен мени кечиргил, эй дўсти азиз. Кўзу кипригimu жон деб севганим. Ўзимни бир чури хоки пойингда, сени кўнгил беги — хон, деб суйганим. Нега ўз гўдагинг ўзингта малол, нега ўз қонингдан тониб борасан. Яратганим тутган жаннат мевасин оёғинг остига олиб борасан. Уйғон, дўсти азиз. Эрк учун уйғон, миллат учун уйғон, мен учун уйғон. Улуғ руҳлар ҳаққи, улуғ юрт ҳаққи, томирдаги тоза қон учун уйғон! Тавбалар қилмоқлик фурсати етди: иблис томирларин қирқомгимиз шарт. Кўнгил булоқлари зилол бўлмаса, қуриб қолар бир кун ишқ номли дараҳт. Агар эр аёлни офтобим деса, у офтоб бўлади, у ой бўлади, ҳали ўқилмаган китобим деса, у бошга қунувчи Ҳумой бўлади. Деса ғунчаларни ўзига сингил, Кумушбиби келиб этагин ўпар. Атиргулни деса: эгачимдир ул: ҳаволарга хушбўй насимлар сепар. Дўстин аёлинни деса номаҳрам, фаришталар хушнуд айларлар дуо. Кун бўйи ҳориган күёш ҳам абад ушбу хонадонга бўлар маҳлиё. Кўли қадоғига десаки: санам, аёл қаримайди, ғам уни букмас. Ҳар бир андуҳига тондек қўзғолса, у ўтда ёнмайди, у сувда чўкмас. Хаста гўдагига тутса жонини миллат вужудидан арийди дард ҳам. Иймон-ла безаса дастурхонини бир куни инсофга келар номард ҳам. Шунда бу дунёнинг қора кўзлари ёшли эмас, яккаш сурмали бўлур, аёл қулларида ишқнинг хиноси, кўйлаги ҳаёдан бурмали бўлур. Бир қучоқ боласи бағрида кулиб, бу ҳаёт бағрида кезар мастона. Юз йиллар нарида армонлар қолар, эртакларда қолар ул етимхона.

4

Дедилар: жаннатга бандайи мўмин ёлғиз иймон ила борса бўлурми? Жаноби Ҳақ шунда бандаларидан рози бўлурмикан, кўнгли тўлурми?

— Шаксиз! — жавоб қилди шунда улуғлар. Жаннат боғларидан иймон ҳам дарак. Аммо Ҳақ васлига етмоқлик учун ИЙМОН тогларидан ўтмоқлик керак...

Оналар пойига нисор этилган жаннатга тушмоқлик шунчами душвор? Ӯн саккиз минг олам силсиласида қанча сабр, қанча Иймон тоги бор? Асрдан асрга ўтар бу жумбоқ, ким-

дир савол бериб жавоб кутади. Кимдир тоғдан ошиб ўтаёт-
ганда нафс дарасига қулаб кетади... Имом ал-Бухорий ғишт-
лари қани? Ҳазрат дийдорини чандон тилаган...

...Мен бир аёл ерга чўкиб кетаман. Наҳот, Иймон тоғи
шунча нураган? Кимдир умр бўйи савоб йигади: Тили-ю
қўлидан аҳли мўмин лол. Бироқ, у қурган уй қафасларида
кунишиб, қалтираб ўлтирас АЁЛ! Қаноти қирқилган маъюс
кушдир ул: кўринмас занжирдан минг пора кўнгил. Ул сот-
қин занжирлар шодон шиқирлар: у аёл бўлолмас, у бир ожиз
кул!

...Нега ҳазрат Темур аҳли аёлин кафтида кўтарди. Бошда
кўтарди. Нега Бибихоним — малика момом Соҳибқирон ила
жангта кетарди? Нега олисларда юрганда ҳазрат малика момо-
миз қасрлар курди? Аёл ақли ила зийнатланган таҳт юзини
мангулик сорига бурди. Нега улуғ мирзо — Умархон мирзо
Нодирабегимни сўйди жон қадар? Фазаллар атади, девон ата-
ди — умрини атади, анда жон қадар... Нега, нега дейман, ақлим
шошади, мүминлар, мен Сиздан жавоб кутаман. Жоним оғриқ-
ларин, изтиробларин яширмай шу қофоз узра битаман.

Олис Ҳиндистонда севги қасри бор. Уни вафо қасри, ишқ
қасри дерлар. Уни бир бор агар зиёрат қилса, тузалиб ке-
тармиш кўнгли сўқирлар. Сиз-ку, қаср қурманг, ой олиб
берманг, ёлғиз кўнглин олинг, ширин сўз айтинг. “Сен ме-
нинг ҳамдамим, суюнчимсан” денг, ишонинг, авайланг, че-
чаклар тутинг. Уни буюм деманг, уни кул деманг, косасига
куйманг миннатли ёвфон. Қаранг, у болангизни қандоқ суя-
ди, қаранг, бошингизда қандай гиргиттон.

У Эрк тимсолидир, Ватан тимсоли. У Она тимсоли —
соchlари оппок. Капалак умридек қисқа фурсатда маъво йўқ
Ватандин кўра улуғроқ. Икки дунё унга бир тутам бўлиб, у
сизга фарзандлар ҳадя этади. Жаннатга элтувчи иймон тоғ-
лари аҳли аёл қалби ичра ўтади...

5

Бир куни тўрт ёшли қизим Нодира
мен ўтирган хонага кириб, қўлларимдан
ушлаб турғизди-да: “Ойижон, сиз мени
эшитинг”, деб лаблари титраб, ўта жид-
дият билан Давлатимиз мадҳиясини айта
бошлади.

Қошингда лол бўлиб, адл турибман. Сен айтган кутлуг
сўз мени элтмоқда. Митти вужудингда, жажжи жонингда юрт

тугроси порлаб-порлаб кетмоқда. Сен қачон кўксингга экиб улгурдинг, жажжи ойча бўлиб, қошимда порлаб. Қимтилган лабингдан, гўзал товушингдан хона деворлари кетмоқда титраб. Бўғзингдан озод, ҳур кушлар учмоқда, укпар товушларга тўлмоқда хонам. Қалбимда дарёлар буралиб оқар, улуғ вулқонларни кечирар олам! Мен қайларда эдим, узокда эдим, юз йиллар нарида руҳим толибди. Мен худодан йифлаб сўраб олган Эрк гўдагим рамзида келиб қолибди.

Менинг қоракўзим, сайроқи қушчам, шу қадди-бастингга кўзлар тегмасин. Бу шоир тилингга, озод тилингга ғанимлар ўқлаган сўзлар тегмасин. Оҳанглар оқмокда қудратли, улуғ: юртим ўр-қирида қулуңлар чопар, Қиш қаҳридан қақшаб чиқсан Ватанга баҳорлар ям-яшил тўнини ёпар. Куртаклар ҳадемай гулга киради, ҳар бир гиёҳ албат ўз фаслин кутгай. Ўзбек тупроғининг яшил баҳори вақтлар келиб дунё юзини тутгай. Унгача ҳали кўп кураш олдинда, уйғотмоғимиз шарт ўзларимизни. Уйғотмоғимиз шарт мудроқ нигоҳлар, ярим ухлаётган кўзларимизни. Инсофни тортқи-лаб уйғотмоқ керак, у ҳамон уйқудан тургиси келмас. Тамагир, юлғичлар, буқаламунлар ҳамон кайфу сафо оғушида маст. Жойини жонига қўшиб кучоқлаб, ўлтирган кимсалар куршалар хавотир...

...Гўдагим, фариштам, юзингга боқиб, руҳим кўзгулари ярқираётир. Зилол оҳангларда куйлайвер эркам, сен Эрк кўқсидағи илоҳий фунча. Куйлайвер, катталар қўлидан ушлаб, “Инсонда инсонни уйғотмагунча!”

Кошинга лол бўлиб, адл турибман. Нигоҳинг руҳимни ёфдуга белар. Мен сени қучаман: бўйи-бастингдан улуғ момларим ислари келар...

6

Бугуннинг Аёли елкаларида Истиқлол турибди — Ватан турибди. Гул каби гўдаклар хотиржамлиги — жафокаш курраи олам турибди. Бугун у Тумарис юраги билан Эркнинг қушларига донлар беради. Ватан томирига томирин улаб, лозим бўлса унга қонлар беради. Тупроғини ҳидлаб, кўзига сурар, у бугун Истиқлол иси или маст. Эркни боласидек сўймаган одам — у биздан эмасдир, у биздан эмас.

Үйнинг чироқлари порлаб турибди. Демак, порлаб турар Миллат чироғи. Аёлнинг қалбида қайнаб ётади туну кун муқаддас Хизр булоғи. Шу сув-ла сиз тез-тез юз ювиб туринг, ҳовуч-ҳовуч ичиб, бўлингиз сероб. Мудроқ нигоҳларга бир

кудрат инар, күзлардан қувилар асрий оғу — хоб. Ватан биз-никидир ўр-қири билан, бирдир күзёш, жонбахш наъволаримиз. Ахир, Ватан учун биз кўқдан тушган Одам Ато, Момо Ҳавволаримиз. Кимдир чирофимиз учирмоқ бўлса, ёки юзимизга отар бўлса тош: уни муқаддас нон-туз кур қиласди. У биздан эмасдур, у биздан эмас...

Гулзорда чараклаб ётади гуллар. Гўё күёшнинг бир парчаси бўлиб. Аёллар, сиз руҳим кенгликларида ўсдингиз тоғларнинг арчаси бўлиб. Йўқ, сиз гуллар эмас, ҳаром-ҳариси кўл бир ҳидлаб, чеккага ташлаб кетувчи. Сиз арча, тошларни тарс ёрган кудрат — мангум яшилликдан достон битувчи. Эй, Шарқнинг оқила, дарё аёли, сиз дунё дурларин сараларисиз. Сиз Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, улуғ Амир Темур оналарисиз...

Бу дунё саҳнида мукаррам номинг кимдир ерга уриб, қилмоқ бўлса шарҳ... Рух қуши титроққа тушиб айтадур: у биздан эмасдур, у биздан эмас.

Бугуннинг аёли елкаларида Истиқлол турибди — Ватан турибди. Шу Юрт бекаси ул ўру қирларинг илму шуури-ла безаб юрибди. Иймон шамчироги бўлиб Ватан-да, Аллоҳдан битмас нур сўрамоқчи у. Ойдек Барчин бўлиб, Эркнинг боласин тилло бешикларга беламоқчи у. “У ой ёруғидир, күёшнинг нури” ва биз тўйиб-тўйиб олгувчи нафас... У — УЛУФ ОСТОНА — ВАТАН УЙИГА нопок қадамларни асло йўлатмас...

7

Мен тоғларга бордим... Чўққи уйида ийманиб, осилиб турарди Ҳилол. Ойнинг нурларидан ҳўплаб, шимириб, доривор чечаклар терарди Аёл. Сочидан келарди гиёҳлар иси, оппоқ рўмолидан шу ис келарди. Кўзидан, сўзидан, қадоқ қулидан, изидан эргашиб шу ис келарди. Охукўз кийиклар ёнида эди, шўх, қайсар улоқлар эди ёнида. Чўққидан ийманниб қараган Ҳилол чўмилган булоқлар эди ёнида. У худди ой нури каби эди оқ. У худди ой нури каби эди пок. Бу сирли маъвода — хотир дунёмда мен Аёл кўрмадим ундан гўзалроқ...

Мен уни ногаён чўчитмай дея арча панасида турардим беун. Дунё ифорларга қоришган эди. Чечак ҳиди ила сармаст эди тун. Ёраб, узоқдан у мени чорлади. Сехру синоатдан муз қотди танам. Ой қошимга келиб, мендан сўради:

— Сен ҳам чечак излаб келдингми, болам? Тун нафас чиқармай тинглади бизни. Юлдузлар ёнарди сирли, ярқи-роқ. Хаёл күзгусига боқиб күрмадим бу каби сирли нур сочувчи ЧИРОК.

— Тоғда бир гиёх бор, тунда етилар. У гиёх күп сирли — меҳригиёхdir. Минг битта дардларга даво бўлар у. Бемор вужудларга мушфиқ паноҳdir. Тунда у ўт каби ловуллаб ёнар. Зулматни парчалаб, ёғду сочади. У нопок кўлларга ўзни тутқизмас. У мунис дилларға бағрин очади. Аёл ҳам бамисли шу сирли гиёх. Сиру синоати қалбидаги пинҳон. У улуғ тупроқдан қудрат олади. Шунда томир отар, гуллар берар жон. Она шер қудрати унда мужассам: фаним кўзин бир шаҳд ила ўяди. Гудаги инграса, қалб қони билан миллат жароҳатин боғлаб қўяди. Улуғ момоларин кутлуга рўмоли артар кўкрагидан асрлар доғин. У пок, озғин, нозик кўллари ила ҳеч кимга бермайди миллат байроғин! Унинг алласидан уйғонар дунё: миллат уйғонади, ҳалқ уйғонади. Асрлар кунжида мудраган карахт улуғ сўз уйғонар, қалб уйғонади. У гуё миллионлаб нур кукунлари: миллат дарди ила кулиб қўяди. У Эркни падардек, оғадек суйиб, жонида гудакдек олиб юради.

У — она у — сабр, у — ишқ, у — вафо, у — табиб, у — ҳабиб, у — бутун баҳтдир, аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат, у тўрт фасл гуллаб турган дараҳтдир!

МОМО ЕР

I

“Ва биз ерни тўшадик ва қандай ҳам яхши тўшагувчи дурмиз биз”

“Куръони Карим”дан

Аллоҳ амири ила яралди Дунё... Яралди Замину, яралди Куёш. Ойу юлдузлар ҳам саф чекди қатор. Кушу куртлар, сувлар, шамол, булутлар, сервиқор тоғлару дараҳтлар, ўтлар Момо ер кўксини қилди ихтиёр. Ажаб... Даҳшатга тушаман сувларга боқиб. Жимиллаб, гувиллаб ётади улар. Бағрига бўронни яшириб ётар. Ложувард осмонни яшириб ётар. Дунёнинг қақраган дудоқларига тириклик сувини бериб ётарлар. Қаҳру итоб ила тўфонлар қилиб, жонларни тасбеҳдек

териб ётарлар. Бу сувлар гоҳ сокин, гоҳ ювошланар, гоҳ дарғазаб бўлиб, қайнаб-тошадир. Лек чайқалиб сира тўкилиб кетмас. Момо замин деган улкан косадан...

Титроққа тушаман тоғларга боқиб. Улар оғир... Вазмин, сирли, залворли. Хоҳласа қүёшни қўйгудек тўсиб. Аммо Моможоним, улуғ тоғлар ҳам фамгусор қўксингдан чиққанлар ўсиб...

Нозланиб юрадур қоракуз жайрон... Ҳусну латофатин қилганча кўз-кўз. Туёқлари қўксинг тешиб юборар... Шунда ҳам лом-мимсан. Сокин ётасан. Жонинг оғриса-да, демайсан бир сўз.

Йўлбарслар юрурлар сервиқор, кибор. Чангалида оҳу инграб, берар жон. Кўксингга томади қайноқ қизил қон. Гиёҳлар титраниб, сесканиб кетар. Хўрсиниқларингдан тоғ кўпчиб тушар... Шунда ҳам сен жимсан, жоним Моможон. Менинг сабрлигим, бешик тўшагим, курту қумурсқага бирдек кўрпасан. Кўзу кўнгилларнинг қақроқ чўлига ифорлар сепасан, раидон экасан. Ажаб...

Асрларнинг боши қўксингда ётар. Ётар оғушингда не улуг жонлар. Қўли очиқ кетган Искандар, Чингиз, боши кўкка етган не-не хоқонлар. Улар гўдак чоғи момиқ товонин кўзларингта суриб, суйиб ўпгансан. Сўнг қирлар қўйнида бошу кўзидан чучмома сепгансан, жамбил сепгансан...

Шундай... жумлайи жаҳонга мушфиқ онасан. Оқ ювиб тарайсан, берасан сутлар. Бағрингда тухумдан чиқиб полопон, бағрингда жон таслим қиласар бургутлар.

Кушларга ризқу рўз берувчи ўзинг...

Дараҳтлар томири қўксингда пинҳон.

Тўрт фасл тўрт тилда сўзлатиб, гуллаб,

куртакларга кўзлар бергувчи ўзинг.

Ҳатто қўксин чақмоқ йиртиб юборса, сенга кўз ёшларин илинар Осмон!

Булутлар чўққингни ўпиб ўтарлар.

Саҳронгга соялар ташлаб ўтарлар.

Улуғ сувлар юзинг ювиб турарлар.

Мажнунтоллар сочинг ўраб қўярлар...

Аргумоқлар чопар ҳансираб, кишнаб, девона шамоллар етолмас унга. Булутлардай қўчиб, чиройли бошин индамай қўюрлар азиз қўксингга.

Оҳ, жоним онахон, кутлугим Момом, боламга бешиклар ясаб ётасан. Фарзандларим қорда қолмасин дея, уйимга эшиклар ясаб ётасан. Бўлиқ донларингни дастурхонимга бурсиллаган нонлар қилиб қўясан. Оғзимга минг турли ризқ илинасан. Сочларим сувингда ювиб қўясан. Қамишлар ўстириб, найлар тутасан, дунёни тўлдирай дея навога. Аршга сифмаган дам мангу жой бердинг, ҳазрат Одам Ато, Момо Ҳаввога...

Бу қарзлар жонимни ўйиблар борар: сенга тутганим гул бўлдими ёлғиз? Унда қайдин пайдо бўлди кутлуг кўксингда шунча жароҳатлар, шунча қонли из? Кўкдан садо келар нурга қоришиб: биз Одам боласин қилдик мукаррам. Етти қат осмонни бахш этдик унга. Яралмиш заминнинг еттисини ҳам.

Одам боласининг қусурлари мўл: ҳамон тўкиламиз, ё тўлмадикми? Момо Ер самога юзланиб ётар: “Оё, биз ерни тўшак қилиб бермадикму?”

II

Юсуфни бозорга солди бу дунё:

Мана бу оқил қулни ким олади?
Мана бу гариф қулни ким олади?
Мана бу нодир қулни ким олади?
Мана бу ҳайдалган қулни ким олади?
Мана бу латофатлик қулни ким олади?

Хиёнат қўлида титрайди қисмат. У зулмат кўксисда бир күёш эди. “Кичкина бўлса ҳам савол саволдир”, “О, мени сотганлар, ўтга отганлар оғаларим эди — қориндош эди”. Ҳамон шу жумбоқдан қийналади жон. Ватанини сотарлар. Дўстни сотарлар. Кўксингда от ўйин пайдо қилишиб, сенга ўқ отарлар, олов отарлар.

Онага қилични сермаб бўларми? Онанинг юзига мумкинми урмоқ? Момо Ер ингранар: фарзандлар учун бормикан бундан-да улуғроқ гуноҳ?

Юсуф юзларининг гўзаллиги ҳам,
Юсуф кўзларининг гўзаллиги ҳам,
Сочларининг қаро-қаро тунлари,
Найдан-да ёқимли, нозик унлари...
Тишлари дур ила ҳусн талашган,

Құлларин шамоллар ўпіб, силашган,
Бу тенгсиз заковат, хусн мардона
Яна ўз бағрингта қайтди-ку, Она!

Хамон улуғ төглар хаёл суради. Хамон гиёхларинг хаёл сурар жим. Шамоллар күксидан бир сас келади: мени сотган эди биродарларим...

Шундай бозорларни күрган Момосан!

Қайдадир куриса оби ҳаётинг, одамлар не учун йиғламайдилар?

Биродари ўтса, боласи ўтса, одамлар не учун йиғламайдилар?

Жонажон дүстларин бир пулга сотса, одамлар не учун йиғламайдилар?

Йүлбарсın йўқотса, лочини ўлса, одамлар не учун йиғламайдилар?

Улар йиғлайдилар: амали ўлса, шон-шуҳрати ўлса, пуллари ўлса...

Атрофида товон ялаб юрувчи, хиёнаткор, пасткаш қуллари ўлса...

Фалати дунё бу... Фалати фоят... Аллоҳ қаршисида қулмиз барчамиз. Аслида Момо ер — Ватан дусосин олиб улгурмоқлик эрүр саодат...

Бағрингда туғилиб, ўсиб, улғайиб, яна қучоғингта қайтишни сезса, эҳтимол, ғаним ҳам дүстга айланар... Эҳтимол... Шамоллар нохуш эсдилар. Феврал баданидан ўтиб кетди муз. Онага ўқ узмоқ мумкинми, иним? Сени шунча ғафлат чирмаб олдими, иблис вужудингта қутқу солдими? Биз сенга ишониб кўйдикми, ЭССИЗ? Шу ерда кўзимдан тирқирайди қон. Ўз-ўзимни ёмон кўриб кетаман. Моможон, бешигим, заминим, жоним, энди сенга қандоқ шеърлар битаман?

Бир бурда нон учун сотилмас ўзбек.

Бир ҳовуч пул учун бўлмас саргардон.

Бу жаҳолат учун, бу гуноҳ учун

Сен бизни кечирсанг бўлди, Онажон!

Асрлар томири қақшаб кетдилар. Соҳибқирон бобом куяр бетоқат: руҳни Эрк сувига чайқамоқ керак, Ватан озодлиги — шудир саодат...

Юсуфни бозорга солди бу дунё... Бу асли бир синов, имтиҳон эди. У пойини ўпған оғаларига кулиб турганича шун-

дай сүз деди: “Эй биродарларим, сизлар мени қудукқа таш-ламадингизлар, балки мени таҳтта ўлтириғиздинглар. Эй биродарларим, сизлар мени гурбатта ташламадингизлар, балки мени подшоҳ қылдинглар”.

Шундай азоблардан ўтгансан Ватан! Шундай қийноқлардан ўтдинг Момо Ер. Сен Эрк бешигисан, сабр шоҳисан, қисматлар ёзилган китобсан ахир!

III

“Хақиқатда ҳамма мүминлар
бир-бирига биродардурлар”

“Куръони Карим”дан

Раҳмати Илоҳий осорига боқ; ҳаётсиз заминга қандай берди жон! Муқаддас китоблар бешак муқаддас: Тавротми, Инжилми, Забурми, Куръон! Замин ҳам ҳаммага етиб оргади, мүминлик, муслимлик қонимиздадир. Биз билган дунёга тош отма, фаним. Оллоҳ қалбимизда, жонимиздадир. Қара, Қуёш, Ойга, нурларин сепар, биз нурга юзини ювган авлодмиз. Муқаддас китобин сендан яшириб, қабрда асраган одамзодамиз! Бизни ер юзидан супурмоқ булиб, минг бор уриндилар, оқди дарё қон. Улар унутдилар, Момомиз замин, бизни асрайверар отамиз Осмон!

Момо Ер, сен шундай муқаддассанки, ибодат учун ҳам тупроқ берасан. Бошидан қүёшлар ўтмасин дея, соя-салқин деган япроқ берасан. Қара, гиёхларинг қандай мүминлар... Бир-бирин кучоқлаб, тиллашиб яшар. Күшлар бозор қилар, дарёларингдан болачаларига сувлар ташишар. Даражтларинг иноқ, шовуллаб турар, Аллоҳдан беамр узилмас япроқ. Күнглимдан бир ёруғ сўзлар ўтади: Момо Ер мүминлар ичра мүминроқ. Мүминлар барчаси биродарлардир: зулм — рух даражтин қуритар оғу. Қўлимиз узатсак бир-биримизга гуноҳларимиз ҳам тўкилар дув-дув... Мүминлик ҳамманинг қўлидан келмас: у зулм эмасдир, у ҳилм, карам... Бизни кузатурлар безовта, гирён: аввал, охир ўтган пайғамбарлар ҳам...

Бир куни Сулаймон пайғамбаримиз йўл олди чумоли во-дийси томон. Беҳисоб лашкардан митти жонларни босди қўркув, босди беҳад ҳаяжон: “Уйга киринглар, ҳой, биродарларим, — деди бир чумоли ҳовлиқиб, шошиб. Мабодо Сулаймон аскари қўрмай, сезмай қолиб, сизни кетмасин босиб”.

Ҳамон табассумлар қилар пайғамбар, юз тутганча танҳо қодир Худога: “Неъмату, шукрингдан бенасиб қилма, солиҳ амал бергин, зулмдан асра, умрим сероб айла мұлкүл дуога...”

Мұминга биродар бұлмоқдик учун, қалб иймон нурига چұмилмоги шарт. Чумолига азоб бермас мусулмон, меҳр булоғидан сув ичар дарапт.

Эй, ниқоб ортида турған ғанимлар! Мұқаддас динимиз құлманғыз ҳаром! У бизнинг қонимиз, жонимиздадир. Бир-бирига зулм құлмас мусулмон. У киндиқ қонлари түкилған замин увоғин күзига суриб яшайды, саҳролар күксига бағридан оққан савоб дарёларин буриб яшайды. У гүдак құлиға илк қадамданоқ бош ёрувчи тошмас, гуллар беради. Аёлин асрайды, нон-ризқ келтириб, Ватан хизматида тун-кун елади.

Кибордан олисда бўлади мўмин.

Кўзлари ҳаддидан ошиб кетмайди.

У ерни авайлаб-авайлаб босар,

Сўзлари ҳаддидан ошиб кетмайди.

Нафсига қул бўлмас, муноғиқ бўлмас...

Итларга Ватанин сотмайди.

Гўдагини гумроҳ құлмас ҳеч қачон,

Нафс оловига отмайди.

Подшоҳини фийбат құлмайди мўмин.

У Аллоҳнинг ерга тушган сояси.

Мўмин эзгуликдир, сабрdir мўмин.

Мўмин — ҳақиқатнинг дояси.

Аллоҳ Ер юзининг ҳар бир жойини ибодат учун пок қилиб яратди. Ва ўзи хоҳлаган бандаларига шоҳлик рутбаси-ю, нурин қаратди.

Момо Ер, золимлар зулмидан сени танҳо қодир эгам — Аллоҳ арасин. Қучогингда жаннат меваси унсин, қалбларни ишқ деган булоқ арасин.

Бир бурда нон учун сотилмас ўзбек,

Бир ҳовуч пул учун бўлмас саргардон.

Сенга зулм қилған бўлсак ногаҳон,

Гуноҳимиздан ўт, азиз онажон!

IV

“Эҳсонлар ёрдамида дилларни қўлга кирит...”

“Куръони Карим”дан

Эҳсон, қай таҳлитда бўлади эҳсон? Момо Ер эҳсонлар кутиб ётиби. Менинг қўлларимдан, менинг кўзимдан... Менинг қадамимдан, менинг изимдан... Мен унинг дилини овламоқ учун далага уруғлар сепмоғим керак. Бўлиқ буғдойзорлар шовуллаб турса, ризқ денгизи турса чайқалиб, кулиб... Гўдакларим юзи ширмон бўлади. Момо Ер қайтарар бирга минг бериб.

Самарқандда шундай боғбон бор эди. Фанижон ота деб суюрдик уни... Ташландиқ ерларни сўраб олди у. Ўзи бемор эди — хастаҳол эди. Қандкасал қўймасди зулукдек сўриб. Барибир боладек билмасди тиним. Шундай бир боғ барпо қилдики ота... Жаннатдан бир бўлак ташлаб кетди у. Жигаргўшалари — дараҳтларининг кўзларин мангуга ёшлиб кетди у. Шундай... оптимиздан қолсин эҳсонлар...

Эҳсон, қай хил рангда бўлади эҳсон? Кўзим кўзларингга ҳар куни тушар. Ҳар куни дийдоринг жонимга босгум. Моможоним менинг, хазинам момом, не хизматлар қилсам, эҳсонлар берсам сенга лойиқ фарзанд деган ном олгум... Гулларга ўрагим келади сени, соchlарим супурги қилгим келади. Тоғларингга чиқиб, минг бир гиёхнинг сирини Сино-дек билгим келади. Куёш нурларини ҳовуч-ҳовучлаб, муқаддас бошингдан сепгим келади. Типратиканларинг қўлидан ушлаб, иним деб юзидан ўпгим келади.

Не қилсам, кунглингни топаман, Она? Не қилсам асрайман ёмон кўзлардан! Сукут қилмай сўра, талаб қил, ёдлат, фарзандлик бурчини угил-қизлардан. Токи, кўкрагингдан оқ сутинг эмиб, оппоқ юзларингга тош отмасинлар. Гумроҳ бўлмасинлар, иблисни қучиб, бўғзи қадар гуноҳга ботмасинлар. МОМО ЕР! Сен энди дунёга юз очмоқдасан, ортдадир азоблар, ортдадир рўё. Табаррук заминим, жону жаҳоним, эй замин аталмиш оқ сочли Момо!

* * *

“...Кўрсат жамолингни, сенга бир қарай”

“Куръони Карим”дан

Ҳақ жамолин истар ҳар битта кўнгил. Ҳазрат Мусо беҳуш бўлиб йиқилди жисми билан кутлуғ Момо тупроққа.

Онахон, сен уни оҳиста кучдинг, аъзойи баданинг тушиб титроққа. Хуш қайтди қалб билан. Тасбек айтди тил. Сен унинг жисмини кўксингда тутдинг. Тур тоғи шодлигин кутлуг май каби энтикиб шимирдинг, энтикиб ютдинг. Аслида яратган эҳсони-ку сен! Одам авлодига айланган нисор. Тоғларинг эҳсондир, сувларинг эҳсон, ҳаволаринг эҳсон, эҳсон эрур қор! Балки Ҳақ жамолин бир заррасисан — жисму жонимизни бағрингда тутган. Сенга тик боқмоққа зарра ҳаддим йўқ, тақдир китобини зарралар битган.

Эй муқаддас Ватан — жоним Момо Ер!

Мен Аллоҳ кўнглини олмоғим учун аввал сенинг дилинг овлашим керак. Ярадор охунинг оёқларини рўмопларим ила боғлашим керак. Илон заҳаридан обиноввотлар, қуш сутидан дарё қўлмоғим керак. Қарғаларга салом сўзин ўргатиб, балиқлар тилини билмоғим керак.

Вақт келди. Шовуллар қалбларда дарё. Шунчаки яшамоқ бизлар учун ор. Эрк дея ёнмаган сўқир кўзларга Юсуф кўйлагини суртмоқлик даркор. Икки қирғоқ аро чайқалар дengiz. Ватан ҳам қалб ичра чайқалиб туар. Шам ловуллаб ёнар. Ошиқ парвона шамнинг шуъласига ўзини урар. Сенку шам эмассан. Қуёшсан Ватан! Мен гоҳ баҳордирман, гоҳ ёз, гоҳ кузман. Сенга бор эҳсони — биргина қалбин индамай тутувчи паркентлик қизман. Болалигим чопар тупроқларингда. Онам ҳамон сочим ўрмоқда тараб. Мен эса бир чексиз қувончга тўлиб, қуёшга чопаман, қуёшга қараб. Ҳамон югураман, майда соchlарим. Гоҳ баланд тушаман, гоҳ паст тушаман. Кўксида Аллоҳу ёлғиз сен ила мен ҳамон ўшаман, ўша-ӯшаман. Бир ҳовуч тупроқ не, битта заррангни то абад ганимга кўрмайман раво. Мен кимман: бор-йуги битта соч толанг, битта оқарган соч толангман, Момо! Она, деб биз балки айтаверармиз, сен жим эшитасан, олмасдан нафас. Эй, жону жаҳоним, табаррук замин, сен ҳам мени “болам” дея олсанг, бас!

ТОНГГА ҚАСАМ

Мана, бир неча қундирки, етмиш икки томиримни ўт каби куйдириб, руҳимни алғов-далғов қилиб, юрагимнинг қонли ёшларига фарқ бўлиб, “ГИРЯ” нола қиласи. Бу куй юрагимнинг туб-тубидан сизиб чиқиб, халқнинг кўзидағи, сўзидағи, нафратидаги, қатъиятидаги изтиробга қоришиб кетади.

Юрагимдаги нафрат дарахти лаҳза сайин юксалиб боради. Иблис ўйинларининг қурбони бўлган ҳамюртларимнинг бошида бўзлаган отахонларнинг, онахонларнинг, маъсума келинчакларнинг нигоҳлари ёлғиз ҳайрат ва ишончдан иборат бўлган гўдакларнинг киприкларидан узилган, ёмғирдай куйилган аччиқ азоб томчиларини ичиб юксалади бу дарахт... Бу дарахтнинг илдизларини қучиб эса бизни ҳамиша меҳрумуҳаббати, зилол сувлари-ю, ҳалол ризқ-рӯзи ила сийлаган, ибтидою интиҳомиз оралиғидаги яхшилигу ёмонлигимизни бирдек кўтарган соchlари оқ она-Ватан ётади.

...Сенга ўқ уздиларми, муқаддас саждагоҳим? Сенга тиф кўтардиларми, азиз онажон? Қучоғингда қирғоқларига сифмай, гувиллаб турган қудратли халқ қалбини ҳазон япроқлари янглиғ түзғитмоқчи бўлдиларми? Ҳар бир ҳужайрасига Ватан сўзи муқаддас Куръон оятлари янглиғ нақш этилган, оқарган соchlарининг ҳар бир толаси ором нелигини аллақачон унугтган, сенинг табарруклигинг ва танҳолигингни дунёнинг энг чекка бурчакларига-да, севинч ва ифтихор ила на мойиш қилган улуф фарзандингни йўлдан олиб қўймоқ бўлдиларми?

Демак, улар биздан кўрқадилар! Демак, улар бизнинг кўксимиизга — гулга кираётган мұхаббат ва нафрат, Эрк ва Ўйғониш дарахти кўклигидан қаттиқ алам ва изтиробга тушадилар. Демак, қалбимизда ҳилпираб, дунё узра қанот ёз-ётган түғимиз тўлқинларидан титроқча тушадилар. Демак, улар — Иблис болалари — гўдакларимизга унугилаёзган аллаларимизни қайта-қайта сеҳрга тулиб айтиётганимизда тонггача тикан устида юриб, қабиҳ ниятларини режалаштирадилар.

Ҳа, бундай қабиҳ, ифлос, разил ишни парда орасида туриб, улуф Тангри даргоҳидан абадул-абад кувилган, ўзларининг шаклу шамойилини турфа рангда қўрсатадиган Иблис ва унинг ҳамтовоқлари амалга оширадилар ва абадий дуо-йибадга юз тутадилар.

...Тўмарис онамизга таҳдид қилдилар. У ғанимининг разил бошини танидан жудо қилиб, қон тўла саночга тиқди...

...Курбонжон додҳоҳ онамизга таҳдид қилдилар... У беҳисоб ғанимларининг қабиҳ ниятларини кутлув шамширдай кесиб, дор остиға келди ва ўғлиға айтар сўзини айтиб кетди. Шамоллар йиглади, у йигламади, тагидаги учқур тулпори дув-дув кўз ёш тўқди, у йигламади. Аҳли аёл, эркак йиглади. У йигламади. Ва ҳануз улуф додҳоҳ онамиз хаёл кенглик-

ларида мағрур ва мардона от чоптиради, нигоҳларидаги нафрат қора тошларни ўт бўлиб кўйдиради...

Ҳазиллашиб бўлмайди бундай халқ билан. Ҳазиллашиб бўлмайди бундай оналарни туқсан Ватан билан... Ҳазиллашиб бўлмайди ловуллаган юракли фарзандларга волида бўлган бундай оналар билан.

Бизни қўркувга тушади, деб ўйлашди. Хато қилишди. Иймони кемтиклар таҳликага тушадилар.

Бизни саросимага тушади, деб ўйлашди. Хато қилишди. Жони сабиллар пана жой излаб қоладилар.

Бизни тўзғиб кетади, деб ўйлашди. Хато қилишди.

Аламзадалар, нафс бандалари тўзғиб кетадилар.

Биз нафратдан янада қаттиқроқ мушт бўлиб тугиладиган халқмиз.

Биз ўзга чаманлар исига ўрганмаган оналармиз.

Биз ўзга тупроқларда жон беролмайдиган аёллармиз.

Биз ўзга ҳаволарда томир отмайдиган гиёҳлармиз...

Зўрлигимизу ғўрлигимиз билан, кувончимизу андуҳимиз билан, кенглигимизу тенглигимиз билан, сахийлигимизу соддалигимиз билан сеникимиз, азиз Онажон!

Тиконларинг гулимиз, майда тошларинг дуримиз, ҳар бир зарранг кўз нуришимиздир...

Сенинг болаларинг буюк бобокалонларимиз — соҳибқирон Амир Темур бўлиб, шеърият султони Алишер Навоий бўлиб, И мом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, И мом ат-Термизий, шоҳ Бобур каби улуғ зотлар бўлиб, берган оқ сутингни ҳалоллаб келишган. Абу Али ибн Сино бўлиб дунё дардига дармон бўлган.

Сен ҳеч қачон ёмон болаларни тумагансан, онажон! Иблис болаларига эса ёвузлик волида бўлган, сут берган. Ундайларни ерда бандалар, кўкда Аллоҳ сира-сира хуш кўрмайди. Денгиз йўлида учраган ғовларни чирпирак қилиб кўкка отганидек, бундай қузғун ва ўлаксахўрларни гувиллаган дengiz — халқ бир зарб билан қирғоқча чиқариб ташлаб, яна улуғ йўлида давом этаверади.

...Жанна д'Аркни тоғдек уйилган ўтин устига қўйиб, ўн минглаб томошабин ҳузурида гулханда ёндиришди. Унинг нозик жисми ловуллаб кўкка ўрлаётган гулхан ўримларига қўшилиб, ҳаволарга тарқалиб, сочилиб кетди. Руҳи ўз эгасига — уни яратмиш Парвардигор ҳузурига йўл олди. Аммо, ёниб, ўчиб, совутган гулхан куллари оғушида мӯъжиза — аланталар минг уринса-да, ямлаб уддасидан чиқолмаган, бус-бутун самандар юраги қолди.

Мұхтарам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич! Асрлар оша гирия гулханларида ёнмаган, бус-бутун юраги, мардона қалби билан үзбек оналари ҳамиша ёнингиздадир. Сиз биз ва болаларимизни шамолларга-да ишонмайсиз, қүёшнинг нурларини обирақмат каби борлигимиздан қўйгингиз келади. “Огоҳ бўлинг!” дейсиз, бундай фожиа руҳу вужудимизни зилзила каби қаттиқ силкитиб ўтди. Яна ва яна огоҳ бўлмоқ, юрт тақдири, болалар тақдири учун доимо бедор ва огоҳ бўлмоқ ҳисси томирларимизда қон янглиғ оқмоқда. Қалдирғочлар ҳар тонгда Валфажр ўқир экан. Валфажр — Тонгга қасам дегани. Ўзбекистон қалдирғочлари — сизнинг ҳеч кимга бермайдиган болаларингиз оналари ила ҳар субҳидам бу кутлуг заминга, табаррук Ватанга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик сўрар экан, улуг Истиқтолимизнинг бошида турган Сиздек буюк инсонни “Аллоҳ ҳамиша ўз паноҳида арасасин!” деб дуолар қиласди. Зеро, заминдан аршгача чўзилган бу жажжи ҳовучларга тўла дуолар Жаноби Ҳақ хузурида албатта ижобат бўлгай...

ҚОДИР ЭГАМ, ТУРКИСТОННИ АСРАГИЛ!

Тунда туриб, юлдузларга боқдим мен,
Юлдуз тўла дарё каби қалқдим мен.

Арш аркини нидо бўлиб ёқдим мен:

— Қодир эгам, Туркistonни асрагил!

Кимдир сендан беҳисоб ганж сўрайди,
“Гуноҳларим кеч”, деб юпанч сўрайди.

Фанимига кулфату, ранж сўрайди:

— Қодир эгам, Туркistonни асрагил!

Кимдир етти пучмоқ аро bemакон,
Юрагида Ўшу, Ўзган, Андижон.

Нола қилас, кўзларидан оққан қон:

— Қодир эгам, Туркistonни асрагил!

Бу оламдин ким топибди ҳаловат,
Лекин Ватанда яшаб ўлмоқ саодат.

Куш, кумурсқа, тоғлар қилас ибодат:

— Қодир эгам, Туркistonни асрагил!

Хур-хур эсган шамолларинг сўрайди,
Тўлин ойу ҳилолларинг сўрайди.

Камгап, камқон аёлларинг сўрайди:

— Қодир эгам, Туркistonни асрагил!

Бешикдаги гўдакларинг сўрайди,
Энди унга чечакларинг сўрайди.
Аллалару эртакларинг сўрайди:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Ватан, сендан ўзга айтар сўзим йўқ,
Зарим, зўрим, балки нурли кўзим йўқ!
Сен омон бўл, йўқса, менда тўзим йўқ:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!

НУРЛАРНИНГ ҚАЙТИМИ НУР БЎЛАДИ

Кўхна тарих гувоҳ: муаззам Шарқ таҳтига улуғ соҳибқўронлар, султонлар, неча-неча хоқонлар келиб-кетдилар. Ҳеч нима ўзгармади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Бўйи дунё билан бўйлашадиган фарзандлар ҳадя этди.
Ҳеч нима ўзгармади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Пайғамбарларга волида бўлди. Ҳеч нарса ўзгармади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Унугилган гул янглиғ, ҳазон япроғи янглиғ, ёлғиз дарахт янглиғ бир чеккада қолаверди. Саодат буржидаги юлдузларнинг нурлари-да унга етиб келмади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Хуснига қул бўлдилар.

Ақлига тасанно ўқидилар.

Аёл пойгакда қолаверди.

Унинг пойига жаннатларни нисор этишса-да, болалари-ни бағрига маҳкам босиб, Аёл пойгакда қолаверди.

Аёллар лаҳзаси, аёллар куни, Аёллар йили тарихнинг хаёлига бир лаҳза бўлса-да келмади. Зотан, улар момо Тўмарис, Жанна Д'Арк, малика Клеопатра бўлиб дунёларни ҳайратга солиб улгурган эдилар-ку! Зотан, улар Зебуннисобегим, Нодирабегим, Мумтозмаҳалбегим бўлиб, бир даста нурга айланган эдилар-ку...

Ўзининг ўзлигини англашиб, камситилган ҳуқуқини тиклаш, ҳаётнинг ширин мевасини татиб кўришга у ҳам бурчли эканлигини билдириш учун қилган Халқаро ҳаракатлар ҳам деярли наф бермади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Шунда у шоира Робиа бўлиб, аёл муҳаббатини тандирга айланган ҳаммом деворларига қизил қони ила иншо этиб, “тӯ қиздирилган това ичидаги балиқман, келиб ҳолимни томоша қил”, деб дунёга мурожаат қилиб ёзиб кетди. У на зарда қилди ва на аччиқ қилди. У бор-йўғи дунёга Аёл қалби ҳукмини айтди. Шунда ҳам ҳеч нарса ўзгармади.

Аёл пойгакда қолаверди.

Шунда у Увайсий, Нозимахоним, Маҳзуна, Зулфияхоним бўлиб, яна такрорланаверди. Шарқ аёлининг ақли дарёларидан бутун дунё сув ичди.

Демак, Аллоҳ Аёлни ёлғиз қошу кўз учун яратмаган эканда... Демак, Аллоҳ Аёл елкасига ҳаётнинг кувончу ташвишларига волидаликни, заминнинг абадий яшиллигини таъминлашга жавобгарликни, маънавият дарёларига миробликни, мангу гўзалликка посбонликни, келажакка қалқонликни ишониб топширган экан-да. Демак, унинг беқиёс ҳусни тальяти, нозик ақли, куйинчаклиги ортида дунёнинг улкан хонадонига шамчироғлик вазифаси пинҳон экан-да...

1999 йил муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов томонидан АЁЛЛАР ЙИЛИ деб эълон қилинди ва дунё маънавиятининг яшил туғи ўзбек ҳалқи қўлида кетди.

Аёллар йили, деб эълон қилиниши билан тоғларнинг боши осмонга етди. Кушларнинг чуғури самони тутди. Дараҳтларнинг томирлари зам-зам суви ила сероб бўлди. Мудроқ куртакларнинг бўғзидаги сўzlари яшил куйларга айланди. Дарёлар буралиб-буралиб оқа бошлади. Момоларимизнинг пешонасидаги ажинлар текисланди. Аёлларнинг нигоҳидағи қуёшдан бодомлар гуллади. Курраи заминнинг кўкси бирдан кенгайди. Боласини бағрига маҳкам босган Аёл қўлига тоғ бургутлари келиб кўнди.

Аёл қалбida янги асрнинг ибтидоси бошланди.

Аслида бу йилнинг Аёл қалбидан кутгани ҳам шу эди-ку.

“Биз мамлакатимиз янгиланиши ва тараққиётiga фақат фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, агар истасангиз жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг фаол иштирокини рағбатлантирибгина эришмоғимиз мумкин”, деб ёздилар муҳтарам Президентимиз. Ва аёлларнинг сиёсий, ижтимоий, шахсий ҳуқуқлари ҳимояси йўлида дунё миқёсида биринчи бўлиб пойгакдаги Аёлга қўл узатдилар. Унгача жамият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Софлом авлод учун” Орденини таъсис этиш тўғриси-

даги Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 4 мартдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги “Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролинни ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Оила ва никоҳ тўғрисида”ги қонунлар кодекси каби муҳим ҳужжатлар негизида Аёлга бўлган катта ишонч ва авайлаш туйғуси, унинг Аёллик олами давлат томонидан ҳамиша муҳофаза этилажаклиги ҳақида ги улуғ фамхўрликнинг гувоҳи бўлди.

Етти йил мобайнида она заминимизда амалга оширилаётган барча кутлуг ишлар биринчи навбатда Аёлларни қувонтирди. Юртимизга улуг бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний қайтганиларида улар билан бирга кўзларида ёш ила волидаи муҳтарамаларининг руҳлари ҳам қайтиб келди. Муҳтарам зот Имом ал-Бухорийга атаб етти ойда бунёд этилган улкан обидани қуриш жараёнида ҳазратнинг оналари руҳи ҳамиша ҳозири нозир бўлиб, арш тоқини ўз дуолари ила сероб қилган бўлса ажаб эрмас... Гарчи руҳлар кўздан пинҳон бўлсаларда, товушлари кулоқларимизга чалинмаса-да, ипак либосларининг шитирлашлари шаббода шаклида юзу қўзимизни силаб ўтар. Миннатдор нигоҳлари тунда бедор ўлтирган дамларингизда бир тутам нур — ой нури бўлиб, даричангиз оша юзу қўзларингизни ёритар. Аёлнинг дуога очилган кафтларига қараб, кўз ўнгимда зилол булоқлар жонланади. Бу булоқларда Она-Ватан ва унинг ўғлонларига аталган тонгдайдай ёруғ ниятлар қайнаб ётади.

Мен Ҳиндистонда бўлмаганман. Бироқ у ерда бўлганларнинг айтишича, “севги ва садоқат қасри” бўлмиш Тожмаҳал куркини дунё бошидаги тожга урнатилган ноёб гавҳар, деб таърифлайдилар. Аёллар йили баҳонасида менинг қалбимда ажиб орзулар бош кутаради. Вақтлар келиб, узбек аёлларининг ақлу шуурини, латофатини биз ундан-да кўркамроқ биноларга нақш этармиз. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Етти гўзал” рамзидаги қасрнинг етти дарвозаларидан дунё аҳли ҳайрат ва ҳавас ила оқиб кирап. Меҳмонларни Тўмарис момомиз, Курбонжон додҳоҳ, Нодирабегим ва шу каби нодираи давронлар тимсоллар рамзида кутиб олар. Мактабларда дарс сифатида киритилажак “Навоий сабоқлари”ни етти ёшли умид гунчаларимиз Ҳазрат Навоийни қуршаб олган “Шоиралар хиёбони”да яна бир марта тақрорлаб олар... Оиланинг муқаддаслиги, хотин-қизларнинг билим олиши йўлидаги тўсиқларга батамом чек қўйилар.

Аммо унгача Аёлда аёлликни уйғотмоққа эришишимиз лозим. Бу йүлда бизга муқаддас Аёллар йили ёрдам беради. Биз дунёнинг синчков нигоҳларини елкамиз оша ҳис қилиб, илм ва ижодда куртак булиб бұртамиз, ишонч ва муҳабbat бўлиб гуллаймиз, Ватаннинг фидойи оналари булиб мева берамиз. Болаларимизни юз эллик йиллик оғулардан халос қиласиз. Руҳий ва жисмоний қувват ила соғлигимизни тиклаб оламиз. Қўлимиздаги мўйқаламлар Ватан сувратини бекиёс меҳр ва муҳабbat ила полотноларга туширганида, дунё энтикиб, унинг қошида узоқ-узоқ қолиб кетади. Дунё халқлари билан илмий ва ижодий баҳсларга киришганимизда, Шарқ Аёлининг назокати ва ҳаёси, теран ақлига тан берадилар ва улуг Гёте мисол “Фарбу Шарқ девон”лари яратадилар.

Аёллар йили... Бу биз учун катта ишонч йили... Аёллик қудратига, яратувчанлигига, ақлу шуурига, муҳаббатига ишонч йили. Зотан, инсон руҳиятидаги энг гўзал яратувчанлик ҳам шу ишонч орқали намоён бўлади. Аёллар йили биз аёллар учун улуг дарёларнинг бошида туриб, ҳар биримизга улашилинаётган оби ҳаёт. Юз-кўзларимизни меҳрибонлик билан силаётган қуёш нури. Бу нурларнинг қайтими нур бўлади. Улуг Эрк дарёсининг зилол мавжларида биз фарзандларимизни чўмилтириб оламиз. Ватanni, она заминимизни, болаларимизни она шер муҳаббати ила севмоқ, ҳеч кимга бермаслик туйғусини биз қонларимизда янада бошқача, янада қудратли қилиб намоён қиласиз. Ватан деган сўз етмиш икки томиримизни ларзага солмагунча биз ўзимизни уйғотаверамиз.

Ватан надир, туқдан ерим, турғон ерим, ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юргон ерим. Жоним ватан, таним ватан, кўзим ватан, эсдан чиқар они кўргоч, кўргон ерим, деб ёзади шоир Сидқий Хондайлиқий. Чиндан, ҳар бир аёл ўзини жажжи Ватан деб билмагунча биз дарёларга айланиб бораверамиз. Замин кўксига энг сара, энг гўзал гул ва дараҳтларни экамиз. Бирбиримизга энг ёқимли, энг гўзал сўзларимизни айтамиз. Шундай жипслашамизки, орамиздан ҳатто шамоллар ўта олмайди.

Бунда бизга Аёллар йили ёрдам беради.

Бунда бизга мұхтарам Президентимизнинг ишонч ва кўмаклари ёрдам беради.

Зеро, Аёллар йили дунё тарихида янги Асрнинг ибтидо-сидир...

ОГОХ БҮЛИНГ, ТЕРРОР!

Тасаввур қилинг: баргларида қүёш нурлари ўйнаб, дилтортар ҳаёт гувиллаб ётган хиёбонда ё бир ўзингиз, ё ширинтой болангиз — оиласиз, ё қадрдан дўстингиз, биродарингиз билан кетиб бораяпсиз!.. Фикрингизда шундай бир хотиржамликки, гўё қүёш кўкдан абадий нур сочаверади, гўё барглар абадий яшил бўлиб, қүёш нурлари билан кучоқлашаверади. Гўё болангизнинг ширин тилидаги сеҳрлар сира тугамайдигандек... Шунда бирданига фикру ўйингизни, борлиғингизни, қалбингизни ларзага солиб осмонда эркин учеб кетаётган кушлар ўқ зарбидан қонга беланиб, оёғингиз остига қулаб тушаверади. Уларнинг жон ҳалпида потирлатаётган қанотлари, вужудидан оқаётган, буғи кўтарилиб турган иссиқ қон, кўзларидаги илтижо... Энди унинг қанотларини минг силаманг, минг парвона бўлманг, қонга беланган тумшукларига минг сув томизманг, унинг кўзларida сўниб бораётган ҳаёт шамидан ларзага тушасиз.

Аёл — Она бўлсангиз титраб қарфайсиз: “Учиб юрган қушни уриб туширган қўлларинг синсин-а, жаллод! Жонлини жонсиз қилган сендай маҳлуқнинг жонини Худойим олсин-а”.

Йигит бўлсангиз... қарғомайсиз, титрайсиз, қўлларингиз мушт бўлади, “хаҳ номард-а, хаҳ виждонсиз-а, келиб-келиб кучинг шу учеб кетаётган бегуноҳ қушга етдими. Уволи тутсин сени!”

Энди, биродар, дўппини бошдан олиб бир ўйлаб кўринг-а? Панадан туриб, ҳаётга, тирикликка қасд қилишнинг номини нима дейиш мумкин. Тил учингизда турган сўзни қурқмай айтаверинг: — Бу террор! Ўлаётган қушнинг тумшукларидан қон аралаш оқиб кетган сув сизга нима деб илтижо қилаяпти: “Огоҳ бўлинг... Бу террор!” Буғи осмону фалакка титраб кўтарилаётган қон нима деб нола қилаяпти: “Огоҳ бўлинг, бу террор!” Москвада портлатилган биноларда тупроққа қоришиб, булак-булак бўлиб кетган вужудлар: қўллар, оёқлар, гулдек гўдаклар нима деб фарёд қилаяпти: “Огоҳ бўлинг, бу террор!” Бомба даҳшатидан жажжи юракчаси ёрилиб кетиш асносида соchlари оппоқ оқариб кетган, тупроқ остидан уни қазиб олишганида ҳатто катталар танимаган уч ёшли гўдак рухи чирқирайпти: “Огоҳ бўлинг, бу террор!”

Ватанига қайтишни истаб, қотил құлларида бор-йүғи битта катта қабрга айланған 17 та йигит арвоҳи чарх уряпти: “Огох бўлинг, бу террор!”

Қирғизистонда номардларча гаровга олинган, ҳар куни бутун дунёга умид, најот күзини тикиб турған япониялик тўрт вакил ва унинг шериклари имдод сўрашяпти: “Огох бўлинг, бу террор!”

Аллоҳни таниган ҳар бир юракда бугун бир савол: – Бундай ёвузликка қачон чек қўйилади? Бундай ёвузликка қачон барҳам берилади?

Қирғизистон воқеалари... Москва фожиалари... Дөғистон кўз ёшлари... Ёвузликнинг чеки борми? Бугунги кунда халқаро терроризм деб ном олган, террор деган қонхўр бола туғиб, уни дунёнинг етти иқлимига тарқатиб юбориб, хунрезликларни мириқиб томоша қилиб ўлтирган она ким!

Отаси ким бу халқаро террорнинг? Бугунги кун, ҳар бир осойишта дақиқамиз, луқмаи ҳалол бўлиб томогимиздан ўтаётган бир бурда нонимиз, бир ҳўплам зилол сувимиз, бир ютум тоза ҳавомиз бундай саволларга мукаммал жавоб излади.

Ҳокимият учун ўзини түқдан онасини, отасини бўғизлаб кетишидан тоймайдиган, Яратганинг улуғ номини, унинг муқаддас динини қора, жирканч, қабиҳ мақсадлари йўлида курол қилиб олган бундай кимсаларнинг абадул-абад икки юзи қорадир.

Шарқона сабр ва чидамнинг чегараси борлигини чамаси унугиб қўйишияпти қотиллар. Дунёни жаннат қилиш ўрнига, ер юзини қонга белаш, тинч ҳаётни издан чиқармоқчи бўлган бундай ёвузларга Ҳақнинг қасос соатлари ҳам муқаррардир.

Муҳаммад пайғамбаримиз: “Ҳар ким мен билан учрашишни истаса, қўли ва тилини тутсин. Учрашадиган жойимиз Ҳавзи кавсар ёқасидадир”, деган эканлар. Ва яна у кишининг жон таслим қилиш олдидан айтган сўзлари муборак калималар билан бирга: “Рафиқи Аъло — Олижаноб дўст ёнига”, деган сўзлар бўлган экан.

“Қўл ва тилни тутмоқ” — Инсониятнинг мукаммал инсонийлик қоидаси эмасми? Ислом динининг асл моҳиятларидан бири эмасми?

“Олижаноб дўст” — яъни Яратган ҳузурига бутун иймон илиа савобга йўғрилган ҳолда бориш учун буюк ишора эмасми?”

Бу дунёни, Аллоҳ ато этган тирикликни асрраб-авайлаш, иблис куткуларидан огох бўлишга илоҳий ишора эмасми?

Эҳ, аттанг, аттанг, дейман куйиб. Ҳамма ҳам Аллоҳнинг бандаси булишликка ярамас экан-да... Шу уринда улуг ёзувчи Лев Толстойнинг умрининг сунгти йилларида ёлғиз үзи билан, қалби билан танҳо қолганда ёзган фикрлари хаёлимдан ўтади: “Куйидаги чексизлик мени даҳшатга солади ва бездиради, юқоридаги чексизлик эса ўзига тортади ва менга куч беради”. Қалбнинг тубида ётиб, шундай улуг бир даҳо ёзувчини даҳшатга солган ва бездирган тубсизлик инсон қонига ҳаёт ибтидоси или ошно бўлиб, кўмилиб ётган ёвузлик эмасми?

У намоён бўлган пайтларида бутун дунёни ўз ўқидан чиқариш, уни ҳалокат ёқасига олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги изтиробли хаёллар кекса дилни нақадар аччиқ ва аламли ўйга согланини бир лаҳза ҳис қилгандай бўламан!

Чиндан юксаклик инсонни үзи каби юксалтира боради. Ҳалқимиз бекорга фарзандларига “Бошингни баланд тут”, деб такрор ва такрор таъкидламайдилар. Ёвузлик, қабоҳат эса тунни, зулматни ўзига ошно қиласди. Қора ниятлилар очиқ курашга ярамайди. Ҳатто юзидан ниқобини олишга қўрқади. Тоғу тошларда писиб, курашнинг энг номард, энг паст йўлини танлайди.

Террор... Бугунги кунда бу сўздан жирканмаган, ундан нафратланмаган, безмаган, уни лаънатламаган инсон йўқ.

Москвадаги портлатилган биноларни кўриб кичкинам йиғлаб юборди: “Ойижон, улар жуда ёмон одамлар-а, биз худога шукур қилишимиз керак-а, худо қачон уларнинг жазосини беради, айтинг, ойижон, айтинг?” Мен унинг ҳайрат, умид, илтижога тўла қоп-қора кўзларидан дувиллаб оқаётган ёшни артар эканман, унинг безиллаб қолган юрак-часини тинчтиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилар эканман, бу нурларга чўмилиб ётган Она замин, Она Ўзбекистон, тинч ва осуда ҳаёт, қоракўз болаларимиз, Истиқлолимиз нондек табаррук ва тансиқ эканлиги, Аллоҳдан берилган бу буюк неъмат — тирикликни асраласлик гуноҳи азим эканлигини янада теран ҳис қиласман. Инсон бир бурда нон билан қорни тўяди. Лекин зебу зарларга Ватанини топиб бўладими? Туганмас тилларга тип-тиниқ осмондаги оппоқ булат парчасини топиб бўладими? Гўдагингизнинг ширин уйқусидаги ширин табассуми, ҳовлингиз тўрида кўқдан тушган фаришталардек ўлтириб, сизни туну кун дуо қиласиган ота-онангиз... Уст-бошингизни оқ ювиб-оқ тараб, елкангизни силаб, ишга кузатаётган аёлингиз. Ёки сиз-

га топган-тутганини күтариб келиб, останадан кирмай: “Ойинг қани, чақир ойижонингни”, — деб турган жуфтингиз... Булар бари ғанимат умр, огоҳлик учун урилган бонгдир. Маккор ғанимнинг ич-ичимиизда сездирмай яшашига йўл кўймаслик, бир-биirimизни вақтида огоҳлантириш, севиш ва асрараш туйғуси, ҳар бир қарич тупроғимизни оятлар янглиғ илоҳий мұхаббат билан севишга бурчлилигимиз ҳақидаги Бонгдир. Биз шу Ватани, Муқаддас Эркни, ўзимизни огоҳлик ҳисси ила сева ва асрай олмас эканмиз, унда бизни Худо ҳам, банда ҳам, ўзимизни ўзимиз ҳам кечирмаймиз.

Яна улуғ Толстойга қайтаман: “Ёмон иш қиладиган одам ёргуликни жуда ёмон кўради ва қилмиши фош бўлишидан кўрқиб, ёргулик сари бормайди. Инсониятнинг ҳаёти тўғрисида ўйлаб сўз юритмоқчи бўлсанг, ҳаётдаги бир нечта текинхўрнинг эмас, инсониятнинг ҳаёти тўғрисида ўйлаш ва гапириш керак”.

Останангизга тўкилаётган қуёш нурлари сиздан огоҳлик сўраяпти, азиз юртдош! Табаррук тонглар, улуғ руҳлар, шу кунларга етолмай, кўзи очиқ кетган авлоддошларингиз, қатагонларда гулдек умри хазон бўлган она-ю, оталаримиз сиздан огоҳлик сўраяпти, азиз биродар!

Она заминни, мустақил юртимизни, онангизни, ёрингизни, болангизни, дўстингизни қучгандек маҳкам қучинг, маҳкам бағрингизга босинг, азиз миллатдош! Сиз Ватани шундай севар экансиз, сиз ҳар тун ўз-ўзингиздан шундай ОГОҲ экансиз, ўз қалбингиз ила муҳтарам Юртбошимиз ва Ватанингиз ёнида экансиз, олис тоғлар ортидаги террор талвасага тушади, чўнг тоғлар тоши чўғ бўлиб оёқларини куйдидари, ер домига тортади. Зоро, Аллоҳ бандасини бу дунёга зулм қилиш, ноҳақ қон тўкиш, гўдаклар умрига завол бўлиш учун эмас, аксинча, бу оламда жаннатлар яратиш учун Эзгулик Элчилари қилиб юборган. Бундай улуғ Ҳақиқатга буйсунмаган кимсалар эса Худонинг қаҳрига лойикдурлар. Сиз эса огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг, азиз юртдош!

ЭРК МАНЗАРАЛАРИ

1—2

...Мен тунда минг аср нарига кетдим. Йўллар зулмат эди, йўллар эди қон. Қилич тифларига қоқилиб кетдим: “Қайга кетиб қолдинг, она Туркистон? Қайдасан, мўминим, муш-

фиқим онам? Нега овоз бермай сақлайсан сукут? Нега жим инграйсан, бағрингда боланг, нега қон рангида боланг эмгән сут?”

...Сим-сим эшикларин очолмай узоқ, ғанимлар ноумид қайтдилар бир-бир. Кимдир үлиб кетди, кимдир қайтди соғ. Аҳидан қайтмади “улуг” Пётр I. Ботқоқлар устида шаҳарлар қуриб, қону қассобларга тұймаган бир жон, биларди: Дунёда шундай үлка бор, уни Турон дерлар, уни Туркистан. Үнда сув үрнига сутлар оқади. Құксіда қайнайды кумуш булоқлар. Тунда ой, кундузи қүёш кучади, тиллолар туғади үнда тупроқлар. “Ұша тилло тупроқ бизники бұлсın, бойликлари бұлсın бизники бутқул. Ұша кумуш булоқ бизники бұлсın: фуқароси бұлсın абад бизга құл!”

...Бир-биридан мұдхиш, ёвуз режалар... Сим-сим эшикларин очмади узоқ. “Тилин үрганинглар, дилин бузинглар” — аросатда қолса яна яхшироқ. Дарёлар оқимин издан чиқарынг. Сиз ором нелигин унұтиңг тун-кун. Хариталар чизинг, изланг, аниқланг. Дағлат томирида қон эзур олтғын”...

Сайёх либосини кийди айғоқчи. Элчи либосида кириб келдилар. Юрагига босиб қонли ханжарин яхши-ёмонини билиб келдилар. Хива. Шерғозихон мижжа қоқмайды. Ғаним илон каби сездирмай келар. Уч мингтадан зиёд ғаним қүшини “Дүстларингизмиз”, деб эшикда турад. Хива... Күз юмасдан, киприк қоқмасдан, режа гирдобида қийналади хон... “Дүст дегани жонинг сүраб келарми? Күлда қилич билан дүст бұлмоқ гумон?”

Тарықдек сочилиб кетади ғаним. Шамоллар күмади ғаним изини. Хивадан ололмай қонли үчини, Пётр армон-ла юмар күзини...

Асрлар сұнгидан асрлар келди. Не-не айғоқчилар қирилиб қайтди. Ұлай деганлари, сотқынлар топғач, ёмбы топған күлдек тирилиб қайтди.

...Мен тунда юз йиллар нарига қайтдим. Битиглар қон эди, уфқ әди қон.

...Сим-сим дарбозалар очилмасмиди, ичда ёв бұлмаса, Она Туркистан?

Қалъалар... Бұкирар душман тұплари... Ватан үғлонларин ҳар бири арслон. Болалар, аёллар, чоллар жаңг қилас. Ватан — номус, Ватан — қисмат ва иймон. Туркистан, құксингда бунча лола күп... Потраб унар күкси доғлиқ лолалар. Қалъалар ичинде “жоним Ватан” деб Онасини күчиб ўлар болалар...

Жиззах қўзғалони... Гувуллайди халқ. Сабр дарёлари ҳай-қирар тошиб... Оналарнинг сочи туғдек ҳилпирап. Оналар жон берар зулмни босиб...

Аёл... бор вужуди билан қулликка исён... Аёл юрагида эрк қолди омон... Ҳаққа тиловатлар қилди ингриб Дукчи Эшонларни туққан Андижон... Она Туркистон... Она Туркистон... Она Туркистон...

...Тошкент... гувуллайди ғазаб денгизи... Озодлик, қаддингни ғаним этмиш дол! Кўзларига сифмай нафрат гулхани, эркаги ёнида боради Аёл. У — Ватан тимсоли, жону жаҳонин, Истиқлол, сен учун тиккан эди у. Кўксида боласи, кулида қўрол. Сенинг ҳимоянгта чиққан эди у.

3

“Инсонларга инсоният бер!”

Маҳмудхўжа Беҳбудий

...Дунё галат. Шак йўқ Аллоҳ амрига. Амр этса баҳор, амр этса куз. Неча аср аввал дунёни бузиб, кафтда қон чанглаб туғилди Чингиз. Ёраб, чақалоқнинг мушти тўла қон. Бир парча жигарни олган бурдалаб. 16 февраль... Қонхўр бўрилар — Чингиз болалари эмасми, ёраб...

...Куйинди ислари анқир ҳавода. Гувиллаб тўкилар шишалар чил-чил. Шўр, тахир кўз ёшни ичиб бораман. Менинг кўнглим чил-чил. Ишончим чил-чил... Озодлик, хуррият, суйганим болам, зам-зам булоғидан сув ичган каштар... Гумбурлаб кетади ҳаволар титраб, юракларим музлар, қулоқларим кар... Ишонгим келмайди, тасодиф дейман. Хиёнатдан титраб-қақшаб кетаман. Хиёнатга қачон юкли бўлди Вақт? Мен ҳамон самодан жавоб кутаман.

...Афғонистон йиглар... Қонли кўз ёшин ичиб тутатолмас титраётган Вақт. Йигирма йил аввал ҳасад сувидан куч олиб юксалди қон ичган дараҳт. У мисоли оғу мевалар туккан Анчар дараҳтини эслатар менга. Тирқираб, саргардон кезади аффон, қачон қайтаман деб туққан элимга!

Туркия... Она Ер чайқалиб кетди... Вужуди не юқдан титради дир-дир. Ҳамон болаларин тупроқ остидан қабрга элтолмай йиглайди Измит!.. Дунё даҳшат ичра қотиб турар лол. Тўфонлар қалбларда қўзғар гирдибод. Она-Ер юзига

юзингни күйиб, тавбага юкингил, эй гумроҳ авлод! Тавбага юкингил, ўз Ватанига тиф кўтарган разил, ноқобил фарзанд. Қара, арш қиличи бошинг кесмасдан қалбингга қарашга бир зум топгин Бақт.

Ит ўлими ёмон... Итлар ўлими... Ит-ку асли содик, вадфодор ҳайвон. Гоҳ ит ниқобида, гоҳ йиртқич бури, гоҳ илон тусини олади инсон.

Туркия... тасвиirlар, шарҳлар... кўз ёшлар. Дилим күйиб, қонга тўлиб турибди. Вайронна остида бир аёл... қўлин... узук таққан қўлин чўзиб турибди.

У кўлда ҳаётдан асар йўқ, асли. У жафокаш, ҳалол она қўлидир. Одамлар, уйғонинг, бу аёл қўли нажот кутаётган дунё йўлидир. Қалбни оёқости қилиб бўлмайди. Миллатни, ғурурни бўлмайди сотиб. Ватанинн ўтларга отиб бўлмайди, Ватанини юракдан бўлмас йўқотиб. Шукур мактабларин тикланг қалбларда. Сабр дарахтларин экинг иймонга. Тонгда Яратганга илтижо қилинг, кўзлар тегмасин, деб Ўзбекистонга.

Улкан кося каби чайқалади дил. Наҳот, инсон умри — ўлим эрмаги. Тангрим, не қылсанг қыл, етти пуштимга Ватан сотадиган фарзанд бермагин.

Мен кимман бу улкан замин бағрида... Эҳтимол, бир зарра оний хаёлман. Кимгадир нафратман, кимгадир ҳурмат, кўнглим осмонида маъюс Ҳилолман. На зарим, на зўрим бор бу оламда. Дўстлар фийбатидан озурда юрак. Бор-йўқ бойлигим шу, суюнган тогим: ўзга бойлигим йўқ Ватандан бўлак... Зеро, унинг муnis, ғамхўр кўксисда гоҳ дарё бўламан, ойдек тўламан. Ул ҳам мени болам деб суръ вазмин, Она, мен ҳам Сизни яхши кўраман.

Бир кун... вақтлар етиб, сўнгйўл сафарин олдидан дўстларга айтганда видо. Яратгандан сурар озурда дилим: “Иснодли ўлимдан асра эй, худо!” Токи, фарзанд бўлиб Она-Ватанинг бир гиёҳин қасддан қўймайин узиб. Ё битта майсангни унаётган чоғ ҳарсанѓтошлар мисол қўймайин эзиб. Бебош шамол бўлиб, ҳилвиллаган жон бошидан рўмолин учирив кетмай... Тўфон бўлмай ёвуз, фитна туғувчи, дарахту кулбангни кўчириб кетмай... Бенисанд ва кибор дунёлар бўлмай, босған қадамимдан титрамасин ер. Гўдак йигит бўлсин, юрт унсин десант, “барча инсонларга инсоният бер!” Токи, улар қисқа умр онида савоб нима, нима гуноҳ билсинлар, Ватан сотадиган итлар бўлмасин, улувлар ёнинда адл турсинлар...

Тожикистоннинг Жирғатол туманида юз берган мудҳиши воқеа қалбларни ларзага солди. Ватанга қайтмоқчи бўлиб, қуролларини топширган 36 нафар алданган йигитлардан 17 тасининг боши ваҳшийларча танасидан жудо қилинди. Иблис макрига учган гуноҳкорларнинг сўнгти дамдаги нолалари, илтижоларини шамол ҳануз қулоқларимга олиб келавергандай бўлаверади. Дин ниқобидаги фанимларга Ҳақнинг жавоби муқаррардир...

Ҳали ўн гулидан очилмай бири, англаб етолмай не — бу дунёсири, қорачиғда қотди қувнаган қири. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Тавбага бошини кўйган эди-ку, Онам, деб куш каби елган эди-ку, Ватан ҳам кечириб кўйган эди-ку... Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Ухларди тиззамга бошини қўйиб... Саратон қуёшин ичганди тўйиб... Чимилдиқ кўрмади бир йигит бўлиб. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Сойлар тошича ҳам қадр топмаган, Ота-она кўзин ўзи ёпмаган. Оҳ, она-Ватанда қабр топмаган. Қўзичоқларимни қайтиб бер жаллод...

Қонин ичib фаним, тўйдингми қонга. Икки дунё сифма наер, осмонга. Мусулмон қасд қилмас ҳеч мусулмонга... Қўзичоқларимни қайтариб бер, жаллод.

Жимиллаган сароб — қилдингми сарсон. Бири кийик эди — биттаси арслон. Муродга етдингми, заҳарли илон. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Гирямга қўшилиб, само бўзлайди. Одам Ато, Момо Ҳавво бўзлайди. Бандасин макрига дунё бўзлайди. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Шул тупроқ кўксисда қолган излари... Мусофир тошларга ботди юзлари... Очик кетди абад қора кўзлари. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Дунё, қўзингни оч, орtingда фаним. Билмам, ё зоҳир, ё ботинда фаним. Гумроҳу, нонкўрлар зотинда фаним. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Кун келар. Сени ҳам бир кун тутар хун. Минг пора айладинг онанинг кўксин. Бўғзингда сездингми Онанинг қўлин... Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Тўмарислар зотин айтар сўзи бир, Ватан жонимдадир, Ватан мендадир. Қонга тўла саноч ҳам кўлимдадир. Қўзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Ўзбек онасини булгамас иснод. Рухлар қабрлардан құзгалмай азод. Эркниң боласидан құлларингни торт. Күзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

Оқ сутимни құмсағ, титрар дудоғи. Бошин кессанғ, қайтар құли, оёғи. Бұғзингда турибди Ҳақнинг сиртмоғи... Күзичоқларимни қайтиб бер, жаллод.

5

ҚАДР ТУНИДАГИ МУНОЖОТЛАРИМ

...Қадр туни эди... Ўшал тун олам тангри синовидан чүчиб үтарди. Етмиш минг фаришта замин устидан нур дарёси янглиғ күчиб үтарди.

Орзулар ижобат бұлар үшал тун. Аллоҳ ҳам не сұрсанғ беради, зотан, үшал Қадр туни симоб юрак-ла мен сенга омонлик сұрадим, Ватан!

Ватан! Бөш құювчи улуғ меҳробим! Ётганда түшагим, суяnsam тоғим! Шу жаннат гүшани, йұғу боримни ўзинг панохингда асра, худойим. Мен үзга бойликнинг эмасман қули... Дүнә ғанжинаси үйготмас ҳавас. Тангрим, шу тупроқнинг күшкүмүрсқасин, кийикларин бурни қонамаса, бас. Ой кумушин ёғдир, қүёш нурин сеп, бу юрт қуллик нима, мангу билмасин. Ҳатто бир чеккада судралыб юрган илонига майли тикон кирмасин.

Ох, десам оғзимда лопиллайди жон, зулм зардобидан зардэди дилим. Ҳисобсиз сақарлар сен тупурдинг қон, курган-кечирганинг шу бұлсин, элим!

Бу дүнә сақнида омонатдир жон. Бир ютум ҳаводир умрдегани. Ватан — бу соҳилдир, ҳар битта юрак, шу ерда тұхтатиб үтар кемани. Сен менга гул каби фарзандлар бердинг, йүқдан бор айловчи ўзингсан; зотан, ёлғыз бир үтінчим, нурлы құзларим, илоә заволинг күрмасин, Ватан!

Қадр туни, тингла муножотларим, мен ҳам бир онаман, балки ожиз жон. Аммо, юрагимда Ватаним бутун, зотан юрагимда бутундир иймон. Бир ишқ бор гулхандек борим ёндириган. Алангаларида Қақнус болалар. Ватан умрин сұраб, қонимда порлар ҳурлик заминида унган лолалар.

Ўзбекнинг күнглидай құнғыл қайда бор? Даласидай содда, тузидай содда. Ўзбек баҳоридай баҳор қайда бор, ялпизидай содда, ўзидай содда. Ўзбек баҳоридай баҳор қайда бор. Пұпа-накларга-да жон ато эттан. Ўзбек аёлидай аёл қайда бор, құзға

тик боқолмай бурилиб кетган. У ҳеч қачон “севдим” деб айттолмайди, асли бу сўз танда жон эрур зотан, тарс ёрилган кўлин қадоқларида Аёл муҳаббатин ўқийди Ватан!

Қадр туни, сендан сўровларим мўл. Қорайтмасанг ҳамки соч толасини, бағрингдан абадулабад узмагин ўзбек исли, эрка, шўх боласини... У она заминдай меҳнаткаш, ҳалол, баҳори ёз, кузи сокин қишидир. У Ватан тимсоли — бутун дунёга мағрур боқиб турган Хумо қушидир.

...Тоғлар нотинч. Кезиб юрар қашқирлар. Бўрилар қонсираб, тишин қайрайди. Морбоз най чалади, афсунларига эшлиб-эшилиб илон ўйнайди.

...Кўп галат бу дунё. Бошдан-оёқ сир. Кўйнимизда илон кўп экан, зотан, найга эшилувчи бундоқ морлардан, Аллоҳ ўзи сени асрасин, Ватан!

Ким билсин, ҳозирча морлар ўйини софдил юракларни ўйга тўлдирап. Балки, тез фурсатда ўйинчи морлар маккор соҳибини чақиб ўлдирап. Кўнглимни чақади, қийнайди бу дам, бошимда гувиллаб турфа хаёллар, морлар оғусини бизга келтирма, эй оқкўнгил, содда, ипак шамоллар.

Олис асиirlарнинг титроқ бўғзидан дунёни титратиб, бир нола келди. Қону армонларга топтириб якун, Мустақиллик деган бир бола келди. У ҳали жуда ёш, бутун вужуди Аллоҳдан қўйилган нурдан бунёддир. У асли ибтидо — “Ҳақ мўъжизаси” — мангу ҳур ва озод Одамизоддир.

...Қадр туни, тингла муножотларим, Эрк ахир томирда лопиллаган қон. Шу гўдак умрида миллат орзуси, шу гўдак умрида бор Ўзбекистон! Уни асра ўзинг ёмон кўзлардан, ғанимнинг чоҳлари ўзини ютсин. Ўзбекистон, сенинг тизгинларингда Хизр бобом мангу жиловдор ўтсин.

...Қўлимда бир мактуб. Қашқадарёдан. Сўзларки, қофозда порлаб турган дур. “Тангри, бир ўтичим, менинг умрими Юртбошим умрига ўзинг қўшиб бер. Токи, она тупроқ абад ҳур бўлсин. Фаним ўқларига бўлмасин нишон. Карвон йўлларидан тойиб кетмайди, унга қалқон экан элпарвар сарбон...”

Бу мактуб... шунчаки бир мактуб эмас... Кўнгил кўзларидан тизиллайди ёш. Қадр туни, Ҳурлик дарё қалб ила халқни кўёшларга элтувчи бардош. Кўршапалак кундуз ҳалок булади. Фаним ўз чоҳига ўзи йиқилар.

...Қанотлар ипагин сезар вужудим. Тупроққа кўзимдан юлдуз тўқилар: Қадр туни, тинглаб муножотларим ва уни сен албат айлагил бажо: ўзбек баҳти учун юрт эгасини ўзинг паноҳингда асрагил, худо!

АЙТИНГ, СИЗ ВАТАНГА НИМА БЕРДИНГИЗ?

...Жоним қақшаб борар, сўзингиз тинглаб: сўзни хўп эз-филаб, улаб, уздингиз. Эй, ўзини худо санагувчи зот, айтинг: “Сиз Ватанга нима бердингиз?”

Сиз атрофга қаранг, бир марта қаранг. Саккиз йилда йиллар ўзгариб кетди. Бофингизда ўсган гулларга қаранг, ҳатто гуллар ранги ўзгариб кетди. Бошингизни тутган бўйнингиз энди турфа давраларда ўзин тутар тик. Мамлакатлар кўриб, кўзингиз тўйди, сизга яна нима берсин Озодлик? Еру сувларингиз яна сиз билан, хатлаб олмоқдасиз унут меросни. Пўрим либосларда лов-лов ёнасиз, аммо ташламайсиз дилдаги тошни.

Сиз атрофга қаранг, бир марта қаранг. Саккиз йилда йуллар ўзгариб кетди. Сизнинг ўша биқиқ, тор кўчангиз ҳам Ипак йулларига қушилиб кетди. Яна ўзингиздан сўзлай бошлади Туркистон тарихи битилган боблар. Ўзбекка ўзлигин йиглаб танитди жавонлардан қувғин бўлган китоблар.

Ўзбек дехқонига ерини берди. Берди ўзлигини англашга имкон. Ваҳоланки, унинг ота-бобоси шу ерни қулоқлаб берган эди жон. Бугун адирларга сифмай шовуллар бўлиқ бошоқларда бошин этган дон. Бугун нонуштага ўз тандиридан иссиқ нонлар узиб қуяди Турон.

Сиз атрофга қаранг, ўзбек кимлигин бугун аҳли дунё сезиб турибди. Бугун ўзбегимнинг гулдек гудаги дунё илми аро ўзиб юрибди. Бугун Ўзбекистон тушди майдонга. Ўзбек ҳалол кураш нонини тортар. “Ё пирим”, деб дунё белбоғин ушлаб, ҳарифин даст узиб, кўкларга отар. Динию Исломи ўзига қайтиб, Ҳақ қаломи дилу тилларда зикр. Эркин қалдирғочлар тили дуода: “Яратганим, минг бор ўзингга шукур”. Шукур қила билмоқ — улуғ саодат. Сабр ҳам ҳар қалбни айламас маскан. ... Дунё саҳнида ҳам ёлғиз гуллармас, чағиртика нақлар, тиканлар ўсган. Ҳақни таниган қалб ўзин ҳар куни сукутлар ичинда айласин сўрок; Фарзанд бўлиб юкинг олдимми, Ватан, кўксингдан қаздимми бироргта булоқ? Ё бир тулшор бўлиб, ҳаёт юкини жоним ачиб бир зум торта олдимми? Сўзимдан маънилар топдими бир қалб? Етим-есирларга қилдимми ҳиммат?” Сўроқлар беадад, сўроқлар ҳадсиз, ўзни синов қилмоқ ҳам бир саодат.

Бўридай талашмай она кўкрагин, унга кўрсатайлик туғанмас меҳр. Бемор жойларига малҳам излайлик. Кўкракларга урган фарзандмиз ахир. Умр дарёлари шиддат-ла оқар. “Умр асли қошу киприк ораси”. Ватан соchlарига оқ туширмайлик. Жилоланиб турсин сочин қораси. Дунёвий нафсларни чеккага сурисиб, ўзимизни тафтиш қилайлик ҳалол. Оғанинисига боқиб хотиржам, бегидир бир-бирин айласин савол: “Тангрига шукурлар бўлсин, биродар! Озод ухладингиз, озод турдингиз. Савоб дарёлари лим-лим оқарми, айтинг, сиз Ватанга нима бердингиз?”

8

“БИЗГА БИЛИМДОН ОНАЛАРНИ БЕРИНГ, БИЗ СИЗГА ДАҲОЛАРНИ БЕРАМИЗ!”

...Мен тунда минг аср нарига кетдим... Жоним элтди гайбнинг сир-садолари. Милоддан нарида “мана мен” деди халқим Фикратининг “Авесто”лари. Сўнг ортга қайтдим мен хур эпкинлардан жону жаҳонимга тушиб титроқлар... Ҳар ҳарфи чўғ булиб қўзим қуидирди Кошғарий нафасин ичган булоқлар. “Девону луготит турк” — асрий ганждир. “Кутадгу билиг”лар — аср матлаби. “Мен Шарқ аёлининг фарзандидурман”, — деди Беруний ва Сино мактаби. Самарқандда илму нужум уммони бу гумроҳ дунёни қилганида лол, худога шукурлар қилди жилмайиб, боласини эмизиб ўлтирган Аёл. Шундай... Оқ сутининг меваси Турон, фарзандларинг олмиш даҳо деган ном. Ҳамон бизга ғазал ўқиб беради, Зебуннисо момом, Нодира момом. Истиқдол! То сенга етиб келгунча навқирон асрлар қадди бўлди дол! Бошларингдан гўё нурдек тўкилди эгатлардан сени изланган Аёл.

Шундай. Оқ сутингнинг меваси Турон. Фарзандларинг олмиш даҳо деган от. “Улуғим, тенгсизим, Алишер бобом, ўқлардан озурда эмасми Ҳирот?”

Истиқдол! То сенга келгунча ахир, ўқقا нишон бўлди не-не даҳолар. Худо раҳматига олсин сизларни, ёруғ кунни кўрмай кетган момолар. Ёруғ битиглардан порлар шуурим: халқим ўзига бек, ўзигалур хон. Улуғ фарзандларнинг қули дуода: “Даҳолар онаси эрур Туркистон!”

ЭРК МАНЗАРАЛАРИ

“Мен сенинг учун түғилдим,
сенинг учун яшадим,
сенинг учун ўлурман, Ватан!

Фитрат

1

...Хали соchlарим ўримга келмаган қизалоқ пайтимдан кўзимга муҳрланган манзаралар: Куз — Мактаб остонаси. Биринчи қадам...

Ўқитувчимиз илк сабоқни бошлайдилар: “Қани, болалар, бараварига такрорлаймиз: биз Ленин болаларимиз!” Кўримсизгина синф деворларидан акс-садо қайтади: Биз Ленин болаларимиз... Биз Ленин болаларимиз...

Улкан қора партага жон-жаҳди ва ихлос билан қўлларини қўйиб, ўқитувчисига ҳайрат ва ишонч тўла беғубор нигоҳларини тиккан қизалоқ меҳр билан шивирлайди: “Биз Ленин болаларимиз!”

Яна бир манзара: қирчиллама қиши. Тизза бўйи қорни аранг кечиб келаётган, сумкаларига авайлабгина ё бир бурда нон, ё бир ҳовуч туршак ёки майиз солинган, юпунгина кийинган болалар қиши бўйи чакка ўтиб ётувчи синф хонасига қунишибгина кирадилар. Улар менга худди бўғотлар қатида ҳурпайиб, қунишиб, совуқда қийналибгина “ку-ку”-лаб қўювчи мусичаларни эслатади. Синф хонасидаги совуқ болаларни чақиб олади. Баланд бўйли, оққўнгил Усмон aka — ўқитувчимиз хижолат. “Болаларим, бугун яна кўмир йўқ, — кўзимизга қарамай сўзлашда давом этади: — Келинглар, озгина шох-шабба ёки қофоз топайлик. Сал исиса ҳам ҳарна-да...”

Бир тутам ҳўл ўтин, қофоз парчалари... Хона тутунга тулиб қолади. Бўғилиб йўтала бошлаймиз. Ўқитувчимиз бизларни ташқарига олиб чиқади. Музлаб яна ичкарига кирамиз. Ўқитувчимизнинг совуқдотган овози қулоқларимиз остида илтижо қиласиди: “Қани, болалар, айтинглар-чи, бизлар киммиз? Ҳа, баракалла! Биз Ленин болаларимиз!”

Совуқдан кўкариб кетган жажжи муштлар тўхтовсиз “кух-кух”ланади, жажжи оёқлар депсинади, овозлар тутунлар ичидан сизиб чиқади: “Биз Ленин болаларимиз...”

Уйга қайтамиз... Шошганимдан сопол сиёҳдоним чайқалиб, латта жилдни бўяиди. Уйимиз олдида мени кутиб турган буважоним узоқдан кўра солиб, ҳассасини қорга ботириб, аранг олдимга келиб, кўтариб оладилар. Бўйниларидан кучоқлайман. Соқоллари юзимни қитиқлайди. “Буважон, биласизми, биз киммиз? Биз Ленин болаларимиз”, — дейман фурур билан. Бувамнинг кўзларидағи қувонч сўнади. Мени секин ерга туширади. Уҳ тортади. Жим бўлиб қоладилар... Кейин секин менга қараб: “Оҳ, соддагина болам-а, — дейдилар шивирлаб. — Сен менинг боламсан, боболарингнинг боласисан, боболарингнинг боболарини боласисан. Бошқа ҳеч кимнинг эмас... Тушундингми...”

Энди аллақачон абадий роҳатга юз тутган, қишлоғининг ҳар бир қаричини жон қадар севган, босган изларида боғлар гуллаган, доно-денишманд авлодлар, мол-мулклари гоҳо сиёсат қўлида ҳазонга юз тутганлигидан кўксининг соғ жойи қолмаган, умрининг сўнгги ҷоғларидаги васиятида ҳам ўз хилхонасига қўйишни сўраган буважонимнинг ушбу сўзларини эсласам, буғзимни йифи тирнай бошлайди. Увол бўлган, алданган, ҳўрланган болалигим муздек хонадаги тутун сароблари орасидан сизиб чиқиб миямни пармалайверади: “Биз Ленин болаларимиз...”

2

Йил оғир келади... “Бир товуқقا ҳам сув, ҳам дон керак”, деганларидек, олтига бола ёз буйи тинмаймиз. Уйимиз олдидаги тегирмон анчадан бери тортадиган дон йўқлиги учун тўхтатиб қўйилган. Саратон ёндиради. Буғдойга ўрим тушган. Далалардаги нұхатзорларда ҳам иш қизғин. Бир ҳафтага қолмай ҳаммаёқ шип-шийдам бўлиб қолади. Рухсат теккач, машоқ тергани чиқамиз. Кун шундай ёндирадики, ичгани олиб чиқсан сувларимиз ҳам қайнаб кетади. Оиланинг кенжасиман. Уйга кетгим келаверади. Опаларим уришиб беришади: бирпастгина сабр қил, ҳадемай салқин тушади. Бошоқ излашда давом этаман. Бошим лўқиллайди. Ер оташ уфуради. Кечкурун алангаи оташ бўлиб ёнаман. Бурним тўхтовсиз қонайди. Онам — дунё азоблари букмаган муштипарим — сачратқи топиб, бир чеълак сувга ивитиб қўядилар.

“Халқимизнинг косаси сира-сира оқармади-да... Давра-да катталар гурунги бошланади. — Не-не кунларни кўрмадик-а. “Банданинг боши — оллонинг тоши”, деганлари рост экан. Нон деганда кесак фириллаган замонлардан ҳам омон қолдик. Бурчоқ тергани чиқиб, очликдан қанча-қанча қадр-донларимиз шишиб ўлди. Ўлигини кўмишга ҳам одам то-пилмади-я. Шукур қиласайлик, сабр қиласайлик, бизнинг ҳам бошимизга офтоб чиқиб қолар...”

Оҳ, эрк қуёши балқишини интизор кутган азизларим, биз кўзимизга түтиё қилаётган бу озод, бу хур кунларга, афусски, сизлар етолмадингиз... Бўғзингдаги эрк нолалари ҳар баҳор қабрингиз устида маъсум чечакларнинг яшил ту-фига айланиб, эҳтимол, барчамизни қутлаётган бўлса ажаб эмас...

3

Университетни “аъло”га тугаллайман. Йўлланма Ўзбе-кистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига (уша вақт шундай юритиларди) — ўкув практика-сини ўтказган жойим — бадий эшиттиришлар редакция-сига. Сабаби нималигини билмайману, у ерга кераксиз деб топиламан. Кўнглим чўқади. Руҳим синади. Шунда ким-дир “Чет элларга эшиттириш бўлимида иш бор”, — деган-дек бўлади. Судралибина бораман. “Бизга шоирлар керак эмас, ишлайдиганлар керак, қани икки-уч ой синов муд-датини ўтаб кўринг-чи, шунга қараб тақдирингиз ҳал бўла-ди”, деган ўғитларни жимгина бошимни эгиб эшитаман. Руҳимда яна нималардир қарсилаб синади. Ниҳоят, тақ-диримни ҳал қилувчи ой келади. Ҳужжатлар дикқат билан текширилади. Ушбу аснода қўнфироқ сирли жаранглайди: “Текшириб кўринглар-чи, рус тилини яхши билармикан, яхши билса қабул қилинглар!” Юрагимнинг ичидаги бурон қўзғалади. Ичимдаги тўлқин маҳкам жисплашган тишларим деворларига урилиб-урилиб, қайтиб кетади. Кўз ўнгим-да эса олтига боласини тишида тишлаб, оқ ювиб-оқ тара-ган, ҳалол луқма билан боқсан онамнинг изтиробли чехра-си намоён бўлади.

“Оҳ, Онажоним, — дейман, болам деган, алла айтган тилларингиздан ўзим ўргилай, онажон, ўзбеклигим, шеър-

лар ёзишим гуноҳми? Бу юрак билан бу ифлос мұхитда қандай яшай оламан, айтинг!” Юрагимни поёнсиз ғусса чулғайди. Ёзилажак шеърларим юрагимнинг туб-тубига күл бўлиб тўкилаверади. Эгилиб, синиб-синмай, ҳар ойда 25 сўмдан ҳақ оловчи рус опанинг олдига — ижара уйга бораман. Оқшом чўкади. Тунни шимираман. Кўксимни аламли ҳасрат чулғайди. Назаримда бутун Ўзбекистон улкан ижара уйга ўхшайди. Навоий ҳазратларининг китобларига бошимни қўйиб, товуш чиқармай, тўйиб-тўйиб йиғлайман. Кўз ёш аралаш мисраларни тақрорлайман. Китоб ҳўл бўлиб кетади. Толиқаман. Шу кўйи бошимни китобга қўйиб ухлаб қоламан.

Эртасига эса иш бошлайман. Эрта тонгдан то тун ярми-гача “бахтли совет кишилари” ҳақида хорижни хабардор қилувчи эшиттиришлар тайёрлаймиз. Мамлакат ичкарисида эса одамлар пахта далаларидаги гербицид, бутифос ёмғиридан заҳарланиб ўлади. Биз улар ҳақида “далаларда жавлон уриб, меҳнат нашидасини сурмоқда”, деб хабар берамиз. Мамлакат ичкарисида бутун бошли бир авлод ўз тарихи — адабиёти, тили, улуғ сиймоларидан атайин узоқлаштирилиб, бегоналаштириб борилаверади. Биз унинг акси ҳақида гапирамиз. Шу зайлда йиллар ўтаверади. Биз гапирган ёлғондан оппоқ қоғозлар қон рангида қизариб кетади. “Ижодий минбар”ларда фақат ўзга тилда сўзлашдик, фикрладик. Она тили ингради, кишанларда азоб чекди, зиндондаги Алпомиш каби ёргуликка чиқмоққа бехуда уринди. Аммо, совет машинаси шафқатсиз ишлади: тирик фикрлиларни совуқонлик билан ғажиб ташлади...

4

Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам хур туғилғонсан.

Чўлпон

Университет... “Диамат”, “Истмат” фанлари ёш онгимизга нималарнидир тиқиширишга бехуда уринади. Домлалар ўzlари тановул қилишни хоҳламаган таомни нозиклик билан бизга узатадилар. Табиийки, ёшлар сезгир, қайсар ва инжиқ бўлади. Таом қандай узатилган бўлса, кўл

тегизилмаган ҳолатда ўзлигига қайтади. Миямиз “диамат”-ни ҳам, аллақандай “истмат”ни ҳам қабул қылмайды. Туннинг оқкүнгил оғушида биз Абдулла Қодирийнинг Кумушбисисига оғу ичирган замонга лаънатлар ўқиймиз. Яширинча ёниқ ҳасратли, бироқ қайғулари бутун бир авлодни тирилтирадиган Чўлпон ва Фитратларнинг қўлга тушган асарларидан парчалар ёдлаймиз. Қўлёзмаларни яна авайлаб бир-биrimизга узатамиш:

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлиф тош янглиг бу хатарли йўлда қотдим-ку.
Карашма денгизни кўрдим, на нозли тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку...

Ҳалокат бўлғусин билмай... Ушбу мисраларни такрор ва такрор ўқиганимда юрагим ларзага тушади.

5

Энди совет сиёсатининг кураш навбати ўликларга келади. Ким мархумлар бошида жаноза ўқиса, у қариндошими, отасими, онасими, фарзандими, қатъи назар — совет партиясиға мансуб бўлса, жонажон “партбилети”дан ва амалидан айрилади. Мамлакатга қабристон сукунати чўқади. Ҳамма — бутун мамлакат — овоз чиқармай Яратганга илтижолар қилади. Илтижолар, нолалар бўғзини қонатади. Дард бўлиб, вақтидан олдин тўшакка михлайди. Мунофиқлар эса ўша-ўша: улар ҳар қандай замон ва маконда ҳам яшнаб, гулга кираверадилар. Туну кун совет сиёсати сайрайди: “80 фоиз аҳолиси саводсиз бўлган Ўрта Осиёга биз илм олиб кирдик”. Етмиш йиллик бундай ғамхўрликлардан Ўрта Осиёнинг ҳам “акли бирдан киради”. У юз йил олдинга сакраб, “ўз ихтиёри билан” улуф ва кудратли Россияга қўшилиб олади...”

6

...Ўзбекистонга қонсираган Гдлян келади... Шундоқ ҳам эрксизлик кишанлари бўғзи ва қўлларида хурсанд шилдираган, етти ёшидан етмиш ёшигача дала ва уйининг осто-

насидан бошқа жойни кўрмаган, ҳасратли Ватанини қалбидан авайлаб олиб юриб, унга қўшилишиб йиғлаган, унга қўшилишиб қон қусган, бир бурда нонини ўзи емай, уруш йилларида ота-онасиз қолган, жовдираган оч-яланғоч болаларга тутиб, бағрига босган, улуғ тарихидан бўлак илоҳий хазинаси бўлмаган Ўзбекистонга Гдлян келади... Бу қандай юриш эди... Совет сиёсатининг жон чиқар олдидағи навбатдаги “салб юришимиди?” Каламушлар еру кўкни кавлайдилар: “қани, муттаҳам ўзбекнинг яшириб қўйган олтинлари?” “Пахта иши”, “ўзбек иши”га айланади. Москва турмалари тўлиб кетади. Каламушлар ўзбекнинг пўстагигача тита бошлиди, бўйраларининг тагигача ҳидлаб кўради. Уради, хоҳлаганча ҳақорат қиласи, кейин ҳузур қилиб ўзбекнинг бўғзидан гажиб кетади...

Бундай манзаралар кўзим ва кўнглим ичидан тинимсиз қайнаб чиқаверади. Гербицидлар, бутифослар оғусидан жигари ириб кетган бутун бир авлод, ёшига етмай лолақизғал-доқўлардай бир яшнаб, яна йўқликка учган минглаб гўдаклар... Булар ўзбек халқининг ҳар бир ҳужайрасига учмас бўлиб ёзилган тарих... Агарки, кимда-ким улардан кўз юмиб, уни оёқости қилиб кутлуг Эркка келган бўлса, гумроҳдир. Унинг муқаддас Эркни соғингани қип-қизил ёлғондир...

Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига ҳар дақиқаси миллион йиллар азобини ва таҳқирини берувчи Даشتি Карбало саҳроларидан товоналаримиз ва Эркни соғинган қалбимиз қонаб кечиб келдик. Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига тўла маънодаги озод ва ҳур Ватанга ичикиб, уни соғиниб, унинг йулида беҳисоб курбонлар бериб келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига вақтидан олдин кексайиб, вақтидан олдин соchlаримиз օқариб, бироқ ўзбекона юрак билан келдик.

Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига улуғ Соҳибқирон Амир Темур ва унинг тулпорлари туёқларидан чақнаган Эрк чақинлари илиа келдик.

Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига муқаддас Куръони Каrimни бағримизга босиб, дини исломдек гавҳаримизни кўксимизга жойлаб, Яратганга беадад шукроналар айтиб, тутатилган ўз масжиду меҳробларимизни қайта тиклаб келдик.

Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига ўзини ҳақиқий ўзбек, мусулмони комил деб биладиган, шу Ватандан ўла-ўлгунимча қарздорман, деган туйгулардан ҳар куни юксаладиган қалблар билан келдик.

Биз — 1991 йилнинг 1 сентябрига улуғ боболари қони, томирларида гувиллаб оққан, Эркни умрининг мазмуни деб билган, уни онасидек, фарзандидек, Ватанидек, миллатидек сўйган ва унга ўзини тұхтосиз бағишкаётган улуғ Президенти билан келдик.

7

Кимдир бутун умри давомида ўзи яшаган тупроққа бир түп ниҳол экмайди. Лекин дунёдан талаби бекиёс: гугурт бир тийин, картошка фалон тийин, гүшт фалон сўм бўлган замонлар яхшимиди-ей, деб қўмсаб қолади. Ўлаб қоламан, советнинг мудҳиш сиёсати биздек кўзи тўқ миллатни наҳот шу даражага олиб бориб қўйган бўлса? Лекин худди ўша одамнинг қўлларида, бўйинларида тиллолар ярақлади. Кимдир ўзини демократ деб кўкрагига уриб қолади: унинг ҳам жамият олдига қўйган талаблари замирида аслида шахсий истак ва хоҳишлар ётади.

Улар учун ўзбек халқининг “Умид”лари дунёлар билан бўйлашаётгани, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси кун сайин ўзгараётгани, қўлдан кетган мулклар яна ўз эгасига — халққа қайтаётгани, ўзбек ўз машинасида узун йўлларни қисқартираётгани, гўдакларининг танглайи Яратган эгам ва Давлат мадҳияси билан кўтарилаётгани ҳам қувончли эмас.

Ҳақли савол туғилади: Нега? Ким ўзи улар? Нега она-Ватанга зарур дамларда қўрқоқ пингвинлар каби уз соҳилидан бир қадам Эрк томон қадам қўймайдилар. 70 йил аввал она-Ватан хомталаш бўлган вақтларда нега улар кесилаётган тил, кўмилаётган тарих, таҳқир қилинган Ислом динининг ҳимоячилари сифатида майдонга чиқмасдилар! Масжиду мадрасаларга ғаним отлари боғлаб қўйилиб, оёқости қилинганда ҳозир ўзларини “Хизбут таҳрир”чилар деб кўнгиллари сиёсий мавқе, ҳокимият тусаб қолган кимсалар қайда эди? Узоққа бормайлик: 1976—86-йиллар турғунлик йиллари деб ном олган, сиёсий инқироз куртаклаб қолган бир вақтда улар нега ўзларини намоён қилмаган эдилар?

Ватан илдизлари жонига томир отган кимсалар шундай йўл тутадиларми? Асло!

Тонгни ўз дуолари билан қаршилааб, тундан хотиржамлик, тинч уйку сўрайдиган, топганига шукур қиласидиган қули қадоқ халқ номусулмон бўлиб қолдими?

Болаларини бетаҳорат эмизмайдиган оналаримиз ному-сулмонми?

“Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратини эслатиб турди, одам боласини хушёр булишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши булишга, яхши из қолдиришга ундан турди”, деб ёзадилар муҳтарам Президентимиз.

16 февралнинг мудхиш воқеалари Эрк душманлари қаттиқ талвасада эканликларининг тарихий исботидир. Зеро, ўзбекнинг ҳалол орзуларидан тўраган болалар она-Ватан юзини абад ерга қаратмайди. Улар ҳеч қачон ғаним пулларига Ватанини, динини сотмайдилар. Бундай қилишига томирларида оқаётган улуғ боболари, аждодларининг табаррук қонлари сира йўл қўймайди. Зеро, Она Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Шайх Нажмиддин Кубро каби юзлаб она-Ватан тимсоллари ҳақидаги битиклар фарзандларимиз учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлади.

Зеро, тарих эзгулик ва ёвузликларга ҳам бирдек доядир. Мардлар ёнида номардлар келиши, садоқат ёнида хиёнат туриши, Маҳмуд Ялавочлардан Маҳмуд Ялавочлар туғилиши бу улуғ халқ ва унинг Эрк деган гавҳари тақдирига ҳеч қачон соя сололмайди.

Чунки, дон ҳамиша дон, сомон ҳамиша сомон. Сомонни йиллар шамоли аямасдан узоқ-узоқларга учириб кетади.

Халқимиз эса тобора уйғониб бораверади. Уни истиқло-лимиз кун-бакун уйғотиб бораверади.

Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “Халқимизнинг миллий уйғониши — миллий хавфсизлигимиз кафолатидир”.

Бандаси самога тош отса, бошига тушади. Ўз онасига, Ватанига кўтарилган кўлни тарихнинг қасос қиличи кесиб ташлайди.

Ватан кўксига суқилмоқчи бўлган ханжар хоин юракнинг ўзига санчилади. Бу — аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

“Мен сенинг учун туғилдим,
Сенинг учун яшадим,
Сенинг учун ўлурман, Ватан!” —

деб ёзган эди улуг Фитрат. Ва у жон берганида ҳам күксіда Эркнинг туғини баланд күтариб, миллат боши узра хаёлан ҳилпиратиб, хаёлан юз-күзига суриб, агадийликка номини мұхрлаган эди.

Зоро, Фитратнинг бу улуғ сўзлари Эркни таниган, билган, уни сўйган ва у билан яшаган ҳар бир миллатдошим учун, она Ўзбекистоннинг имонли инсонлари учун томирдаги қони ила қўшилиб оқадиган муқаддас қасамдир.

ВАТАН ИЛДИЗЛАРИ ЖОНИМИЗДАН ҮТГАН

(СУХБАТЛАР)



“МЕН СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР”

*Мұхтарама Зулфияхоним хотирасига
шоғырдлик әхтироми ила бағишлайман*

1

“Вақт бошимдан оқиб ўтаяпти,

Оқиб ўтаяпти вақт күзимдан...

Булоқ құлди мени вақт”, — деб ёзади замонамиз алломаларидан бири.

Дарҳақиқат, шовуллаб оқиб бораверади умр дарёси... Шағиллайди дарё тошлари... Кафтларимиз орасидан ипакдек майнин, иссиқ олтин құмлар тұқилади худди Вақт каби... Баҳорлар, ёзлар, кузлар, қышлар келиб кетарлар улуғ Вақт етовида үzlаридан хотиранинг куримас дарёларини қолдирив... Бир соҳили соғинч, бир соҳили армон аталған бу дарёлар юрак кенгликларида жимиллаб, ярқиллаб күзларни олгудек чайқалиб, гувиллаб ётарлар. Бу дарёларнинг соҳилларида ҳар ким үз “мен” и ва хотираси билан ёлғиз қолади. Бу дарёлар, бу улуг-улуг дарёлар жим оқадилар, сокин оқадилар тубларига гавҳарларини яшириб... Зоро, Шарқ ва унинг кишиси шундай дарёлардан түйиб-түйиб сув ичиб улғайғанлар. Камолга етганлар. Мен ҳозир шундай бир улуг дарё бүйида туриб үз хотираларимни қофозга туширяпман. Шу пайтгача кўксимда лимиллаб ётган, қофозга туширсам гўё оҳори тўқилаётгандек жонбахш хотираларимни юрагимнинг туб-тубида узоқ олиб юрдим гавҳар каби яшириб. Бу хотиралар аслида менинг қарзларим, бир кун абадий дунёга кетар чофимда үзим билан олиб кетишим мумкин бўлмаган қарзларим. Мен бу улуг дарё бўйига қарзларимни тұлагани “Гуллару, майсалар, бижилдоқ сувлар, келинчак баҳорнинг сепи” бўлган ушбу дақиқаларда, баҳор Сиз ва Шоирни яна йўқлаб келган, ҳур қизалоқлар дарёлардан “ҳовуч-ҳовуч сув ичаётган”, Чифатой қабристонида сиз ва шоирнинг гўзал руҳлари мушоиралар қилаётган бир дамларда келдим, азиз Зулфия опа! Биз Сизни йўқлагани кўпчилик бўлиб, минглар бўлиб келдик азиз Зулфия опа. Биздан олдинги сафдош шоира опаларимиз, тенгдошларимиз Бибисора, Мұхтарама, Дилбарлар, Кутлибекалар бўлиб келдик қошингизга. Дил-

барнинг бошига ўз рўмолингизни ўратиб қўйгансиз Москваларда, бошинг совқотмасин деб, яна бирларимизга эгнингиздаги иссиқ кийимингизни ечиб бергансиз, бемаҳал аёзлар ўтмасин, деб. Яна биримизнинг оёқларимизга этиклар кийдиргансиз, музлар оёғингни кесиб кетмасин, деб. Биз ҳам Сизнинг қошингизга гул тўла қўнгилларимиз билан келдик, азиз Зулфия опа!

2

Биз ўшанда ҳали дунёни фақат ҳайратдан иборат, деб тушунган фур қизалоқлар, мактаб ўқувчилари эдик. Ўқитувчиларимиздан ҳар куни тинглайдиганимиз — Зулфияномингиз биз учун жуда сеҳрли эди. Сизнинг кафтдаккина, муқовасига сувратингиз туширилган китобчангизни авайлабгина олиб юрардим. Шеър тилсим, шоирлик тилсим эди мен учун. Тўртинчи синф ўқувчиси — ўзимча шеърий машқларимни ҳеч кимга кўрсатмай хаёлда Сизга ўқиб берардим.

...Зулфия опамлардек
Шоира бўлсан дейман.
Ҳаётнинг сирларини
Кўшикқа солсан дейман.
Қўлимдаги қалам-ла
Кўйласам шу ҳаётни.
Кўкларга кўтаргум бор
Вафони, садоқатни...

Ушбу, ҳозир шеър дейишга ҳам хижолат тортадиган мисраларим район газетасида босилиб чиққанида устозларимнинг хурсандчиликдан боши кўкка етган эди. “Вақтлар келиб, сен ҳам Зулфия опамиздек шоира бўлсанг, ажабмас. Ёзавер, қизим”, дейишарди улар. Ҳозир эса ўтириб ўйлайман. Шеъриятга шамга талпинган парвонадек интилган мурфак қалблар учун Сиз дарёларнинг боши бўлган экансиз, Зулфия опа!

3

Республика ёш ижодкорларининг семинари бўлиб ўтган эди, 1976 йил баҳорларида... Қўқонлик шоира Дилбар Ҳамзахўжаеванинг гўзал ташбеҳларини Сиз бир дунё ҳайрат ва

қувонч билан қаршилаган эдингиз. “Кулранг булутларга қаңотларини белаб-белаб учган қалдирғочлар”... Узининг азиз жонини азобларга тутавериб илма-тешик бўлиб кетган антишвона образи... Ёки ботаётган қүёш... Уфқнинг гузал шеърий сувратлари: “Қуёшнинг ўт лаби қолган булутлар баданида”... Сизнинг ҳассос қалбингизни ларзага солган топилмалар эдики, Сизнинг назарингизга тушганидан Дилбар учеб юрар, тенгдошимизнинг улуғлар томонидан эътирофи эса ҳаммамизнинг ютуғимиз, ҳаммамизнинг қувончимиз эди, Зулфия опа. Сиз адабиёт даргоҳига тортинибгина қадам қўяётган истеъдодларга ҳамиша қувват берадиган сўзингизни айтишдан чарчамас эдингиз. Уларнинг орасида порлаб турганларни алоҳида ажратиб, бир даста гул каби халққа тутардингиз. Йўлларини икир-чикирлардан, турли кўзга кўринмас фовлардан бир лутф ила очиб қўяр эдингиз. Шоидаларингизнинг шаъни сизнинг шаънингиз, уларнинг ютуғи сизнинг ютуғингиз, уларнинг қайғу-армонлари Сизнинг қайғу армонларингиз эди.

4

— Ҳар нарсадир, меники! — дейди Вақт. Сенинг ниманг бор эди ўзи? Ниманг бор эди ўзи? Мен унга яраларимни кўрсатдим.

Вақт айтди:

— Қайформа. Бу ҳам омонат.

Журналистика факультетининг талабаси эдим. Сизнинг ҳаётингиз ва ижодингиз ҳақида маъруза тайёрлашим керак эди. Курс ишига талабалар ўзларига ёқсан мавзуларни танлаб оладилар. Мен эса Сизни танлагандим. Вафо рамзи ва ҳижрон куйчиси тимсоли сифатида.

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.
Гулни кўриб, ишқпараст дилим
Минг айтилган дарддан йиглади...
“Канча севар эдинг, бағрим, бу баҳорни”...

Сизнинг дилингизни ўртаб ётган соғинч, фифон, айрилиқ азоби ўн тўққиз ўшдаги талаба қизнинг қонларига “Гиря” каби оқиб киради. Сизнинг баҳтиёр ва масур пайтлардаги сувратингиз — Ҳамид Олимжон билан бирга тушган сувратингиз менинг бешафқат Вақтга доим берадиган “Нега” де-

ган улкан саволимнинг ибтидоси эди. Шундай гўзал жуфтлик ҳам айрилиши мумкинми. Вақт, шунча бешафқатмисан, сенда дил йўқми, деб мурожаат қиласадим унга. Оппоқ ўрик гуллари атрофга сочилиб паришон тўзғиб ётарди назаримда... Бутун умри мобайнида сабр, тоқат, поклик ва вафотимсоли бўлган АЁЛ — ҳар баҳор УНИНГ қабрига бошини мағрур тутиб, гул элтарди. Гўё баҳорнинг яшил япроқлари, лопиллаб оқаётган бўтана анҳор сувлари —

Сени жонсиз кўрдиму, мен
Жоним чиқди сенинг-ла, — деб

титраётгандай туюларди.

Сен менинг ўйларим, нафасимдасан,
Севинч, қувончларим, ҳасратимдасан...
Сен менинг қонимда ёнган аланга,
Қайга боқмайин мен, кўринган манга.
Мен қайга бормайин, унда сен меҳмон,
Сен — жимлик, нур, шамол, зангори осмон,
Қайга, қайга кетай мен сендан қочиб...

Бу арман шоираси Сильфа Капутикяндан таржима эди. Менинг назаримда эса бу шеърни Сильва эмас, ўзингиз ёзгандек туюлардингиз. Утаётган Вақтга қалбининг яраларини кўрсатаётган минглаб аёллар эса ибрат сабоқларини Сизнинг ҳаётингиз орқали ўқирди.

5

Ниҳоят, мен узоқ кутган кун келди. Севимли шоиримиз Ойдин Ҳожиева, “Шарифа, келинг “Саодат” журнали саҳифаларида шеърингиздан бир туркум берайлик”, деб қолдилар. Мен умуман матбуотда кам чиқардим. Журналда ҳам сира иштирок этмаган эдим. “Қандоқ бўларкин, Ойдин опа, — дедим тортиниб. Шеърларимга ўзимнинг ички талабим шунчалар кучлики... Зулфия опамдек шоиранинг нигоҳларидан утиши...” Ойдин опам мени тушундилар. Кулдилар. “Оббо сиз-ей, битта китобингиздан ҳам олиб келинг. Бирга кирамиз”. Айтилган кунгача мен имтиҳон топширадиган талаба аҳволида эдим. “Ҳаёт завқи” деб номланган илк китобчамга дилимдаги сўзларимни билганимча туши-

риб, Ойдин опа билан қимтинибгина Сизнинг ҳузурингизга келдим, Зулфия опа! Сиз эса гүё минг йиллик қадрдонингизни кўргандек, “Шарифахонсиз-а, мен сизнинг шеъларингизни ўқиганман”, деб қаршиладингиз ва маҳкам бағрингизга босдингиз. Негадир мижжаларингизда тұла ёш эди. Кейин, менга: “Сиз менга ёшлигимни эслатдингиз”, — дедингиз. Мен эса гүё шириң туш кўраётгандек эдим. Буюклик ва оддийлик олдида лол эдим. Тортинишларим, ҳаяжонларим тумандек тарқалганди. Менинг олдимда ўзим узок интилганим — теран шеърият, давлат арбоби, жаҳонгашта шоира Сиз турардингиз, Зулфия опа.

— Ҳозир неча ёшдасиз? — деб сўрадингиз.

Мен ёшимни, оиласми, иккита қизчамни айтдим. Кўзларингиз порлаб кетди. “Мен эса Москвага ёзувчилар анжу-манига борганимда сиздан икки ёш кичик эдим. Шунда рус шоираси Вероника Тушнева менга қараб, “Шарқ қанчалар гўзал”, деб ҳайратга тушган эди. Сизга қараб ёшлигим эсимга тушиб кетди. Аммо менинг бошимга тушганларни сизлар кўрманглар”, дедингиз. Кейин ҳар битта шоира ҳақида меҳр билан гапириб, тавсифладингиз. Шеъриятдаги топилмалар, яъни образларнинг аҳамияти, сўзни билиб ишлатиш, унга сайқал бериш ҳақида гапирдингиз. Нечта китоб чиқарганигимни сурадингиз. “Атиги битта, — дедим. Рухсат берсангиз, сизга совға қилсам”.

— Мен китобчани ўқиб албатта фикрларимни айтаман. Сиз тез-тез “Саодат”га келиб туринг. Ёзишни ташлаб қўйманг, — дедингиз самимият билан. Столингиз устида эса саф-саф қўлёзмалар турар эди.

Бир соатдан ортиқ давом этган мулоқотда мен батамом бошқа инсонга айланган эдим. Ўзимга, шеъларимга ишончим ҳам ортган, гүё елкаларимда Асқар тоғ — суюнч тоғларининг қуввати билан кетаётгандек эдим. Эълонга танлаб олинган, бир туркум шеъларим ҳақида ҳам, китобча ҳақида ҳам баланд фикрлар билдиридингиз. Кейин билсам ўша баҳолар билан шеърият олдида, меҳрлар билан ўзингизнинг олдингизда бир умр қарздор қилиб қўйган экансиз, Зулфия опа! Биз бир нарсани — Зулфия опанинг қизлари — ёмон бўлишга ҳаққимиз йўқлигини биларди. Ёмон ёзишга ҳаққимиз йўқлигини билардик.

Сиз осмонсиз, нурли осмон,

Бағрингизда юлдузмиз.

Нур қаламни тутган шодон

Кирқ минг нафар ҳур қизмиз...
Бу уммондан баҳра олган
Күёшга йўл тутади.
Қатра-қатра нурлар томган
Қатрадай шеър битади...

Бу менинг ўша илк китобимдаги Сизга бағишлиланган тўпури шеърим эди. Буюк ўзбек шоирасига аталган меҳримнинг соддагина ифодаси эди.

6

...Мен ўшанда ушбу учрашувимиз сўнгги учрашув бўлишини хаёлимга ҳам келтиргмаган эдим, Зулфия опа. Унгача ҳам сиз матбуотдаги онда-сонда чиқишиларим ҳақида ўз фикрингизни гоҳ Ойдин опа, гоҳ телефон орқали айтиб, кувватлаб, юрагимни ёруғлантириб турардингиз. Сиз билан катта бир суҳбатни режалаштириб қўйган эдик. Авайллаганимиз, бир даражада журъатсизлик, сизнинг гоҳ bemорлигингиз боис бу суҳбат орқага сурилиб келарди.

Бир куни ажойиб журналист опамиз Дилбар Маҳмудова билан олдингизга бордик. Ҳаво намчил, баҳор бошланган бўлишига қарамай, сезиларли совуқ эди. Топ-тоза зиналардан кўтарилиб, эшик қўнғирофини босдик. Эшикни очдингиз-у, болалардек кувонониб кетдингиз. Оёқларимизга кийиш учун янги шиппаклар бердингиз. Ўзингиз бир зумда бошқа кийим кийиб чиқдингиз. Рангингиз бироз сарғайнқираган бўлишига қарамай, ўқтам товушда ҳаммамизни бир-бир сўраб чиқдингиз. “Сизни икки кун бурун телевизорда кўрдик Ҳулкар билан. Ватан ҳақида жуда яхши шеър ўқидингиз. Атлас кўйлакда эдингиз-а”. Мен Сизни одатдагидек жим тинглардим.

Суҳбат мобайнида вазада салгина қийналиб турган гулнинг бирини авайлабгина тўғрилаб қўйдингиз. Ҳудди боланинг бошини силағандек эҳтиёткорлик ва меҳр билан. Суҳбат мавзуси бугунги шеърият — қизларимиз ижодига бориб тақалди. “Ҳар биттаси жуда баланд шоиралар, ҳозирги шеърият жуда баланд шеърият”, дедингиз фахр билан. Бир-биридан кучли қизлар етилиб келяпти шеъриятимизда”. Сўнгра ҳар бир шоиранинг сизга маъқул мисраларини айтдингиз. Дилбар опа иккаламиз Сизнинг шахс сифатида жуда улканли-

гингиздан, қувваи ҳофизангизнинг ўткирлигидан ҳайратланаб ўтирадик.

— Вақтида доримни ичиб олишим керак, бўлмаса Ҳулкар хафа бўлади, — дедингиз. — Болаларим яхши, жуда яхши, — дедингиз фуур билан. Улар жуда меҳрибон. Ҳаммага ҳам шундоқ фарзандлар насиб қилисин.

Сунгра сұхбат мавзуси рассом Абдулҳақ Абдуллаев томонидан чизилмай қолган полотнога — ўзингизнинг расмингиз ҳақида кетди. “Чизиш учун ҳамма нарса тайёр эди, бироқ рассомнинг таклифи — ерга қараб ўтириш таклифи менга маъқул тушмади”. Биз чизилмай қолган суврат устида анча баҳслашиб ўтирадик. Сунгра сұхбат Комил Яшин, Ҳалима Носирова каби азиз юртдошларимиз билан боғлиқ хотира-ларга бурилди. Севимли шоиришим Ҳамид Олимжон ҳаётлигида Москвага декадага кетаётган пайтингиздаги йўл хотиралари менинг ҳам қалбимга бир умр ўчмайдиган бўлиб муҳрланиб қолди.

Шу аснода эшик жиринглаб қолди, Зулфия опа. Неварангиз Улуғбек эшикдан порлаб кириб келганидаги қувончларингиз ҳамон кўз ўнгимда. — Мендан болаларим ҳар дақиқа хабар олиб туришади, ҳеч кимга ишонишмайди, — дедингиз. Биз балконда сұхбатлашиб ўтирадик. Бир қўлингиз билан Улуғбекнинг, бир қўлингиз билан менинг қўлларимдан маҳкам ушлаб, залга олиб кирдингиз, сунгра стол устида турган Ҳамид Олимжоннинг портретига бир қараб, Улуғбекка бир қараб: “Ҳамид билан икки томчи сувдек бир-бираiga ухшаш, илойим, умри ухшамасин”, дедингиз. Менинг хаёлимдан шу дамда Ҳамид Олимжоннинг “Куйгай” ғазали айланарди: “Олай тоқатни қайдинким, Кўзингга тик боқолмасман, Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай” деган мисралари куйи билан жонимга ларзалар соларди.

Бу орада Ҳулкар опа келиб қолдилар. Суз яна шеъриятга бурилди. Ватан ҳақида ўша шеъримни ўқиб беришни сўрадингиз.

Умр гулшанининг баҳори кетди,

Булбуллари кетди, Ватан кетмади.

Хусн қалъасининг оҳори кетди.

Фуурлари кетди, Ватан кетмади.

Кетди ёру дўстлар, жўралар кетди,

Юрак меҳробидан Ватан кетмади.

Саралар, оқиллар, тұралар кетди,
Юрак тупроғидан Ватан кетмади...

Кейинчалик үйласам, шеърларимга үшанды берган баҳо-
ларингиз аслида менга берган оқ фотиҳангиз, дуоларингиз
экан, Зулфия опа. Яна үқи, — дедингиз, яна үқидим.

Қайда қолди гүзәл ҳайратлар,
Гүдакликнинг маъсум ишончи?
Ёмғир сенми, күз осмонимдан
Юзларимга сирғалған томчи.
Қайда қолди у гүзәл дүстлар,
Шафтолининг гулидай хушрой.
Мен уларга құл чүзай десам
Қабр узра майса чүзар бўй...

...Биз үша куни жуда узоқ ўтиридик, Зулфия опа. Сиз үша
суҳбатда ёшлигинизнинг мағрур, гүзәл дамлари Сизни сев-
ган күнгилларга абад навқирон ҳолатда муҳрланиб қолиши-
ни истагандингиз.

Сиз билан хайрлашар эканмиз, хув биринчи галдагидек,
мени меҳр билан, қаттиқ бағрингизга босдингиз. Мижжалар-
ингизда нимадир йилтираб кетди. Айнан останада туриб
юрагингизнинг устига қўлингизни қўйиб кўрсатдингиз: “Худ-
ди шу еримда ниманидир қўзғаб қўйдингиз. Сизга ҳами-
ша — кеча-ю, кундуз эшигимиз очиқ”.

Кейин эса... биз сизни қайта кўролмадик, Зулфия опа.
Сиз бемор ётган пайтларингизда ҳам бордик, кўролмадик.
Бизни аядингиз, кўнглимиз эзилишини истамадингиз.

Вақт эса... Ҳамон... “Вақт бошимдан оқиб ўтаяпти,
Оқиб ўтаяпти вақт кўзимдан”.

Баҳор дарёлари эса оқиб келяпти Сизни суроқлаб. Сон-
сиз-саноқсиз чечакларини Сизга келтиряпти, пойингизга
нисор айламоқ учун. Сизнинг номингиздаги Давлат муко-
фотига сазовор бўлган навқирон Зулфиялар, Зулфияхоним
қизлари келяпти Сизни таваллуд кунингиз билан қутлагани.
Тиқмачоқдек билагига кўзмунчоқлар тақиб, шеърлар
ёзувчи тўққиз ёшли шоира қизингиз Гулҳаёлар, Нодиралар
келишяпти, Сиздан дуо олгани. Сиз эса үша-үша ... улуғ-
ворлик билан сокин оқиб ўтапсиз барчамизнинг кўксимииз-

дан. Баҳор, қушлар, тўлқинлар соҳилда хотираси ва “мен” и билан турган менга ушбу мисраларингизни айтиб кетяпти:

Эрка шодликларин ютса ҳам кадар,
Қайғу селларига тоқат тоғидан
Энг қирра тошларни отиб яшади...

ГЎЗАЛЛИК ОНА СУТИ БИЛАН КИРАДИ

Кибриё Қаҳхорова билан суҳбат

— Сиз бир суҳбатимизда раҳматли падари бузрукворингизнинг хусниҳатларини кўрсаттан эдингиз. У кишининг гўзал ёзувлари шу пайтгача кўз ўнгимдан кетмайди. Сиз ҳақингизда ўйлаганимда беихтиёр ўша ёзувлар ёдига тушади...

— Дадам риёзиётчи-математик олим бўлганлар. Умрларининг қарийб ярмини илму таҳсил билан Бухоройи шариф мадрасаларида ўтказганлар. Аввал таҳсил олганлар, кейин мударрислик қилганлар. Эллик ёшларида она диёри Самарқандга қайтган ва муфтийлик қилганлар. Ҳақиқатан ҳам, сиз айтгандай, хатлари жуда гўзал эди.

Дадам бўйлари баланд, қошлари пичоқнинг дастасидай қалин, соқоллари мошгуруч, элликдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Лутфулло маҳдум ёки Муфтибобо, дейилса, ҳамма билар эди. Мен оиласда 1914 ийли, дадам 56 га кирганларида оламга келганман.

Тилим чиқиши билан, эҳтимол икки ёки икки ярим яшар бўлсан керак дадам менга шеър ўргатганлар. Тилим шеър билан чиқсан десам, муболага бўлмас. Агар эътибор қилган бўлсангиз керак, болалар тили чиқиши биланоқ, ўз-ўзича, бир нарсаларни такрорлаб юради. Ўша пайтда қулоғига нимани қўйсангиз, бир умрга муҳрланиб қолади. Биринчи бўлиб дадам менга “тезгўяқ” (тез айтиш)ни ўргатганлар.

Алиф-лака о-ан вали-о, уули минал муули мао-о,
Бе-лака бобан вали бо, бубули минал бубули мабо-о,
Те-лака то тан вали то, тутули минал тутули мато-то
Се-лака сосан вали со, сусули минал мусули масо-со.

Мана шу тарзда дадам менинг тилимни “қайраб” боргандар. Тилим сал бурро бўлиши билан Алифбони ёдаки ўқита бошладилар.

Эй, алиф, отингга қилдим сархат топмай ибтидо,
Бе-балойи дөғи ҳажринг дилга жо қилдим бугун.
Те-тиловат қылғай эрдим ояты рухсорини,
Се-савоби хатми қуръон дилга жо қилдим бугун
Жим-жамолингни күрай деб келдим, эй, шоҳи жаҳон,
Хе-ҳаётим борича, жоно, дуо қилдим бугун.

Ҳали хат ўқиши бошламасдан мен абжад, ҳаввас, хутти
караман, сауфас, қарашат, заззах... деб абжадни ўзимча қўшиқ
қилиб айтиб юрап эдим. Ҳатто зарб жадвали ҳам шеър билан эди.

Алифбо, зарб жадвалини ёддан ўқиб берадиган бўлганимдан кейин Ҳафтияқ (Қуръоннинг еттидан бир қисми)ни ўргатдилар. Фақат ўқиб эмас, маъносини айтиб беришим керак эди.

Ҳафтияқдан кейин Қуръони Каримни туширганман.

Беш-олти яшарлигимдаёқ дадам ҳар кеча мен билан ўтириб дарс қиласар эдилар. Ўзбек, форс, араб гилларидан таълим берар эдилар. Келажакда боламга керак бўлиб қолиши мумкин, деб бир маърифатли татар аёлини топиб рус тилини ўргатганлар. Хожа Ҳофиз, Машраб, Фузулий, Мирзо Бедилни ўzlари ўқитардилар.

— Қани, мулло Кибриё, Мирзо Бедилнинг шу икки мисра шеърини тушунтириб беринг-чи? — дердилар мулойимлик билан:

Даҳр ҳалқеро ба марги ағниё мепарварад,
Як наҳанг мурада инжо баҳри сад моҳи ғизост.

Яъни:

Дунё одамларни бойларнинг ўлими учун тарбиялайди.
Битта ўлик наҳанг юзта майда балиқقا ғизо булади.

Мабодо болалик қилиб вазифани ўз вақтида бажармасам: “Мулло Кибриё, Шайх Саъдий нима деганлар?” деб сўрардилар.

Мероси падар ҳоҳи, илми падар омӯз.
Кин моли падар сарф тавон кард ба ду рӯз.

Яъни:

Агар отангнинг меросидан умидвор бўлсанг, унинг илмини ўрган. Бўлмаса отангнинг молу мулки икки кунда туғайди.

Абжад ҳисобини ўрганганимдан кейин дадам: “Қани, мулло Кибриё, Гўри Амирнинг таърихи (қурилган йили) абжад ҳисоби билан “Гунбаз” экан. Демак, у нечанчи йилда қурилган?” десалар, мен дарров қофоз-қалам олиб: Г—20, Н—50, Б—2, 3—700, яъни, 772 йилда деб жавоб беришим керак эди.

— Қани, мулло Кибриё, квадратни квадратга зарб қиласлик. Масалан, ўн бешга ўн беш-икки юз йигирма беш, йигирма бешга йигирма беш-олти юз йигирма беш... Мен бу саволларга, албатта, қофоз-қаламсиз, ёддан жавоб беришим шарт эди.

Шу тариқа мен ўн икки яшарлигимда олий маълумотли бўлганман. Қуни-қушнилар дадамни ҳол-жонларига қўймасдан, ялиниб-ёлвориб мактаб очишга мажбур қилишган ва мен узимдан катта қизларни ҳам ўқитганман.

Дадам берган маълумот билан мен Ленинград дорулфунунининг шарқшунослик факультетига ўқишга кирганман. Мен билан фақат иккита катта профессор Бертельс билан Болдирев сұхбат қилиб: “Бўлди, эртага келинг, биз сизни 4-курсга имтиҳонсиз қабул қиласиз”, дейишган.

Тагин муболага қилаяпти, деб ўйламанг. Ўша йиллари 4-курсда иккита тожик бола: бири Тожизода, иккинчиси Фозилов деган йигит таҳсил олар эди. Тожизода ҳозир Тожикистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фольклорчи Фозилов эса оламдан ўтган. Ленинграддаги тил ва адабиёт институтида Розенфельд ва Климчицкий деган икки тожикшунос олим тожикча-русча лугат тайёрлаётган экан. Буш вақтларимда шуларга маслаҳатчи бўлиб ишлаганман.

Мен бу гаплар билан нима демоқчиман, эҳтимол, ҳозирги пайтда баъзи ота-оналар “Бундай ишлар учун бизнинг вақтимиз, фурсатимиз йўқ”, деб сабаб кўрсатишар. Балким улар ҳақдирлар. Аммо инсон нимани астойдил хоҳласа, унга ҳамиша имкон топади. Ахир дадам ҳам шаҳар муфтиси бўлган, лекин барибир вақт топган. Ҳаммаси хоҳишга, ҳафсалага боғлиқ.

— Ҳазрат Алишер Навоийнинг — 550 йиллик тўйи дилда бекиёс қувонч ила бир қадар изтироб ҳам уйғотади. Боиси, бугунги китобхонларимиз улуғ шоирнинг шеърларини тўла

аңглаб етолмайди. Сиз эса айни бир пайтда бир рубоийни уч тилда bemalol таҳлил қилаверасиз.

Сизга қараб туриб, одам адабиётни чуқур англаши учун шеърий оҳанглар унинг мусаффо қонига гўдаклигидан йўгрилиб кетиши керак эканми, деган фикр тугилади.

— Гапингиз жуда ўринли. Шеърият она сути билан бирга кириши керак. Болаларнинг бешиги устида алла айтишдан мурод — тили шеър билан чиқсин дейилган. Падари бузрукворимнинг таъби назмлари шу қадар баланд эдики, ҳатто танбеҳ берсалар ҳам шеър билан бўлар эди. Агар овқатлансанму, мабодо косанинг тагида озгина овқат қолса, дарров, мулло Кибриё:

Аъзон рўзеки жаннатро бино кард.

Савоби косалесонро жудо кард.

Яъни:

Худо жаннатни яратган куниёқ косанинг тагини яладиданларнинг савобини алоҳида қилиб қўйган. Бу хасисликдан эмас, куфроний неъмат бўлмаслиги учун, дердилар.

— Даражон, ошнинг тузи расоми? — деб сўрасам.

— Бо мардуми бо намак намак ҳожат нест, — дер эдилар.

Яъни: тусли одамларга тузнинг ҳожати йўқ, деб шеър билан жавоб берар эдилар.

Устод Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейига баъзан дорулғунун, ёки театр-рассомлик институтининг талабалари келишади. Мен атайин, “қани болалар битта шеър ўқиб беринглар”, дейман. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Бу йил Мир Алишер Навоий йили, ҳеч булмаса ҳафтада бир мартаба шеърхонлик бўладиу, биз ҳам ушандан баҳраманд бўламиз деган умидда эдик, минг таассуфки, бу орзу ҳам рўёбга чиқмади.

Устоз Алишер Навоий шеърларини аруз вазнига солиб яхши ифодали ўқийдиган кишилар йўқ. Менимча, бу ишга танлов эълон қилиб, чиройли, ифодали ўқийдиганларни танлаш мумкин. Ёки шу муборак сана муносабати билан радио ва телевидение қошида бир кенгаш ташкил қилиб, уч-тўртта қизларга таълим беришимиз мумкин эмасми?

Мен мавзудан озгина четга чиқмоқчиман, узр. Қарийб ун йилча Тожикистон Давлат нашриётида адабиёт бўлими ни бошқарганман. Биз туш пайти буфетга бориб навбатга

турмас эдик (балки мен унугантирман). Түшлик пайтида биз байтбарак қылар эдик. Менинг булимимда Абдусалом Деҳотий, Мирзо Турсынзода, Ҳабиб Аҳрорий, Муҳаммаджон Раҳимий ишлар эди.

Биз гикоғчача устод Абдулла Қаҳдор билан олти ойча 15–20 кунда бир марта бара учрашиб турғанмиз. Ҳар гал учрашадиган бұлсам, санъаткорларнинг ибораси билан айтганда менинг “репертуарим” тайёр эди. Ҳозирги ёшларимизга қараб, ғоҳида изтироб чекаман. Бир-бирларига шеърлар, ҳикоятлар айтиб беролмайдилар. Мен узр сұрайман, лекин бу маънавий қашшоқликдан бұлса керак... Биз она тупроғимиз яна улкан истеъдодлар яратсın деб орзу қиласынан бұлсак, бириңчи галда ёшларга тарбияда ўзгача бўлишимиз, уларнинг маънавий қашшоқ бўлиб қолишига йўл қўймаслигимиз лозим.

— Сизни адабиётимизнинг, тилимизнинг катта жонкуяри сифатида ҳам биламиз. Сиздаги жонкуярлик, тилга талабчанлик ижобий маънода жуда кўпчиликка юқишини истар эдик. Чунки тилимиз давлат мақоми олғандан сўнг ҳам воқелигимизда у қадар катта ўзгаришлар юзага келмаётиди. Жуда кўп жойларда эски ҳаммом, эски тос қабилида иш юритилмоқда. Баъзан тилга муносабатда “қош қўяман деб кўз чиқариш” юз берягти. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Минг афсуски, мен кундалик радио ё ойнаи жаҳоннамо тилида бирор силжиш сезмаяпман. Аксинча, тилимиз сўз бўтқасига айланиб қолаяпти. Ким қандай истаса, ушандоқ ёзаяпти. “Нома”ларнинг ҳисоби йўқ, “Сафарнома” сафар таассуротидан баҳс этар эди, “оинома” бир ой ичидаги бўлиб ўтган воқеалардан сизни воқиф этарди. “Рўзнома” бир кеча-кундузда бўлиб ўтган ҳодисалардан сизни хабардор қиласади. Эндиликда “Пахтанома” ҳам чиқибди Агар шу зайлда иш тутадиган бўлсак, яқинда худо билади, яна қандай “нома”лар ўйлаб чиқарилади?

Шу пайтгача директорни мудир деб ёзиб юрган эдик, эндиликда “бошқон” бўлиб қолибди. “Бошқон” деган сўзни қайси ўзбек тушунади? “Факультет”ни “куллиёт” қилиб олибмиз. Одатда бир қанча асарлар мажмуасини “куллиёт” деб атардик, энди уни нима деймиз? Шарқ олами “факультет”ни “факульта” шаклида қабул қиласади, биз ҳам шундоқ десак бўлмасмикин?

“Фотограф”ни рассом, сувратни “расм” деб ёзар эдик. Бу ҳам кимгадир ёқмабди, “фотограф”ни “сувраткаш” деб

ёзаяпмиз. Дурустроқ мулоҳаза қилиб қарасак “сураткаш” ҳам, “рассом” ҳам ўзбекча эмас. Модомики, ҳозирги кунда баъзи бир арабча сўзларни олган эканмиз, келинглар “аккос” булиб кўя қолсин.

Яқинда Президентимизнинг қаровчисиз қолган фақиру фуқароларнинг аҳволидан хабар олиб туриш, уларга ёрдам бериш ҳақида фармони чиқди. Таржимон бир жойда “ёлғиз қолганларни парвариш қилиш”, деб таржима қилибди. Ўқиб ҳайрон бўлдим: дарахтни, ниҳолни, болани парвариш қилиш мумкин. Бундай ёлғиз қолганларнинг эса аҳволидан хабардор булиб туриларди ёки уларга ёрдам қўли чўзиларди, шекилли.

Жигаристонда табиий офатга йўлиққанларни деярли ҳамма рўзномаларимиз “жабрдийдалар” деб ёзишди. Агар масалага мантиқан ёндашадиган бўлсан, уларга ким жабр қилибди? Агар бирор киши томонидан жабру зулм ўтказилган бўлса, ўшанда “жарбдийда” дейиш мумкин. Буларни табиий офатга йўлиққан, бехонумон ёки хонавайрон бўлганлар дейиш керакмасмиди?

Ватанини ташлаб кетаётган курдларни ҳам “қочоқ” деб ёзаяпмиз. Унда жиноят қилиб қочганларни нима деб айтамиз? Ўз тилимизда сарсону саргардонлар, деган сўзлар бор-ку!

Охирги вақтда “гуноҳкор”, “айбдор” деган сўзлар ўрнида ҳам “судланувчи” деяпмиз. Бу ҳам “подсудимий”нинг таржимаси. “Судланувчи” деган сўзни айгани ҳатто тилинг айланмайди. Бу сўз фақат таржимонларнинг айби билан тилимизга кириб келди. Қайси ўзбек “мен судланувчиман” деб айтади? “Мени гуноҳкор қилишди, ё мени айбдор қилиши”, дейди.

Дўконларнинг пештоқига “салқин сувлар” деб ёзиб кўйимиз. “Салқин” “соя” деган сўзнинг шериги, яъни соя-салқин дейилади. Ўзимиз “муздаккина сувинг борми?” ёки “яҳдаккина сувинг йўқми?” демаймизми? Қайси ўзбек “салқин сувинг борми?” дебди!

Ёки жуфт келадиган сўзлар бор. Масалан, меҳру муҳаббат, ёру дўст, туну кун, ёшу қари... Энди пири бадавлат, хоки туроб деган сўзлар бор. Булар жуфт сўзга кирмайди. Кўпгина ҳолларда пири бадавлат ёки хоку туроб деб ёзиш-ётганига дуч келаман. Пири бадавлат эмас, пири бадавлат. Яъни давлатли пир деган маънони англатади. Булар албатта менинг шахсий мулоҳазаларим, эҳтимол, бунинг баҳсли жи-

ҳатлари ҳам бордир. Лекин тилга бўлган эътибордан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, она тилимизни биринчи навбатда ўзимиз — зиёлилар эҳтиёт қилмас эканмиз, унда тил ҳақидаги қонун ижроси тобора ортга сурилаверади.

Илгарилари “стундент”ни талаба, “студентка”ни толиба деб олган эдик, бу ҳам кимгadir ёқмабди, толиб деб қабул қилибмиз. Энди толиби илм деган сўзни қай йўсинда ифодалаймиз?

Рўзномаларнинг эрталаб бериладиган мазмунига қулоқ солсангиз, қизиқ-қизиқ жумлаларни эшитасиз. Бири “Рўзномамизнинг қисқача мазмуни” деса, бошқа бири “рўзномамизнинг шарҳи” билан таништирдик дейди. Тўрт саҳифадан иборат бир рўзноманинг шарҳини қай йўсинда 15 дақиқада ўқиб булиши мумкин? Фақат қисқача мазмунини бериш мумкин, холос.

Тавлид, мавлид, таваллуд деган сўзлар борки, булар фақат инсоннинг оламга келишини билдиради. Биз эсак “рўзномамиз фалон ойда таваллуд топди”, деб ёзамиш.

“Тарқ” деган сўз ҳам баъзи бир журналистларимизга шу қадар хуш ёққанки, “кетди” деган сўзнинг ўрнига ҳам “тарқ қилди” деб ёзади. “Тарки одат амри маҳол”, деган мақол бор-ку. “Тарқ қилиш — бутунлай воз кечиш, кўз юмиш. Тарки дунё қилди”, деган сўз дунёнинг баҳридан кечти, гўшанишинлик ихтиёр қилди, демакдир. Наинки уйдан чиқиб кетиш ҳам “уйни тарқ этиш” бўлса?! “Ташриф” сўзи ҳам қарийб ҳамма ҳолатларда ўринсиз ишлатилмоқда. “Ташриф” сўзини фақат олийрутба кишиларгагина нисбатан ишлатиш мумкин. Кўшнининг уйингизга киргани “ташриф” бўлмайди. “Жоиз” деган сўзни ҳамиша ўринсиз ишлатамиш, ё маъносига тушунмаймиз, ёнки шундоқ десак адабийроқ булади, деб ўйлаймиз. Ваҳолаки, “жоиз” деган сўз “шундоқ десак хато бўлмасмикан”, деган мавриддагина ишлатилади. “Кирсам жоизми?” деб сўралмайди.

Дикторларни ҳам “нотиқ” ёки “сухандон” деяпмиз. Ахир булар қанақа нотиқ ёки сухандон бўлишлари мумкин? Сухандон деб, масалан, ҳаммани оғзига қаратиб қўядиган одамнигина сухандон дейдилар. Модомики, бизда илгари радио деган нарса йўқ эди, диктор сўзи ҳам радио сўзи билан бирга тилимизга кирдими, назаримда уни ўз ҳолига қўйиш кепрак. Ахир тил бошқа тиллар ҳисобига ҳам бойийди, деймизку. Телевизорни “ойнаи жаҳон” қилиб олганмиз бу бошқа гап. Искандар Зулқарнайн Фарангистон яқинида жойлашган Искандария шаҳрини обод қилганидан кейин фаранг-

ларнинг ҳужумидан огоҳ бўлиб туриш мақсадида шаҳар че-тидаги дарё бўйида баланд минора қурдиради ва шу мино-рага тилсими ойна ўрнаттиради. Вақти-вақти билан шу ойна орқали ҳаммаёқни қўздан кечириб туради. “Ойнаи жаҳон-намо” дега сўз шундан қолган (“Фиёс ул-луғат”дан).

Ҳали тарбия оиласдан бошланади, дедик. Болам мактабга борса мулло бўлади, деб қараб туриш мумкин эмас. Бола зеҳнининг энг ўткир пайти 3—4 яшарлигида бўлади. Биз бўлсак, кўпинча шундоқ қимматли вақтни зое ўтказамиз. Бугунги кунда бизни энг изтиробга солаётган масала жамиятни фақат иқтисодий бухрондан эмас, балки маънавий қашшоқлик бухронидан қандай қилиб қутқариш йўлларини то-пишдир. Ҳозир ҳам баъзи ота-оналар фарзандларининг тарбиясига унча-мунча эътибор қиласяпти, лекин қачон денг? Фақат олий ўкув юртига кириш чоғида, яъни имтиҳондан ўтиш учунгина. Бу ота-оналарнинг хаёлига: “Эй, биз шу ишимиз билан аввал ҳукуматни, кейин ўзимизни алдаяпмиз-ку”, деган гап келмайди. Ишлари битиб, эшаклари лойдан ўтса, бас.

Яқинда Президентимизнинг лутфу марҳаматлари билан бир гуруҳ болалар ўз маълумотларини мукаммаллаштириш ниятида хорижий элларга сафарга отландилар. Бу ниҳоят таҳсинга сазовор иш. Эски замонда ўтган олиму уламо, фозилу фузалоларнинг деярли ҳаммалари чет элларга бориб маълумотларини мукаммаллаштириб келганлар. Лекин биз ҳозирги кунда хорижга юбораётган ўкувчиларимизнинг илм пойдеворлари мустаҳкаммикин? Булар неча тилни билишади. Агар пойдевор мустаҳкам бўлмаса, қандай гўзал иморат солманг, барибир икки кунда қулаб кетади. Шунинг учун ҳам биз хорижий давлатларга бориб корчалон бўлиб кела-диган йигит-қизларимизни ўзимиз элаб, кейин юборсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

— Кибриё опа, мана, сұхбатимиз болалик дунёсига адабиётнинг нечоглик таъсиридан бошланиб, унинг бугунги кунимиздаги муаммоларига келиб тақалаяпти. Назаримда, кейинги пайларда адабий ҳаётимизда ҳам лоқайдлик сингари жараён сез-дирмай кечётганга ўхшайди. Ҳусусан, бу устоз-шогирдлик анъянасида, яратилаётган асарларга нисбатан муносабатларда қўзга ташланмоқда. Бошқачароқ айтсак, бунинг сабабла-ридан бири ёшлар бир пайлардагидек “елкаси оша устозла-рининг ўткир, талабчан нигоҳини ҳис қилмай” кўйғанларида эмасмикан?

— Сиз кўп жиҳатдан ҳақсиз. Бугун барча жабҳада бўлгани сингари адабиёт ҳам адабийлашишдан кўра сиёсатлашди, десак хато қилмаймиз. Шу сабабли ҳам ижодга нисбатан эътибор бироз сусайди. Ҳозирги кунда ким нима ёзиши билан бирон қалам аҳлининг деярли иши йўқ. Қани айтинг-чи, яқин орада қайси ёзувчимиз ўз ҳамқаламининг ижоди билан шуғулланди, таҳлил қилди, камчиликларини кўрсатди ёки мақтади? Бу яқин ўртада менинг кўзим тушган эмас. Танқид, тақризлар чиқаяпти, лекин бу, асосан, танқидчиларимиз қаламига мансуб мақолалардир.

Устод Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг ҳақиқий жонкуяри бўлган. Уларнинг назаридан хоҳ назм бўлсин, хоҳ наср четда қолмас эди.

Сайд Аҳмаднинг 40-йилда босилиб чиқсан “Тортиқ” деган ҳикоялар тўпламига тақриз ёзганларида устоз эндиғина 33 ёшда эдилар. У киши Сайд Аҳмад қулига қалам олган дамидан бошлаб унинг ижодини муттасил кузатишда давом этганлар. Ўша тақриздан кейин орадан 26 йил ўтгач Сайд Аҳмаднинг 1966 йилда босилиб чиқсан “Уфқ” романига ҳам мақола бағишилаганлар.

Шунинг ўзи Сайд Аҳмаднинг ижоди ҳамиша устоднинг кўз ўнгига бўлганлигини кўрсатмайдими?

Агар умидбахш ёш қаламкаш бўлса, минг зарур ишлари бўлса ҳам, дарров унинг ёзганларини ўқиб чиқар эдилар. У киши учун “Фурсатим йўқ, ё бошқа зарур иш билан бандман”, деган гап бўлган эмас.

1960 йилнинг баҳори эди, шекилли. Бир куни кинорежиссер Латиф Файзий қораҷадан келган, қадду қомати баланд, ўзи озғин бўлса ҳам елкалари кенг бир йигитни эргаштириб келди. Анчагача ўтиришди. Бутун сұхбат давомида ҳалиги йигит чурқ этгани йўқ. Фақат эшик олдида ийманибгина йўлакдаги батареянинг устига қўлёzmани қўйиб:

— Фурсатингиз бўлса куриб қўярсиз, — деб чиқиб кетди.

Домла қўлёzmани ўша куниёқ ўқиб чиқиб:

— Э, мундан дуппа-дуруст ёзувчи чиқади-ку! — деб суюниб кетдилар. Бу ёш йигит Учкун Назаров, қўлёzmма унинг “Одамлар” деган биринчи ҳикояси эди.

Устоз ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб дарров ҳикоянинг ўёғ-буёғига қалам уриб, таҳрир қилдилар ва ўзлари оқ йўл тилаб ҳикояни “Шарқ юлдузи” мажалласига тавсия этдилар.

Агар бирор умидли ёш қаламкаш бўлса, ҳатто ўзлари унинг яшаш жойини суриштириб, “нега товушинг чиқмай қолди”

деб куюб-пишиб мактублар ёзар эдилар. Назаримда, ҳозирги адабий жараёнимизда ана шундай куюнчаклик, адабиётимизнинг ўсиши, ривожи учун жон фидолик етишмайди. Жон фидолик бўлмаган жойда устоз — шогирдлик ҳам бўлмайди, яхши асарлар ҳам кам яратилади, яратилган яхши асарлар ҳам эътиборсиз қолади. Бундан фақат адабиётимиз ютқизади.

Ваҳоланки, шарқ адабиёти фалсафий теранлиги билан дунёни ҳамиша ҳайратга солган ва уни баҳраманд қилиб келаётган адабиётдир. Унинг умрига умр қўшиш эса ўзимизнинг қулимизда.

1991 йил, 16 август

ОНАДАН ТУГИЛГАН ПАЙҒАМБАРЛАР ҲАМ

Ўзбекистон ҳалқ шоири Абдулла Орипов билан сұхбат

Ватан мустақиллигининг олтинчи йили якунланаяпти. Тангри сўйиб олтин бош, ўткир нигоҳ, нақшли юрак, заҳматкаш қўл ато этган миллатимиз жаҳоннинг кўз ўнгидагина қадрини тикилаёттир.

Бундай машаққатлари ҳам азиз кунларда қадди тик, боши баланд яшашга, ўзбекман дея мағурланишга шу тупроққа ворис бўлган ҳар ким ҳақлидир. Аммо Озодликда яшашга маънавий хуқуқи кўпроқ миллатимиз доим кўз устида қўйиб ардоқлашга лойиқ алоҳида инсонлар ҳам бор. Улар кечаги кунимизда ҳам уйғоқ эдилар ва яна қуллук шуурларини мудроқлик ўраган одамларга — оломонга уйғотгич бўлдилар.

Ўзбекистон ҳалқ шоири севимли Абдулла акамиз ана шундай миллатимизнинг анвар ўғлонларидан бири. Кечаги-на шоиримиз ҳалқ номидан:

Икки дунё оралиғида
Қолиб кетди менинг овозим... —

дея армонланган эдилар. Бугун эса овозлари сарҳадлар оша узоқ-узоқларга кетди.

“Муҳтарам СЭР!

Сизнинг буюк хизматларингиз ва Академия аъзоларининг тавсияларини ҳисобга олиб Академия Президиуми бир овоз-

дан Сизни Халқаро Академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлади...”

Бу — Ўзбекистонга Америка Қўшма Штатларидан келган хушхабар. Абдулла аканинг Калифорниядаги Фан, Таълим, Индустря ва Санъат Халқаро Академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланиши бизнинг тўла маънодаги озод мамлакат эканлигимизни яна бир карра исбот этди, ўзимизга ишонч уйғотди.

Улуг инсонларнинг дарди ҳам, қувончи ҳам Ватан дарди, Ватан қувончига тенг булади.

Биз севимли шоиримизни ана шу муборак унвон билан кутлаймиз, ҳалқимиз, юртимиз баҳтига омон бўлинг, қаламингиздаги қурдат, шеърингиздаги нур билан бизга куч ва ёруғлик бериб яшайверинг, деймиз.

— **Хурматли Абдулла ака, инсон шодлиқдан боши осмонга етганида ҳам ёки изтироблардан тупроқ қадар чўкиб кеттанида ҳам кўнглини Аёлга ёргиси келади, унга суюнгиси келади. Давр шамолларида оқарган бошида Аёл қўлларининг беозор тафтини ҳис қилгиси келади. Зоро, ўзингиз ёзганингиздек: “Оҳ, шоир умрига ҳавас қилмагил, У қуюн ичида унган бир дарахт...” Шу дараҳтнинг мангу яшиллигини таъминлаб турдиган нарса аслида Аёл фидойилиги эмасми?**

— Дарҳақиқат, Аёл — эзгулик меҳроби... Аслида шоир қаламидан томган мисралар, аввалроқ, Аёл юрагига битилган бўлади. Дунё безовталиклари дастлаб Аёл манглайига чизиқлар тортади. Фарзандлар тарбияси, эркакнинг уйдан боши баланд чиқиб кетиши, “уйда тинчи бўлиши” — Аёлнинг фидойи қалбига боғлиқдир. Аёлнинг улуг хизматларига ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамият доимо муҳтоҷ, Аёл — хонадон чироғи, жамият таянчидир. Аслида ҳам барча ахлоқий дунё-қарашлар айнан жамиятнинг ilk бешиги — оиласа бориб тақалади. Оила эса Аёл демакдир. Номус, ор, садоқат, вафо, муҳаббат каби муқаддас туйғуларнинг тимсоли Аёлдир.

Мен шарқлик одамман,

Аёл деган сўз

Менга ҳаёт билан баробар қалом,

Оҳ, аёл ҳўрлигин кўрсатма ҳаргиз,

Ҳаргиз, бад бўлмагай

Аёл деган ном, —

деб ёзган эдим бир шеъримда.

Демоқчиманки, аёл тириклик булоғидай гап. Бу булоқдан ҳазрат пайғамбарларимиздан тортиб, улуғ бобомиз Амир Темурдан то Эйнштейнгача баҳраманд бўлганлар.

— Соҳибқирон бобомиз ҳам сўнти лаҳзада — васият қилиб, “заифаларни қўринг”, деган эканлар...

— Ушбу калимада ҳам Аёлга бўлган улуғ эҳтиром, муҳабbat ётибди-да аслида. Бу бежиз эмас. Буюк Амир Темур аёл қудратига, салоҳиятига, гўзаллигига ички бир муҳабbat билан қарамаганида, ўн йиллаб сафарларда бўлган чоғида шундай қудратли давлатни бошқариши Бибихонимдай малика онамизга насиб қилган бўларми? Ўша меҳр-муҳабbat, аёл ақли-заковатига ички ишонч бўлмаганида Бибихоним ҳам Соҳибқироннинг бошқа заифалари сингари оддий бир аёл сифатида тарихда қоларми? Соҳибқирон бобомиз жангу жадалларда, сафарларда аҳли аёлинни ҳам олиб юрганлар. Ўғилларига ҳам келинларини хафа қилишга йўл қўймаганлар. “Соҳибқирон” шеърий драмамда мен бу ҳақда батафсил тўхтаганман. Аёлинни қадрлаган эл улуғ бўлади. Чунки аёл яратадиган миллат фарзандларининг илк Ватани — кўзлари юмуқ ҳолда ҳам чайқаладиган бешиги — она вужуди. Шу боис ҳам биз Онани Ватан деб улуғлаймиз. Унинг ҳимоясига жон қадар шай турамиз. Билган одамга Ватан — Онадир.

— Ҳазрат пайғамбаримиз: “Агар одам одамга сажда қилиб сигиниши жоиз бўлганида мен фарзандларни ўз оналарига сажда қилишга, аёлларни эса ўз эрларига сажда қилишга бу-юрган бўлур эдим”, деганлар муборак Ҳадисларида...

— Муқаддас ҳаж сафарида Макканинг улуғ шайхи амри маъруфларида иштирок этдим. У киши шундай дедилар:

“Аё, аҳли муслим, сизга икки йўл кўрсатилгандир: сажда қилинг, Аллоҳга ва яна Аллоҳга. Саждага яна бир йўл бордир, у эса Онага ва фақат Онага. Шайхнинг гаплари бундоқ давом этди: — Аё, аҳли муслим! Расули Акромнинг ўғитларини такрор қиласизки, шул икки хилқатдан ташқари ҳеч бир мавжудот саждага лойик эрмас. Пайғамбарларимизга, падари бузрукворимизга ҳам сажда қилинмайди, улар зиёрат қилинади”.

Мана, Онага берилган баҳо.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ,

Ростдан Она эрур қиблай олам.

Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ —

Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам...

Аёлнинг Аллоҳ ва бандаси томонидан бу қадар улуғланишининг мазмуни битта. Жамиятнинг, миллатнинг бекёс ривожи, юртнинг гуллаб-яшнаши Аёлнинг эътиқоди, диёнати, ахлоқ-одоби, ҳалоллигига жуда-жуда боғлиқ. Аёлнинг имони бут бўлса, фарзандларию оила бошлиғига ҳалол лукмалар тайёрлаб бера билса, бешик устида айтадиган аллалири Шарқона бўлса, юртимиз яна буюклар, соҳибқиронлар юртига айланади. Барчинлар, Алломишлар юртига айланади. Кўхна Шарқ ҳамиша тафаккур манбаи бўлиб келган. Кўхна Шарқ оналари эса садоқат, ҳалоллик, эзгулик меҳроби бўлиб келганлар. Бу меҳробдан Шарқ эркаклари ҳамиша ўзларига ботиний куч олиб турадилар. Хонадон шамчироги бўлган Аёл муҳаббатига сазовор бўлишга интиладилар.

— Аммо, Абдулла ака, сир эмас, ҳар бир тузум аёл истаса-истамаса унинг нозик елкаларига ўз юкини кўяди. Бу юк аслида бизга ҳазрат Одам Атомиз ва Момо Ҳаввомиз тенг бўлишиб еган битта олмадай мерос... Шу маънода эркакларимиз ҳар доим ҳам аёлнинг кўнглигига қарай олмаётганликлари сезилиб қолади. Ҳозир кўпчиликда икки хил фикр мавжуд: баъзи бирорлар аёл боласини кўлтиқлаб уйда ўтираверсин, дейди. Яна бир қисми “тўрт девор аёлга баҳт берадими, у жамият билан бирга бўлиши керак”, дейди. Бу масалага сиз қандай ёндошган бўлардингиз?

— Аёлнинг жамиятдаги ўрнини ҳеч ким қатъий чегаралар, чизиқлар билан белгилаб беришга бурчли эмас. Биз ўтмишдан биламиш: Шарқ аёллари давлат ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Она-Ватанини душманлардан ҳимоя қилишда ҳам ўз жасоратларини ҳақли равишда тарих саҳифасига ёзib қолдирганлар. Момо Тўмарис, Курбонжон додхоҳ... улар кўпчилик. Шеърият гулшанининг ҳам ўлмас булбуллари бизнинг кўхна тупроқдан чиқсан. Ўзбек санъати довругини ҳам дунёга таратганларнинг кўпчилиги бизнинг аёллар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Сиз юқорида айтиб ўтган “тўрт девор” қандай шароитда бўлишига боғлиқ. Имкониятдан келиб чиқиб, уйда ўлтириб ҳам миллат ва жамият учун қодир фарзандлар тарбиялаб бера олсалар, бу улуғ фидойилик-ку. Чунки аёлга табиат биринчи навбатда Оналикдай улуғ баҳтни раво кўрган. Аммо ҳалолу покиза бўлиб, жамоат ишларида ҳам иштирок этиб, илми, меҳнати билан эл-юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшса, бу ҳам улуғ савоб. Аёл эрки дахлсиз. Жумладан, у оладиган илми ҳам. Чунки улуғ китобларимиз “бешикдан то қабргача илм излашни” муслим ва муслиматар учун ҳам бирдек фарз қилиб кўйган.

“Тұрт девор” муқаддас ҳуриллар яратса, унинг ичидә даҳолар туғилади ва шакланади. Деворсиз кенгликларда эса ёввойилар пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам бор.

Эркакларимиз ҳар доим ҳам аёлларимизнинг кўнглига қарай оляятиларми, деган саволингизда жон бор, албатта. Уй-рўзгор, бола-чақа, яна бозор-учар биз кўкка кўтарган аёлни, табиийки, қийнаб қўяди. Ҳамма юкни аёл елкасига ортиб қўйган эркак биздан эмас. Аёлни иш қули деб аташ, афсуски, биз учун кўп нохуш ҳодисадир. Оила тинч бўлса, шу уйнинг чироғи ҳамиша ёниқ бўлади. Эркак аёлнинг, аёл эркакнинг юкини енгиллатса, бундан фақат кувонишимиз керак-ку. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу-алайҳи вассалам ҳазратлари ҳам ҳовли супурғанлар, сигир соғғанлар.

Кейинчалик бир гала текинхўрлар ҳатто муборак Ҳадисларни ҳам ўз макрларига мослаштириб олганлар. Умуман олганда эса, ҳар бир оиласда рўзгорни қандай юритиш унинг соҳибларига ҳавола. Ҳалқимиз айтади-ку, уddaлаган эркак уйланади, уddaлаган аёл турмуш қуради деб.

— Сир эмас, кўпчилик аёлларимиз бозорга чиқиб кетди. Мен аёлларимизнинг тирикчилик қули эмас, жамиятимиз гуллари бўлишини жуда-жуда хоҳлайман. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Аёллар бозорга чиқадими ёки йўқми, деган масалани уйлаб кўриш керак. Менинг фикримча, бозорга чиқиши мумкин, лекин қай тарзда? Ҳамма гап шунда. Баъзи оиласларда эркак киши беморлиги сабаб аёл баҳоли қурдат ҳаракат қилса, буни қўллаб-қувватлайман. Бироқ соғлом, бақувват эркаклар сояда ётиб, аёлинин бозорга чиқариб қўйиш — бу ҳаммамиз учун ҳам оғрикли бир ҳол.

— Абдулла ака, сиз жаҳонгаста шоирсиз. Дунё шоирларининг давраларида Ўзбекистон тимсоли бўлиб сўз айтгансиз, арбоблар сухбатида бўлгансиз. Юртимизга меҳмон бўлиб келган сиёsat маликаларининг фикрларини таҳлил тарозусига қўйиб кўргансиз. Шундай дамларда шоир кўнглигиздан нималар кечган?

— Аёл, авваламбор, Она. Унинг бутун дунёга тилагани фақат эзгулик бўлади. Биласиз, бизнинг ота юртимиз — Она тупроғимиз ҳақли равишда ўз маликалари билан ғурурланиб келган. Уларнинг томирлари, қонлари гўзал Тожмаҳалгача туташиб кетган. Бир нарсани айтиб ўтай. Ҳиндистоннинг машхур аёли, давлат арбоби Индира хоним Ганди ҳалок бўлганида элчихонага бориб таъзия билдирганман. Уларнинг сиёсий қарашлари ўзларига ҳавола, албатта. Бироқ менинг

юрагимни ларзага солган изтироб — бу Онага узилган хоин ўқлар бўлди. Мархум Ражив Гандининг беваси Соня Ганди миннатдорлигини телеграмма қилиб жўнатибди. Хизмат юзасидан Дехлида бўлганимда ҳам, авваламбор, буюк Онани, улуф аёлнинг хурматини ўйладим.

Демоқчиманки, аёлми, эркакми, миллатнинг қадрини, қаддини баланд кўтара олса, юртимиз истиқдолини киприклиарида асраса, у жамият учун ҳамиша зарур. Бироқ бидъат, хурофот, феодал эгалик аёлларнинг хукуқини чеклаб қўйган. Ўнта ношуд ўғилдан кўра битта оқил қизинг бўлсин, дейди ҳалқимиз. Шарқ аёлларининг йўлини чеклайдиган бир гўзал сарҳад бор. У ҳам бўлса рашқ балосидир. Аёллар ялтироқ буюмдек кўзга тез ташланади. Эркак эса уни муҳофаза қила бошлайди. Бу табиий ҳол, албатта. Аммо Тўмарис ҳам бизнинг момомиз-ку. Бибихоним, Зебуннисобегим, Нодирабегим ҳам бизнинг момоларимиз-ку...

— Оиласнгиз, заҳматкаш Ҳанифаҳон опамиз ва фарзандларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— “Мен сени ўйламай нетайин” шеъримдан бир байт келтириб ўтсам:

Йўқ менинг бағдодий халифам,
Шул эрур байт тўла саҳифам,
Фамдошим, сирдошим Ҳанифам,
Мен сени ўйламай нетайин.

Худога шукур, фарзандларим, неваларим ёнимда. Умуман олганда, эса Ҳанифаҳон опангиз бўлмаса менга қийин. “Саодат”хонларга айтадиган тилагим ҳам шу: сизлар бўлмасангизлар бизларга қийин, хонадонимиз шамчироғи бўлган, азиз аёллар. Кўнгил уйимиз сизнинг шуълангиз билан равшан!

— Ўзбек шеърияти баҳтига ҳамиша омон бўлинг!

1994 ийл

БАДИЙ АСАР ҲАМ ТИРИК ЖОН

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбат

— Ўткир ака, гапнинг очиги, кейинги пайтда адабий жарайёнда кечётган “ғалати сукут”дан юрагим увишаётган эди. Олатасир бу замонамизда, иқтисодий бухронларнинг искан-

жасида ҳам бары бир юрак адабиётта ташналигича қолаве-
паркан. Юракнинг кемтигини адабиётдан бўлак ҳеч нарса
тўлдира олмас экан.

Энг муҳими, журъат десаммикан ёки савоб йўлидаги қадам,
бу сирли сукутни бир қадар парчалаб сизнинг асарингиз “Тушда
кечган умрлар” дунёга келди.

Аввало қутлайман.

— Шарифахон! Ростини айтсан, каттароқ, жиддий нар-
са ёзишни ўзим ҳам соғинган эдим. “Икки эшик ораси”
чиққанига олти йил бўлди. Биласиз, бадиий асар — тирик
жондек гап. Вақт-соати етилганидан кейин туғилади. Усти-
га-устак, сиз айтаётган замон шиддати, минг хил муаммо-
лар... Бундан тўрт йил аввал Бувайдада бўлган учрашувда
яқин йилларда катта асар ёзмасам керак, деганимда, китоб-
хонлар қаттиқ ранжиган, ҳатто койиб хатлар ҳам ёзишган
эди. Начора, биз шундай даврда яшаяпмизки, ўзини ҳурмат
қилган қаламкаш халқ дардидан, жумхуриятимиз олдида тур-
ган муаммолардан четда бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан
бир қанча вақт публицистик асарлар ёзишга, мураккаб ва
оғриқли муаммоларга шўнғиб кетишга тўғри келди. Эҳти-
мол, туғилажак роман учун булар ҳам “хамиртуруш” бўлган-
дир. Лекин бадиий асар — ўзгача, сирли олам эканлигини
яхши биласиз. “Тушда кечган умрлар” изтироб билан, агар
нокамтарликка йўймасангиз, шиддат билан қофозга тушди.
Баъзи кунлари ўн-ўн икки соатлаб бош қутармай ишлашга
тўғри келди.

— Асарингиз бошдан-оёқ юракни зирқиратиб турадиган
оғир, мунгли куйни эслатди менга. Унинг бебаҳт оҳанглари:
разолат курбони Рустам, диний эътиқоди учун абгор бўлган
фаррош аёл Курбоной хола ва бошқалар... Уларнинг фожиа-
сини сиз узоқ вақт кўнгилда олиб юрдингизми?

— Менимча, шеър ва достоннинг ҳам, қисса ва роман-
нинг ҳам ўзига хос ички оҳанги бўлиши шарт. Ўқувчини
ҳаяжонга соладиган, ўйлашга мажбур қиласидиган асаргина
бадиий аср бўлади. Бунинг учун қаламкаш ўз қалбидан айнан
шу нарсани ёзишдек, муқаддас десаммикин, худо кечирсин-
ку, илоҳий десаммикин, эҳтиёж сезмоғи лозим. (Илҳом де-
гандарни шу бўлса ажабмас.)

Шахсий фикримча, асар бир зарб, бир ҳаяжон, бир аланс-
га билан қофозга тушса ёмон бўлмайди. (Дастлабки вариант
ёзига бўлингандан сунг, қилинадиган оғир, “қора меҳнат”
бошқа масала.) Балки шунинг учундир, каттами-кичикмии
асар машқ қилаётганда нимадир ҳалал берса-ю, ёзиш жара-

ёни бир неча кун узилиб қолса, қайтиб қўлимга қалам олишм жуда қийин кечади. Кўз ўнгимда тирик одамга айланган асар қаҳрамонлари руҳан мендан узоқлашиб кетгандек бўлади...

Романдаги мунгли куй, бебаҳт оҳанглар сизни озми-кўпми ҳаяжонга солган бўлса хурсандман. Бу оҳангларнинг бири болалигимдан, бири йигирма йилдан бери, яна бири беш йилдан бери қулоғим остида жаранглаб, дилимни ўкситиб келган. Буни қарангки, Абдулла Қодирий таҳсил кўрган Абулқосимхон мадрасасини қурдирган Қосимхон тўра менинг бобом Ҳошимхон тўранинг оталари, яъни катта бобом бўлган эканлар. Замона зайди бўлса керак, оиласизда шажарамиз ҳақида деярли гапирмас эдилар. Фақат амаким азбаройи эшон бўлгани учун қатл этилганини эшитгандим. Отамни эл-юрт Атоуллахон тўра деб қаттиқ ҳурмат қилар, аммо у киши гарчанд эскичадан ҳам, янгичадан ҳам илмли бўлсаларда, ўтмиш ҳақида биз — фарзандларга бир оғиз ҳам гапирмасдилар...

1938 йили Охота денгизида бир неча минг “халқ душмани”ни ортиб кетаётган кема ғарқ бўлганини, одамлар дод-фарёд кўтариб муздек тўлқинларда чўкиб кетганини ўз кўзи билан кўрган, “горшок операцияси” деган ваҳшиёна жазони бошидан кечирган собиқ “маҳбус”нинг ҳикояларини эшитганимда, мўътабар домламиз Субутой Долимовнинг уйига ҳамкаслари ногаҳон тонг саҳарда эшик қоқиб боришганида, кўркув салтанатидан юрак олдириб кўйган домла ҳушидан кетиб қолганини тинглаганимда, Ватан урушида душман эмас, “уз” одамларимиз — жазо органлари томонидан минг бир қийноққа солинган кишилар билан суҳбатлашганимда афон урушида мажбуран иштирок этган, ранги синик, камгап йигитчалар билан дардлашганимда ва ниҳоят “узбек иши” туфайли қамоққа тиқилгандарнинг даҳшатли ҳикояларини эшитганимда, мустамлака салтанатининг маркази Москвада, КПСС XXVIII анжуманида “узбек иши”ни ким ўйлаб топди, ўзбек сизларга нима гуноҳ қилди, аскар болаларимизнинг тобути шунинг учун ҳам кўпайиб кетмаябдими, деб изтироб билан ҳайқирганимда... ҳаммасида ўша маъюс оҳант юрагимни ўртаб турган. Юзаки қараганда, романда фожиалар, муаммолар кўпайиб кетгандек туюлиши мумкин. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг: бу даҳшатлар зулмига қурилган тузимда униб-ўсган бир дараҳтнинг турли шоҳларида, турли фаслларда пишган заҳарли мевалар эмасми? Булар ҳақида ҳаяжонсиз ёзиб бўладими?

— “Тушда кечган умрлар”да галати, жирканч образ бор. У худди иблисни эслатди менга... Тұғриси, үзбек халқи орасидан Комиссар каби ёвуз одамларнинг униб чиқиши... Бу образнинг прототипи борми?

— Эътибор берган бұлсангиз, Рустамнинг үлемига алоқадор деб гумон қилинган шахсларнинг тергов ҳужжатида “миллати” деган савол бор. (Тергов расмияти.) Навбат Комиссарга келганида ушбу саволга “миллати йүқ” деб ёзіб күйилади. Чиндан ҳам разилликнинг миллати бұлмайды. Тұғри, Комиссар — үзбек. Ҳар қандай тирик одам қатори у ҳам онда-сонда бұлса-да, болалигини, униб-үсган қишлоғи-ни эслаб құяди. Бироқ унинг учун она-юрг түйғуси, фарзанд-лик, оталик ҳисси, умуман, инсон деган тушунчанинг үзи “сиеёсийлашиб”, “ғоявийлашиб” кетган. Аслини олганда Комиссарнинг үзи ҳам баҳтсиз одам. Кексайганида нима учун яккамохов бұлиб қолганини, фарзандлари нима боис үзидан юз үтирганини тушунгиси келади. Аммо тушуна олмайди. Қилган беҳисоб жиноятлари учун виждони қийналмайди. Негаки, у, муттасил айланиб турадиган машинанинг етарли даражада онгли винтчаси: у буйруқни бажаради, сидқидилдан бажаради. Қама деса қамайди, от деса отади! Башарти машина эртага бошқа томонга айланса-ю, “фalonчи бегуноқ экан, оқлаб юбор” деса, оқлаб юбораверади. Мабодо, индинга машина тағин тескари айланса, “оқланған” одамни құли асло қалтирамай осаверади ҳам! Комиссар күпларнинг ёстиғини қурилган, күпларни қурбон қилған, бироқ үзи ҳам зулм тузимининг қурбони. Фақат буни тушунишни хоҳламайди.

Комиссарга үхшаганлар халқимиз орасида йүқ деб үйласак, қаттық адашамиз. Бүйра тагига кириб олган чаёндек “яхши кунлар” келишини пойлаб ётган Комиссар ва комиссарчалар шу кунда ҳам, үз орамизда ҳам топилади. Асарда ғоя учун онасидан, миллатидан, ватани ва фарзандидан бемалол юз үтира оладиган шунаңа ёвуз одамларнинг йиғма образини тасвирлашға ҳаракат қилдім.

— Үткір ақа, асарда назаримда ҳарбий терминлар күпа-йиб кетгандек. Әзилиш жараёнида шу жиҳатларни сездингизми ёки атайин истеъмолга киритдингизми?

— Романда Афғон уруши анча кенг тасвирланған. Ҳарбий атамалар күпайиб кетганига эътибор бермаган бўлишим мумкин. Эҳтимол, воқеаларни ишонарли тасвирлаш учун шундай қилгандирман. Даҳшат тұла бу манзарапар ҳаққоний бўлиши учун кўплаб “афғон” йигитлар билан сұхбатлаш-

дим. Мен учун “дұст” ва “душман”, “ғалаба” ва “мағлуби-ят” деган түшунчаларнинг аҳамияти йўқ эди. Энг муҳими, уруш ва инсон деган катта түшунча моҳиятини англаш, уруш одам боласининг бошига нақадар оғир кулфатлар солишини кўрсатиш эди. Асар қўлёзмасини ўқиган “афғон” жангчилари ҳаяжонга тушганларини айтишганда, “у ёқларда” юриб, худди романда тасвирлангандек ҳолатларни кўп бор бошдан кечиришганини эътироф этишганида кўнглим бир қадар таскин топди.

— Асарга кирмай қолган кўнглингиздаги гаплар ҳам борми? Шунингдек, мутолаа жараёнида романнинг яна бир жиҳати эътиборимни тортди: сиз гўё бир қарашда аҳамиятсиздек туолган, адабиётшунослик илмимиизда ҳамиша қулогимизга қўйиб келингган “типиклик” деб аталмиш қолишига сифмайдиган эпизодларга алоҳида ургу бергандексиз. Муаллиф сифатида бу ҳолни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Муаллиф ўзи ҳис этган ва тасаввур қилган нарсаларнинг ҳаммасини тўла-тўқис қофозга тушира олмайди. Менинча, бу табиий ҳол. Бундан ташқари ҳар бир асарга айнан шу асар “ҳазм қилиши” мумкин бўлган даражада сифмай қолган гаплар кўп. Кези келганда яна бир нарсани айтишим керак. Муҳокамада роман номи устида анча тортишув бўлди. “Қотиллар” деган дастлабки сарлавҳа ўзимга ҳам ёқмас эди. Яланғоч детектив жанрга тортиб кетади. Энг маъқул номни сиз топиб берганингиз учун раҳмат!

“Типиклик” қолипи масаласидаги фикрингизга тўла кўшиламан. Энди билсам, бу ҳам гоявий қолипнинг бир катакчаси экан. Ушбу масалага бир қадар батафсилоқ тўхталишга тўғри келади. Кейинги беш-үн йил ичида иккинчи жаҳон уруши ҳақида ўрис, украин, белорус адабиётида талай яхши асарлар ёзилди. Афсуски, уруш даҳшатини ўз бошидан кечирган бизнинг адилларимиз бу мавзуда ёзган асарларни (айнан уруш манзараларини) ишонарли дейиш қийин. (Муҳтарам устозларим мени кечиришсин.) Нега шунаقا? Жангчи ёзувчиларимиз атайлаб “қаҳрамонона”, яъни ёлгон ёзишганми? Истеъоди етишмаганми? Менинча бундай эмас. Гап шундаки, олдиндан тайёрлаб кўйилган қолиплар адилларимиз қўлини ҳамиша боғлаб турган. Улар кўнглидаги бор гапни қофозга тушириш имкониятига эга бўлмаган. Гўё совет жангчилари ҳеч қачон кўркув туйгусини бошидан кечирмаган, окопда ётиб фарзандларини соғиниб, унсиз йифламаган, гўё душманни қириб ташлашдан бўлак ҳеч нимани ўйламаган ва нуқул порлоқ ғалаба қозонган.

“Тушда кечган умрлар”да бир қараңда асарга кириңса ҳам, кириңмаса ҳам бұладиган шапалоқдеккина лавҳа бор. Ўкувчига тушунарлы бүлиши учун ўша ҳолатни қисқа баён этишга түгри келади. СМЕРШда хизмат қилиб юрган Комиссарға бир аскар немисни мақтаб вайсаётғанмиш, деган чакұв келади. Комиссар борса, бундай “аксил ташқивот”ни юргазиб юрган аскар — ёши бир жойға бориб қолған қозоқ экан. Фронтда юриб күп ойлардан бери на қозоқча, на ўзбек-ча калимани эшитмаган аскар Комиссарнинг ўзбеклигини күриб севиниб кетади. Соддалик қилиб ҳаммасини гапириб беради. Унинг айтишига қараганда, жангчилар бир ҳафтача оч қолганидан кейин қозоқ билан яна бир аскарни нейтрал зонага картошка қазиб келишга юборадилар. Қуюқ туман орасыда ногаҳон иккита немисга дуч келиб қолишиади. Немислар ҳам оч қолиб картошка кавлашга келған экан. Улардан бири ўрисчани чала-чулпа билгани учун отмасликни илтимос қилади. Гапдан гап чиқиб немис уруш жонига текканини, болаларини соғинганини айтади. Қозоқ ҳам овулини, бола-чақасини соғиниб кетганини гапиради. Картошка кавлаб бұлғач, улар ҳам, булар ҳам ўз йўлига кетаверади.

Айтинг-чи, бу манзара “типиклик”нинг қайси қолипига сиғади? Наҳотки совет жангчиси фашист билан отамлашса? Наҳотки немис ҳам одам бұлса? Холбуки, ҳар қандай вазиятда ҳам ижодкор күз ўнгидә, биринчи навбатда, Инсон турмоги керак. Мен бу лавҳани асарға атайлаб кириздім. Аффон урушини ҳам “типик воқееликни типик шароитда тасвирлаш” қолипига тескари қилиб ёзишга уриндім.

— Ўзбек ҳалқынинг “тушда кечган умри”, фожиали қисмати, ундағы Хайриддин каби ҳали оғзидан она сути кетмаган ўсмирларнинг беҳад соғ қалби ва тузумнинг бешафқат чангалидаги ўлжага айланған ҳаёти, ғалати: “Донолар ҳаётни кузатурлар жим” деган фалсафаси... Ва яна асар сұнгидаги оғрикли холоса: Комиссарнинг “мен ўлмайман” деб ишонч билан айтиши... Ўзингиз ҳам табиий жараён сифатида талқын қылған бундай холосанғыз китобхон учун бироз оғирлик қылмасмикан?

— Ҳозирги гапимизнинг мантиқий давомини айтаяпсиз. Бу масалада ҳам, ўзимиз күнишиб қолған қолиплардан чиқсак ёмон бұлмайди, деб ўллайман. Күлөзма муҳокамасыда устоз ва дүстларимиз ҳам шунға үхшаш мұлоҳазаларини айтишди. Нега Курбоной хола бутун шажарасига қирон келтирған Комиссарға қарши исөн күттармайди? Ақалли, унга ёмонлик ҳам соғинмайди? Ҳудога солдым деб кетаверади?

Рустам Комиссарни бир ёқлик қилиб кейин ҳалок бўлса яхшироқ бўлмасмикин? Нега Хайриддиндек покиза, Рустамдек ориятли йигитлар ўлади-ю, Комиссар “мен ўлмайман”, деб ишонади?

Менимча асар мантиқи, қаҳрамонлар феъли, бадий ҳақиқатнинг ўзи роман шундай якунланишига олиб келган. Аввалги қолилларга ишонадиган бўлсак, ҳақиқат учун куч етганча олишган Рустам ақалли нимагадир эришиши, унинг ҳалокати китобхон кўнглида “оптимистик” ҳислар қолдириши, Курбоной хола жиллақурса Комиссарни ёқасидан олиб “дод” солиши керак эди. Агар ҳаётда бундай бўлмаса-чи? Ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланса-чи? Бу бирламчи. Иккинчидан, мана шу армонли саволларни, яъни нега яхшилик ҳалокатга учрайди-ю, ёмонлик тантана қиласи, айб қаёқда, деган саволларни ўқувчининг ўзи ўйлаб кўргани яхшироқ эмасми? Нега бунчалик мутемиз, шунча йиллар нима учун зулмга чидаб келдик, деган сўроқни китобхон ўзига ўзи берса дуруст бўлмасмикин?

— Модомики, гап “қолиллар” ҳақида бораркан, тагин бир масалага ойдинлик киритсан... Яқин-яқинларгача қайси ўзбек шоири ёки адабнинг асари Москвада нашр этилса, рус китобхонига, Оврупо ўқувчисига маъкул бўлса, рус танқидчилиги мақтаса, ўша асар яхши, бўлмаса “Бўш нарса” деган “қонуният” бор эди. Бундай “баҳолашдан” ўзбек ва умуман, шарқ китобхонлари севиб ўқийдиган кўплаб асарлар бенасиб қолмаган. Жумладан, сизнинг “Дунёнинг ишлари” деган соф, миллий (ва айни пайтда умуминсоний) туйгуларни ифодаловчи китобингиз ҳам айрим танқидчиларимиз томонидан худди шу талабдан келиб чиқиб, таърифланган эди. Айтинг-чи, янги романингиз рус тилига таржима қилинса, сизнингча, рус китобхонлари ва танқидчилигига манзур бўлармикан?

— Шарифахон! Ростини айтсан, биронта машқимни ёзаётганда “шу китоб Москвада, рус тилида чиқса, Оврупо китобхонига хуш ёқармикин, шу тил воситасида дунё миқёсида жаранглаб кетармикин”, деган хаёл етти ухлаб тушимга кирган эмас. Мен ўзимнинг қалб түғёнларимни, ўзбек ҳалқининг бой ва муnis феълини, фазилат ва фожиаларини қўлдан келганча тасвиrlашга уринганман. Имоним комилки, умуминсонийлик деган мұқаддас дараҳтнинг илдизи миллий заминдан қувват олади. Ўз ҳалқининг руҳини билиб-билмай, “Экзотика” қилиб тасвиrlаган ва асарларини Оврупо китобхонига “Мослаштирган” ҳамкасларимга ҳавас қилолмайман...

Башарти, пайти келиб “Тушда кечган умрлар” рус тилида чиқса-ю, ўзининг “кatta ака” лигига кўнишиб кетган айрим китобхонлар асарни улоқтириб юборса, мен асло ранжимайман. Негаки, романда қардош рус халқини асло камситмаган ҳолда, “маиший миллатчилик” кўчасига бош суқмаган ҳолда, рус шовинизми, айниқса 80-йиллар ўртасида “ўзбек иши” борасида “иккинчи Афғонистон — “Ўзбекистон”га — “тартиб ўрнатиш” учун марказдан келган, ўзбекнинг ҳаёт тарзини, тилини, миллий удумларини билмайдиган ва билишни ҳам хоҳламайдиган айрим “доно” вакиллар қиёфасини ҳам тасвирлашга ҳаракат қилдим... Эсингида бўлса, асар қаҳрамонларидан бири айтади: “халқнинг ёмони бўлмайди, лекин бир юрт иккинчи юртни азбаройи баҳтили қилиш учун босиб олмас экан”. Ақалли беш йил илгари ҳам бундай гаплар учун муаллифни нима кутиши мумкинлигини биласиз.

Минг афсуски, шовинизм шунақангি юқумли дард эканки, ҳатто даҳоларга ҳам юқаркан. Ўз вақтида Достоевский-дек буюк адиб ҳам осиёликлар ҳақида маданиятсиз ва ёввойи тўдалар, деб ёзишдан ўзини тия олмаган экан... Такорр айтаман, “Тушда кечган умрлар”да рус халқига бир оғиз туҳмат йўқ. Аксинча, ўзбеклар орасида кўп йиллар яшаб ва бу халқни сидқидилдан ҳурмат қиладиган инсон рус кампипри образи бор. (Муқаддас китобимиз — Куръони Каримда ҳам эллару элатлар орасига нифоқ солиш — энг оғир гуноҳ деб талқин қилинган.) Мен оддий одам ва оддий қаламкаш сифатида халқлар биродарлигини муқаддас санайман. Бироқ қимдир кимнингдир номидан халқимиз қадриятларини ҳақорат қилишини хоҳламайдман. Бу менинг инсоний эътиқодим.

— Ва ниҳоят, анъанавий савол: режаларингиз?

— Неча ойдирки бир ташвиш, бир галва билан бандман. “Шарқ юлдузи” журнали ҳалокат ёқасига келиб қолди. Аҳвол шу тарзда давом этса, давлат маблаг ажратмаса ёки бошқа чорасини топмаса, ойнома эрта-индин ёпилиб қолиши мумкин. Раҳмат, қайси хўжалик, корхона ёки ташкилотга ёрдам сўраб мурожаат қилсак, “Шарқ юлдузи”га баҳоли қудрат моддий кўмак бераяпти. Бундай ташкилотлар Ўзбекистонда кўплигига ишонаман. Эрта-индин бу хусусда ойнома меҳнат жамоаси ва жамоат кенгашининг мурожаатини матбуот, радио ва телевидение орқали эълон қилишга тұғри келади. Бундан ташқари, 1992 йилнинг иккинчи ярми учун “Шарқ юлдузи” обуначилари яна 60 сўмдан (ҳар сони учун 10

сүмдан) пул тұлашларини сұрашга мажбурмиз. Бошқа чорамиз үйк. Бу күнлар ҳам үтар-кетар, ош-нон, кийим-кечак топилар, аммо маңнавият үлса, руҳият майиб бұлса, үнглаб олиш қийин бұлади. Жуда қийин бұлади!

— Ноумид шайтон, дейдилар! Ажабмас, йиллар үтиб, бу-гунғы күнимиз оғриқли саҳифалари янги ёзилажак асарингиз учун “хамиртуруш” бўлиб хизмат қиласа...

Ҳозир эса самимий сұхбатингиз учун ташаккур!

1992 йил, 1 май

“ОНАНГ ОЙ ЁРУФИ, ҚУЁШНИНГ НУРИ”

Шоира Турсуной Содиқова билан биринчи сұхбат

— Турсуной опа, аёл руҳияти ҳақида күп ёзилади, фикр айтилади, ҳатто унинг сирлари ҳам матбуот орқали таҳлил қилинади. Аммо Одам Ато зурриётлари — эрқаклар дунёси доимо жумбоқлигича қолиб келади. Катта ижтимоий масалалар-у, оиласа оид муаммоларда ҳам иложи борича уларни четлаб ўтишга ҳаракат қиласа. Ваҳоланки, оила деган “түғон”-нинг бошида эрқаклар туриши сир эмас-ку...

— Биз, аёллар ўйлаймизки, тинкамизни куришиб, бизни толиқтирадиган нарса гүё болалар заҳмати-ю, рўзгорнинг меҳнати. Яна тинмай ўзимизни ёмон кўрамиз — ҳеч нарсага улгуролмаяпман, деб ич-этимизни еймиз. Аммо аслида бундай эмас. Адолат билан айтганда, баджаҳл эрларни ювощиришга, эпсиз эрларни қаторга қўшишга, ичувчи эрларга чидашга, енгилоёқ эрларнинг изтиробини тортишга кетган куч, ирода, шижаат бошқа бирор юмушга сарфланса, анчамунча ишлар рўёбга чиқарди. Битта эрни йўлга солишдан ўнта болани боқиши юз карра осон! Аёл кишини бола, рўзгор эмас, нобоп эр адo қиласи! Аммо у буни ҳеч қандай изҳор қилмайди, юзига солмайди. Забунлашиб боришининг сабабчиси жуфти эканлигини ўйламаслиги мумкин ҳатто! Аёллардан чиқсан шоиралардан бири менми? Бир китобимда дебман, гапимни қаранг: “Эрни фарзандларингизнинг энг эътибор талаби, энг инжиғи деб билинг. Агар уни аёли сифатида кечиролмасанғиз онаси бўлиб кечиринг, отаси бўлиб кечириб қўйинг...

— Биз кўпинча ўтмишдаги боболаримиз билан фахрланишга ўрганиб қолдик. “Улар ана ундан бўлишган, улар мана бундай бўлишган, ҳатто жанг-жадалларда ҳам бир-бирлари билан шеър айтиб уришган”, деб. Шу маънода, ўтмиш ва ҳозирнинг эркаги орасидаги тафовут кенгайиб кетмадими? Шундай бўлса, сиз уларни нималарда курасиз?

— Моҳларойимдай малика ҳам жуфтининг ҳатто шира-кайф ҳолатда айтган гапини икки қилолмаган. Шарқнинг эркаклари бир сўзли, оиласпарвар, аёлларига метиндай му-ҳофаза ўринида бўлганлар. Ўз бурчларини қойиллатиб бажар-ганлари учун оиласда жуда катта эътибор қозониб келганлар.

— Дейлик, бир оиласда ҳамма нарса бор: пул, амал, яхши ейиб-ичиш, кийиниш. Аммо, кўпинча четдан синчиклаб қара-ганимизда биз у ерда муҳим бир нарсани: бир оғиз ширин сўзни кўрмаймиз. Қозон-товоқдан тортиб, ойна деразаларигача миннат юқидан зириллаб туради: “Сенинг топганинг нима бўларди, аёлмисан, жим ўтири, мен бўлмасам баринг очдан ўласанлар”, — деган таҳдидлар кунжида аёл қаноти қирқилган күш-дек бир бурчакда жимгина бир умр ўтираверади. Шу баҳтми, Турсуной опа?

— Ўша эркак ўлди ё оиласини ташлаб кетди, дейлик. Ҳуш, унинг кетидан ҳаёт тўхтаб қолармиди? Ё болалари қирилиб кетармиди усиз?! “Бандаси ўлмас — ризқи камаймас” деган нақл бор. Пешонага никоҳнинг, рўзгорнинг битиши, фар-зандли бўлиши, уларни уйлашга, жойлашга яраш, қодир бўлиш эркак етган энг буюк баҳтдир! Оталикка етказсин ҳар бир йигитни! У эркак бир остоинанинг подшоси бўлиб ки-риб-чиқиб туришга насиб этгани учун меҳробларга бош уриб, шукронка келтирисин!

Рўзгорда баҳт деган қасрни вайрон қиласидиган энг даҳ-шатли бомба — миннат! Олтин ковуш кийдириб, олтин то-воқда ош едиринг, лекин миннат аралашган заҳоти заҳарга айланади. Айниқса, “сени боқаяпман”, “сени уйлантириб қўйдим, фалон пулга тушдим” деб фарзандига миннат қил-ган ота — номарднинг номардидир!

Ота-она болани боқишига мажбур, бизни ҳам шундай боқ-қанлар. Аллоҳнинг олдида ва бандасининг олдида ота-она-лар бизга ўтказган қарзларни боламизга тўлаб узяпмиз, хо-лос! Бу мардлик эмас, бу оддий ҳисоб-китоб! Аллоҳ бу банд-даи фоғилларга оила, фарзанд ато этса-ю, у миннатга қўл урса! Худо қаҳрига олмасин, оқибатда шундай бўладики, болалар ундан узоқлашади. Нақ умрининг охирида бундай-

ларнинг тўрт томонидан елвизак уриб, ёлғизлиқка маҳкум бўладилар.

— Аёл — фарзанд яратади, рўзгор икир-чикирлари шу нозик жуссадан гўзаллик, умр, соглиқ сўраб олади. Устига-устак эрнинг кўнглини олиш. У соғми, хастами — фарқи йўқ, ҳаёт учун жавобгардай туюлади. Дейлик, ҳар куни ичib келиб, хотииини дўппослайдиган эр, ноқобил фарзанд, нураб кетаётган соғлиқ... бари-бари учун у айбдор ҳисобланади. Ростини айтсак, жуда бешафқат бўлиб кетмадикми XX асрга келиб (эркаклар демоқчиман)?!

Шуро ҳукумати кўзлаган мўлжалига етди: кўплаб эркакларни Ҳақ йўлидан чалғитди — ичкиликка ва фаҳшга мубтало қилди. Улар бешафқатликни аввало ўзларига қилдилар. Ки ҳар бир инсон Аллоҳнинг неъмати, бу неъматни ҳаромга аралаштиридилар. Киши арақни ҳеч қачон яхши ниyatда ичмайди, камида мастлик баҳона кимнидир чаппараста қилиб сўкиб олиш мақсад бўлади...

Сурункали ичадиган ёки ора-орада ичса ҳам инсонлик қиёфасидан чиқиб кетадиган эркаknинг аёли дунёда баҳтсизларнинг баҳтсизидир. Бу эркак Она аталган неъматга озор бераётгани учун, онасининг калтак ейишидан қўрқиб, отасига кўзлари косасидан чиқай деб жавдираб турган гудакларнинг жувонмарг болалиги олдида, оиласдан кўтарилаётган файз, барака қошида у дунё, бу дунё гуноҳкордир. Бундай оиласда туғилган бола, минг афсуслар бўлсинки, эртага заараркунандадир. Боиси, у меҳр кўрмай ўси, бировга меҳр кўрсатолмайди. У ҳақоратлар ичра улгайди, шу боис бировни осон сўкади, осон койийди, у — аламзада, ўзи чеккан озорларнинг аламини кимдандир чиқариб олгиси келиб юради. Мана шундай фарзандга она бўлган аёлнинг фарёди эшитилгандай булади қулогимга: “Сени туфмай мен үлай, болам-э-э-эй!” Оҳ онаизор, воҳ онаси бадбаҳт, шунда ҳам “Сен ўл” демайди-я...

— Бугун менинг тушунчамда икки хил қиёс: Шарқ ва Фарб эркаги маданияти. Улар биздан кўра кўпроқ аёlinи аяднингандай, севадигандай туюлади. Оилани муқаддасроқ деб биладигандай туюлади. Хонимларини сўрашингиз билан кўкрак чўнтагидан суратларини чиқариб, ўша заҳоти сиртдан таништирадилар. Фарзандларини ёnlарида олиб юриб, кўхна Шарқни таништирадилар. Мен бу меҳр замирида улуг Нозим Ҳикматнинг қамоқдан туриб ўғлига ёзган мактубидаги: “Онанг ой ёруғи, кўёшнинг нури, мевалар ичинда хуштаъм олхўри”, — деган севгисини ҳис қилгандай бўламан. Миллатта ғамхўр-

ликни туйгандай бўламан. Аслида, Шарқ аёллари жуда катта муҳаббатга лойиқ аёллар эмасми?!

— Ички маданият чекинди биздан. Кўксига Аллоҳни жойлаган кишининг ёри Аллоҳ, маслаҳатчиси, йўл бошловчиси Аллоҳдир. Маънавияти бутун одам шу! Эркин Воҳидда шундай сатрлар бор эди: “Иймон деймизми, виждан деймизми, ҳар кимнинг кўксига худоси бўлсин”.

Сиз айтган Фарбнинг эркакларида эса ички маънавият мавжуд. Фарбаги ахлоқ мезонлари ўзингизга маълум. Агар у эркаклар бизнинг аёллардаги шарму ҳаёни, жуфтга содикликни, орият ва меҳнаткашликни ўзларининг аёлларида учратсалар, юраклари ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас!

Доно, адолатли ва уддабурон эрнинг садағаси-ю, қули бўлиб ўтсак, минг ризолик эди! Гоҳи (гоҳи эмас, кўпинча!) изи тўла хато, сўзи тўла хато-ю, “мен эрманми, тўғри десам ҳам, нотўғри десам ҳам айтганимни қиласан”, — деб фўддаишишларига нима дейсиз?

Рўзгор — муқаддас даргоҳ. Унга маҳсус тарафдуд кўрмай яқинлашиб бўлмайди. Эр-хотиннинг бир-биридан андак кўнгли қолдими, тамом, оилада синиш бошланади. Бизни доим бир ғофиллик банди қиласи: турмуш қурган заҳоти эр аёlinи, аёли эрини энди ўз-ўзимники бўлди, деб хотиржам тортади. Аксинча, шу кундан бошлаб хавотир бошланиши керак. Гап шундаки, киши кишига яқин бўлган сари олдин кўринмаган камчиликлар сезила бошлайди. Бир-биридан совиш содир бўлмаслиги учун доно эр-хотинлар бутун умр давомида ўз кам-кўстларини тузатиш ва жуфтига ёқиб олиш учун тинимсиз ҳаракат қилиб яшайдилар.

Эридан кўнгли тўлмаган аёл-ку, армонларини кўксига кўмиб, туғилиб қолган “фалончизодалар” ҳаққи, тошдай андишага тишини ботириб индамай яшаб бораверади. Аммо хотиндан кўнгли қолган эрнинг аксарияти — хатарли! Чаппа қадам ташлашга ҳамиша фурсат ва қулайлик кутиб яшайди.

Эр тутиш ва аёл асраш ҳам санъатдир. Ким бу санъатдан бехабар бўлса ва ё хабардор бўлишни истамаса, бу рўзгорда ёруғ кун бўлмас. “Ёш ва гўзал муҳаббат” топган эркаклар хусусига келсак, асосий айбни мен эркакка эмас, ўша “маҳбуба”ларга қўйган бўлардим. Эркак чандон суюқ бўлсин, иштиёқи чандон баланд бўлсин, аёл киши изн бермаса, эркак ниятига етолмайди.

Бирорларнинг эрларини йўлдан ураётганлар ҳақида: уларни ҳаргиз қарғашнинг ва қасд билан боплаб қўйишнинг ҳожати йўқ. Улар Аллоҳни танимасалар ҳам, гуноҳ эканини би-

либ туриб гуноҳ қиласидар. Ўзларининг номларини Хиёнат эканини ҳар дақиқада ёдлаб турадилар! Шу ахволда улар яйрайди дейсизми! Сиртдан ялтираб кўринишади, холос. Эр ижара, қувонч ижара, у одам қиёфасини ҳам ижарага олган, аслида маҳлук. Шўрликнинг на у дунёлиги бор, на бу дунёлиги бор!

Эркак нечун бошқа чорбоқقا мўралаб қолди? Фазаб отига минишдан аввал бу ҳодисанинг сабабларини излаб кўриш лозим. Меҳнаткаш аёл бўлиш, пазанда ёки чиройли аёл бўлиш кифоя эмас, эр-хотиннинг бир-бирига берадиган қай-фияти, кўчадан топиб бўлмайдиган гапи, қўнгилпарварлиги бўлиши керак.

Яна бир гапки, “берсанг ейман, урсанг ўламан” дейдиган ройиш, керагидан ортиқ кечиримли аёл ва шу хилдаги эркак билан ҳам яшашининг қизиги йўқ. Ўрни келганда ориятни ҳимоя қилишни, хафа бўлишни ҳам билиш даркор.

Эру аёл муомаласида ҳамиша ҳисоб-китоб зарур. Кўчада, ишда, жамоада унча-мунча эҳтиётсизликка йўл қўйиш мумкинdir, аммо энг нозик муомала уйда бўлиши шарт! Миллатнинг келажаги кўчада эмас, асосан оиласда шакланади. Инсон хукуқларини поймол қилиш ҳам, қадрини тиклаш ҳам дастлаб оиласда содир бўлади. Шу боис ҳар юмушдан аввал миллат боласини оиласга тайёрлаш керак!

Баъзи эркакларга тегишли яна бир ишга доғ қоламан. Ислом динига кенг йўл очилгандан кейин қўшхотинлик деган нарса сезиларли кўпайди. Аммо шу ишни содир этаёт-ганларнинг ўзи исломдан узоқ одамлардир. Агар бу муқаддас диндан боҳабар бўлсалар, нега у илмда битилган дилдорлик ҳақидаги, фарзанд олдидаги қарз, никоҳ олдидаги бурч, эрлик масъулияти ва ҳалол-ҳаром ҳақидаги ақидаларни кўрмай, ўқимай фақат “Мусулмончиликда тўрт марта уйланиш мумкин” деган жойини улаб олади?! Нега айнан шу жойи маъқул уларга, мусулмончиликни бошқа ҳамма жиҳатидан юз ўтириш мумкин-у, нега фақат шунисига амал қилиш керак!?

— Турсуной опа, нима деб ўйлайсиз? Ҳазрат Бобур ёзганидек:

“Сен эй, гул, қўймадинг саркашлагингни сарвдек ҳаргиз,
Оёғингга тушиб барги хазондек неча ёлбордим...”

Шундай шоирона, гўзал мұхаббат бизга, авлодларимизга — Одам Ато зурриёдларига яна қайтармикан?

— Аввало, Шарифабону, биз, аёллар, шоир айтган ўша “сарвдай саркашлигу ошиқларни хазондай тўкилтирадиган виқор, сирлилик, хумори ўртайдиган феълу фазл”ни ўзимизда қайта тиклай олсак, шундай ёлборишлар яна содир бўлар эҳтимол...

Қолаверса, буюк муҳаббат ҳамиша бўлиб келган. Мумкинки, бутунги эркаклар изҳорда ожиздирлар балки...

Ва яна қолаверса, гоҳ тўлишиб, гоҳ қунишиб турадиган бу бевафо дунёнинг армонларини ювиб турган Аллоҳим шоир деган муборак зотларни яратмиш. Мана Сиз ҳазрати Бобурдан байт келтириб кўнгил ёздингиз. Мен эса улуф Навоийнинг:

Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзунг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейун, бошдин аёғинг яхши, —

сатрларини ҳар бир эслаганимда, менинг тоифадошим мана шундай латиф мурожаатларга сазовор бўлган, дея юпанч топаман, томирларим яйрайди.

— Ва ниҳоят: эркакларимизга айтар тилакларингиз.

— Уларнинг елкаларини кафтларим билан зиёрат қилиб, кўзимга сурта-сурта тилайман: Аллоҳим, бу тоифанинг яхшиси-ю, ёмонини омон-омон асраб бер, у ёғига биз камарбаста...

БАХТНИНГ КАЛИТИ ШУКРОНАДАДИР

Иккинчи сухбат

— Турсуной опа, бир шеърингизда: “Асли жуда кеч пишдим. Боз оналик, аёлликнинг қарзларига хўш тушдим”, деб ёзғансиз.

Келинг, бутунги сухбатимизни ҳам доимо кўхна ва навқиран мавзу — аёллик қарзлари-ю, унинг маънавияти ҳақидаги лутфдан бошласак.

— Аёллик қарзи, дебсиз. Аммо аёлнинг бир исми Мехр, бир исми Муруват, яна бир исми Фидойидир. У қайнар булоқdir. Ана шу Мехр, Муруват, Жон булогини улашаверади, улашаверади, токи суви қуриб, кўзи юмилиб қолгунча. Яхшию ёмон, чўлу боғ, яқину узоқ ундан яшаш учун,

яшнаш учун оби ҳаёт олаверади, олаверади-ю яна аёл қарздормий?

Аёл ўзи “қарздорман” деб чандон хитоб қилганда ҳам бу дунё, сенмас, мен қарздорман, дея унинг пойига йиқилмоғи керак, аёл олдиғаги қарзларини узмоқ учун тирён бұлиб яшасин дунёда.

— Сиз одатда армон сўзини ёқтиримайсиз. Аммо шоир Есенин ёзишича, “Бу дунёда армонсиз одам бечоралар ичра бечора”... Армоннинг бир учи барибир аёлга бориб тақаладида, тўгрими?

— Қўлингдан кетган ҳар бир яхши нарса армондир. Дунё деганлари тинмай бой беришлардан иборат. Йиглайман, десанг, йифи кўп, сабаб кўп. Аммо ўрнингдан тур, атрофга боқ, бағрингни тўлдириб турган бу рангин дунё эртага яна йўқликка кетади. Кўриб қолмоқ керак, тўйиб қолмоқ керак. Эндиғи келадиган дақиқаларни орзулаб, соғинчларга суюниб тиккаламоқ керак. Инсонлик қисмати шу — бу ёқдан фиддираб кириб, у ёқдан фиддираб чиқиб кетасан, бир дам тўхташ йўқ. Шугина умрга тутаб кириб, ҳамманинг кўзини ачиштириб кетиш қаёқдаю баҳордай келиб, кўнгилларга чечаклар экиб кетиш қаёқда?

Армонлар ичра бутун яшаёт мумкинлигини ўзида намоишиш қилиб, бошқаларга ўргатиш ҳам аёллик қисматидир.

Ўзига Аллоҳ берган имкониятларни неъмат билганлар шукронаси бор инсонлардир. Шукур қилишни билган киши Яратганинг ҳар бир мукофотини Ҳайрат билан қаршилайди. Ҳар бир қулайликни байрамдай қадрлайди.

Тўрт мучамминг соглиги — баҳт.

Ўғил-қизларга эга бўлганим — беқиёс баҳт. Мени тушунадиган жуфтимнинг ёнимдалиги, ўғлимнинг орқасидан келин-қизимнинг, қизимнинг ортидан куёв-ўғлимнинг кириб келишлари жону жаҳонимни тўлдирадиган баҳт. Оғзими очишимга чолғудай жаранглайдиган тилимнинг борлиги, иси ўзбекча, таъми ўзбекча тупроққа товонимни қўйиб яшаётганим — суратини чизиш мумкин бўлмаган Ҳайрат, вазнини ўлчаёт мумкин бўлмаган Баҳтдир. Ҳайратнинг калити ШУКРОНАДАДИР.

— Эркакнинг юрагига борадиган йўл ошқозон орқали ўтади, — деган ибора бор. Тўгри, аммо аёл — бола — қозонтоворқ — турмуш. Аммо аёл маънавияти-чи? Жоҳил она — жоҳил бола дегани эмасми?

— Албатта-да. Сабр аёлдан, кечириш аёлдан, фарзанд бериш аёлдан, тарбия аёлдан, рўзгор иши аёлдан, миллат-

нинг келажаги аёлдан, деб икки қулини баробар чўзиб турган эр, фарзанд, жамоа ва давр андак хижолат чекмоғи лозим. Аёлдан олаётганини ўлчамоғи ва истиҳола билан ўзини-ўзи суд қўлмоғи лозим: мен ўз онамга, синглимга, аёлимга, миллатимнинг онасига нима бердим, демоғи даркор. Ахир тинмай еганга тоғ чидамайди, аёлнинг аёллик захираси, қуввати, мағзи уммон эмас-ку, дея ўйга толмоғи лозим. Аёл борини анордай эзиб, менинг томиримга қуйиб турган бўлса, унинг пучайиб бораётган илигини ким тўлдиради, деса бўлмасми? Аёл жамиятга вужудида борини беради, йўгини беролмайди-да. Паловнинг аълосини еб бақувват бўлишни хоҳласак, масаллигини муҳайё қилишимиз шарт-ку, ахир. Одам ва олам аёлнинг меҳр-муруввати билан қўкарап экан, нега дастлаб унинг етарли масаллик — ором, озуқа, илм ва меҳр билан таъминлаб қўймаймиз? Нега бер, бер деяверамиз? Аёли ориқ юртнинг миллати ориқ, аёли ўксук юртнинг миллати яримдур. Мен онамдан оладиганимни олиб, тинкасини қуритиб бўлдим, дейлик, энди уни четга суриб, бошқа бақувват аёлга томиримни улаб қўйишнинг иложи йўқ-ку. Ёхуд менинг аёлимни муҳофаза қилиб бер деб, четдан наожток ёлламайдилар-ку.

Аёл сифатида қуйиниб айтаманки, миллатдошим, сафдошим, ўғлоним! Муҳофаза қилинг, асрай олинг бизни. Сурамасак ҳам сийланг, биз кутмаган яхшиликларни тортиқ қилинг. Ҳаргиз бизни хурсанд қилиш учун эмас, ўзингиз бутун бўлишингиз учун, ақли қизли, соғлом ўғилли бўлишингиз учун.

Оналикка маънан ва жисмонан тайёр бўлмаганларнинг она бўлаётгани, рўзгор илмини билмай рўзгорга қадам қўйиш кўпаяётгани миллат ўғлонларини зийрак торттириши керак. Улар аёлларнинг аёллик илмини ўрганиб олишлари учун замондош сифатида қандай шароит яратдилар?

Хурматли эркак, аёлингиз сизнинг қулингиз бўлиб жимгина ўтиб бораётганидан, сиздан шикоят қилмаганидан **ҚЎРҚИНГ**. Сизни фафлат босмасинки аёлингиз биттагина жонини қирқтага парчалаяпти — у қандай бутун ҳомила берсин? Хавотирга тушинг, биродар.

— **Миллатимиз аёлларининг кийиниш маданиятидан, нутқ, сўзлашув маданиятидан кўнглингиз тўладими?**

— Мусулмон давлатлари фаол аёлларининг Покистонда ўtkazilgan конгрессида қатнашиб эдим. Менга уларнинг бир ёқсан жиҳати — миллатпарастлиги. Улар ҳар бир йиғининг поёнида Покистон давлат гимнини биргалашив ижро

етишарди. Құшиқнинг охирини “Покистон. Покистон!” деган хитоб билан якунлашар, ўша ҳайқириқ пайтида ҳаммасининг күзіда ўтми, фахрланишми чараптаб кетарди. Яна бир ёққан жиҳатлари уларнинг миллий либосларига содиқлары эди. Ёш аёлми, кекса аёлми, шу қадар маромига етказиб кийинадиларки! Имконини топиб, кечгача камида иккى бор кийим алмаштирадилар. Елкаларига ташлаган сарийлари, унга монанд күйлак ва пойжомалари шу қадар рангин, нафис ва ярашимли бұладики, улар катта амалдорлар, олималар, камида амалдорларнинг хотинлари эди. Улар инглиз тилида ҳам бийрон сұзлашишарди. Гапларининг ичіда “Кеча Франциядан келдим, келаси ҳафта Лондонга учаман”, деган гапларни әшитиб қоласиз.

Шундай пайтларда дархол ўз миллатингни үйлайсан, чоғиширасан...

Биз қандаймиз? Кийини什 меросимиздан нимани сақлаб қолдик? Чет әл таҳсилини қўйинг, кўчамизнинг бошидаги олийгоҳни битирган бўлиб, миллий кийинишини омилик дейдиганимиз қанча. Мустабидларнинг сен ўтмишда қолоқ бўлгансан, деган писандаси миямизга михланиб қолган. Ўтмишдаги миллий кийимларимизга қизиқиши, уларни тикаш у ёқда турсин, қизимизни бир марта бўладиган никоҳ кечасида Оврупоча кийинтирамиз. Миллий кийинса уятмиш. Шу тушунчанинг ўзи даҳшатли уят. Қани миллий орият, қани миллий фаҳр?

Қизлар келин бўлиб ярақтаб очилмайди. Келинчакларнинг афсонавий қўринишлари бизнинг Шарққагина хос бўлиб келган. Сирма бел камзуллар, минг бир безакли, шифиллаган тўқис кўйлаклар, тиллақошлар, зеби-гардонлар бизнинг қизларни париларга айлантиришга қодир. Чамандагул ироқи дўппилар қани? Уларнинг Тошкент, Фарғона нусхаларини эслаб, эҳ, ўша пайтдаги қизларнинг армони йўқ экан-да, дейман. Ўша қизларни севишга сазовор бўлган йигитлар ҳам баҳтли экан, дейман. Қирқилмаган соchlарни иккита ёки майда ўриб, ярақлаган дўппиларни кийиб кучадан ўтиб бораётган қиз ҳамманинг кўзига ҳайитлик улашгандай бўларди. Дўппининг устидан соchlарни чамбарак қилиб олган келинлар нақадар кўримли эди. Бугун биз қандаймиз? Кийинишимиз у миллатга пича, бу миллатга пича ўхшаб кетади. Ўзимизда аслимиз қўринмайди. Миллий кийимга туркман аёлларида бўлганчалик эътиқод бизда бўлмади, афсус...

— Кўпинча давраларда аёл ва эркак хиёнати оила фожиасига олиб келаётганлиги ҳақида саволлар ёғилади!..

Оиланинг муқаддаслиги, илоҳийлиги тушунчасини сизнингча қай йўсингда инсон онгига муҳрлаш мумкин?

— Бандаси Аллоҳни тан олиб, унинг назоратини қадамида ҳис қиласидиган бўлмагунча, ҳаром-хариш баҳтсизлик келтиришини уқиб олмагунча оилалар бузилмаслиги, гуноҳлар болалайвермаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

— Ҳаммамиз ҳам онамиз. Фарзандларимиз баҳтли бўлишини жуда-жуда хоҳлаймиз. Ҳозир баъзи жойларда қизларни жуда ёш узатиш урф бўлган?..

— Бугунги қирқ ёшли аёлга биз қандай илм беролдик? Эр тутиш, уй тутиш, қайнона бўлиш ҳам санъат эканлигини ўргатдикми? Бирорга ёқиш, бирорни ёқтириш сирларини ўрганмагунча рўзгорнинг ҳалқасини тутиб бўлмаслигини биладими улар? Ўзидан ўтганини ўзи-ю, худо билиб турибди-ю, улар туққан 16—17 ёшли тирмизак қиздан нимани кутиш мумкин. Мана шу соҳада “Тандир кийган Матмуса”-нинг ўзи бўлиб қолаяпмиз-да.

— Оиланинг устуворлигига қайнона-келин муносабатлари доимо тилларда достон. “Қунғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим”, дейди.

Бола шамол — тияйлик деб айт,
Гулдир, хорин қияйлик деб айт.
Ой мисоли жиндай доги бор
Артиб, сўнгра суюйлик деб айт.
“Ёмон!” деб айт ҳаммага бир-бир,
Онасига айтма барибири, —

деган сатрларингиз бор. Донишманд қайноналаримизнинг қулоқларига айттар сўзингиз?!

— Шарифахон, оилавий ажралишларга қайноналар ҳам дахлдор, албатта. Аслида шу мавзуда катта мунозаралар ўтказмоқ жоиз. Ҳозирча бу мавзунинг ўта оғриқли жиҳатларига муносабат билдириб ўтиш билан кифояланаман. Яхшиси, қайноналарнинг ўзига юзланиб қўя қолай (аммо бу айтмишларимдан яхши қайноналар ранжимасинлар, гап эгасини топади):

— Айтинг-чи, келин фарзандингиз қатори фарзандми ёки хизматорми? Агар фарзанд бўлса, нега қизингизга буюрмаган ишни келинга буюрасиз? Нега қизингиз бажарган ҳар

бир ишга шукр келтириб, дилингизда-ю тилингизда миннатдор бўласиз-у, келиннинг бажарган ишини кўрмай, бажара олмаган ишини санаб юрасиз? Қизингиз хато қилса, кечирасиз. Хафа бўлса, юпатасиз. Нима учун келинни кечирмайсиз, кайфияти билан ишингиз йўқ? Келин қилган овқатни ейсиз, у супуриб-сидирган жойларда елпиниб ётасиз. У пиширган сават-сават нарсалар билан лозимандаларга бориб, аъло баҳо олиб қайтасиз. Аммо тилингизда тинмай унинг фийбати булади? Бир эркакни эпақага солиб юриш ўзи бир фурбат. Уйнинг хизмати, эрнинг хизмати, бола инжиқлиги дастидан чўзилиб-чўзилиб узилишга келган келинга тинмай кесатик қиласиз? Камига ота-онасига таъна-танбеҳ дастурхонларини юборасиз?

Бир инсофга келинг-да, тасавур қилинг: сиз келинга қилган пичинг, зардаларни бирор қизингизга қиляпти. Шу торлигингиз билан чидаб тура олармидингиз? Келинингизнинг онаси шу кунгача бир оғиз индамади. Танангизга ўйлаб кўринг, нега у сизни боплаб қўйишга шошилмаяпти? Боласи ўтайми ёки сизнинг болангиздан бемазароқми? Келинингиз онаси онамас, тошми сизнинг-ча?

Келинингиз билан ўғлингиз иноқ бўлса, титрайсиз. Келинингизни бирор мақтаса, кўйлак кийса ярашса, сизда нафрат уйғонади. Бунинг отини ўғилни қизғаниш дейилади. Бу кундошлиқ билан тенг нарса. Бу она шаъни учун ярашиклими?

Аллоҳни таниғанлардан сўранг, дилозорнинг жазоси нима? Ва чексиз тавба қилинг. Бу дунёнинг фалсафаси — қилмиш-қидирмиш.

Сиз инсофга келинг, худо жазо бермасин-у, ётиб қолманг. Боз келинга жабр бўлади, оғзингизга иссиқ тутадиган шу.

Оқилона айтинг, келинингизга ўзингизнинг ёшлигингизни қиёсланг: сиз шу келинчакчалик қайнонангизга хизмат қилганимисиз?

— **Турсуной опа! Ҳамиша ҳалқ орасидасиз? Қачон ижод қиласиз?**

— Ёзилмаган талай китобларим нутқларимда учиб кетдилар. Тилимнинг булбули қофозимга эмас, одамларнинг кўзига қараб жўшқинроқ сайрайдур. Китоб қатларига қамаш на даркор, уни кўнгиллар боғига қўйиб юбордим...

— **Болалигингиз, ўсмирлигингиз Тошкентда кечган. Аммо Андижонни шундай яхши кўрасизки, баъзан жиндек рашк ҳам қилиб қоламан.**

— Онамнинг дуоси менга бирламчидир. Аввал онани ризо қилмоқ, сўнг бошқаларга эгилмоқ жоиз. Андижон — менинг онам. Энг баланд, энг ширин соғинчли қўшиғим ўша. Камию кўсти, яхшию ёмони билан менга мўътабар бўлган даргоҳи аълойим шу...

— Турсуной опа, сизни ҳаммамиз яхши қўрамиз, суҳбатингизга ҳамиша ташнамиз, суҳбат ниҳоясида “саодатхон”-ларга тилакларингиз?

— Ҳар сафарги дуоимни такрорлайман: ўзингиздан кучлиларни уйғотиб кетиш ва ўзингиздан аълоларнинг ичидашаш насиб этсин.

— Ҳамиша кўнгил навқиронлиги, ижод ҳамроҳингиз бўлсин.

ВАТАН ИЛДИЗЛАРИ ЖОНИМИЗДАН ЎТГАН

Учинчи суҳбат

— Турсуной опа, баъзан ўзимга шундай саволлар бераман: асл мўминлик қандай бўлади? Нега одамлар динни ниқоб қилиб олиб, турли ёвузликлар қиласидар? Кўнглимдан яна шундай хаёллар кечади: Момо Ер, сен шундай муқаддассанки, ибодат учун ҳам тупроқ берасан. Бошидан қуёшлар ўтмасин деб, соя-салқин берасан. Қара, гиёҳларинг қандай мўминлар... Бирбирини қучоқлаб, тиллашиб яшар, қушлар бозор қилар, дарёларингдан болачаларига сувлар ташишар. Даражатларинг иноқ, шовуллаб туар. Оллоҳдан беамр узилмас япроқ. Кўнглимдан бир ёруғ сўзлар ўтади: Момо Ер мўминлар ичра мўминроқ.

Сизнинг тасаввурингиз...

— Яратган эгам тўрт тарафни бизга ибрат қилиб яратиб қўйибди. Шарифаой, мўминлик хусусида кўп дилбар мисоллар келтирибсиз. Нечун шундоқ дилбарликни бандалари дарҳол қўра қолмайди! Куръони Каримнинг “Иброҳим” сураси 34-оятида “...сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саногига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон зоти ута золим ва жуда ношукурдир”, дейилган.

Жами яралмишлар ичра мубораклик инсонга насиб этиб турса, табиат ва маҳлуқотни унга бўйсундириб қўйган бўлса, сўзлашмоқ, тафаккур қилмоқ ва яратмоқ салоҳияти фақат унга буюрган бўлса, гўзалликни кўргани кўз, эшитгани қулоқ берган бўлса, товони ерга қадалиб турса ҳам, уни осмонларда сайр эттирадиган руҳият насиб этган бўлса, нечун инсон

яйраб-яйраб **Яхшилик дарахтига** айланиб қолмайди ва яхшилик мевалари билан бир-бирини миннатдор қилмайди!

Мен ҳам бир шеъримда айтган эканман:

Жуфт қалдирғоч уя қуради шошмай,
Унинг меъмор тилларида илм бор.
Ҳар хил бу ёnlар келаверар адашмай,
Адашмаган феълларида илм бор.

Ана кўкка қаранг, қатор турналар
Тизими니 бузмай ўтиб боради.
Чумолилар занжир бўлиб ўрмалар,
Карвонидан тўзмай кетиб боради.

Бир-бирини чумолича тушунмас,
Китоб кўриб ақл йиққан одамлар.
Чуғурчиқлар тўдасича бутунмас,
Мадрасаю мактаб уққан одамлар.

Сирларингдан ўргилайн, табиат,
Тилларингни менга тушунтиргин-а,
Юрагимда йиғлаб ётар ҳамият —
Нечун заиф қавмим менинг биргина?

Каптар каптарнинг кўзини чўқимаслигини одамлар билади, қўй қўйни емаслигини, тераклар бир-бирини суюб туриши, сурув қаёнга бурилса, тулпор ўша ёққа чопишини, сиз айтгандай, майсалар бир-бирларига елка қўйиб баландга ўсишини яхши биладилар, одамлар! Уларга ҳавас қиладилар. Аммо ёnlарида турган одамлар ўз қавмлари эканини унугдилар. Бир-бирларининг йўлларини тусадилар, ҳатто баҳиллик қиладилар, озор бериб роҳат қиладилар. Бу — шайтоннинг илашган НАФС БАЛОСИдир. Нафс ҳasadни етаклаб юради. Ҳasad макон, макон тутган юрак эса эгасини таназзулга боштайди. Баҳил ўзини ўзи ўлдиради. Аллоҳнинг унга жавоби шу.

Мўминликнинг бир кўриниши — кечиримли бўлишдир. Куръони Каримнинг деярли ҳар сурасида “Аллоҳ кечиргувчи” деган жумла келаверади. Дунёни яратган Аллоҳ “мен кечиргувчиман” деб турса-да, чумолича жони билан банди

дайи ғофил ўз боласини “оқ қилдим” деса ва ўлгунча бетига қарамай ўтса!

Тавба қылсанг, яхши амалларни бажарсанг, ҳамма гунохингни ўтдим деб, ҳақ айтиб турса-ю, қанчадан-қанча, ёру биродар бир-биридан аразлаганча, гина қылган күйиб кетаверса, қани мүминлик, қани иймон? Ҳар нарсанинг жавоби нақдлигини наҳот улар билмайди? Билади ҳам! Аммо улардаги **КИБР, КОЖЛИК** уларни манқурт қилиб қўйган. Улар ўзларини қурбонликка тортадилар. Бугун тилинг билан бирорвга озор бериб кўр, фурсат бир юмалайди-да, кўзингнинг олдига болангни бирор қўли билан майиб қилиб кетади. Жавоб шу. Бугун бирорвнинг битта йўлини сал торайтириб қўй, эрта туриб индинга энг яхши кўрган болангнинг ҳамма йули боғланиб туради. Мўминликка қарши юрган одамнинг оладиган хирмони шу!

— “Ота ўз фарзандларининг саъй-ҳаракатлари учун жавобгардир”, деб ёзган эди улуг бобомиз Абу Наср ал-Форобий. Ўтган етмиш йиллик мустамлака даврида бу хулоса бошқача шафқатсиз шаклга ўтди. Яъни, бола тарбиясига тўлалигича аёл жавобгар, деган фикр ҳукми мутлаққа айланди. Синчиқлаб кузатсангиз, аслида болалар отадан кўпроқ ҳайиқади, отага ўзгача ички бир муҳаббат билан ёндошади. Онанинг пинжиди ўз ютуқ ва қусурларига ҳимоя топади. Сизнинг тасаввурингиздаги донишманд Шарқ отаси қандай?

— Шарифаой, бола тарбиясига қайси давр бўлишидан қатъи назар, асосан она даҳлдор.

Бу қисмат, бу Аллоҳнинг юқтиришидир. Бола шаклида кўз очган мавжудот онанинг тани, қони, юраги, сўнгаги ва ақлу асабидан узиб ясалган неъматдир. Унинг ҳар бир нуқтаси онага ўз тани-жонидай аён ва ўзининг мижозини қандай бошқарса, боласини ҳам шундай уқийди. Она эгилувчан, қовушибгина кела олади, она бир зумда тўрт фаслнинг иқлимини бера олади. У майнин — болага ботмайди. Оиласнинг бутун салтанатини аёл тўлдириб туради ва бола ҳар қадамда унга тўқнаш келмай иложи йўқ. Шунинг учун ҳам болага даҳдорлиги кўпроқ. Дарё мағзини, гўзаллик ранглари-ю, маънавий илмни бола қалбига олиб киришнинг энг қисқа ва унумли йўлини фақат Она билади. Бу эркакнинг улдаси эмас. Биз тарбияда оталарни ора-орада, лаҳзалик ўринларда керак қиламиз. Яъни: “дадангга айтаман”, “даданг кўрса қувонади”, “дадангга нима деб жавоб берамиз”, “даданг келгунча бу хатони тўғрилаб қўяйлик” каби муолажа ўрнида ўтадиган ишлар учун. Ота оиласда ҳайъат раисига

ўхшайди. Унга ҳисобот тайёрлаймиз, унинг баҳосини оламиз, деган шиор остида она боласига тарбия бериб боради.

Сиз айтган шафқатсиз кўриниш бошқа нарсада намоён бўлди: рўзгорниг ҳамма балогардонлиги аёл елкасига ўтди: ўзи хоҳлаган ва унга Аллоҳ буюрган бола тарбиясига имкони етмай қолди. У жисмонан чарчади, эрларда ички маданият, аёлга эҳтиром, рўзгор бошқаришда файрат, оила шаънини асрашда ОРИЯТ суст кетди! Энди аёл учун уятли ва аламли ҳол юз берди” у ўз боласига “отангга ўхшагин” дея олмай қолди. Энг ёмони шу бўлди!

— Шу йилнинг 16 февраляда юз берган мудҳиш воқеалар... биз ота-оналар учун исноддек гап. Мустақилликдек Аллоҳнинг улуғ неъмати, Президентимиз Ислом Каримовдек буюк инсоннинг меҳри, хизматларига бу кўрлик, бу гумроҳлик, бу она-Ватан нон-тузига хиёнат... Бундай ҳолат учун менинг наздимда ҳар бир вижданли инсон ўзини кечиролмади. Чунки оёқларимизга елка тутиб турган она-Ер, бошимизга соябон бўлиб турган осмон, унинг тагидаги болалар — бари ўзимизники... Биз энди ўзимизни Ватан учун бошқача сарф қилишимиз кераклигини эслатиб қўйди, бу воқеалар... Ўзимиз билан болалар орасида кўзга кўринимас девор пайдо бўлаётганини кўрсатди, бу воқеалар... Биз қандай хатога йўл қўйдик?

— Биз хатога йўл қўймадик. Атрофдаги биз билан баравар мустақилликка эришган давлатлар неча хил савдою фав-ғоларни бошидан кечирди ва кечирмоқда. Тараққиётда ҳам, хотиржамликда ҳам, ободончиликда ҳам ярақлаб турган ягона биз·десак бўлаверади! Ҳукуматимиз оқилона ва файрат билан иш тутди — тикланиб боряпмиз. Тикланганинг эса бўйи кўриниб қолади. Марказий Осиё харитасининг энг катта бўлаги биз бўлсанк, еримиз хазина, элимиз меҳнаткаш, иқли-мимиз жаннат бўлса! Бирор бунга суқ билан, бирор ҳавас билан, бирор эса қасд билан қарап экан. Ўзбекистон Президентининг событ қадами, давлат бошқаришдаги ўзига хослиги ва эришаётган натижалари эса бизга дўст бўлмаганларни ташвишга солиб қўйди. Мамлакатимизнинг эртаси равнақли бўлиши сезила бошлади. Ва бундай пайтда душманнинг иши фақат халақит бериш бўлади-да! Бу табиий ҳол. Йирик шахслар, кучли раҳбарлар ҳамиша мўлжалда ва нишонда бўлиб келган. Атрофга қаранг, Грузия, Озарбайжон... ва яна қатор юрт сардорлари жонига бир неча бор таҳдидлар бўлди. Қатор юртлар неча бор тинчини йўқотиб турибди. Мустақил бўлишнинг, озод яшашнинг ҳам мана

шундай ўзига хос мураккаблиги, қийинчилиги бўлиши табиий бўлса керак. Эл бошқаришда тўғри йўл тутганимиз учун ҳам саккиз йил давомида бизда мувозанат сақланиб келди.

Шарифабону, ҳар қандай ёмон ишнинг бир жиҳати хосиятдир: 16 февраль каттаю кичикка бир дарс, ҳушёр тортирувчи бир сабоқ бўлди! Одамларнинг юрагини уйғотди, кишиларга бурч, масъулият деган нарса борлигини эсидан чиқмайдиган қилиб эслатиб қўйди. Ватан шу тарзда азиз бўлиб боради. Мана шундай жараёнлар ичра инсонлар Ватанини асрарни ўрганиб борадилар. Биз хато қилмадик, аммо бир гоғилликка йўл қўяյпмиз: бугунги болага суяги қотмасдан туриб, Ватан, миллат нелигини, шажара ва унинг қошидаги бурчдорликни, яхшиликнинг рангини, гўзалликнинг суратини, иймон қирраларини энг асосий фан сифатида, аъло усувлар билан тезроқ ўргатишга шошилмаяпмиз. Тадбирлар ўtkазиш билан жуда кам сонли сафга эга бўлган маънавият марказлари билан одамларни маънавиятли қилиб бўлмайди. Маънавият ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада узлуксиз узатилиб турадиган нурдир. Ўқув масканлари, телевидение, радио, газета-журналлар, адабиётлар асосий нур манбала-ридир. Шу жабҳада меҳнат қилаётганлар, айниқса, ишига чечан ва зийрак бўлиши керак. Талаб шулардан бўлиши лозим. Уларнинг эса бугунги кунда ҳаракат мақоми ҳар хил. Республикада олиб борилаётган маънавият ишларининг ягона яхлит режаси, таҳлили ва назорати бўлиши шарт. Республика Маънавият марказига шу борадаги ишларни таҳлил ва назорат қилиш ваколатини бериш керак. Қандай қилиб бўлса ҳам, тезлик билан маънавий тарбия ишларини тартибга солиш лозим.

— Асли аёлликнинг ўзи бир мұъжиза. Ҳазрат Бобур:

Жаҳондин менга фам бўлса, усулдин гар алам бўлса,
Не фам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек фамғусорим бор, —

деб ёзганларида аёлнинг чексиз меҳри, юпанчи, фидолиги қалбини тўлдириб турганки, шуларнинг ифодаси бўлиб юқоридаги мисралар дунёга келган. Тасаввур қилинг-а, ана шу ҳазрат Бобур севган Аёл ҳам гўдагини маҳкам бағрига босиб, эркнинг ҳур нафасларидан бошидаги рўмоли туғдек ҳилцираб, мардона, шарқона XXI аср остонасида турибди. У янги асрға ўзининг шоир қалби билан, олим қалби билан — энг муҳими, улуғ Она қалби билан кириб боради. Ўзбек онаси

бўлиб кириб боради. Шундай ифтихор туйгулари-ла сиз билан бизни яйратадиган!

— Яқинда Самарқандни қайта зиёрат қилдим. Ҳазрат Имом Бухорий, Амир Темур бобомиз, Улугбек Султон, Ҳужа Аҳорори Валий, Маҳдум Аъзамларнинг пойида сел бўлиб ўтиредим. Улугбек расадхонасига кириб ўтиргач... бўғзимга бир фарёд келди! Ўзимни тутолмай қолдим. Бу фаҳр йигиси, ҳайрат йигиси эди! Бу қарздорлик, бу бурч йигиси эди! Бир томирдан шунча улуғ унса, қандай томир, қандайин насл экан менинг аслим-а, дейман! Шундай зотларни берган изларни босиб турибман, ўша шажаранинг давомиман, деб турибман. Аммо қаерим уларга ўхшади-ю, қай ишим уларга ярашиқлик деган андиша ёқамдан олади. Бу улуғлар изига арzon қадамларни солиб қўйдим. Туққан болаларим қай баҳоли бўлди... каби изтироблар ичра қолдим. Миллат озод бўлди, миллатнинг қўлидан, дилидан кишан тушди. Энди ухлоқ томиримизни уйғотгин, Аллоҳ, дейман! Тафаккури-мизни қўзғатгин, вужудларда ўзлик хужайраларини бодроқдай очилтириб юбор! Миллат боласининг бармоғини авж пардага сур, деган илтижолар тўкилади дилимдан. Ва худан тилайманки, йигирма биринчи аср миллат аёлларини аслига қайтарувчи, аслидан-да ўздирувчи аср бўлсин! Ўзбек ойим, мен уддаламаган ишни сиз қилинг, менинг бўйимдан сизники баланд бўлсин, овозингиз адл бўлсин, ўтинаман сиздан, XXI асрда ҳеч йўқ битта Улугбек туғиб беринг! Ҳеч йўқ битта Беруний, битта Навоий, яна битта Тўмарис туғиб беринг! Бу тупроқлар уриб қўймасин бизни! Бу улуғларнинг руҳи суд қилмасин бизни. Ўзингизга айланинг энди, ўзбек ойимлар!

Шарифаой, XXI асрга мен шундай оҳлар билан кириб боряпман...

— Наздимда, Ватан илдизлари жонимиздан ўтган. Вақт келди. Шовуллар қалбларда дарё. Шунчаки яшамоқ бизлар учун ор. Эрк дея ёнмаган сўқир кўзларга Юсуф кўйлагини суртмоқлик даркор. Бизнинг болаларимизга ҳақиқий Ватан муҳаббати ва меҳрини күёш нуридай ҳалол Аёлларимиз томирларидаги қон орқали элтадилар. Наздимда, улар аллақачон уйғонди. Улар Ватан деган улкан боғ бўлиб, курдат ила шовуллашини эшитиб турибман. Бу боғ — ўзбек оналари, Турон аёллари деган боғ. Шундай эмасми, Турсуной опа?

— Шарифаой, шоирлар яйрайдиган кунлар мана энди келяпти. Юркларимиздан ўсиб чиқаётган новдаларимиз — болалар шифил мевага кирмоқда. Ҳурлик, эрк миллатнинг

бүгін-бүгінини яйратиб, орзу-жавасларини күпчітиб, рафбат бермоқда. Бу шундай шитоблик билан бормоқдаки, янгиликларни саңаб улгурмайсан. Ёшларнинг тобора илму хунарга талпиниб бораётганилиги, бошқарув ўринларида ёш миллат вакилларининг илдамлик билан иш уддалаётгани кўнглингни ўстиради. Айниқса, Узбекистон спортининг тезлик билан равнақ топаётганини айтмайсизми! Қаерга борсалар ёшларнинг кўкрак тўла тилло-кумуш ёрлиқдар билан қайтаётгани, ота-оналарда болаларини спорт билан шуғуллантириш иштиёқи кун сайин ортаётгани Ватаннинг яшнашидир. Бугунги юраги яшнаб бораётган миллат аёлларидан эртага янада гўзалроқ, кучлироқ ва қудратли фарзандлар дунёга келади, иншооллоҳ!

— Бутун умр давомида қандай китоб ёзишни орзу қилган бўлардингиз?

— Инсон барҳаётлиги Қуёш, Сув, Ҳаво ва Бошоқ биландир. Бандаси мен борман дейди, яшаяпман, улгайяпман дейди. Ижод ихтиrolарини намойиш этади. Аммо бирор марта уни шу ишларга қодир қилиб турган нур, сув, ҳаво ва нон ҳақида гапирмайди, эсламайди ҳам! Адабиёт одамзот жисмига ана ўшандай сингиши лозим. Ўқиганнинг очиқкан ҳужайрасига бориб қуйилувчи **БУГДОЙИ СЎЗ** бўлгим келади. Роҳат қилиб эшитилган бир куй каби бўлсам бўлди! Одамларнинг тилини учидатурган, кўнглига тугилган фикрини тасдиқловчи бўлсам бўлди! Китобхонни ўзини ўзига ишонтирам мэррам ўша. Китобхон: “Тилимизнинг учидагини айтасиз”, дейди. Ҳамма биладиган гапни айтсам, ижодкорлигим қайга борди, деб фашланиб юраман. Аммо муҳлисим эргашишини қўймайди. Кейин англадимки, инсон ўзи келган тўхтамга четдан бир тасдиқ бўлмагунча ишонмай тураркан. Сизнинг гапингиз билан у ҳаракатсиз нуқтадан фаолиятга ўтар экан. Менга шунинг ўзи кифоя. Китобхонга аввало ўзидаги бор неъматларни кўрсатиш керак. Бунинг учун эса ҳалқ билан унинг дилининг тилида гаплаша олиш кепрак. Шунинг илинжида яшайман.

“Бугунги китобхонга ёқадиган китоб ёзиш унинг савияси билан тенглашишдир”, деган луқмаларни эшитаман. Ҳалқни оёғи билан кўрсатаётган одамларнинг оти ижодкор эмас, **КИБР**дир. “Аллоҳ бир-бирингизга молу жонингизни, обрўйингизни муқаддас қилди”, дейилган Куръони Каримда. Ахир сизнинг тилингиз билан айтганда “савияси кутарилмаётган” ҳалқ замондошингиз-ку! Ҳақ қўлингизга қалам бериб, сизни унга масъул сайлаб қўйган. Сиз эса “менинг ақл-

ли битикларимни келажак тушунади”, деб беписанд турасиз. Аввало сизни сиз билан бир қозонда қайнаётганлар тушунмаяпти-ку, келажакдагилар тушунадими? Қолаверса, ўша келажакни туғиб берадиганлар, уларнинг зурриёди аъло булишини хоҳласангиз, бутунгиларга ишлов бермоқ, юксалтироқ қерак. Бунга сиздан, мендан, ўзимиздан бошқа масъул йўқ!

Буюклик ҳамиша оддийликда намоён бўлади. Тоғларнинг буюк нуқтаси чўққидир. Аммо у ҳаммага бирдек кўринади. Бу уринда у нақадар оддий, тушунарли. Ва ҳамма унга интилади! Ўша оддийликка етказсин ҳаммамизни!

УСТОЗ НАҚШБАНД ШОГИРДЛАРИ

Бухорои Шариф вилояти ҳамда ҳазрат Баҳоуддин
Нақшбандий масжиди жомеси имом хатиби, ҳожи
Мухтор Абдулло жаноблари билан суҳбат

— Яратганга шукурким, кўпдан бери кўнгилга туғиб юрганим — Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг қабрини зиёрат қилиш насиб этди. Узоқ йиллар ҳалқ онгидан ва қўзидан атайнин четда тутиб келинган буюклар ёди сандиқдаги жавоҳирдек яна порлаб дилларга нур бағишилаётгани, ислом дини йўлида хайрли ишларнинг бошланиб кетганлиги ҳаммамиз учун бирдек ҳаяжонлидир. Нақшбандий қудуғида мавжланиб турган оби зам-зам, сарфи 50 миллиондан зиёдни ташкил этадиган, 500 дан зиёд намозхонлар учун қурилаётган, нақши кўнгилга осойишталик бағишлийдиган янги — жоме ичидаги масжид... Унга солиш учун туркиялик дўстларимиз совға қилган гилам... Буларнинг бари қалб янгиланаётгани ва покланаётгани манзаралари эмасми?

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Алҳамдуллилоҳ, шундай. Жумхуриятимизда юз берётган бундай Аллоҳнинг иноятлари чиндан ҳам барча мўмин-мусулмонлар учун бирдек ёқимлидир. Мен бу ҳақда ўтган йили декабр ойида Президентимиз Ислом Каримов ва давлат арбоблари билан бирга Туркия сафарида диний намоянда сифатида ҳамроҳ бўлганимда ҳам ўйладим. Бу тўрт кунлик сафар бизга бир умрга татигулик таассуротлар бахш этди. У ерда бир қанча диний арбоблар билан учрашувлар бўлди. Хусусан, Истамбул шаҳрида доктор Мұҳаммад Ас-аб-Жўшан — устоз Нақшбандий машойихларидан бирлари ул табаррук зот билан бир қанча суҳбатда бўлдик. Ул кишининг берган маълумотларига қара-

гандада, Туркияда Баҳоуддин Нақшбандий сулукларида юрадиган зотлар 8 миллионга етар экан. Баҳоуддин Нақшбандийнинг: “Дил ба ёру, даст ба кор”, деган фикрлари машхур. Яъни, “қалбинг Аллоҳнинг ёдидан, қулинг меҳнатдан бўшамасин”, демак. У ердаги мазкур шайхнинг шогирлари ҳақиқатда мана шунга амал қилган зотлардан экан. Улардан баъзилари жарроҳлик, баъзилари дўкондорлик, баъзилари саёҳат масалалари бўйича машғул эканлар.

Биз шунингдек, Аё Сўфия масжидида ҳам бўлдик. Туркияниг қадимий ёдгорликларини ҳам бориб кўрдик. Улар бошлиридан не-не қора кунлар ўтмасин, қийинчиликлар ўтмасин, ота-боболаридан қолган ёдгорликларни, меросларни кўз қорачигидек сақлаб келмоқда эканлар. Музейлари ҳақиқатда кишини ҳайратда қолдирадиган даражада ажойиб. Биз учун ушбу сафаримиз мобайнидаги улуғ қувонч Аё Суфия масжиди ёнидаги музейда бўлганимизда кириш насиб этган бир хона бўлдики, у ҳақда ҳаяжонсиз гапиролмайман.

— Сир бўлмаса, кўрганиларингизда бизни ҳам баҳраманд этсангиз.

— Ушбу хонага киришлик фақат Президент рухсати билан бўларкан. Туркия Президенти Турфут Ўзол жаноблари Президентимиз Ислом Каримовга рухсат этдилар. У хонада пайғамбаримизнинг муборак тўнлари сандиққа солинган экан. Олтин сандиққа... Хонада саловот айтиб турилди. Дуо қилиб турилди. Сандиқ секинлик билан очилди. Пайғамбаримизнинг муборак тўнлари мўмиё қилиб кўйилган экан. У ерда кўп тафаккур қилиб, пайғамбаримизни кўз олдимизга келтирган бўлдик. Қўлимизни очиб, дуо қилдик. Сунгра Ра-сулулоҳнинг муборак тишлари, соchlари, ҳазрат Алининг зулфиқор деган қиличларини кўришга мусассар бўлдик. Аллоҳ таолонинг иноятини кўрингки, у ерга диёrimиздан қанча одамлар борган бўлса-да, бу муборак воқеага шоҳид бўлиш Президентимизга насиб қилди. Биз ушбу хонада қўлимизни дуога очиб, юзимизга суртганимиздан сўнг ҳам Президентимиз яна қўлларини кўтарганча кўп тилаклар қилиб, кейин юзларига фотиҳа тортдилар.

Истамбулдан сўнг Измир шаҳрида бўлдик. У ер ҳақиқатан саноати ривожланган шаҳар экан. Мен Туркия мусулмонлари ҳаётини кўздан кечириб, бир нарсанинг гувоҳи бўлдимики, улар бундай тараққиётга бир қўлларида Куръони Каримни, бир қўлларида ҳаётни тутиб эришганлар. Дарҳақиқат, Куръони Карим — бу дунё бушлиқларини ўз нури ила мунаввар қилувчи яратганнинг китобидир.

Шунингдек, мен қисқа муддатга бўлса-да, Туркия Президенти Турғут Ўзол сұхбатида бўлдим. У киши бир қанча саволлар бериб, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий тарихларини сўраб қолдилар. Мен билганча у кишининг тарихларидан гапириб бердим. Ҳали сўзим охирламай, Туркия Президенти: “Мен ҳам ҳазрати Нақшбандийнинг йўлидаман, отабоболарим ҳам мана шу йўлда, шу сулукда ўтган”, дедилар. Мен бу гапни эшишиб жуда хурсанд бўлдим. “Нақшбандий сулукда экансиз, бизнинг Президентимиз сизни Тошкентга — Ўзбекистон жумҳуриятига таклиф қилдилар. Агар бориб қолсангиз, устозингиз ҳазрати Баҳоуддин қабрларини зиёрат қилмасдан келманг”, — дедим. “Бораман”, — деб у киши ваъда этдилар. Мен Туркия Президентига ҳазрати Баҳоуддиннинг 675 йиллик юбилейларини ўtkазиш ниятида эканлигимизни айтиб, у 1993 йилнинг сентябрь ойида нишонланишини маълум қилдим. Туркия Президенти келишларини, кўмак қилиш ниятида эканлигини айтдилар.

Шунингдек, Анқарада муфти ҳазратларининг ноиблари Дўғон жаноблари билан учрашувда бўлдим. Улар бизнинг ҳаётимиз билан қизиқиши. Биз истиқлол ҳақида ҳам сўз юритдик. У киши жуда хурсандчилик изҳор қилиб: “Агар жумҳуриятингиздан ўқийдиган талабалар дини исломийни ўрганаман десалар, марҳамат, йигирма нафар талабани ўқитиб бераман”, — дедилар. Умуман, Туркия сафари мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий, ҳам диний масалалар юзасидан ўзаро фойдали музокаралар кўп бўлди.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ.

ГИЁХЛАР БИЛАН ТИЛЛАШГАН ИНСОН

Беруний мукофоти лауреати, биология фанлари номзоди, ўсимликшунос олим Каҳҳор Ҳожиматов билан сұхбат

Она-Ернинг беозор, шифобахш фарзандлари.
Табобатни жоҳилларгина инкор этади.
“Мижоз ҳақида фан яратилишини истайман”,
Сариқ касали билан ҳеч ким оғримасин.

— Каҳҳор ака! Мен ҳар сафар табиат бағрига ошиқиб, унинг турфа чечакларига сеҳрланиб боқарканман, ёдимга одамларнинг: “Қаҳҳор ака гиёҳларнинг тилини билар эмиш”, де-

ган сўзлари тушади. Бу таъриф мени болалик дунёсига қайта етаклайди. Яна такрор эртакларнинг сеҳрли оламига олиб киради. Ўшанда тилга кирувчи гиёҳлар, инсонларга йўл кўрсатувчи, уларга саодат баҳш этувчи сеҳрли чечаклар ҳақидаги эртаклар қанотида учиб юардим. Шунда бенхтиёр мўъжиза рўй беришини, бирданига гиёҳлар тилини тушуниб қолишимни жуда-жуда истардим. Мен-ку, уларнинг тилини ҳозиргача тушунолмадим. Аммо сариқ хасталигининг азобини торта-торта, кўзларига мунг чўкиб қолган қизалогим Гулруҳ дараҳтларга қараб: “Куртакларим — менинг туғишганларим”, — деб юради. Назаримда, у ўзининг табиат билан пайвандлигини, уни тушуна олиш кераклигини болалиқданоқ ҳис этди, чоғи...

— Инсон учун энг азиз, энг бегард дунё ҳам асли болалик хотиралари, Шарифахон. Мен туғилиб ўсан қишлоқ Гандумчош — ўша пайтдаги бетакрор табиати билан ҳамон юрагимни ҳаприқтириб туради. Мен оиласдаги учинчи ўғилман. Отам оддий меҳнат кишиси — аравакаш эдилар. Онам — колхозчи.

Биз — оиласда тўрт фарзанд: уч ўғил, бир қиз болаликдан ҳалол меҳнатнинг қадрини билиб ўсдик. Дарсдан бўш вақтларимда ўтин териб келгани адирларга чиқиб кетардим. Кўзим қорачиғига бир умр муҳрланган манзара: баҳорда гуркираган ўткир бўйлари билан бошимни айлантирадиган турфа гиёҳлар... Саратонда қовжираф, кузда эса яшиллигини йўқотганиданми, аллақандай мунғайиб қоладиган гиёҳлар... Она ернинг беозор, шифобаҳш фарзандлари... То ҳанузгача ўзининг сирли оламига мени ошуфта қилиб келади.

Бундан ташқари, ота авлодда — Ҳанифа аммамлар турли гиёҳлардан дори тайёрлаб, одамларни даволардилар. Ҳамма уларни Ҳанифа табиб дер эди. Эшикларидан одам узилмасди...

Бироқ менда табиат оламига ўчмас муҳаббатни биология ўқитувчимиз Баҳром Ризаев уйғотдилар. Қани энди ўшандоқ ўқитувчилар ҳозир ҳам кўп бўлса. У киши дарс ўтганларида, биз бутун оламни унтардик, ўша сиз айтиб ўтган эртаклардаги саодатбаҳш гиёҳлар — деразамиздан шундоккина кўзга ташланиб турган адирларда ўсиб бизни ўзига чорларди. Ўқитувчимиз — бор вужуди кулоқقا айланган болакайларга табиатнинг муқаддас эканлигини, анвойи гиёҳларнинг ҳам чучук тилли гўдаклардек роҳатбаҳш тили борлигини, уни тушуниш учун беором қалб билан сева олиш зарурлигини сўзлаганларида, биз болалар қирларга қанот

чиқарып учгимиз келарди. Дарсларимизнинг кўп соатлари табиатнинг ўзида — у билан “жонли мулоқот”да кечарди.

Энди билсам, муаллимимизнинг ўзи оддийгина сабоқ бергувчи бўлмай, балки она табиатнинг ҳақиқий фидойиси бўлган эканлар. Қарангки, ўқитувчимиз табиатга бўлган меҳрини менга ҳам “юқтириб” кетганлари чин бўлди. 1954 йили ўрта мактабни битириб, СамДУнинг биология факультетига ўқишга кирдим. Ва шундан буён жумхурятимизнинг ҳар бир жойини қаричма-қарич кезиб чиқдим десам, муболага бўлмас. “Юрган дарё — ўтирган бўйра” деганларидек, жумхурятимизнинг ажаб, бетакрор манзаралари, минг дардга даво бўламан, деб турган гиёҳлари билан “тиллашиш” баҳти менга насиб бўлди. Олий ўкув юртини битирганимдан буён (1959) ЎзФА қошидаги Ботаника илмий текшириш институтида ишлаб келаман.

Ўсимликлар дунёси ҳақидаги билимларимизни ҳам назарий, ҳам амалий томондан мустаҳкамлаш учун тарбия, ижод ўчоги бу маскан. 1961—1966 йили Ленинградда — Бутуниттифоқ Ботаника илмий текшириш институтининг ўсимлик хомашёлар бўлимида аспирантурани тутатиб, номзодлик диссертациясини ёқладим.

— Қаҳҳор ака, бундай ўйлаб қарасам, жумхурятимизда ўсимликлар дунёси билан шуғулланувчи, илмий изланишлар олиб борувчи зиёлиларимиз кам эмас. Аммо қўпчилигининг номлари ўз колективи, ўз институги доирасидан нарига чиқмаган. Йирик олимларимиз бундан мустасно, албатта. Аммо сизнинг номингиз, қиласёттан ишларингиз нафақат жумхурятимизда, балки Иттифоқда ҳам машҳур. Мен бунинг сирини энг аввало ҳалқ табобатига яқинлашувингизда, деб биламан.

— Тўғри айтасиз. Бир донишманд: “Шифокорларни ўқимишли одамлар ҳам тан олмасликлари мумкин: аммо табобатни фақат жоҳилларгина инкор этади”, — деган экан. Ҳозирги тиббиётимизнинг энг ачинарли томони — ҳалқ табобатидан бутунлай юз ўтирганилигига. Таъна қилмоқчи эмасман-у, қўпчилик шифокорларимиз доривор ўтларнинг энг оддийларини ҳам бир-биридан фарқлолмайдилар. Одамларимизни табиий дори-дармон — гиёҳлар билан даволаш бу менинг болалик орзум. Шу боис мен гиёҳлар билан тиллашишни фойдали томонга — ҳалқимизга нафи тегадиган томонга буришга ҳаракат қиласаман. Жумхурятимизда 4137 хил ўсимлик тури бор. Шундан 50 га яқини илмий тиббиётда қўлланилади. Умуман, шифобахш гиёҳлар тури 600 дан зиёд. Гапнинг ростига кўчсак, биз ҳалқ табобати билан яқинлаш-

сак, нимани йўқотамиз? Табиийки, ҳеч нимани. Ваҳоланки, Хитойда сочи бутунлай тўқилиб кетган одамни тўққиз хил ўтдан тайёрланган дори ёрдамида даволашаркан. Болгария, Чехословакия, Германия илмий медицинасида ҳам ҳалк табобати билан яқинлашиш кучли. Аммо, ҳалқ табобатининг отаси — Абу Али ибн Синонинг ватани бўлмиш жумҳуриятимизда бу нарсага панжа орасидан қараб келинмоқда. Ҳалқимиз орасида турли юқумли касалликларнинг кўпайиб кетганилиги бугунги кунда сир эмас. Айниқса, сариқ касаллигини олиб кўринг. 1987 йилда жумҳуриятимизда биргина сариқ касалининг ўзи билан 286 минг киши оғриган. Буларнинг кўпчилиги ёш болалар ва оналар.

— **Ҳар йили жумҳуриятимизда бир ёшга тўлган ўттиз уч минг гўдак турли юқумли касалликлардан нобуд бўлади.**

— Мени ҳам қаттиқ уйлантириб, азобга солиб келаётган муаммолардан бири — шу! Қандай қилсак — аёлларимизнинг зиммасидаги юкни енгиллата оламиз, қандай қилсак, уларнинг соғлигини, гўзаллигини қайтара оламиз? Нима қилсак, гўдакларимиз дард нималигини, айниқса, сариқ касаллиги нималигини билмай беғубор яшайдилар? Сариқ касаллигини даволаш учун беш хил ўтдан тайёрланган дорими ни ишлаб чиққанимга ҳам етти-саккиз йилдан ошди. Ҳамма жойда яхши қабул қилинади. Амалига келганда, ҳамон ўша аҳвол. Ҳеч ким расмий рухсат олиш учун ёрдамлашишга шошилмайди. Касаллик эса ўз-ӯздан чекинмайди. Шунда хаёлимдан оғрикли фикрлар йилт этиб ўтиб қолади: Ватан, ҳалқ деймизу, аслида ўз манфаатимиздан келиб чиққан ҳолда бу тушунчаларни нисбий қабул қилишга одатланиб қолганимизни тан олгимиз келмайди.

— Жолинус: “Аъзолардан баъзисининг фақат иши, баъзисининг фақат манфаати, баъзисининг ҳам иши, ҳам манфаати бор. Биринчининг мисоли юрак, иккичисининг мисоли ўпка, учинчининг мисоли жигар”, — дейди. Инсон вужудининг улкан лабораторияси ҳисобланган жигарнинг фаолияти нечоғлиқ масъуллиги улуғ табибининг сўзидан ҳам кўриниб турибди. Ана шу жигарнинг кушандаси бўлган сариқ касаллигига қарши ўтлардан дори тайёрлаш режаси сизда қачон туғилди?

— Ҳали айтганимдек, биз жумҳуриятимиз буйлаб жуда кўп илмий сафарларда бўламиз. Сурхондарёнинг Тўполон-дарёси тарафларида бўлганимисиз? Бу табиати бетакрор жой жумҳуриятимизда ягона десам адашмайман. Ўрганилмаган ўсимлик дунёси ҳам беҳисоб. Хуллас, ўша ерга бордик. Тоғда бир одамни учратдик. Улар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Шун-

да бир үспириң чой ташиб турувди. Гиёхлардан гап очил-гач, сұхбатдошимиз кулимсираб, үғлим яқында сариқ билан оғриғанди, шукрки, шу гиёхларнинг шарофати билан ҳеч нима күрмагандай бўлиб кетди, — дедилар. Қарасам, йигит-ча хоҳлаган овқатини еб, елиб-югуриб юрибди, касал бўлганга ҳам уҳшамайди.

Ўша ерда бир табиб бор экан. Йигитчани ўша киши даволаган эканлар. Эртасига табибни йўқлаб бордик. Аввал унча рўйхуш бермадилар. Бир оз сұхбатдан сунг олдимга элликка яқин гиёҳни юлиб келтириб қўйдилар. (Биз борган пайтда у кишининг боди тутиб, зўрга қимираётган эди.) Эринмасдан имтиҳон қилди. Сариқ касалига даво бўладиган ўтни айтмадилар. Охири бир гиёҳга келганда, сўроқни жуда ошириб юбордилар. Мен ҳам уни таърифлаб, нима касалга дори бўлишигача айтдим. Кўнглим сезиб турибди, табиб йигитчани шу гиёҳ билан даволаган. “Имтиҳон”дан яхши ўтдим шекилини, отахоннинг бир оз таъблари очилиб, эртасига мен билан тоқقا чиқмоқчи бўлдилар. Мен уларнинг аҳволини кўриб, ялпиздан дори тайёрлаб, оғриған жойга боғлаб, муолажа қилиш кераклигини, оғриқ ўн дақиқада қолишини айтдим. Табиб аввал ишонмади.

Аммо эртасига жуда тетик ҳолда мен билан тоқقا йўл олдилар. Кечаги касалликдан нишон ҳам йўқ. Тушгача юрдик, бироқ улар ҳадеб безовта бўлавердилар. Сабабини сўрасам, улар ялпизни то ҳануз ҳам боғлаб юрган эканлар. Натижада, ялпиз терини кўйдириб, пуфакчалар ҳосил қилган, отахонга шу нарса азоб берәётган экан. “Агар шу ҳолат сизнинг айбингиз билан бўлганда... — қалтис ҳазил қилди табиб. — Гапингизга ишонмай, кўп тутиб турганим учун ўзим айборман.

Демоқчиманки, меъёри бузилса, шифобахш гиёҳлар ҳам фойдаладан кўра купроқ зарар келтириши табиий.

Сариқ хасталигини даволашда бу бир турткни бўлди. Вақтлар ўтиб, беш хил ўтдан иборат ЛСХ-1 дорисини тайёрладим. Одамлар унга “ХОЖИМАТОВ ДОРИСИ” деб ном бердилар...

— Шундай қилиб, бундан етти-саккиз йил бурун “ХОЖИМАТОВ ДОРИСИ” дунёга келди. Унинг шифобахшлиги, сариқ бўлган беморни тезда оёққа тургазиб юбориши ҳақида ҳаяжонли хабарлар тарқалди. Шифо истаганлар саноқсиз эди. Бироқ... ундан фойдаланишга расмий рухсат йўқ эди. Нима қилиш керак? Қаҳҳор Ҳожиматов бир неча бор марказдан рухсат сўради, ўзимизнинг маҳаллий ҳукумат раҳбарларига

мурожаат қилди. Ниҳоят, шаҳарнинг икки жойида — Тошкент шаҳрининг Октябрь район 2-болалар юқумли касалликлари шифохонасида ва “Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти”нинг клиникасида олти ой муддат мобайнида кўлланиб кўрилиши учун рухсат тегди. Дори ҳар иккала жойда ҳам яхши натижа берди. Шифобахш ўтлардан тайёрланган дори ёрдамида беморлар одатдагидан тезроқ — 2—5, ҳатто 10 кунча олдин оёққа турдилар. Энг муҳими, улар қайтиб “сариқ” бўлмадилар. Турли уколлар олиб игнадан янга ниманидир юқтириб олмадилар. Томирлари турли иғналар тазийиқидан азоб чекмади. Йил бўйи парҳезда соядаги гулдек нимжон тортмадилар. Энг муҳими, худди кўк чойни эслатувчи бу дорини болажонлар жон-жон деб иҷдилар. Мана, кўлимиизда Қаҳҳор Ҳожиматов номига келган минглаб мактублардан бири:

“...Бу ажойиб инсоннинг дорисидан ичирганимиздан кейинги натижа: 0,88 (АЛТ). Бизнинг қувончимиз чексиз. Чунки икки йилдан ортиқ куттган эдик-да ферментнинг пастга тушишини. Хулоса қилиб шуни айтмоқчи эдикки, бу дори Тошкент юқумли касалликлар клиникасида тажрибадан ўтказилган экан. Нима сабабдан ҳозиргача бу дори ҳаётта тадбиқ қилинмагити? Бизга ўхшаб қийналаётганлар оз бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Истаймизки, шундай дориларни (сариқ касали билан ҳеч ким оғримасин) сариқ касалликлари шифохоналарида кўлланилишига соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан ёки тегишли ташкилотлар томонидан тезроқ ёрдам берсалар.

Фарғона шаҳри, Кўқон кўчаси, 46-үй.

Абдулаҳатовлар оиласи.”

Шифо топган қалбларнинг қувончлари ифодаси бўлган бундай мактублар Иттифоқнинг турли бурчакларидан Қаҳҳор aka хонадонига қанот боғлаб учади. Инсонларга қувонч улашибининг ўзи бир саодат. Шундай эмасми, Қаҳҳор aka?

— Яшашдан мазмун ҳам ўзи шу. Одамларга қувонч улашибиши. Наманганда ҳалқ табобати маркази ташкил этилганини қувонч билан қаршиладим. Бу хайрли иш ҳалқимизнинг табиатга бўлган меҳрини янада оширади, “гиёҳлар билан тиллашадиган одамлар” кўпроқ етишиб чиқса, турли касалликларнинг олди тезроқ олинади, деб умид қиласиз. “Софлиқни сақлаш санъати, — дейдилар буюк табиимиз Абу Али ибн Сино, — одам гавдасини унинг муносаб ва ёқадиган нарсаларини сақлаш орқали ўша табиий ажал деб аталадиган ёшга етказишдан иборат. Соғлиқни сақлаш икки қувватга топширилган, табиб ўша қувватларга хизмат қиласи”.

Халқ табобатининг энг ноёб хусусиятларидан бири шундаки, даволаш жараёнида bemornинг мижози ҳисобга олинади. Бизда эса бунинг акси. Ваҳоланки, мижозга эътибор берилса, касал тез тузалади. Мен ўзим мижозлар ҳақида фан бўлишини орзу қиласман. Умуман, кўп нарсалар ҳақида орзу қиласман. Боя айтганимдек, аёлларимизни соғлом ва гулдек тароватли, болаларимизни қулундек югурук ва бегубор бўлишларини истайман.

— Қаҳҳор ака, сиз бир фидойи олим сифатида қўлингиздан келганча, имконият даражасида иш олиб бораапсиз. Доривор ўтлар ҳақидаги йигирмага яқин китобларингизни билимиз. Мана, сиз ўзингиз кашф қиласан шифобахш ўтлардан тайёрланган ичимликлар қанча: “Райҳон”, “Тоғ чечаги”, “Самарқанд бальзами”. Шу Самарқанд бальзамининг ўзи 1984 йилда Лейпцигда (ГДР) олтин медаль олди. Ҳозирги кунда Югославия, Грецияга экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, узоқ йиллик изланишларингизнинг меваси сифатида Иттифоқда биринчи бўлиб гулхайри ўсимлигидан озиқ-овқат саноати учун қизил ранг берадиган табиий бўёқ олдингиз ва жумҳуриятимизнинг юксак мукофоти — Беруний мукофотига муносиб бўлдингиз.

Сизнинг режаларингиз асосида Наманганнинг Чортоқ раёнинда маҳсус завод — озиқ-овқат бўёғи ишлаб чиқарадиган ва зиравор ўтлардан шарбат тайёрлайдиган Чортоқ тажриба заводи ишга тушган. 140 гектар майдонга экилган гулхайрини маданий ўсимликка айлантириш йўлидаги уринишларингиз ҳам дилга қувонч багишлайди. Ҳисоб-китоб қиласак, бир мутахассис сифатида давлатимизга сиз бир йилда етказаётган фойданинг ўзи пулга чақилса, 1 миллион сумдан ошиб кетар экан...

— Илм дунёси шундай бир уммонки, Шарифахон, шу уммондан баҳраманд бўлган илми толибдан эл баҳраманд бўлиши керак. Бўлмаса, ёзилиб қуруқ қофозларда қолиб кетадиган илмнинг кимга нафи бор? Аммо биз билган билимлар дунёвий билимлар олдида уммондан томчи, холос. “Илмдан бир шуъла дилга тушган он. Шунда билурсанким, илм бепоён”, — деганлар улуғ шоир Фирдавсий.

Илмни пулга сотиб юрганларни ҳам, ўзидан бошқага нафи тегмайдиганларни ҳам, билимлиларни оёғидан чалиб юрганларни ҳам кўраяпмиз. Бундай одамлар Ватан туйғусидан, она замин, миллат туйғусидан маҳрум, баҳтсиз кимсалар.

— Табиийки, ушбу сұхбатимиздан “Саодат”хонлар биринчи навбатда ўзларига, яъни аёлларга айтадиган алоҳида гапин-

гизни кутадилар. Бир олим сифатида уларга ҳам айтадиган сўзларингиз бордир, албаттa.

— Бу сўзингиз кўп нарсаларни ёдимга тушириб юборди. 1974 йил шифобахш ўтлардан тайёрлаш мумкин бўлган ичимликлар режасини ўртага ташлаганимда, битта аёлдан ташқари (“Ташпиво”нинг цех бошлиғи Сердюкова) ҳамма қарши бўлган эди. Бугун эса жумхуриятимиздаги аҳволдан келиб чиқсан ҳолда бир режани ўртага ташладим. Маълумки, бизда ҳанузгача хотин-қизларимизнинг пардоз-андоз воситаларини етказиб берадиган миллий маңба йўқ. Хом ашё четдан келтирилади. Ваҳоланки, ўзимизда шундай ўсимликлар борки, ундан тайёрланган атиrlар хушбўйликда фаранг атиrlарини йўлда қолдириб кетади. Оддий мавракнинг ўзидан мен айтган атири тайёрлаш мумкин. Чунки унинг таркибида эфир мойи энг юқори даражада. Ҳозирги кунда таҳчилил бўлган совун ва бошқа нарсаларни ҳам ўзимизда тайёрлаб ҳалқ истеъмолига чиқариш мумкин.

Мен яқинда Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг биринчи ўринbosари ҳузурига бешта таклиф билан кирдим. Агар мен айтган режалар амалга ошса, кейинги йилларда жумхуриятимизда ҳар йили 100 тоннагача бўёкли ва эфир мойли маҳсулот ишлаб чиқара олишимиз мумкин. Аммо бунга ҳозирдан бир нарса деб бўлмайди. Вақт кўрсатади.

— Қаҳҳор ака, кечирасиз, сизга охириги савол: сир бўлмаса, қулингиздаги ушлаб турган қофозингиз...(Қаҳҳор Ҳожиматов бу саволимга кулиб юбордилар. Чунки бу қодоз ҳеч қандай илмий таклифлар бўлмай, Куйбишев район ижроия комитети раиси номига ёйилган АРИЗА экан).

— Оилада етти жонмиз, Шарифахон. КелиноНингиз — шифокор.

Катта ўғил Олимжон — бўлгуси биолог. ТошДУда 5-курсда ўқиди. Комилжон — ТошМИда. Нигора — СамПИда. Илҳомжон ва Бахтиёр мактаб ўқувчилари. Хуллас, атиги 38,5 кв.м. майдони бўлган уч хонали уйда оз эмас — етти киши яшаймиз. Биттагина ортиқча хонам бўлишини йигирма йилдан бери орзу қиласман. Баъзан тинчгина хаёл суриб, ижодий, илмий режаларни пиширгим келади. Қани энди унга шароит? 1983 йилдан бери хоналарни кенгайтириш учун икки марта ариза бердим. Натижасиз. Бу эса — учинчиси. Шуни-сидан умидим катта. Учдан кейин пуч дейишади-ку.

— Қаҳҳор Ҳожиматович! Сиз “ҚУТЛУФ ТАШРИФ” деб номланган рубрикамизнинг ilk саҳифаси меҳмони бўлдингиз. Бу бежиз эмас — Сизнинг ажойиб шифобахш дорингиз шифо

излаб қийналаётган минглаб она ва болаларимиз учун зарур малҳам бўлишига, яхши таклифларингиз жумхуриятимизда ҳал бўлмай ётган муаммоларни ечиш йўлидаги қутлуг қадам бўлишига ишончимиз комил. Самимий сұхбатингиз учун ташаккур.

1991 йил

ЎЗГАРАЁТГАН ЭЛ

Паркентлик фидойи инсон Эркин Рўзматов билан сұхбат

— Эркин ака, Сиз Паркент воқеалари кечган ўша мудҳиш күнларда ҳалқ ишончини қозонган раҳбарларданисиз. Ўшандан бери уч йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳалқ сизни туман ҳокими қилиб тайинлади. Ушбу давр одамлар тушунчасида ва ўзингизнинг дунёқарашингизда қандай ўзгаришлар ясади?

— Янглишмасам, ер билан осмон қадар... Паркент воқеаси заминдан узилган оёқларни яна жойига олиб тушди десам хато бўлмас. Ўтган воқеалар райондаги социал масалалар узоқ йиллар мобайнида ечимсиз қолганлигини кўрсатди. Паркент йигирма йил мобайнида Коммунистик район тасарруфида бўлиб, “қўл билан берганга қуш тўймас” қабилида кун кечирди ва сира косаси оқармади. Ўтган йиллар давомида одамларга қулайлик яратиш, ҳалқнинг турмушини яхшилаш бўйича деярли иш қилинмади. На бирорта мактаб, на бирорта касалхона курилди. Аҳолини сув билан таъминлаш, кўчаларни асфальтлаш, газлаштириш хусусида ҳеч ким бошини қотирмади. Аксинча, ўша районга қўшилмасдан олдин Паркентда қурилган кичкина сув тармоғи ҳам йигирма йил ичиди йўқ бўлди. Ҳалқимиз эса худди учар қушлардек, бошқа областлардаги хўжаликларга бориб, ўша ерларда илк баҳордан то кеч кузгача ишлаб, дехқончилик қилиб ризқини териб келадиган бўлди.

Паркентимиз “рўзгорини бўлак қилиб”, ўзи мустақил район бўлиб ажralиб чиққандан сўнг (у асосан чўлга жойлашган сувсиз район ҳисобланади) Паркент канали ишга тушди. Бу каналнинг аҳамияти биз учун жуда катта. Сувсиз тўрт минг гектар ер ўзлаштирилди. Ҳалқ орасида сарсонгарчилик кескин камайди. Тўртта совхоз ташкил қилинди. Боглар, узумзорлар барпо этила бошланди. Кундалик истеъмол учун зарур бўлган картошка, сабзи, пиёз-полиз маҳсулотла-

ри, ниҳоят, ўзимизда ҳам етиштирилиб, бугунги кунда ўзининг фалласи, чорваси, мевалари билан тұлық таъминлана-диган бўлди. Бироқ ҳозирги иқтисодий танглик шароитида бу маҳсулотларнинг ўзи билан ҳам тирикчилик қилиш, районимизнинг иқтисодиётини бундай йўл билан кутаришга ҳам кўзимиз етмай қолди.Faқат ҳом ашё етиштириб, уни айирбошлаш йўли билан кун кечириш вақтингчалик йўл эканлиги тўғрисида кўп ўйладик. Маслаҳатлашдик. Режалар туздик. Кейин бир тўхтамга келиб, кейинги икки йил ичида маҳсулотларни шу ернинг ўзида қайта ишлашни бошлаб юбордик. 1991—1992 йилнинг ўзида олтита совхоз узумни қайта ишлаш учун ўзининг вино заводларини курди. Ҳар биттаси 3 миллион банка тайёрлайдиган консерва заводи ишга тушди. Бир кеча-кундузда қирқ тонна ун янчадиган тегирмонимиз, йўқолиб кетган, ёф чиқарадиган жувозларимизни тикладик. Кичик корхоналар, фермер хўжаликлари-ни ташкил қилиш, дехқон хўжаликларини йўлга қўйиш бўйича ҳам анча-мунча ишлар амалга оширилди. Бу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтгим келади, бугун биз Туркия билан ҳамкорликда терини қайта ишлаб, шу ернинг ўзида кийим-кечаклар тикиш бўйича корхона қуриб олишга келишдик. Қадимда ҳалқимиз маза қилиб киядиган пўстинлар, бејирик кийимлар, насиб этса, ҳадемай ўзимизда ишлаб чиқарила бошлайди. Корхона келаси йилнинг охирида битади, деган умиддамиз. Энг муҳими, одамларда ўз ерига ўзи эга бўлиш туйфуси уйғонди. Биласиз, Паркент ҳазрати Бобурнинг қадамлари теккан муборак маскан. Бу ердан катта олимлар, уламолар етишиб чиққан. Ҳалқимиз ҳам жуда андишли, файэли, меҳнаткаш, ўқимишли ҳалқ. Ҳадеб шикоят қилишни, бўлар-бўлмасга тушкунликка тушаверишни ёқтирумайди. Мен кўпинча одамлар орасида бўламан, жумхуриятимиз бошидан кечираётган иқтисодий тангликни ҳам донишмандлик билан қарши олишиб, “эй болам-а, биз бундан ҳам оғир кунларни — нон деганимизда, кесак фириллаган замонларни кўрганмиз”, деб кексаларимиз шукур қила-дилар. Энг муҳими, кейинги уч йил ичида кўнгилларда катта умид уйғонди.

— Тумандаги хўжаликлар, қурилаётган корхоналарда бўлдим, ҳамма жойда истиқлол иафаси сезилиб турибди. Агар янглишмасам, Паркентдаги ягона вино заводининг ёнига яна еттита кўшилибди. Улар аллақачон иш ҳам бошлаб юборишибди. Вино заводлари қуришга бунча кўп ўрин берилганлигига сабаб нима?

— 1990 йили узум шу даражада яхши бўлдики, 50 минг тонна ҳосил олдик. Шаҳарлар, вилоятлар бошқа республикаларга кўп миқдорда узум чиқардик. Бир қисмидан 25 минг тонна вино ҳам тайёрладик, албатта ҳом ашё сифатида. Мюнхенда халқаро кўргазмада нишонлар олган шампан виноси маҳсулоти бизда тайёрланиб, Москва заводларида шишаларга қўйиларди. Энди винони ўзимиз тайёр ҳолда чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Москва билан келишдик. Ҳозир заводларимизга ускуналар олиб келиб ўрнатаяпмиз. Мақсадимиз 1993 йилда Паркентнинг шампан виносини ўзимизда чиқарамиз. Район иқтисодиётига бу валюта бўлиб қайтиб келса ажаб эмас... Истроил давлати билан келишувларимиз бор. Олма, узум ва бошқа мева шарбатларини қўйиш корхонасини қўрмоқчимиз. Бу шарбатлар 200 граммлик целлофан пакетчаларда чиқарилади.

— Эркин ака, Паркент халқи синчли иморат курмаса, тинч ўтиrolмайди. Курилиш материалларининг нархи эса осмон қадар...

— “Сиздан утина, биздан бугина”, — деган мақол бор. Шу мақолнинг кучи айниқса шу танглик кунларида сезилмоқда. Бундан етмиш йил бурун калаванинг учи хўп яхшилаб чийратилган экан. Ҳалигача ечолмай ётибмиз. Демоқчиманки, яна бир қанча йиллар бошқалар билан олди-бердига мажбурмиз. Бу масалада биз Красноярск ўлкаси билан муомаладамиз. Биздан берилаётган картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига улар ёғоч материаллари билан таъминлаб турибди. Шу йилнинг ўзида минг кубометрдан зиёд ёғоч олиб келиб, халқимизга етказиб бердик. Ундан ташқари, болалар боғчаларига ниҳоятда зарур бўлган жажжи столстулчаларни ўзимизда ясасак, деган ниятдамиз. Уларнинг вакиллари билан қарорни қатъий қилиб, жойни ҳам белгилаб қўйдик. Ҳар ҳолда халқимизга харажатлар бирмунча арzonга тушди.

Умуман олганда, вайрон бўлиб ётган иморатни бир-икки кунда тиклаб бўлмаганидек, районнинг иқтисодиётини йўлга қўйиш учун ҳам ҳамма ишни қайтадан бошлашга тұғри келди. Мана, оддий бир мисол. Паркент айни бир пайтда чорвадор район бўлиб ҳам ҳисобланади. Яйловларимизда қирқ беш мингдан зиёд қўйимиз бор. Ҳалқда ҳам шунча. Ундан кам эмас. Шу ернинг ўзида жунни қайта ишлаш корхонасини аллақачонлар қуриш мумкин эмасмиди? Албатта мумкин эди. Бироқ... Совхозларимизнинг ўзи ҳар йили юз тонна жун етиширади. Ҳалқнинг ўзида ҳам шунча. Бари 200

тоннадан ошади. Биз шуларни ҳисобга олиб, Туркия билан келишган ҳолда жунни қайта ишлаб, ип йигирадиган корхона очишни режалаштиридик.

— Ўзбекистон газга бой бўлса-да яқин-яқингача ҳам Паркентда ўчоқларда таппи-тезак ёқиларди. Одамлар қишилик ўтинни фамлаш мақсадида саратон күёшида куйиб дала-ларда кезарди. Табиий газ халқ учун орзу эди. Бу масалада қандай ўзгаришлар бўлди кейинги уч йил мобайнида?

— 1991 йилнинг ўзида 110 км табиий газ трубалари ўтка-зилди. Бу минглаб хонадонларнинг иссиқ-совуғи ҳал бўлди деган сўз. Йил охиригача яна 60 км.лик газ трубасини ўтка-замиз. Бир-икки йил ичиде Паркент тўла табиий газлаштирилади.

“Бироннинг ишига бироннинг елкаси саратонда совқотаркан”, деган гап бор. Бизда ҳам то шу пайтгача раҳбарлар фақат четдан келиб, бир-икки йил ишлаб, ўрнини яна бошқасига бўшатиб бераверган. Иқтисодий ривожланиш эса бир жойда силжимаган. Сиз ҳали мактабларимизнинг аҳволини кўрсангиз. Йигирма йил мобайнида деярли битта ҳам янги мактаб қурилмаган. Борлари ҳам ярим вайрона ҳолда. Ка-салхоналаримиз, туруруқхоналаримиз... Гапираман десам гап кўп. Маориф йўлга қўйилмас экан, маънавият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу йилнинг ўзида 11 та мактаб қурилишини бошладик. Гулбоғ ва Бўстон совхозида иккита ажойиб, миллий мактаб қуриб битказилди, болалар ўқишни бошладилар. Биз бўлсак, биринчи навбатда миллий кадрлар тайёрлаш ишини бошлаб юбордик.

— Ўрта Осиё жумҳуриятларида миллий мутахассислар, миллий ишчилар етишириш масаласи етмиш йил мобайнида атайнин юқорининг сиёсати, меваси ўлароқ “жиловлаб” келинган. Аммо мен корхоналарда бўлганимда, битта жиҳатни мамнуният билан илғадим. Сиз ҳали айтган миллий кадрларни, ишчиларни тайёрлаш масалалари аллақачон куртак ота бошлабди. 12-совхоздаги корхонада бўлганимда қизларимиз, йигитларимиз хурсандлик билан дастгоҳларда ишлашяпти. Чиқараётган маҳсулотлари ҳам юқори сифатли.

— Бугунги кундаги иқтисодий буҳронларнинг ҳам ҳисобкитоби худди шу масала билан етмиш йил бурун боғланган. Биз оддий бир соҳада ҳам ўз мутахассисимизга узоқ йиллар мобайнида эга бўлмаганлигимиз жумҳуриятимиз ривожини кескин орқага сурилишига сабаб бўлди. Аммо баҳтимизга истиқбол бўлиб, оғриқли масалалар ечими, миллий қадриятларимиз энди ўз ўзанига тушмоқда. Бу ўринда Президен-

тимиз Ислом Каримовнинг тутган сиёсати, қилаётган ишлари халқ жароҳатига малҳам бўлаяпти. Яқинда Кўқонга бориб келдим. У ерда ҳам аллақачон катта ўзгаришлар бошлиниб кетибди. Кимdir терини қайта ишлайди, кимdir пайпоқ тўкиш цехида, кимdir кийим тикиш билан банд. Биз ҳам ўзимиздан бир мунча одамларимизни юбордик. Тажрибаларини ўрганиб келиб, ўзимизда қўллашяпти. Ҳозирги кунда Гулбоғ совхозининг ўзида аёлларимиз, қизларимиз пайпоқ тўкишларни бошлаб юбориши. Районимизда ишсизлар сони ҳам кескин камайиб боряпти. Раҳбар кадрлар хусусида ҳам ўз режаларимиз бор. Қадимда ота-боболаримиз пиллани, жунни қозонда қайнатиб ипини оларди. Биз шу даражага бориб қолган эканмизки, ҳатто ота-боболаримизнинг ақл чиририғидан ўтган асрий удумларимизни, ишусулларимизни ҳам аллақачон унугиб юбориш ҳолатига келиб қолган эканмиз, бизда ҳам қайтадан пиллалар қозонда қайнай бошлади.

Ҳозир, мана қаранг, битта чинни асбоби фалон пул деб, аёлларимиз чирқиллаб юришади.

Паркентда авваллари атиги битта кулол оиласи идиштовоқ билан бутун халқимизни таъминларди. Яна у сопол косаларнинг, пиёлаларнинг чиройлилигини айтмайсизми? Сири ҳадеганда кўчавермасди. Сопол косаларда, чамбараклардаги қаймоқни еб одам тўймасди. Унутилаёзган кулолчиликни ҳам йўлга қўйдик.

— Айтишларича, туғилиш бўйича Паркент райони Ҳиндистоннинг қайси бир штатидан кейин иккинчи ўринда турар экан. Бугунги кунга келиб, Паркент райони аҳолиси қанчага етди?

— Атрофдаги ўнта қишлоқ шўросини қўшиб ҳисоблаганда ҳозир роппа-роса 95 минг аҳолимиз бор. Ҳали айтганингиздек, туғилиш чиндан ҳам кўп, бироқ болалар орасида ўлим ҳам оз эмас. Туғуруқҳоналаримизда сув танқис. Баъзан ҳатто совуқ сув ҳам бўлмай қолади. Эски туғуруқҳоналаримиз замонавий талаб даражасида эмас. Янги замонавий курилишларни бошлаб юбордик.

— Яқинда Паркент район юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачи билан гаплашиб қолдим. Кейинги пайтда болалар ўртасида сариқ касаллиги яна қайтадан авж олиб кетаётган экан. Баъзи хонадонларда тўртггадан “сариқ” бўлган болалар бор. Дори ниҳоятда танқис. Ҳатто бош оғригини қолдирадиган, иситмасини туширадиган дориларни ҳам етказиб беришимиз амримаҳол бўлиб қолди, деди у киши куюниб. Дори

танқислиги — бу жумхуриятимизнинг оғриқли масалаларидан бирига айланган. Ушбу муаммони сизлар қай йўсинда ҳал қиласыслар?

— Тоғларимизга чиқсан бўлсангиз, уларнинг бағрида анвойи, шифобаҳаш гиёҳлар гуркираб ётибди. Бизга яқинда Хитой Халқ Республикасидан вакиллар келишди. Улардан бири дори-дармон етишириш корхонасининг директори экан. Биз улар билан маслаҳатлашиб, шифобаҳаш ўсимликларимиздан намуналар олиб, текширишдан ўтказиб қўйган эдик, ўзимизда табиий дорилар ишлаб чиқишни йўлга қўйишни режалаштиридик. Туманда Гелио корхонаси бор. Ҳозир у бекор ётибди. У дори-дармон тайёрлайдиган корхонага айлантирилади.

Ўсимликларни эса алоҳида жой ажратиб экканмиз. Унгача ҳам иложи борича дориларни сотиб олишни тўғри йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз.

Бундан ташқари, районимиз иқтисодини йўлга қўйища ўзимиздан етишиб чиқиб, жумхуриятимизнинг зарур нуқтларида ишлаётган паркентлик дўстларимиз ёрдамига таяномоқ ниятидамиз. Ўтган йили улардан тўқсон олтитасини йигиб: “Қани сизлар қадрдон Паркент учун нима қила оласизлар?” деган саволни бир пиёла чой устида ўртага ташладик. Халқ хўжалиги олийгоҳи проректори Зокир Йўлдошев шу соҳа бўйича зарур мутахассислар тайёрлаш масаласида ёрдам бермоқчи бўлди. Институт домлалари шу ернинг ўзига келиб имтиҳон олиб, болаларни ўқишига қабул қиладилар. Бу йилнинг ўзида Пединститутга ўн бешта ўқувчимиздан ўнтаси кирди. Область тайёрлов идорасининг мутасаддиси Жасур Эргашхужаев халқимиз учун келаси йили барча қуликларга эга бўлган икки қаватли бозор қуриб бермоқчи.

— Эркин ака, ҳалидан бери тилемнинг учида бир савол айланиб юрибди. Назаримда, Паркент яхлит бир вужуд бўлса, боғлари у нафас оладиган “ўпка”га ўхшайди. Мен болалигимни аниқ эслайман: ёкутга ўхшаб товланадиган, ичидаги доиларини санаш мумкин бўлган соҳиби деган узум бўларди. Бизнинг чиллакилар, ҳасайни-хусайнилар бошқа ҳеч ернинг узумига ўхшамасди. Шираси жуда баланд бўларди. Ўша узум навлари йўқ бўлиб кетди...

— Тўғри айтасиз. Чиндан ҳам, Паркент боғлари билан машхур. Ҳўжааҳрор, қизил чиллаки, оқ чиллаки, буваки, чарос, сояки бўлиқ ҳасайни, тилладек ҳусайнилар ўзимизга ҳам орзу бўлиб қолди, чоги. Машхур боғларимиз узоқ йиллар мобайнида деярли қаровсиз қолди. Уста соҳибкорлари-

миз қадрланмади. Эскирган, қариган токлар ўрнига янги күчатлар тайёрланмади. Биз бу соҳада ҳам ҳамма ишни нўлдан бошладик. Ер ажратиб, күчатлар экишни совхозларда бошлаб юбордик. Аралаш навлардан воз кечдик. Битта муҳим жиҳатни айтиб ўтишга тўғри келади, ичкиликбозликка қарши кураш ниқоби остида боғларимизга қирон келган ўша даврда, Паркентнинг узумлари асраб қолинди. Токлар суғуриб ташланмади. Эски бўлса-да, кам ҳосил бўлса-да, узумзорлар ўз ўрнида қолди. Кўчат навларини биттадан муҳокама қилдик. Районда тўқсон фойиз узумзор янгиланди. Кўчатлар нишона бера бошлади. Шу йилнинг ўзида ўн минг тонна ҳосил олдик. Бу кўрсаткич йил сайин кутарила боради. Ҳосил мўл бўлса, табиийки ҳадемай, бозорлардаги нархлар ҳам астасекин тартибга тушиб қолади.

— Шу кунларда сизни қийнаётган муаммолардан энг асосийси қайси бири?

— Ичимлик суви — бизни қийнаётган энг катта жумбоқ. Биз шу пайтгача сувни Коммунистик райондан олиб келардик. Аммо у эҳтиёжимизнинг учдан бирини ҳам қопламайди. Шу мақсадда биз 1991 йили хукуматга мурожаат қилдик. Ҳозир биз Кумушкон атрофидаги булоқ сувларини йиғиб, Паркентга ичимлик сув олиб келмоқчимиз. Лойиҳа тайёр. Бунинг учун айланаси 300 метрлик трубадан 17 километр керак. Ўтган йили шу трубадан беш километрини топиб қўйдик. Сувсиз яшаш жуда оғир. Бизга маблағ ажратилса, ишларимиз юришиб кетади.

Бундан ташқари, Паркентдан сал юқорида Қўтирулоқ деган шифобахш булоқ бор. Тери касалликлари билан оғриган беморлар, бод ва бошқа касалликларга шу сув шифо булиб келган. Эндиghi мўлжалимиз ўша сувни шишаларга қуйиб (бир қисмини албатта) ичимлик сув тариқасида искеъмолга чиқарамиз. Чунки унинг таркибида инсон табиати учун зарур бўлган ўн бешдан зиёд шифобахш минерал тузлар мавжуд экан. “Мусулмончилик ҳам аста-секин” деганиларидек, ҳаммамиз биргалashiб ҳаракат қилаяпмиз. Икки йил давомида тўрт мингдан ортиқ оила томорқали бўлди. Ер масаласи тўлиқ ҳал этилди. Энди аҳолини ичимлик сув билан таъминлашимиз, томорқаларга сув етказиб беришимиз, ердан унумли, тўғри фойдаланишни назорат қила боришимиз керак.

— Бу ишлар бари хайрли. Иқтисодий буҳронларга уйғун равишда маънавиятда ҳам қандайдир тушкунлик, лоқайдлик

кечаётгандек. Одамлар газеталарга ёзилишдан чүчинцираб туришибди. Обуна ниҳоятда суст. Туманда аҳвол қандай?

— Энди, Шарифахон, иқтисодий қийинчиликлар деб, маънавий ривожланишни ёддан чиқариб кўядиган бўлсак, бунинг ўрнини кейинчалик ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Ҳозир ҳам халқ орасида “хоҳлаган ёзилар, ёзилиш шартмикан” деган фикрлар тез-тез кулоқقا чалинади. Аммо шахсан ўзим бутунлай бошқача фикрдаман. Газета-журналларга обуна бўлиб, ўзимизнинг нафасимизни ҳис этиб турмас эканмиз, руҳан қашшоқлигимизча қоламиз. Руҳан қашшоқ миллат эса ҳеч қачон дунё сўрамайди.

— **Ўзингиз кўпроқ қайси газеталарни хуш кўрасиз?**

— Маънавиятимиз учун жуда катта хизмат қилаётган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ни... Уни жасур газета сифатида ҳурмат қиласман. Ўша Паркент воқеаларида ҳам холислик билан биринчилардан бўлиб бизнинг аҳволимизни ёритган эдик. “Тошкент ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Спорт” газетасини севиб ўқийман. Яна битта ютуғимиз, кўпчилик район газеталари қофоз танқислиги туфайли қисқариб кетаётган бир шароитда “Паркент тонги” газетасини асраб қолдик. Ҳозиргacha унга обуна мингдан ошиб кетди.

— **Болалигингида вақтлар келиб сира ҳоким бўламан, деб ўйлаганимидингиз?**

— Қизиқ савол бердингиз. Ўрта мактабни битирганимдан сўнг физкультура институтига ўқишга бордим. Ҳамма имтиҳонлардан яхши ўтдим, аммо сузишдан йиқилдим. Уйга келсам, отам “энди касб ўргангин” деб қурилиш ташкилотига бир дурадгорга шогирд қилиб бердилар. У ерда беш йил дурадгор бўлиб ишладим. Шундай қилиб, асли касбим дурадгорлик. Дурадгор бўлганда ҳам мақтаниш эмас, тузукман. Кейин сиртдан педагогика институтига ўқишга кирдим. Сўнгра мактабда дастлаб меҳнат ўқитувчиси, тил-адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрдим. Мактабда жами ўн йил ишлаган бўлсам, сўнгра район фирмаси қўмитасига ишга таклиф қилишди. Паркент райони ажралгандан сўнг ташкилий бўлимда мудир бўлдим, район халқ назорат қўмитасида раис бўлдим. 1987 йили Гулбоғ совхозига директор қилиб сайлашди. 1990 йил, 3 март воқеаси юз берганида мени эндингина район ижроия қўмитасининг раиси қилиб тайинлашган эди. Ушбу лавозимда атиги бир кунгина “ишладим”. Халқ қўярда-қўймай район фирмаси қўмитасининг биринчи котиблигига курсатишиб, мана икки йилдан бери

ҳокимлик вазифасидаман. Уч ўғил, уч қизим бор. Кенно-йингиз уй бекаси. Неваралимиз. Эл қатори яшайпмиз.

— Айтинг-чи, ҳозирги шароитда ҳоким бўлиш осонми?

— Тўрисини айтсам, осон эмас. Ўша оғир вақтларда халқ менга озми-кўпми ишонди. Ўша ишонч менга мадад бериб турди. Сиз биласиз, бизда муқаддас қадамжолар, бир пайтлар қаровсиз қолган жойлар кўп. Одамларимиз, мен эсимни танибманки, ўша ерларга бориб, руҳларини бир-бир янгилаб келишади. Мен эса халқнинг орасига ҳар гал кирганимда тўйидами, азасидами, қаерда бўлмай, уларнинг ишончини ҳис қилиб, руҳан янгиланиб оламан.

Қайси даврда бўлмасин, раҳбар манманликка борса, халқ унга ишонмай қўяди. Ўзим ишни дурадгорлиқдан бошлаганим учунми, доимо халқнинг орасида бўлгим келади. Уларни соатлаб эшитаман. Баъзилар, “Бунча кўп вақт ажратманг, ҳар бир келувчи учун вақтингиз етмайди, ўзингизни ҳам аянг”, қабилида маслаҳатлар беришади. Аммо мен учун энг муҳими одамларнинг юрагидагини билиш, уларнинг огири ни енгил қилиш...

— Кечирасиз, эшигингизда “қабул соатлари” деган ёзувни учратмадим.

— Мен у ёзувни шу ерга келган кунимдаёқ олдириб ташлаганман.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

1992 йил, 6 ноябрь

“ЯНА УМРИМНИ КИТОБГА БАФИШЛАРДИМ”

Сотиболди Йўлдошев билан суҳбат

— Маълумингизким, Муқаддас китобда, “Бешикдан то қабргача илм изла”, дейилган. Илм жавоҳиротлари эса қалб нуридан сайқал топиб, нодир китоблар шаклида асрлардан асрларга етиб келган. Эсимда бор, яқин-яқингача ҳам отабоболаримиз бундай китобларни қўл билан ушлашга ҳам кўзлари қиймай, ажиб жилларда асраб-авайлардилар. Ҳозир ҳам яхши китоб шундай ардоқда. Аммо негадир қайси китоб дўконига кирманг, пештахталар тирбанд. Неча йиллик китоблар қалашиб ётиди.

— Гапни айлантириб ўтирмасдан бугунимизнинг жароҳати — ҳаммамизнинг юрагимизни зирқиратиб турган муам-

модан бошладингиз. Бир ҳисобдан түғри қилдингиз. Барига бир биз бу муаммога сұхбат мобайнида тұхтаб үтишга мажбур әдик. Чиндан, бугунги кунимиз — бозор иқтисодиёти ҳұмидаги дақықаларимиз бешафқатлиги билан күпчилик ни эсанкиратиб қўйди. Гүё пештахталарда ҳали сиз айтгандек, китоблар эмас, маънавият мунғайиб тургандек. Қоғоз муаммога айлангач, савдодаги китоблар нархи нафақат одамни, балки отни ҳуркитадиган даражага етди. Китоб нашрлари кескин камайди. Муаллифлар (қанчаларининг құлөзмалари нашриётларда сарғайиб ётибди) тушкунликка туша бошлади. Пештахталарда истеъдод нури тушмаган тасодифий китоблар күпайди. Эркин бозор муносабатларининг маданиятидан йироқ кимсалар энди илмни ҳам савдога айлантириб, китоб күчасидан үтмаган корчалонлар китоб чиқара бошлади. Бу ҳолат тасодифми, дерсиз? Йўқ, албатта. Буларнинг бари туркий қавмларни батамом манқуртга айлантириши режалаштириб, халқларни тепиб ерга киритиб юборган, зўравонликка асосланган империянинг “мерослар”и... Ўша тузум боис, биз китобхонлик маданиятидан узоқ яшадик.

Энди бўлса, бағримизга шамол тегиб, истиқлол қўлга кирганды бу муаммолар бор бўйи билан қўзга ташланиб, ҳатто маънавиятимиз учун катта хавф бўлиб турибди. Биз айнан шу вазиятда ҳаммамиз учун азиз бўлган китоб мавқенини, уни яратадиган муаллифлар, ноширлар, матбаачилар, китоб савдоси аҳлини муҳофаза қилиш, қандай муҳофаза қилиш, унинг эътиборини сақлаб қолишини ўйламасдан иложимиз йўқ. Сизга биргина мисолни айтай. Куни кеча хизмат сафари туфайли халқ ёзувчимиз Иброҳим Раҳим, ношир дўстимиз Восиқ Абдувалиевлар билан жумхуриятимиз китоб дўконлари, омборлари, кутубхоналарини кўздан кечирдик. Ҳамма ерда ҳам китоб жамғармасининг учдан икки қисми кам деганда ярми рус тилида чоп этилган нашрлардан иборатdir. Масалан, Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг Охунбобоев номли жамоа ҳужалиги ҳудудидаги 1-сон Шаҳартепа китоб дўконини олиб кўрасизми? Ёки Кува туманида-чи? Бу атрофда истиқомат қилаётганлар эса туб аҳолидан иборат. Кувага кираверишда бекатдаги муҳташам савдо марказида китоб ва ўқув-маданий ашёларга ўрин берилган. Матбаа техникумини битириб, ишлаётган Исмоилхон Аҳмедов бўлимдаги китоблардан кўнгли тўлмаётганлигини айтди. Санкт-Петербургда 200 минг нусхада чиқсан “Записки из под парти”, Минскда чоп этилган “Каждой птице — по

странице” китобчаси ва ўзимизда босилган бошқа китоблар, турли русча варақаларнинг қишлоқ жойи учун нима зарура-ти бор?! Бу ерда ўзбек тилидаги нашрлардан ҳеч вақо йўқ-ку?!

Шунда ўзимизни ҳали ҳам кавушимиизни, узр сўраб айт-тай-ку, пойма-пой кийиб юрган одамларга ўхшатдим. Йил-лаб йиғилиб қолган бундай муаммоларнинг илдизи ҳали бақувватлигидан хушёр тортдим. Биз назаримда биринчи қадамни китобхонлик маданиятини тарғиб қилишдан бошлашимиз керакка ўхшаб қолди. Китобнинг тақдири, унинг тарқатилиши, савдоси тасодифий одамлар қулига тушиб қолмаслиги керак.

— Сиз бу муаммоларни бартараф этишда қандай тадбирларни тақлиф этган бўлардингиз?

— Биласизми, бизда китоб савдосининг асосан иккита йирик тармоғи бор. Бири бизнинг бирлашма: “Ўзкитоб” бирлашмаси, иккинчиси “Ўзбекбирлашув”. Қолганлари унча йирик бўлмаган тармоқлар: “Военторг”, “Союзпечать” ва бошқалар. Ҳали айтганимиздек, бошқа тилдаги нашрларнинг пештахта устини тутиб кетганлиги ҳам ўша йирик савдо тармоғининг то ҳозиргача ҳам аввал бизга “марказ” ҳисобланмиш томон билан мулоқоти, олди-бердисидир. Чунки, биз хоҳдаймизми-йўқми, қофоз ва бошқа масалаларда ҳамон ҳисоб-китоб қилишга мажбурмиз. “Ўзбекбирлашув” ҳам бундан ўн йил муқаддам ўзи мустақил савдо бирлашмасига айланган. Ҳозирги иқтисодий танглик боис, ўшандай нашрларни сотиб олиш кўпроқ уларнинг ишига айланиб қоляпти. Бу ҳолат ўткинчи, албатта. Республика иқтисодиёти ўзини бир ўнглаб олса, ҳамма қийинчиликлар ортда қолади..

Муаммони ҳал қилиш йўлларига келсак, иқтисод кўтарса, биринчи навбатда ўзимизда йирик қофоз ишлаб чиқариш корхонаси қуришни пайсалга солмай бошлаб юбориш керак. Чунки бори ҳам талаб даражасида эмас. Биласиз, нашр ишининг нони — қофоз. Четта ишониб бўлмайди. Чет-четда... Хоҳлаган вақтида, ё фикридан қайтиб, ё шароитни ўзгартиришни талаб қилиби қолиши ҳеч гап эмас.

Маданий меросимиз ёруғликка чиқиб келяпти, руҳий та-наззулга йўл қўймайдиган, миллий ғуруримизни ўстирадиган китоблар нашрини изчил ва жиддий йўлга қўйиш зарур. Кўп жилдлик “Хадислар” каби нодир китобларнинг нашри жумҳурият ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳозир ҳам шу китобларга қайта-қайта ҳалқимиздан талаблар тушаяпти. Тарихий китобларга, Қодирий, Ойбек, Чўлпон, Фитрат асарла-

рига, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров рўмонларига қизиқишиш ва талаб катта. Аммо, бир масалада нашриётдагилар билан бироз келишолмай турибмиз. Мен у ердаги дўстларимизга баъзи нодир китобларни, масалан, “Або муслим жангномаси” китобини ёнига шарҳлар билан нашр қилишни, бу халқ учун икки баравар наф келтиришини айтдим. Чунки уч марта имлоси ўзгарган ҳозирги авлод учун тарихни борича тушуниш анчайин оғирлик қиласди. Улар эътиroz билдиришди. Натижада баъзи юз минг нусхада нашр этилган бундай асарлардан атиги ўттиз минги сотилди. Аслида китобхонлар бундай асарларни кўзга суреб олади. Аммо, мен айтган жиҳат китоб билан мулоқот давомида жиддий тўсиқча айланади. Демоқчиманки, китобхонлик маданиятини эндиликда халқимиз қон-қонига сингдириб бормас эканмиз, кўп нарса йўқотамиз. Олдинга силжиш ҳам кам бўлади.

Айниқса, болаларга мўлжалланган китобларнинг сифати, мундарижаси, энг муҳими, нархи устида жиддий бош қотириш лозим.

Яна, китоб омборларида фарамланиб қолган турли нашрларни қўшни республикаларда ҳам савдосини ташкил қилишни йўлга қўйиш керак. Нима қилсак ҳам, жумҳуриятимиз истиқоли ривожи учун қўлдан келганча бирга-бирга ҳараткат қилмасак бўлмайди. Илмимиз калити бўлган китобларни пулга чақиб юрган, яна узр сўраб айтай, корчалонларни мен мустақиллик одами — истиқлол одами деб билмайман.

— Яқинда Навоий театри олдидағи ярмаркаларни кўздаи кечира туриб, Абу Али иби Синонинг “ТИБ ҚОНУНЛАРИ” китобининг ўзим қидириб юрган нашрини кўриб, рости қувониб кетдим. Биттагина нусха экан, “Русча нашрларидан бор, — деди сотувчи. Ҳозир олиб кетмасангиз кечгача қолмайди”.

Нархини айтгувди, нима қилишимни билмай қолдим. Турт ярим минг экан. Биз бир ой меҳнат қилиб топадиган маошимиз шу атрофда... Кечгача кайфиятим аллақандай булиб юрди. У китобнинг харидори битта менни десам, олдимга ўнга яқин харидор, чўнтагини кавлаб ноумид қайтишди.

Яна менга энг таъсир қилгани, шундоқ нодир китобнинг ёнида Фарбининг бепарда ахлоқини талқин қилувчи (маъзур тутасиз) китоблар намойишкорона қўйилган. Мен уларнинг номини ҳам, китобларнинг олдидан фунчадек қизларимиздан тортиб, энди мўйлови сабза урган ўсмирларгача, ошкор, гоҳ ўғринча назар ташлаб ўтиб боряпти. Шундай китобларга тасодифан кўзи тушган ҳар бир имонли кимсани беихтиёр хи-

жолат ва уят ҳисси қамраб олади. Фарб-ку, балки бундай ҳолатни, манзараларни нафас олаётган ҳавосидек зарурат, деб ўйлар. Аммо, асрлар мобайнида ўзининг нозик табиати, иболи дунёси билан дунёга машхур Шарқ-чи? Имонсизликка бошлайдиган бундай китобларга кенг йўл очиб берилганлигини қандай шарҳлайсиз?

— Бу ерда ҳам ҳали мен юқорида таъкидлаб ўтган бир жиҳат ҳукмрон: юлғичлик ва чайқовчиликнинг касофати ҳамма ёқса урди. Овруподан оқиб келаётган бундай китоблар сотилиши қийин бўлган нашрлар ёнига қўшимча қилиб берилади. Натижада, чайқовчининг чўнтағи ҳаром пулдан қаппаяди, одамларимизнинг маънавиятида нимадир дарз кетади. Бу ҳам бозор иқтисодидаги олдимиздаги муҳим тўсиқлардан яна бири.

Бундан кутулиш йўллари, одоб-ахлоқнинг бузилмас қальласи бўлган маънавиятимиз, динимизга аста-секин қайтиш, унинг пурҳикмат оҳангларини, илоҳий оҳангларини тоза виж-дон билан ҳалқимизга етказиш. Мана, муқаддас “Куръон” китобининг ўзбек тилида чиқиши қандай гузал иш бўлди. Ҳалқимиз ҳамиша пок, ҳалол луқмага ўрганган. Шаффоғ булоқлар сувини ичган. Биз ўз динимиз, тарихимиз, меросимиз, китобларимиз қадрига қанча тез ета олишга ўргансак, шунча тез бундай туманлар тарқалади. Масалан, нима учун ўзимизнинг гербимиз, байроғимизни тасвир ва тавсиф этган рисолаларни нашр қиласлигимиз керак экан. Ҳамма ишни қўл қовуштириб қачон буйруқ келаркин деб кутиб ўтирасдан, яхши ташаббус билан амалга ошироқ керак.

— Сир бўлмаса, бирлашманинг аввалги ва ҳозирги аҳволи қандай? Барча китобларни сотиб улгура оляяпсизларми?

— Ҳавас қиласидиган даражада эмас. Илгарилари ҳукуматга йилда 6—8 миллион сўм фойда келтирадик. Кейинги иккичу йил ичida зарап кўряпмиз. Аммо, бир нарсани айтиб ўтишим керак: шунга қарамай Президентимизнинг зътиборлари туфайли бирлашма ўз ишини давом эттиряпти. Чунки, китоб, илм дунёни қутқаради. Буни ҳукуматимиз жуда яхши тушунади.

— Бугуннинг... китоби муаммолари, сезиб турибман, битта суҳбатда тўлалигича қамраб олиши гумон. Аммо, сиз, ҳурматли директор, ҳаммамизга маълум, матбуот, китоб нашри ва ниҳоят, китоб савдосида суюгингиз қотган устозларданисиз. Ҳаёт йўлингиз ҳам киши ҳавас қиласлигудек. Фарғонадаги “Комуна” газетасидан тортиб, то “Ёш ленинчи” бош муҳарирли-

гигача, “Совет Ўзбекистони” бош муҳаррири ўринbosарлигидан то “Ёш гвардия” нашриёти директорлигигача, Давлат Матбуот Кўмитаси бош муҳаррирлигидан то ҳозирги лавозимингиз — Республика Китоб савдоси бирлашмасининг директорлигигача сиз бадиий сўз, илм, зиё тарғиботчиси бўлиб келдингиз. Бугун эса мана етмишга тўлибсиз. Китоб сұхбати баҳонасида рухсат беринг, рузи таваллудингиз билан қутлашга.

— Раҳмат, қизим. Ўйлаб қарасам, умр чиндан оқар дарё экан. Оилада менгача бўлган фарзандлар турмагани учун отаонам мени яратгандан тилаб, расми-русмини қилиб, туғилганимда Содат кампирдан “сотиб” олишган экан. Фарғона шаҳрида туғилиб, Тошкентда умргузаронлик қилиб, бугун етмиш ёшимда умрни бир сарҳисоб қилиб кўрсам, ўтган йилларим китоб билан чамбарчас боғланиб кетган экан. Кўп савдоларни, кўп синовларни бошдан кечирдим. Яратганга шукурки, виждоним соғлигича қолди. Эл қатори яшаяман. Фарзандларим ҳам ўз йўлларини топиб олишган. Кейин ўйлаб ўтириб, ўзимга ўзим: агар қайтадан дунёга келсам, қандай яшаган бўлар эдим, — деб савол бердим. Табиийки, қайта ҳаёт кечирадиган бўлсан бутун умримни яна сира иккиланмасдан қалбимизнинг кўзгуси бўлган китобларга бағишлаган бўлардим...

— Сұхбатингиз учун ташаккур.

1993 йил, 5 февраль

ХИЗР БУЛОГИДАН СУВ ИЧГАН АВЛОД

Ёзувчи Тўлқин Эшбек билан сұхбат

— Шарифа опа, юртимиз истиқололга эришган кунга қадар кўпгина гайришуурый гаплар “ҳаётий воқелик”ка айланиб кетганди. Баъзи “арзимас”, “кўз илғамас”дек туюлган муаммолар миллий қадриятларимизга беаёв путур етказганди. Бешинчи довонга етганда мустақилликнинг шундай неъматидан баҳраманд бўляпмизки, ҳар бир жабҳада ўзлигимизни бемалол намоён этишимиз мумкин! Миллат қисматига дахлдор ҳар қандай мавзуда баралла гапиришимиз, ёзишимиз учун ҳеч қанақа тўсиқ ё бирор ғов йўқ. Инсон тақдирি, қадрқиммати, шаъни, ўзлигига дахлдор муаммонинг катта-кичиғи бўлмаса керак. Ахир, ҳар бир сўз, гап, хатти-ҳаракат замирида МАҚСАД ётади...

— Келинг, сиз кўзда тутаётган баъзи муаммолар ҳақида бир бошдан, очиқча гаплашайлик.

— Ушбу сұхбатимиз матнини қайсики газета ё журналга бермайлик, таҳририят ходими “таҳрир”ни нимадан бошлиши ҳақида ўйлаб қўрдингизми? Шубҳа йўқки, ўша ходим дастлаб исм-шарифларимизни “Т.Э.”, “Ш.С.” шаклида “қисқартириб” чиқади. Бу нима қилгани? Инсон исмини таҳқирлашми? Ахир, “Т.” дегани, албатта — Тўлқин дегани эмаску! Шу ҳарф билан бошланадиган сонмингта исм бор. Таҳририят ходими саҳифада жой танқислигидан қилмайди буни. Шунчаки “одат” ё “қоида” бўлиб қолгандек туюлади унга. Аслида инсон исмини битта ҳарфга айлантириб ёзиш ҳақида бирор қонун ё бошқа расмий ҳужжат борми? Унда, шунаقا кўр-кўрона ишларга тоқат қилиш мумкинми? Ўн йил илгари (яъни, Узбекистон мустақилликка эришишидан беш йил аввал!) собиқ “Совет Ўзбекистони” газетаси таҳририятига мақола ёзиб борганим ёдимда. Кўлёзма адогига кўзи тушган таҳририят ходими бурнини жийирди: “Оддий мақолага исмингизни мунча ваҳима қилиб ёзмасангиз” “Т.” деб қўйсангиз бўлди-да”. Ота-онам “Т.” деб исм қўймаган, дегандим, бошим балога қолди... Димоғи осмону фалакдек киши ўшқирди: “Сенингча ўртоқ ...овнинг ота-онаси Ж. ёки ...евага Р, деб исм қўйишганми? Ўзлари шундоқ ёзишади-ку! Улардан ақллироқ бўлиб қолдингми?! Манманлик ҳам эви билан-да!” Наҳот, ўз исмини тўлиқ ёзиш “манманлик”, биргина ҳарфини кўрсатиш “камтарлик”ка кирса?! Тақдир тақозосини қарангки, 1993 йилда ўша таҳририятга ишга таклиф қилишди. Бўлим мудири, ўша газета иловаси — “Осиё бозори”нинг нашр муҳаррири вазифаларида фаолият кўрсатдим. Ўшанда исмни битта ҳарфга айлантириш хато эканини, муаллиф исм-шарафидан сўнг бирор тиниш белгиси қўйил-маслигини ижодий жамоамизга тушунтирдим. Хўб баҳс-мунозаралар бўлди. Бош муҳарриримиз Азим Суюн Фикримни қўллаб-кувватлагач, ҳақиқат қарор топди! Республикаимиз етакчи газеталаридан бири эндиликда ўзгаларга ўрнак бўлмоқда! Яна бир гап; олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларда чоп этилган китоблар адогига разм солсангиз, муҳарриридан тортиб мусахҳиҳигача ким эканини англай олмайсиз. Қандайдир “А.”, “Б.” ва ҳоказолар. Айрим китобларнинг ҳатто муаллифи ҳам биргина ҳарфдан иборат... Фамилиянинг ўзи айнан бир шахсни билдирамайди-ку! Ахир, бир оиласда ўн нафаргача ўғил-қиз табиий равиша

битта фамилияда бўлишади. Эҳтимол, беш-олти нафарининг исми бир хил ҳарф билан бошланар!..

Ўтмишга назар солсам, Тўмарисдек буюк момомиз — исмидаги ҳар бир ҳарф жасорат туғидек ҳилпираиди — уларнинг номлари айнан шундоқ тарихга, кўнгилларга кўчган. Сароймулхоним, Зебуннисобегим, Нодирабегим, Зулфия опамиз... Ҳар бири бир дунё. Уларнинг номларини “Т.”, “Н.”, “З.” деб ёзишни тасаввуримга ҳам сифдира олмайман. Биласизми, Амир Темур бобомиз номига қўйилган айрим хўжалик ё мактаб идораси пештоқига “А. Темур номли” ёхуд “З.М. Бобур номли” қабилидаги ёзувларга кўзим тушса, кўнглим алланечук бўлиб кетади. Бу билан биз аждодлар руҳини шод этајапмизми ё чирқиратаяпмизми? Асл қадриятларимизга эътибор беринг, бола дунёга келгач, аввало кулоғига аzon айтилади ва унга чиройли исм қўйилади. Айтганингиздек, ҳеч бир ота-она фарзандига қўйган исмининг қандайдир қофозларда бош ҳарфигина ёзилишини истамаса керак. Қолаверса, ўғил-қизи улғайиб вояга етгач, фуқаро паспортига эга бўлади. Паспортда ва бошқа барча ҳужжатларда исм-шариф тўлиқ ёзилади. Бирор ҳужжатда инсон исми битта ҳарфга айлантирилмаган. Исми ва ота исмини “А.Б.” шаклида ҳарфларга айлантириб ёзиш собиқ шўро даврида пайдо бўлгани сир эмас...

— Ҳужжатдаги исм-шарифларимиз ҳақида яхши гап очдингиз. Қадимдан ҳар бир ўзбек исми мисоли каашфиёт бўлган. Исмларимиз маънолари ҳақида маъдолалар ёритилган, қатор китоблар ҳам чиқкан. Нотуғри ёзилган маъносиз “атама”ни исм деб бўладими? Минг афсуски, собиқ шўро даврида она тилимизга қанчалик тажовуз қилинган бўлса, исм-шарифларимизни ҳужжатларга ёзишда ундан ҳам ошиб тущди... Кулликнинг даҳшатли фожиаси шундаки, у бора-бора қўлидаги кишангэ ҳам меҳр қўяди, деган гашни эшиттансиз. Худди шундай, етмиш йилдан зиёдроқ ҳукм сурган қизил мафкура айрим миллатдошларимиз онгини шу қадар заҳарлаганки, натижада улар ҳали-вери ҳурлик шамолини ҳис этишмаяпти. “Паспортида қандоқ ёзилган бўлса, шундоқлигича қолади, вассалом” деган гапга маҳкам ёпишиб олишган...

— Ҳуқуқий давлатимизда қонун устивордир. Яъни, қонун абадул-абад ижро этилиши шарт! Давлат тили ҳақидаги қонунимизда исмлар, ота исми ва фамилияларнинг ягона тўғри шакли маҳсус маълумотномаларда қайд этилиши, уларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилиши белгилаб қўйилган. Демак, бундай муаммо-

лар қонун йўли билан ижобий ҳал этилиши шак-шубҳасиздир.

Анча йил илгари “Хизр булоғи” деган достон ёзганингиздан бохабарман. Ҳатто ўз исмининг тўғри ёзилишини ҳазм қдолмайдиган айрим манкуртсимон кимсалар қулёзман-гизни ўқибоқ ғалати алфозга тушган. Янгиликни ҳазм қилиш учун инсонга катта тафаккур керак. Атоқли шоир Абдулла Орипов 1991 йил 13 июль куни ёзган сўзбошисида таъкидлаганидек: “Буюк ва шўрлик бир ҳалқнинг даҳосига эҳтиром шарофати билан ҳаммамизнинг дилимиздаги изтиробларни, унуг бўлган ҳаёллару беамал қолган орзу-умидларни, муҳими — аччиқ армонларимизни бир шода дур каби тизбисиз”. Ушбу асарингизда ҳам тил ва унинг нозик хусусиятлари, тил ҳар бир миллатнинг уриб турган юраги эканлиги хусусида тўхталгансиз.

— Бир нарсадан доимо даҳшатта тушардим. Зулм билан мойланган совет машинасининг она тилимизни чайнаб, емириб бораёттанидан. Ӯлаётган тилимизнинг жонига истиқлол оро кирди.

— Шарифахон опа, сиз аллақачон ўз муҳлисларига эга бўлган шоирасиз. “Ҳаёт завқи”, “Менинг баҳорим” каби шеърий тўпламларингиз қўлма-қўл бўлганига шоҳидман. Ажойиб олмоншунос олим, умр йўлдошингиз Хуррам aka Раҳимов билан ҳамкорликда “Етти оққуш” номли эртаклар тўпламини олмон тилидан бевосита таржима қилганингиз ҳам таҳсинга лойиқ. “Хизр булоғи” собиқ шуро даври кирдикорларининг юзига тутилган кўзгуга ўхшайди. Ҳалқимиз маънавиятига, оддий ҳаётига етказилган беадад хиёнатлар ошкор этилади. Ҳаёт бешиги учун яралган аёлларимизнинг қайгули қалб изтиробларини ҳис этамиш:

Бу тилло тупроқда қиёмат қўпти,
Шайтон сотқинликнинг юзидан ўпди.
Асл булоқларнинг суви айнади,
Тилло тупроғимнинг шўри қайнади.
Дарёлар буралиб оқмайин қўйди,
Инсон бир-бирига боқмайин қўйди.
Энди соғ ҳаволар бу тонгла маҳшар,
Бошимиздан қўйди минг турфа заҳар.
Оналар даладан келмай қўйдилар,
Гудаклар қулундай елмай қўйдилар.
Бир пайт аёл эрса муҳаббат гули,

Энди номи бўлди тириклик қули.
Улар ўттизида ўтин бўлдилар,
Армон водийсида тутун бўлдилар...

— Жамиятнинг аянч нуқталари кабидир аёллар. Аёллар — асл илк тил муаллимлари, устозлари. Унуг бўлаёзган аллалар, қадимий битикларидан узоқ авлод — булар бари менинг армоним эди.

— “Армон водийсида тутун бўлган” оналаримиз, опасингил ва қизларимиз, аёлларимизнинг собиқ шўро давридаги “бахти қисмати” ҳақида ўйласам, нечундир юрагимда оғриқ туяман. Биргина насаби — фамилиясига қилинган “тажовуз”ни қаранг; қайси замонда турмушга чиқаётган ожизани эрининг фамилиясига ўтказиш ҳақида гап бўлган? Табиат ато этган қондошлик номини гайришуурый тарзда ўзгартириш мумкинми? Фамилия “танлаш” тўғрими? Айтиб қўяй: ҳозиргача “эрининг фамилиясига ўтиб қўйган”ларда заррача гуноҳ йўқ. Қайтадан “Никоҳ уйи”га боришга ҳожат йўқ. Нима бўлса бўлди, деб қўл силкиб қўя қоламиз энди. Хўш, унда мақсад нима? Эндигина баҳт остонасига қадам қўяётган ёш йигит-қизларга тўғри йўл кўрсатиш. Миллий қадриятларни тиклаш! Ўзликка қайтиш! Демак, бугундан эътиборан “Никоҳ уйи”га қадам ранжида қилаётган ўзбек қизига “эрингни фамилиясига ўтасанми?” деган гайримиллий савол бермасдан, билъакс, тўғри тушунтириш зарур. Нафақат қизга, балки, куёвлик либосини кийган йигитга ҳам тушунтириш лозим. Токи, у бўлгуси жуфтига “фамилиямга нега ўтмас экансан? Писандга илгинг келмаяптими?” қабилидаги бўлмағур саволлар бериб, нозик кўнглини хуноб қилмасин. Фамилияси бир бўлган йигит ва қиз — ака-сингил ҳисобланишини тушунтириш лозим. Сени дунёга келтирган отанг ва унинг отаси — буванг — насабинг бўлади, ўша мўътабар инсон исми фамилия сифатида ёзилади! Биров-бировнинг фамилиясига “ўтиши” мумкинми? Хотин эрининг фамилиясига ўтишида бирор хосият ёки мантиқ бўлганида Амир Темур, Муҳаммад Заҳириддин Бобур сингари тафаккур осмонида сўнмас юлдуз бўлиб қолишган аждодларимиз ўз жуфти-ҳалолларини эҳтиром билан фамилияларига ўтказишмасмиди? Собиқ шўро тузуми даврида шундай “одат” шакллантирилди: “Никоҳ уйи”га келган қизга: “Эрингни фамилиясига ўтасанми ё ўзингнида қоласанми?” деб савол бериларди. Оху каби хуркибгина турган иболи қиз ўша тоб-

да “ўзимнинг фамилиямда қоламан!” деса, бўлгуси турмуш ўртоғи олдида қандайдир хижолатпазлик пайдо бўларди. Гё унинг фамилиясига ўтмаса, росмана эр-хотин бўла олмай қолаётгандек ҳис этадиган бўлиб қолишганди. Ёш авлод тарбиясида, онгу шуурида ана шундай бўлмағур муҳит вужудга келтирилганди. “Қизил тўй”да янада қизиқ ҳол юз берарди. Атай ташриф буюрган “ЗАГС ҳодимаси” тўйда “ЗАГС қоғози”ни топшираркан, микрофонда барадла товушда шундай дерди: “Бугундан бошлаб фалончиевлар оиласи бўлди!” Қарсаклар чалинар, айнан “фалончиевлар оиласи бўлгани” учун ичиларди. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон дерсиз? Биринчидан, келин ўз фамилиясидан жудо бўлгани учун чапак чалиб ичсак, иккинчидан, ён-атрофдаги ёшларга, балоғатта етадиган йигит-қизларга шундай таъсир қиласидики, пайти келиб турмуш қуар бўлса, албатта биринчи навбатда “эрнинг фамилиясига ўтиш” тушунчаси онгига муҳрланарди. Бу ҳол бора-бора соддадил одамлар “турмуш тарзи”га айланди. Оқибатда қандай ҳоллар юз берарди? Республика мизда ҳар йили ўртача икки юз мингга яқин қизимиз турмушга чиқса, демак, эрининг фамилиясига “утишни хоҳлаган”ларга қўшимча паспорт ишлаб чиқариш зарур. Эрининг фамилиясига ўтган қизлар ўз ота-бувасининг муқаддас номи ёзилган паспортини “брак”ка чиқариб, йиртиб ташлаши шарт! (Бир фуқаро ҳеч вақт иккита паспортга эга бўлиши мумкинмас). Ундан кейин ўрта маълумот олганлиги тўғрисидаги шаҳодатномаси, меҳнат дафтари, дипломи ва ҳоказо ҳужжатларига ҳам “янги фамилияси”ни қайта ёздириб алмаштириши лозим. Акс ҳолда, улар ҳам “брак”. Биргина эрнинг “кўнгли учун” фамилиясини ўзгартирган қиз ўз тувишганлари билан бегонадек бўлиб қолмасмикин? Ахир, акуя, опа-сингилни боғлаб турган қариндошлиқ риштаси нималардан иборат? Уларнинг бир авлодга, бир насабга мансублигида ҳам эмасми? “Ўзим асли фалончиевлар оиласиданман, эримнинг фамилиясига ўтганим учун...” қабилида нолиб гапирган аёлларни кўп учратганман. Масаланинг яна бир нозик томони бор; худо кўрсатмасин, ажрашиб кетишса-чи? Шўро мафкураси таъсирида ўзлигимиздан йироқлашиб, айниқса, ёш йигит-қизлар онгига маънавий қадриятларимиз “сийқалашган” сайин ажрашишлар нисбатан купайгани сир эмас-ку?! Ажрашганда қандай ҳол юз беради? Собиқ эр тинчгина паспортини чўнтагига солиб кетаверади, тағин шўрлик аёл судма-суд елиб-югуришга маж-

бур. Асл фамилиясига қайтиш учун оввораи сарсон бүлади. Күёвлик либосини кияётган йигитлар ҳам шу хусусда оқилона ўйлаб күришса мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, опаси ва синглиси қаторида рафиқаси билан ҳам “фамилиядош” бўлиши эриш туюлмайдими? Бошқа фамилиядаги гўзал билан эр-хотин бўлиб яшаш мароқлироқ эмасми!!

Ушбу мавзуда айрим мутахассислар, юристлар, кўпни кўрган нуронийлар билан гаплашиб, бир қанча мақолалар ёзганман. “Никоҳ уйи”даги ходималардан: “биз қизларни эрининг фамилиясига ўтишга мажбур қилмаймиз, фақат қонун бўйича ўтиш-ўтмаслигини сўраймиз, холос” деган жавоб олдим. Ҳамма гап шунда-да. Қонунни пеш қилиб ўша саволни албатта овоза қилиб сўраганида келинчак қай аҳволга тушади?.. Юрист халқаро андозаларга “таянди”. Оврупо давлатларида хотинлар албатта эрларининг фамилиясига ўтишини тушунтириди. Маънавият бобида овруполикларнинг барча одатлари биз учун андоза бўлармикин? Ахир, уларга кўз-кўз қилишга арзигулик одатларимиз билан наҳот фаҳрланмасак! Қиз-жувонларимиздаги гўзал, бетакрор ҳаёни дунёнинг қай бурчидан топиш мумкин? Нуроний отахон ва онахонлар келиннинг насаби мавзусидаги баҳсимизга оқилона фикр билдирилар. “Бизнинг давримизда унақа гаплар йўқ эди!..” деб очиғини айтиб кўя қолишиди. Ўйлайманки, шу мавзуда ёзгандаримни халқаро тилларга таржима қилдириб, ўша ривожланган мамлакатлар матбуотларида ёритсан, дунёвий одамларнинг ҳам “кўп нарсага етган ақли шунга қолганда оқсамас...” (Буюк бобомиз Абдулла Қодирий битган жумладан фойдаландим).

— Сиз кўп бора матбуотда кўтарган ушбу мавзу мингминглаб хотин-қизларда катта қизиқиши уйғотганидан боҳабарман. Қолаверса, собиқ “қизил мафкура” барчанинг онгини бирдек батамом заҳарлашга ожизлик қилган эди. Олис туман ва қишлоқларимизда ҳам ҳар куни тўй тўйларга уланмоқда. Баркамол вояга етаётган йигит ва қизларимиз күёвлик, келинлик либосларини кийишаркан, улар “фамилия танлаш” деган бачкана гапларни хаёлларига келтиришмаётган бўлса не ажаб. Оллоҳ назар солган юртимизда Хизр булогидан сув ичган авлод ҳаётга шундай тафаккур ила боқиши лозим. Ўзликни англаш, деган улуғвор орзулар замирида ана шундай қадриятлар ҳам мужассамдир.

1996 иил, ноябрь

АЁЛ БИЛАН МУНАВVAR ОЛАМ

Хулкар Тўйманованинг Шарифа Салимова билан суҳбати

— Шарифахон опа, 30 декабрда таваллуд топган экансиз. Аввало, табриклаймиз. Сўнгра бугунги суҳбатимизни, Сиз туғилган жой, Сиз камол тошган оила, у ердаги одамлар, умуман, болалик хотиралари билан ўртоқлашишдан бошласак...

— Шоир Сидқий Хондайлиций: “Ватан надир, түкқон еrim, турғон еrim, униб-ўсиб, ўйнаб-кулиб юргон элим, жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан, эсдан чиқар они кўргоч, кўргон еrim”, деб ёзган эканлар. Тошкент вилоятининг Паркент тумани — киндиқ қоним тўкилган азиз тупроқ. Виқорли тоғлари билан, шириндан-ширин мевали боғлари билан, гурурли, орли халқи билан жонимнинг ичida яшайди бу табаррук юрт — онамнинг юрти. Паркентда шоҳ ва шоир Бобурнинг излари қолган. Улуғ саркарда Ҳиндистонга кетар чоғида бир муддат Фаркатда (ҳайрон бўлманг, “Бобурнома”да шундоқ ёзилган) тўхтаб черик, яъни кўшин тўплаган эканлар. Шу маънода мен туғилиб ўстган тупроқнинг ҳар қаричида тарихнинг ўқилмаган яна қанча боблари пинҳон экан, деб кўп ўйлайман.

Боболарим илмли-маърифатли, ўз замонасининг олди инсонлари бўлишган. Уларнинг ҳалоллиги, ростгўйлиги, камтарлиги, сахийлиги ҳақида ҳанузгача қанчадан-қанча ибратли ҳикояларни эшишиб, теримга сифмай қувониб юраман. Сўнгра яхши хотира ҳам, ёмон хотира ҳам вақтлар келиб тарихга айланиши муқаррар эканлиги, аждодлардан қолмиш ҳар бир яхши из муқаддас эканлигини ҳар қадамда ҳис этаман.

Бувимлар Рихси отинойи деган ном билан халқнинг ичida ҳанузгача машҳурлар. Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим, муқаддас китобимиз Қуръони Каримни ёддан билганлар. Бутун ҳаёти давомида чумолига ҳам озор бермаганлар. Келинлари — менинг онам Мехринисо ая билан она-боладек яшаб ўтган бу фозила ва солиҳа аёл туриш-турмуши билан ҳам диний, ҳам замонавий илм қиёсида улуғ ибрат мактаби бўлганлар.

Отам — Эгамберди Салимов собиқ “Коммуна” колхозида хўжалик ишлари бўйича раис муовини бўлсалар-да, ниҳоятда ҳалол ва бир сўзли эдилар. Оиласига давлат мулкидан битта ҳас ҳам кўтариб келмаганлар. Оиласига беш қиз, бир ўғил туғилиб, камолга етдик. Мактабда бирортамиз ҳам

“тұрт” баҳо олмас әдік. Құп қийинчиліклар, йүқчилик... болаликнинг азобли армонлари юрагимнинг туб-тубига чүкиб қолған. Чакка ұтавериб ҳилвираб кетған мактаб томлари, муздек чақиб оладыган синф хоналари. Чакқадан ҳұл бұлған қора парталар, дийдирашиб дарс тинглаётгандың синфдошларим. Мурғак-мурғак, суяғи қотмаган қоракұз қалдирғочлар. Күзимизга боқолмай гунохкорларча дарс ұтаётгандың бириңчи синф муаллимим Усмон ақа... Әзаман десам, хотиралар, айтаман десам гап күп, Ҳулкар. Кейинчалик үсмирилекнинг илк паллалари. Адабиёт үқитувчимиз Намоз Носировнинг Ватанга фидайилик ҳақидағы унтуылмас сабоқлари, Җұлпоннинг яшириб үқиған шеърлари...

Онам бугунғи кунда 87 ёшни қаршилаяптилар. Умрлари зиёда бұлсın, бир гапни такрорлашни яхши күрадилар: Диңде дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама. Ҳозир ҳам ишдан, оиласдан бир оз бўш вақтни ажратта олишим билан онам ҳузурига — муқаддас Каъбамга ошиқаман. Оёқларига бош қўйиб, этакларини кўзимга суриб бир тўкилиб, бир тикланаб оламан. Сиз манимсиз — ватанимсиз, онажон, дейман ҳар сафар.

— Мен фикрингизни давом эттириб, сұхбатимизни 2001 йилнинг Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб номланишига бурмоқчиман. То унгача ҳам ушбу йилга зинаюя бўлиб келған Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соглом авлод йили ва ниҳоят...

— Оиласда фарзанд туғилса, унга албатта исм қўйилади. Йиллар эса аслида аср болалари. Мустақилликача йилларимизда мазмун бормиди? Биз ким әдік? Мустабид тузум йилларимизни ҳам, йўлларимизни ҳам, қалбларимизни ҳам, миллатимизни ҳам тарих хотирасидан, аср хотирасидан ўчириб ташлашга озмунча ҳаракат қўйладими? Тилинган тилларимиздан оқсан қонларнинг уволи ҳам тарих бўйнида туриди. Сор лочинларимизнинг ўққа учган қисматларининг дилни эзувчи мунглари ҳали минглаб китоблар бўлиб, тарих токчаларидан ўрин олажак. Мұхтарам Президентимиз мустақиллик йилларини ўз муносиб исмлари билан атадилар. Ҳар йили Конституциямизнинг навбатдаги байрамида халқимиз ширин бир энтикиш билан йилларга қўйилажак исмни кутишга одатланиб қолди. XXI асрнинг ибтидоси бўлмиш Оналар ва болалар йилига ҳам жуда катта рамзий маъно юкланған. Бу икки вужуд аслида илоҳий бирлик-ку, то ҳаёт мавжуд экан, бу бирликни ҳеч нима тұзита олмайды. Бу бирлик мавжуд экан, умр дарёси, ҳаёт дарёси абадий оқажак.

Бинобарин, мұхтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, онанинг жамиятдаги ўрни бекіёски, у бўлмаса: “Ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қиласи, ким уни Ватанга, халқقا садоқат руҳида тарбиялади, ким етук инсон қилиб вояга етказади?”

— Сиз Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раисисиз. Айтинг-чи, ўтган вақт мобайнида комиссия қандай ишларни амалга оширди?

— Парламентда, аввало бундай янги Комиссиянинг иш бошлиши давлатимизнинг оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган фамхурлигидан бир нишонадир. Бизнинг комиссия мавжуд қонунларимизнинг жойлардаги ижросини назорат қиласи, таҳлил этади, аёлларнинг ҳуқуқий билими йўлида турган муаммолар илдизини чукур ўрганади, уларнинг жамиятда тўлақонли яшавлари учун яратиб берилган имкониятлар доирасидаги фаолиятини янада кенгайтиради. Янги қонун лойиҳалари устида ишлайди, ўз таклифларини беради, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қиласи. Аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида ўзига хос ҳаракат дастури устида ишлайди. Режаларимиз кўп. Биз шу қисқа муддат — комиссиямиз ташкил бўлганидан, то шу пайтгача ҳам айнан шу тахлит иш олиб бордик. Табиийки, Оналар ва болалар йили муносабати билан ишимиз кўлами яна ортади.

— Сиз шоирасиз, мухлислар орттиргансиз. Масъул лавозимда ишлашнингиз ижод қилишинингизга халақит бермайдими?

— Шеърият — қисматим. Оддийроқ қилиб айтсам, боламдек гап. Она боласининг хаёлидан бир дам айро тушолмаганидек, мен ҳам шеъриятдан хаёлда ҳам узоқлаша олмайман. Фақат бир нарса, баъзан шеърларимни қоғозга туширишга ултурмай қоламан. Лекин ҳамма нарсадан бир узилолсам, роҳатланиб ёзаман. Кўп эълон қилишни ёқтирамайман.

Энг сўнгги китобларим “Хизр булоғи” (1997), “Гиёҳлар билан тиллашган инсон” (1998) нашрдан чиққач, ҳозир “Тонгта қасам” ва “Софинч қалдирғочлари” деган тўпламлар устида ишлайпман. Насиб этса, XXI асрда китобхонлар қўлига тегиб қолар.

— Шарқ ҳалқарида оиласы қадимдан эркак киши тебратар эди. Бизнинг асримизга келиб, бунинг акси. Бозор иқтисодини ривожлантиришнинг гўёки мұхим шартларидан бирига айланган тадбиркорлик соҳасига хотин-қизларимиз батамом

кўмилишди. Қоп кўтарган аёл, сигарета соттан аёл, хуллас, ҳар қадамда пул топиш учун муккасидан кеттган аёлларни кўрамиз. Шу кетишида ўзбек аёлининг жамиятдаги энг муҳим вазифалари қолиб, у ўз қиёфасини йўқотмасмикан?

— Бугуннинг аёли кечаги куннинг аёли эмас. Зарур пайтда илми, салоҳияти билан дунё минбарларидан туриб ўз сўзи-ни ўtkазиб келаётган аёл. Сиёсатда ўзини синааб кўраётган, сиёсий партияларда туриб, ҳақ-хукуқи учун баравар одимлаётган аёл. Қолаверса, битта-яримта қоп кўтарган аёл бугунимиз учун ижтимоий ҳодиса эмас. Инсон борки, ҳалол йўл билан тирикчилик қиласа, бунинг нимаси ёмон? Ўша аёлнинг турмуш ўртоғи имконсизdir, ёлғизdir. Қолаверса, аёллар табиатан синчков ва ҳаракатчан. Ҳаётнинг турли жаб-ҳаларида иштирок этишни ўзлари учун ҳам, ўзларини қудратли ҳис қилиш учун ҳам зарурӣ ҳодиса деб биладилар. Қадимги оналаримиз давлат бошқарувида иштирок этишган. Гулбаданбегим бўлиб тарих ёзиб қолдиришган. Отда юрганлар, қилич тақсанлар, зарур бўлса, ватан ҳимоясига шай турганлар.

— Ўзбекистон мустақилликка эриши, бу ҳар бир фуқаронинг кўнглига фаҳр-ифтихор туйғусини солади. Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, дунё миқёсидаги муаммолар... ҳалқаро терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик... Бундай иллатлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Бундай иллатларнинг келиб чиқиши онг билан боғлиқ жараён. Ҳаётдаги иллатларни одамлар келтириб чиқаришади. Сиз зикр этган иллатлар дунё афкор оммасининг азобидир. Бунинг замирида қабоҷат, ҳурлика, эркинликка қарши бўлган кучлар ётибди.

Биз туну кун онгу шууримизни уйғоқ, руҳимизни бедор ва сергак қилиб, мустақил Ўзбекистонимизни асранимиз керак. Шунда ҳар қандай иллатлар янчилади, якун топади.

— Илм-фан, таълим соҳасида аёллар жуда кўпчиликни ташкил қиласи. Лекин кейинги вақтларда илм-фан соҳасида аёллар сони камаяётгандек...

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида хотин-қизларимиз анча илгарилаб кетишли. Илгари “КПСС”ни кўкларга кўтариб, илмий мавзулар ўрганиларди, ёзиларди. Бугунги олимларимизни илм-фаннынг янги-янги қирралари қизиқтироқда. Илмий салоҳият ёшарайпти. Аввалари фан номзодлигини, докторларигини 40—50 ёшда ёқлашган. Ҳозирги ёшлар эса 25—35

ёшда шу даражага эришяптилар. Таълимдаги ислоҳотларнинг аксари ижроиси хотин-қизлар эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Фан билан шуғулланиш эса ҳар кимнинг ихтиёрий иши, демак, бунинг учун талаб қилинадиган салоҳиятни Оллоҳ ҳаммага ҳам беравермайди.

— Сиз ўз маънавий эҳтиёжларингизни нима билан қондирасиз?

— Китобдан кўра яқин дустим ҳам, ҳамроҳим ҳам йўқ. Мумтоз қўшиқларни тинглагандан, вужуд-вужудимдан тўкиламан. Ўзбекистонимиз “юлдузи” Юлдуз Усмонованинг қўшиқларини жон-қулоғим билан тинглайман.

Донишманд кишилар сухбатида бўлиш, дўстларим билан дийдорлашиб ҳам кўнглимга малҳам қўяди. Онамни кўрмок, дийдорига тўймоқ эса, буюк саодатdir. Она юраги эса сўнгти нафасига қадар бола учун уради.

— Инсоният янги асрга кириб бормоқда. Сизнинг тасаввурингиздаги янги аср... “Маърифат”нинг муҳлисларига эса, қалбингиздаги опшоқ тилаклар қандай?

— Янги аср таълимнинг ривожланиш асли бўлади. “Маърифат” газетаси эса қалблардан-қалбларга “кўприк” вазифасини утайди. “Маърифат” камолот, уйгониш учун, деган шиор юракларда жаранглайди. “Маърифат” миллий тикланиш йулида байроқдор бўлади. Устозларимизга эса, тинчлик, омонлик, хурлик абадий бўлсин.

ИНСОФ БОФИ

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси юртимизнинг ажойиб боғлари завол тошиб, довруғи етти иқлимга ҳетта мевалар тақчил бўлиб бораёттани, бозор иархи қимматлашиб кеттани хусусида бонг урган эди. Кўп минг сонли ўкувчиларимиз, кенг жамоатчилик газетанинг бу мавзудаги чиқишлиарини қўллаб-қувватлаган эдилар. Афсуски, завол тошган бор ва узумзорларимиз ҳали ҳам ўз қаддини тиклай олгани йўқ. Бунга азалий боғларимизни сиқиб қўйган пахта якказироатчилиги имкон бермай келди. Ҳеч бўлмаганда пахта учун нобоп, боғ учун эса қулай бўлган тог этаклари, қир-адирлар, тошлоқ жойларни ҳам боғзорларга буркай олмадик.

Бугун ҳалқимиз орзиқиб кутган дамлар келди. Келаси йилнинг ўзида пахта майдонлари 300 минг гектарга қисқармоқда. Ниҳоят, боғ ва узумзорлар барпо этишга ҳам фурсат етди. Ҳозир кузнинг сўнгти ойи. Ҳалқимиз пахта ташвишидан куту-

либ, нафас ростлаган пайт. Айни боғ бунёд этадиган палла. Бу мавсум баҳорнинг сўнгти дамларигача давом этади.

Сизларга мурожаат қилмоқдамиз азиз отахонлар, бободеҳ-қонлар, ветеран соҳибкорлар! Янги боғлар бунёд этишга бошқаш бўлинг. Боғлар келаси авлодларга мерос қолажак. Бу борада сизларга самарқандлик фидокор боғбон Фани ота Файзуллаевнинг ташаббуси ибрат бўлади, деган умиддамиз.

Мана, қариб бир йилдирки, ўша бир марта кўрганим — кўз қорачувларимга муҳрланиб қолган сеҳрли боғ — ер юзининг жаннати — юрагимни ажаб туйгуларга тўлдириб сирли фарофат ва шукуҳга тўлиб шовуллайди.

Турмуш ташвишлари деб аталмиш икир-чикирлардан дилим салгина ғаш тортган дамларда ҳам ўша боғ бутун латофати, булутлар билан сирлашган теракларининг вазмин чайқалиши, кекса чинорлар тагида шивирлаб қайнаб ётган, булоқларининг мусаффолиги, күшларнинг мастона чуфури билан хаёлимга бостириб кириб, дилим ойнасини қўёш тушган кўзгудек ярқиратиб юборади. Күшдек енгил тортиб, беихтиёр ўша боғни яна бир марта кўргим келади. Юрагим шеърга тўлиб-тошади. Бирдан ҳаммага яхшилик қилгим, ширин гапиргим, гўдакларнинг кўнглига қарагим келиб қолади. Наздимда ўша сирли боғнинг яшиллиги, қудрати вужудимга кўчгандай бўлади.

Ўша бир марта кўрганим боғда — дараҳтлар сарин елларга юзини тутиб шеър айтадилар. Булоқларнинг зилол оғушида ўйноқлаган балиқлар бундай дамларда бир нафасга тек қотиб, дараҳтлар шивирлашига ошно бўладилар. Тунда эса — йирик-йирик чақноқ юлдузлар бу боғга ошуфтаҳол термиладилар. Баъзилари боғнинг тароватига маҳлие бўлиб, шўх балиқлар ошёни бўлмиш булоқларга тушиб кетадилар. Боғ бўлса сувда юлдузлар билан ўйнашаётган балиқларга кўз ташлаб, шукуҳга тўлиб сирли шовуллайди. Ям-яшил бағри муҳаббат қўшиғига сел бўлиб чайқалади. Инсоннинг она заминга муҳаббатидан туғилган, муҳаббати билан йўғрилган қўшиқларига сел бўлиб.

Мен тасодифан бу боғ ва унинг ижодкори билан танишиб қолмаганимда, эҳтимол, умр бўйи бундай боғлар борлигини тасаввур ҳам қилолмай ўтган бўлармидим. Самарқандга борганимизда дўстлар фуур билан атайин олиб бориб кўрсатмаганида, ким билади дилимнинг бир чети инсон яратган бу мўъжизасиз кемтик бўлиб қолармиди?

Фани отанинг бοғи... Самарқандликлар бοғни оддийгина қилиб шундай атайдилар.

Бундан саккиз йил муқаддам Жомбой районининг Октябрь номидаги колхози худудида ташландиқ булиб ётган уч гектарга яқин қаровсиз ернинг йиллар ўтиб, мұжиза ва фахрга айланиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Ер аллақандай заводдан чиққан чиқиндилар маконига айланиб йиглаб ётарди. Бир пайтлар зилол мавжлари қүшик бұлган “Күктанота” ва “Қорасув” булоқларининг күзи беркилиб қолган, бу ердан гоҳ-гоҳида адашиб ўтиб қолган машиналарнинг чангидә одам күрінмай кетарди. Ер эса унсиз йиғларди. Унинг күз ёшларини қалдан ҳис этадиган, күра оладиган бирорта азамат топилмас эди.

Шунда Фани ака Файзуллаев пенсияга чиқди. У узоқ йиллар — оз эмас йигирма беш йил — шу колхозда бош агроном булиб ишлаб, хұжалик шон-шуҳрати, иқтисодиётiga үзининг салмоқли ҳиссасини қүшиб, ниҳоят, ҳордик чиқармоқчи бұлды. Бу — 1981 йилнинг бошланиши эди. Колхознинг учинчи бригадасыга қарашли ташландиқ жой ҳамон шундайлыгыча ётарди.

Фани ота у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди. Дам олиш ҳақидаги фикрлари ҳам тұмтароқ бұлды. Ернинг ақвөлини күриб юраги вайрон бұлды. Баһорда колхоз маъмуриятига “ташландиқ ерни обод қилишга рұхсат” сұраб ариза берди. У құлиға кетмөн олиб ерни дастлаб чиқиндилардан тозалашға киришганида, истеңзө билан мийигида кулиб ўтганлар ҳам, ошкора “Бу ишиңгиздан ҳеч нима чиқмайды, Фанибой, үзингизни бекорга овора қиладиган бұлибсиз-да”, — деганлар ҳам күп эди. Фани ака ҳамма нарсани осойишта қабул қиларди. Яхши сүзларни ҳам, пичингларни ҳам... Аммо бир куни жуда жонидан ўтиб кетгач, “роса бир йилдан кейин шу ерда етиширилған қовун-тарвузларни ўз қулингиз билан узиб чиқасылар, мәхмөн қилиш биздан”, — деди.

Бир йилдан сүнг худди шундай бұлды ҳам. Бу орада ариқ ёқаларига әкілгап арча, чинор, қарағай, күксултон, олхұры күчатларининг танасига ҳаёт суви югуриб, қалди тикланиб қолган, полизларда эса құчоққа сиғмайдиган қовун-тарвузлар шириллигидан тарс ёрилиб, хуш бүй таратиб ётарди. Йиғилғанлар ҳам хумордан чиқиб, мәхмөн бұлдилар. Фани ака уларга яна қовун-тарвузлар бериб ҳам юборди. Ҳамма сукутда эди. Ҳамманинг миннатдор нигоҳи Фани отага қаратылған эди. Сукунатни табаррук қария бузди: “Қулинг дард

кўрмасин, ўғлим”, деди у. Йигитнинг марди сўзининг устидан чиқади. Барака топ!”

Фани акага нима керак эди ўзи? Одамларнинг оғзига тушиш ёки шон-шуҳратми? Йўқ, шуларсиз ҳам районда ўз ўрнига эга эди. Қайга борса давранинг тўри уники эди. Тўйлар унинг маслаҳатисиз ўтмас эди. Бироқ... Фани аканинг наздida миннатдорчилик сўзларини табаррук қария эмас, ўша — ўзи кўз ёшларини авайлаб арта бошлаган қаровсиз ер — она замин айтиётгандек эди. Шунда унинг кўкси ажаб илиқлик билан тўлди, айтиладиган сўзлари негадир томоғига тикилди, ўзига: ишнинг асосийси энди бошланади, деб кўйди.

Чиндан ҳам, ҳақиқий иш кейин бошланди: Фани ака тун ва кунни ёдидан чиқариб ерга бор кучини, муҳаббатини сингдириди. На ўзи тинарди, на болалари. Аввалига у уста меъмордек яратилаётган боғ тарихини эринмай муфассал чишиб чиқди. Экиладиган дараҳт кўчатларининг ўрнини белгилади. Мевали ва манзарали дараҳтларнинг кўчатидан 14 мингини жумҳуриятимизнинг турли жойларидан елиб-югуриб олиб келди. Бениҳоя авайлаб она замин бағрига уларнинг томирларини туташтириди.

Кўчатлар-ку экилди. Аммо уларнинг томиридан оқувчи ҳаётбахш қон — сувни қаердан олиш мумкин? Фани ака Файзуллаев кўп ўйлади, хуноб бўлди, бироқ бу тутунни ҳам ечди. “Хаёлимга бир пайтлар чиқиндилар билан кўмилиб кетган “Кўктанота” ва “Қорасув” булоқлари келди, — деб хотирлайди Фани Файзуллаев. — Аммо улар шу даражада текисланиб кетган эдик, анча вақтгача нима қилишни билмай бошим қотди. Булоқнинг аввалги ўрнини билган одамларни сўраб-сuriштиридим. Тахминан қайнар жойини белгилаб, узоқ қазидик. Жарроҳлик қилдик ҳисоби. Ниҳоят, булоқларнинг кўзи очилди, мана ўзингиз кўрганингиздек, бокқа шунчайилдан бери оби ҳаёт таратиб турибди. Боғ шу булоқ сувлари ва парвариш, меҳр билан тирик”.

Чиндан ҳам ширин мавжлари қирғоқларини беозоргина ўпириб ётган булоқларни, унинг ичидаги ўйноқлаган баликларни, оҳиста-оҳиста сузуб боғ ҳуснига ҳусн қўшайтган қайиқларни кўриб, беихтиёр дилингиз фараҳга тўлади. Бу фараҳнинг замирида нечоғлик оғир кўллар меҳнати ётганлиги беихтиёр дилингиздан кечади. Бу боғ осонликча яратилдими? Ушбу саволимизга Жомбой район касалхонаси шифокори Мехри Абдуллаева шундай жавоб қайтарди: “Фани аканинг бир ажойиб одатлари бор. Қилган меҳнатлари, ўзлари

хусусида гапиришни ёқтирмайдилар. Соғлиқлари хусусида ҳам. Маълумки, у киши бизнинг район шифохонаси ҳисобида турадилар. Қанд қасаллиги билан оғриганлар. Бундан бир неча йил бурун у кишига инсулин уколини қилиб, уйга юборган эдик. Қатнаб укол олардилар. Бир пайт Фани акани оғир аҳволда қасалхонамизга олиб келишди. Ўзларини билмайдилар. Кейин билсак, улар олган уколлари ёдидан кўтарилиб вақтида нонушта қилмабдилар. Боғда ишлайверибдилар. Натижада дори оч организмга ўз кучини кўрсатган. Аҳволи оғирлашиб қолгунча ҳеч кимни ёрдамга чакирмаган. Хайриятки, шу пайт бокқа катта ўғиллари Абдуҳолиқ келиб қолган.

Абдуҳолиқ Фани аканинг бош фарзанди. У ҳам отасининг изидан борган. Ленинград қишлоқ ҳужалик институтини тугатиб, “Сельхозхимия”нинг район бирлашмасида агроном бўлиб хизмат қилмоқда.

— Биз олтита фарзанд — қайси соҳада бўлмасин дадамдан ибрат олишга ҳаракат қиласмиш. Мен кўпинча Ленинградда ўқиб юрган пайтларимни эслайман, — деди Абдуҳолиқ ўйчан. — Ёзги таътилга келган вақтларимда ҳам дадамнинг ёнларида юриб, доим боғ ишларига қарашардим. Дадам ҳаммамизни ҳам ортиқча эркалатганларини эслай олмайман. Баъзи пайтда тўғри шу ердан аэропортга — самолёт унишга бир-икки соат қолганда чиқиб кетардим. “Бекор юргунча бекор ишла”, — дейдилар дадамлар доим.

Маълумки, турғунлик йилларида, ҳатто ундан ҳам олдинроқ инсон ва табиат орасидаги мувозанат сезилар-сезилмас бузила борди. Мевали дараҳтлар шафқатсизларча йўқ қилинди. Халқимизда: “Бир туп дараҳтни йиқитсанг, ўрнига ўн тупини ўтқазишни унутма”, — деган ҳикматли гап борлигини кўпчилик унтиб кўйди. Шифобахш жилонжийдалар, нон жийдалар, нашватилар, ҳар бири бир коса шарбат берадиган анорлар, серсув луччак шафтолилар, оғизда эриб кетадиган оқ ўриклар — мен санаб саногига етиб улгуромайдиган жуда кўп ноёб мевалар, инсоннинг толиқдан вужудига малҳамижон бўлиб шифо берадиган анвойи резаворлар эртакларга айланиб қолди. Бозордаги нарх-наво осмонда. Тарози палласининг бир томонини инсон, бир томонини мевалар банд қиласиган бўлса, табиийки, жуда кўп нарсани йўқотганимиз маълум бўлиб қолади.

Фани ака яратган боғда мени энг қувонтирадиган нарса йўқотилган, камёб бўлиб қолган мева турларининг ҳосил чўғидан қаддини кўтара олмай ер билан сирлашиб турган-

лигидир. Ишкомларда ҳусайнилар, узумнинг йўқолиб кетаётган тури — соҳибилар болга тўлиб кўзингизни олади. Ҳар бири пиёладек-пиёладек олмалар, беҳилар, қизларнинг кўзларидек тимқора чарослар. Барчасида Фани аканинг тинимсиз меҳнати уфуриб туради.

Қизиқ, боғни айланиб юриб, менда баъзан ғалати фикр уйғонади: “Фани ака ҳам тинчгина нафақасини олиб уйда ётганда нима бўларди? Шундай деб ўйлайману, хаёлимдан ўзим чўчиб кетаман. Унда нима бўларди? Унда — шахсий ором — ер юзининг мўъжизаси бўлган бу боғни еб қўйган бўларди. Мен жуда катта ишонч билан Фани ака яратган боғни ер юзининг жаннати деб атадим. Зеро, бу сўзимдан ҳеч қачон қайтмайман ҳам. Чунки улуг рус адиларидан бири ҳасрат билан таъкидлаганидек: “Ҳар ким ўз томорқасида яхши ишласа, ер юзи қандай гўзаллашар эди”. Агар адаб орзусини биз янада кенгайтириброқ талқин қиласидиган бўлсак: “Ҳар ким шахсий оромидан кечиб, боғлар яратса, ер юзи аллақачон жаннатга айланган бўлар эди”, — дегимиз келади.

Боқقا кираверишда жуда гаройиб кўприкни учратасиз. У булоқ сувлари оқиб ўтадиган ариқнинг устига омонат ташлаб қўйилган. Ёнма-ён қўйилган иккита темир из инсон қадамларига мўлжалланган, холос. Фани акадан: “Бу қандай гаройиб кўприк бўлди?” деб сўрасам, у киши кулиб: “Мен уларни жаннатга йўл деб атадим”, деб жавоб бердилар. Бирозгина юмор билан қайтарилиган бу теран жавоб замирида жуда кўп маъно ётибди.

Фани ака ўзи яратган боғни ҳар хил қадамлар ва қўзлардан асраш мақсадида атайн шундай йўл тутгандарини англадим. Бироз сукутдан сўнг у киши: “Боғ сал кузга куриниб қолгандан кейин бирдан эгалари кўпайиб кета бошлади”, — деб кўшиб қўйдилар. Кучатларни экканимиздан кейин учтўрт йил ўтгач, дараҳтлар ҳосилга кира бошлади. Бу орада дараҳт оралиқларидаги бўш жойларга ҳам қовун-тарвуз экиб, ҳосил ола бошладик. Ҳаммасини ҳисоб-китоби билан колхоз ҳисобига ўтказа бошладим. Топширганим ҳақидаги ҳужжатларни битта папкага йигиб бордим. Юрагим буладиган нохушликни олдиндан сезган эканми, “колхоз ерини ўзлашибириб, ўз ҳисобига фойдаланиб ётибди”, дегай “қаҳрамонлар” ҳам топилди. Улар “юмaloқ хат”дан фойдаланишиди. Ҳайриятки, ҳақ ҳамиша қарор топади. Ўша ҳужжатлар иш берди. Ёзганларнинг юзи қаро бўлиб қолди”, — Фани ака шундай деб бир хурсиниб қўйди.

Бу ерда бироз орқага чекиниш бўлса-да, болалигимни мамнуният билан эслайман. Бофимизда олтига фарзанд — яъни ҳаммамизнинг ўз дараҳтимиз бўларди. Биримизнинг чекимизга оқ олма, яна бировимизга қимизак олма ва ҳоказолар тушган эди. Биз туғилганимизда ота-онамиз яхши ният билан мевали дараҳт кўчатларини ўтказишган экан. Биз дараҳтларнинг бўй-бастига қараб қувонардик, меҳмонларни “ўзимизнинг мевалар” билан сийлардик. Кейин йиллар ўтиб уларнинг кўпи кесилиб кетди. Уларга қўшилиб бизнинг қувончларимиз ҳам барҳам топгандай бўлди гўё. Бугун Фани ака яратган боғда ўша унуглийнинг ажойиб удумларимизни кўриб теримга сифмай қувониб кетаман. Чунки, бу улкан боғда Фани аканинг неваралари номидаги дараҳтлар ҳам боғ ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Боғдаги ҳар бир дараҳтлар жонли каби сизга талпинаётгандек туюлади. Бениҳоя текис қилиб йўлканинг икки тарафига экилган мирзатеракларни сал узоқдан кузатсангиз, уларнинг учлари гўё уфқ билан бирлашиб кетаётгандек хаёлий манзара ҳосил қиласади. Мен уларни қуёш ботаётган пайтида томоша қилган эдим. Шунда ботаётган қуёш нурлари билан ўйнашаётган япроқлар шоду хуррам бўлиб, рақсга тушаётган қизалоқларни эслатганди менга. Хаёлимдан севимли ёзувчимиз Одил Ёкубовнинг: “Аслида табиатни ҳам жонли одам каби тасаввур этишимиз лозим. Инсонга қилинган ҳар қандай адолатсизлик нақадар бир хоинлик бўлса, табиатга қилинган адолатсизлик ҳам аслини олганда шундай. Чунки адолатсизлик инсонни ўчакиширгандай, табиатга қилинган хоинлик ҳам уни албатта ўчакиширади. Халқимиз, қайтар дунё деб бекорга айтмаган”, — деганлари ўтади. Чиндан ҳам, мевали боғларимизнинг камайиб кетиши, ҳавонинг ифлосланиши, заҳарли моддаларнинг инсон қонигача кириб олганлиги бугунги кунда табиатнинг қаҳрини қўзғатди. Витамин этишмаслиги ва бошқа турли сабаблар боис республикамиз аҳолиси ва болалар ўртасида турли касалликлар кўпайиб кетди.

— Айниқса, сариқ касаллиги кўпайиб кетганлигини айтмайсизми, — хаёлчан таъкидлайди боғон. — Бундай касаллик билан оғриган одамларнинг жигарини тарвуз суви билан кўпроқ ювиб юбориш керак. Бунинг учун унга дори солинмаган бўлиши керак. Аммо унақасини қаердан топасиз. Дори солинмаган мева бизнинг замонамизда анқонинг уруғидек гап. Мен боғимизда этиштириладиган қовун-тарвузларга дори бермайман. Баъзан олдимга келишади: Фани ака

қовун-тарвузингизни дори емаган деб эшилдиң, берсангиз, деб. Шунда ўйлаб қоламан: табиат табиат деймизу, ўзимиз күпчилик ҳолларда инсоф деган нарсаны эсимииздан чиқариб қўйдик, чоғи.

Инсоф деган нарсаны эсдан чиқариб қўйдик чоғи.

Шу бир оғиз калимаси билан Фани ака кўп нарсаларни ёдга тушириб юборди. Бугунги кунда гўдакларнинг нонини тия қилаётган катталарни кўрганимда, харидор ҳақини кўзини бақрайтириб туриб уриб қолаётган сотувчини учратганимда, пора билан амал курсисини эгаллаётган чаласавод раҳбарни кўрганимда, мевали дараҳтларнинг ҳосилини хомлигига даёқ қийратиб, шоҳларини синдириб йўқ қилиб кетаётган кўзи оч болаларни кўрганимда беихтиёр Инсофни ёдлайман. Ўкинаман. Бироқ, кўз ўнгимда яшил қудрат билан шовуллаб турган Фани аканинг боғи изтиробларимни тарқатиб юборади. Фани ака яратган бу боғнинг ўзи камёб бўлсада, Инсофнинг меваси эмасми, ахир??

Бу боққа мактаб ўкувчилари, боғча болалари ҳам тез-тез келиб туришади. Фани ака уларни энг азиз меҳмон сифатида кутиб оладилар. Чунки у болаларни жонидан ҳам ортиқ яхши кўради. Фани ака болаларга табиат билан ошночиликни жуда эрта, она заминга илк қадам қўйган дамлариданоқ бошлиш кераклигини эринмай уқтирадилар. Келажак боғларини фақат улар яратса олиши мумкинлигини иштиёқ билан сўзлаганларида, болалар унга маҳлиё бўлиб қоладилар. Аммо Фани аканинг юрагида яна бир орзу бор:

— Мана, боғнинг ташкил бўлганига ҳам саккиз йил бўлибди. Унча-мунча уринишинга қарамасдан боғ ҳеч қандай дам олиш зонасига айлантирилмади. Ўзимга қолса, боғ болалар дам оладиган истироҳатга айлантирилса. Оромгоҳми ёки болалар учун профилакторийми қурилса, нур устига нур бўлар эди. Ҳозирча бу жумбоқ ечилгани йўқ. Мутасадди ўртоқлар эътибор бергиси келмаяпти, чоғи. Мен бўлсам йилдан-йил кучдан қолаяпман. Ахир боғии парвариш қилишнинг ўзи бўладими. Бир раҳбар ўртоққа, “Болалар оромгоҳи қилайлик”, девдим, у киши кулиб: “Кўйинг болаларни, ўзимиз дам оладиган жойга айлантирамиз”, дедилар. Агар биз ҳозирдан болаларимиз қалбida табиатга меҳр уйғота бормас эканмиз, унда келажак авлод олдида юзимиз шувит бўлиб қолади.

Фани ака ҳақ гапни айтдилар. Биз келажак олдидағи бурчимизни ҳозирданоқ вижданан адо этишни бошламасак, табиат ва жамият олдида кечириб бўлмайдиган навбатдаги

хатога йўл қўямиз. Маълумки, бугунги кунда асримиз фожиаси — Орол дарди билан изтироб чекмаётган киши камданкам топилади. Аммо ўзининг қайтадан қад кўтариб, тикланнишини кутиб ётган — яшил Оролимиз — мевазор боғларимиз-чи? Ўрта Осиёning кескин иқлимини мұтадиллаштириб турувчи яшил дўстларимиз тақдирни билан қизиқиб, она заминимиз бағрида яшил инқилоб ясаш даври аллақачон келмадими?

Фани аканинг ўзи яратган боғда болалар истироҳатгоҳини ташкил этишни мўлжаллаганлиги бежиз эмас. У бу фикрни баъзи дўстлари билан ўртоқлашгандаги турли мулоҳазаларни эшилди. Баъзилари: яхши ўйлабсан, дейишса, баъзи бирорлари шунча йил азоб билан бунёд этган мўъжизанг болалар қўли остида пайдон бўлиб кетади, деган фикрларни ҳам билдириди. Аммо Фани ака бу мулоҳазаларга қўшилмади. Экологик онгни, табиатга муҳаббат тафаккурини ўша табиатнинг ўзисиз шакллантириб бўлмайди. Фани аканинг ажойиб боғи эса сўзсиз шундай тарбиянинг айнан ўзидир.

Инсон қўли билан яратилган мўъжиза. Ҳали кашф этилмаган, аммо аллақачон она заминимизнинг яшил китобига зарварақ бўлиб қўшилган бу боғни самарқандликлар одийгина қилиб “Фани аканинг боғи” деб атайдилар. Дараҳтлар сарин елларга юз тутиб шеър айтадиган, тунлари йирик-йирик чақноқ юлдузлар булоғида чўмиладиган бу жаннатни мен “Фаниобод” дегим келади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, меҳнат ва уруш ветерани Фани ака Файзуллаевнинг боғи...

1992 йил

МЕНИНГ АРМОНЛАРИМ



ЮРАККА САНЧИЛГАН ИГНАЛАР

Уч йил мобайнида күрган-кечиргандаримни эҳтимол умр бўйи ёзиб тутатолмасман. Кўз ўнгимда ҳали етти ёшга тўлмас-да, нигоҳлари чуқур дард билан тўлган қизалоқ ҳаёт билан видолашди. Кўз қорачигларига алам, армон ва ҳайрат муҳраниб қолди.

Алам ва армоннинг мазмуни менга таниш. Бироқ унинг кўзларидаги ҳайрат нима учунлигига то ҳануз жавоб тополмайман. Тунлари уйкумни, кундузлари ҳаловатимни ўғирлаб, юрагимда оғриқ пайдо қиласидиган бу бегуноҳ кўзлар мени қайта-қайта суроқ қиласверади. Гүё: “Бу ёруғ дунёдан нега жуда эрта кетдим? Нега мени асраб қололмадингизлар?” деяётгандек бўлаверади.

Наргиза хушсиз ётар, кўз қорачигларидаги ҳаёт шамининг сўнгги нурлари сўниб бораради. Мен у ётган палата эшиги олдида зир югурдим. “Кутқариб қолинглар”, деб ҳаммага ялиндим. Аммо... кеч эди, маккор касаллик ўз ишини қилиб бўлганди.

Кейин уни қариндош-уруғлари Сурхондарёга олиб кетишиди. Мен эса бемор қизалоғимни бағримга босиб, тун бўйи йиглаб чиқдим.

Қизалоқ ташлаб кетган жароҳат вақти-вақти билан янгиланаверди. Мени азобга солаверади. Боиси Наргиза фожиаси bemорхоналардаги ягона воқеа эмас... Уч йилдирки, қизалоғимни турли касалхоналарда олиб ётаман. Гўдаклар фожиасининг гувоҳи бўламан. Шифокорларнинг ички азобдан синикиб кетган чехраларига ҳар гал кўзим тушганда, мени қийнаётган, негадир тил учига кучиши қийин бўлаётган бир хил жавобни уқаман: ҳаммасига айбдор жиноятчи игналар, сарик касаллигининг миллионлаб вирусларини ўзида яширинча сақлаб, ширин-шакар фарзандларимиз ҳаётига чанг солаётган, ёстигини қуритаётган иблис игналардир.

Мен болалигимдан шифобахш игналар борлиги ҳақида эшишиб келардим. Республикамиздаги минглаб болаларни чечак, бўғма, кўййутал каби касалликлар билан оғриш хав-

фидан ҳалос этган ўша игналар чиндан ҳам шифобахш эди. Ўшандада игналардан бирор-бир касаллик юқтириб олиш биз болаларнинг ҳатто тушимизга ҳам кирмас эди. Муолажаларни ҳадиксиз қабул қиласардик.

Аммо бугун-чи? Сал бошқачароқ манзарага дуч келамиз: ёш болаларни эмлашга ёки даволашга олиб бораётган ҳар бир ота-онанинг юрагида пинҳоний ҳадик яшириниб ётади: “Ишқилиб, биронта бошқа бир касаллик юқиб қолмасинда!” Бирмунча эҳтиёткорлари ўзлари билан қайнатилган игналарни олиб борадилар. Аммо касалхонада даволанаётгандар-чи?

Улар даволаниб ҳам чиқадилар. Орадан уч ой, олти ой, борингки, бир йил ҳам ўтади. Кутимаганда овқат емай, кўзларини очолмай, иссиғи тушмай қайт қилаётган боланинг қонидан шифокорлар сариқ касаллигининг вирусини топиб беришади. “Болангиз сариқ касаллигининг “В” формаси билан оғрибди. Нима, укол-пукол ҳам олувдингларми аввалроқ?” деб сўрашади. Ота-она бошини чанглаб, ўтириб қолади. У ёғи эса таниш манзара: даволаш, даволаш, бир йилгача парҳез. Бола эса севимли мушгулотларидан маҳрум, на югуриши мумкин, на севимли овқатини ейиши. Кейин эса... Бола барибир бола-да. Югуриб қўяди ёки нимжонроқ бўлса, касаллик маълум вақтдан кейин яна қайта хуруж қиласади. Қарабисизки, яна чоп-чоп. Яна томиридан турили дорилар юборилади, яна парҳез. Бола сояда ўсан гул каби ҳолдан тоя бошлайди. Игнани кўрса, кўрқиб йиглади.

Кошки, шу билан тузалиб кетса, олам гулистон бўлардиди. Лекин... Ҳамма гап масаланинг ана шу “лекин” томони ортида, сариқ касаллигининг яширин “В” кўриниши билан оғриган гўдаклар орасида юз бераётган фожиада.

— Республикаизда сариқ касаллиги туфайли бир йилда ҳаётдан кўз юмган гўдаклар қанча?

Статистика жим.

— Шулардан қанчасининг ўлимига жиноятчи игналар сабаб бўлади?

Статистика яна жим. Рақамлар жим. Аммо болалар ўртасида сариқ касали кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Болалар ўлими жиҳатдан эса республикаизда ҳамон ўша даҳшатли манзара: Иттифоқда биринчимиз-да.

Бутифос туфайли ёки бошқа сабаблар билан касал бўлган беморларга ишлатилган игналарни керагича ишлов бермай соғлом вужудларни эмлашга, даволашга шошиламиз. Оқибат-

да қош құйман деб, күз чиқарамиз. Куриб, хароб булаётган Оролимиз, үртамиёна бўлиб қолган саводимиз, йўқолиб кетган мевазор-боғларимиз, ифлосланган ҳаволаримиз камлик қылгандай, гўдакларимиз, катталар ҳам сариқ касаллигининг яширин кўринишидан мудом “баҳраманд” бўлиб юрадилар. На оғир ишга ярайдилар, на оиласа. Бир марта ишлатганимиздан сўнг ташлаб юборишга қўзимиз қиймаган игналар эса ҳамон “қош ўрнига кўз чиқариб” юраверадилар. Кейин касаллик яширин ҳолда бир куни ўз кучини кўрсатади. Фунчалар очилмай хазон бўлади. Гўдаклар қон кусиб ўладилар. Даҳшатли касал бу жигар циррози.

Наргизанинг сўнгги кунлари кўз олдимдан сира кетмайди. Унга юриш мумкин эмас эди, лекин у шишиб кетган қорнини авайлаб кутариб беморхонадаги телевизор турган хонага соат кечки 8.20 да аста бораради: бирдан-бир юпанчи марказий телевидениенинг “Хайрли тун, кичкитойлар” программаси эди. Кўзларига чўккан мунгни гоҳида кўрсатув бироз тарқатгандай бўларди. Кўрсатувдан сўнг у яна улкан беморга айланиб қоларди. Ўлимидан бир кунгина аввал у икки оғизгина гапирди. “Уйга борсам, муъффильмдаги хув қизалокқа ўҳшаб мен ҳам гуллар тераман, опа. Гулларимиз жуда кўп”, деди холос. Яқинлари узоқда эди. У мени опа дерди. Афсус, у терадиган чечаклар жуда олисларда қолиб кетди. Унинг ўзи ҳаётдан жуда эрта узилиб кетди.

Касаллик туфайли ҳаётдан эрта кетган укажонларимиз, фарзандларимиз, сингилжонларимиз. Келажакларимиз, Ал-помишу, Барчинларимиз, Усмон Носирларимизу Чўлпонларимиз, Нодирабегимларимизу Қодирийларимиз! Биз — жуда кўп нарса йўқотавериб, ўрганиб қолган, юрак олдириб қолган заҳматкаш халқ — энди ўрнингизни қандай тўлдиримиз?

— Агар шу вируснинг кушандаси топилса эди, кашфиётчи Нобель мукофотига сазовор бўларди, — деб орзу қиласи шифокорлардан бири.

— Бир марта ишлатиладиган игналардан атиги минг дона беришди. “Сариқ” болалар тўлиб-тошиб ётибди. Аранг бир ҳафтага етади, — ҳасрат қиласи тиббиёт ҳамшираси.

— Вирус қандай қилиб игналарда сақланиб қолиши мумкин. Автоклавларда иссиқлик даражаси жуда кучли-ку, — ҳайратланиб сўрайман шифокордан.

Улар индашмайди. Юриб-юриб саволимга жавобни шифохона санитаркасидан топгандай бўламан. У бепарвогина чой ҳўпларкан: “Нима, автоклавдагилар пайғамбариди,

ўзимизга ўшаган одам-да. Босим даражасини қонун-қоидага мувофиқ эмас, сал пастроқ қўйган бўлишлари мумкин-ку”, деб тахминини билдиради. Аммо тахмин билан иш битармиди. Безовта юрагим мени яна сўроққа тутаверади: нега, нега, нега?

Хаёлларда болаликка қайтаман. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг:

Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди,
Ярми эса ўтди bemорхонада, —

деган сатрлари ёдимга тушади. Етти ёшга тўлган қизалотимнинг ўз ҳолига қайтмаётган жигарини надомат билан сийпалар эканман, “Болалигинг ўтди bemорхонада, қизим”, деб пичирлайман.

Менинг болалигим қўёш жазиллатиб куйдириб ётган, билқ-билқ тупроқли қишлоқ кўчаларида ўтган. Юзлари анордек қушни қизалоқлар. Хилма-хил мевалар, турли ўйинлар, қувлашмачоқ, бекинмачоқ ва ҳоказолар. Парҳез нима? Игна нима? Касаллик нима? Билмасдик. Тасаввуримда олам ёлғиз нур билан мунаvvар қизалоқ эдим, болам. Бугун игна туфайли бир хил дард ортирган она-ю бола — сену мен парҳез қиласиз, бирга ҳасратлашамиз. Сен бўлсанг ҳар куни айнан бир хил савонни берасан:

- Қачон бутунлай тузалиб кетаман, ойижон?
- Қачон менга югуриш мумкин бўлади?
- Қачон мен хоҳлаган овқатимни ейман, ойижон?

Юрагимга бетўхтов санчилаётган сўроқ — игналар... Уларга қачон жавоб топишим жумбоқлигини билган ҳолда қизчамни юпатаман:

— Ҳадемай тузаласан, қизим. Кейин сени тоғларга олиб чиқаман.

Қизимнинг юзларида қувонч ловуллаб ёнади. Кейин томчи дори олавериб қийшайиб кетган томирларини кўрсатиб, менга илтижо билан қарайди: “Тоқقا борсак, мен роса кучли бўлиб кетаман-а, ойижон. Томирларим ҳам аввалгидек тўгри бўлади. Ҳеч ким мени томирларинг ёмон экан, деб уришмайди-а?” Кейин бирдан кўзларига мунг тўлади, қовоқлари уюлади. “Катта бўлсам, жиноятчиларнинг албатта жазосини бераман”, деб қўшиб қўяди. Менинг эса, игналар ўша пайтгача яна қанча гўдакларнинг болалигига завол бўлар экан, деб юрагим орқамга тортиб кетади.

Яширишнинг нима ҳожати бор. Мен — республикамиздаги минглаб оналарнинг биттагинаси — сариқ бўлган қизим туфайли тортмаган азобим қолмади. Шу кунгача ўзимни унтиб яшадим. Игнадан яширин юқсан бу касал шунча даволанишимиз, югуришимиз, шифокорларнинг қанча ҳаракатига қарамай сурункалига айланиб қолди. Она учун фарзанд хасталигидан даҳшатлироқ дард йўқ дунёда. Бугун эса ўз-ӯзимни саволларга кўмиб юбораман: Капиталистик мамлакатларда медицинага татбиқ этилган фақат бир марта ишлатиладиган иғналар бизда қачон жорий қилинади? Нима учун Ўзбекистонда гепатологик, яъни жигар фаолиятини мукаммал ўрганадиган марказ ташкил қилинмаган? (Ваҳоланки, бундай марказлар З миллион аҳолиси бўлган Латвияда аллақачондан бери ишлаб турибди). Сариқ билан касалланган болалар такрор ва такрор (аксарият ҳолларда) bemorxona хизматидан фойдаланганда сарфланган давлат маблағини бир марта ишлатиладиган иғналарга сарфласак, ҳамма айбни жиноятни бечора иғналарга тўнкаб ўтирумаган бўлармидик. Мен ҳар ҳолда шифокор эмасман, иқтисодчи ҳам эмасман. Бироқ гўдаклар фожиаси илдиз отиб кетмасин, деб қаттиқ изтироб чекаман. Минглаб Наргизаларнинг тақдирини бир она сифатида ҳеч қайси гўдакка раво кўрмайман.

Туни билан йиглаб чиққанман, ўша оқшом кимдир мени койиган бўлди: қўйинг, мунча куйинаверманг бегона қизалоқ учун.

Шунда кўз ёшлиларим нафратдан куриб қолди ва армон билан: қачон дардларимиз бегона бўлмас экан, дедим. Санчайтган юрагимни ушлаб, қачон юракларимиз улкан юрак бўлиб бирлашади дедим... Йўқолаётган ҳайратларимизни қачон асраб қоламиз, деб ўйладим ва йўқотган оламимиз аввалгидан ҳам гўзал ва яхлит қайтиб келишини орзу қилдим.

Зеро, қули қадоқ ҳалқимиз бор экан, инсон юрагини мўлжалга олган жиноятчи иғналарни бартараф қилиш йўли топилади. Қизим бўлса дугоналари даврасида хоҳлаганча югуриб, ҳар тонг худди аввалгидек кувноқ чехра билан коинот сарварини “Ассалом, қуёш бобоҷон” деб қаршилайди. Наргизалар ўзи етмаган баҳорларга албатта етадилар.

Оналик кувончининг абадийлигини таъминлайлик, болалик дунёсини bemorxona тўшакларидан олиб чиқайлик. Уларни тупроқли, қуёшли кўчаларга ялангоёқ қўйиб юборайлик, токи, кўпчилигимиз сезмаган ва маҳрум бўлган она

Замин меҳри болаликдан қонларига сингиб кетсин. Шунда улар улғайиб ҳеч нарсаны йүқотмайдилар. Жиноятчи игналар эса ҳеч кимнинг юрагига санчилолмайди.

АЁЛ БҮЛИШ ОСОНМИ?

Таажжуб, неча кундирки, тушларимга түлин ойдек чехрасида гоҳ шодлик балқиб, гоҳ изтироблар кўланкаси қалқиб Кумушбиби киради.

Ўнгу сўлида беадад кокиллари ювошгина чарх урадилар, қўлларида очиқ қолган девон саҳифаларига кўз ёшлари беихтиёр томиб кетади. — Бегим, — дейди у заррача таънасиз.

— Бегим, — дейди у сўнгги дақиқаларда ҳам беҳол. Бегим... м..., — деб инграйди у, сўнг уялинқираб жон беради...

Аёл ўлимининг бу қадар гўзал тасвиридан жисму жонимда изтиробли фалаёнлар бошланади. Китобнинг сеҳрли қуратига яна қайта бериламан. Кўз ёш тўкаман, овунаман ва турмушнинг кундалик икир-чикирларига одатдагидек шўнғиб кетаман.

...Куёш чиқади, қуёш ботади. Ўтаётган ҳар бир дақиқа аёл кўзларига, ёнокларига, соchlарига ўз муҳрини босиб кетаверади. Кечкурун уйга ишдан ҳориб-толиб, бир қўлида боласини, бир қўлида рўзғор халтасини ташмалаб келган аёл унсизгина “ух” тортиб, қозон-товоққа уннаб кетади. Ора-сира рўзғор юмушларидан бир дақиқа ҳоли бўлганида, кафтдеккина кўзгусига бирров қарайди-ю, оқара бошлаган соchlарини, кўз атрофидаги ажинларни, сўлғин қиёфасини сезмаганга олади. У худди шу дақиқада ҳам жуда-жуда Кумушбибига ўхшагиси келади. Аммо, томирлари чиқиб, фўзапояга ўхшаб қолган меҳнаткаш қўлларига кузи тушиб қолар экан, худди жиноятчидай уни орқасига яширади...

Кумушбибига жуда-жуда ўхшашни орзу қилган аёл ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотмаган фўр қизалоқнинг “АЁЛ БҮЛИШ ОСОНМИ?” деган саволига сукут сақлаб, мийифида кулиб қўя қолади. Аммо аёлнинг қирқта жони ҳақида ривояtlар эшитган қизалоқ уни ўз ҳолига қўймайди. Дарвоқе, аёлнинг жони нечта узи? Бугунги долғали ҳаётимизда унинг нечталигини аёлнинг ўзи ҳам билмайди.

Чунки, турмушнинг қайси жабҳасига қараманг, кўзингиз аёлга тушади. Еру осмон, йўлу чўл, бепоён пахта далаларида ҳам. Аёл ва пахта далалари деганда хотирамда шундай лавҳалар буй курсатаверади:

1969 йилнинг куз ойларида, талабаликнинг илк нашида-сини фурур билан симириб юрган дамларимизда Мирзачулга — пахта теримига сафарбар этилдик. Шамол у ёндан кириб, бу ёндан чиқиб кетгувчи ёғоч “бараклар” биз ёшлар учун эртакдаги қасрлардек ёқимли эди. Битта хонанинг ярми илми толибларга, ярми толибларга ажратилган бўлиб, хона ўртасини қоқ иккига бўлиб турадиган парда қизларнинг бемалол ҳаракатланишлари учун бирмунча қулайликлар яратарди. Тунлари йирик-йирик чақноқ юлдузлар нақ бошида чараклаб турган, кун буйи толиқсан ёшлар гулхан атрофида ўйин-кулги қилишар, мушоира бошлишиб ажиб тортишувлардан сўнг, Чўлпоннинг қўшиққа айланган гўзал шеърини хаёлда такрорлай-такрорлай уйқуга кетардилар:

Қоронғу кечада
кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан
сени сўргайман.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб
Айтадур: Мен уни тушда кўргайман.
Тушда кўрганимда
шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир,
кундан-да гўзал...

Тонгда эса... ҳали күёш чиқиб улгурмасдан “ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал” қизларнинг бошдаги ёстиқни бир бешафқат қўл важоҳат билан олиб улоқтирав, тезроқ қиров босган пахта даласига ҳайдаб, теришга ундарди. Гоҳида ёстиққа қўшилиб, қизларни эслатувчи соchlари қўлига илиниб қоларди. Эгатларда толиқсан қизларнинг бироз дам олишга ҳам ҳақлари йўқ эди. Ўша ҳукмрон қиёфа ҳамма жойда ҳозиру нозир бўлиб, уни — Кумушбиини тинимсиз меҳнат қилишга мажбур қиласарди. У кундалик режани аранг бажаарди, ғўзапоя тилиб кетган қўлларини қаерга яширишни билмай, хўрсиниб қўярди. Сўнгра чанг босган пахта тўла этагини, кирза этикларини аранг кўтариб яна пахтазорга шўнғиб кетарди...

Хуллас, мен болаликдан юрагимда ардоқлаб юрган Кумушбиби сиймоси худди шу таҳлит ҳаётнинг меҳнат аталмиш емирилмас қояларига зарб билан урилди-ю, сира тикланмас бўлиб парчаланиб кетди. Бугун бўлса ўша хотира-

ларни юрагимда оғриқ билан тикларканман, ұшандаги қулларча мутелигимдан уялиб кетаман. Кумушбибини соғинганимда эса интиқлик билан китобни құлимга олиб, унинг саҳифалари ичидан қалқиб чиқувчи беозор қиёфасидан таскин топаман.

У пайтда аёллар әркакларни осмон қадар ардоқлад, “бегім” деб мурожаат қылган.

У пайтда әркаклар аёлларни “оіим, қүёшим” деб сүйган.

Энди бұлса, бир танишим қатор үғиллар ҳадя қылган аёлиға: “Хой ит, анавини ол. Хой чүчқа, нега овқатта күпроқ гүшт солмадинг”, — деб пишқира-пишқира үзга бир аёлнинг этагини тутиб кетади. Аёл эса энди болаларини иложи борича яхши едириб, яхши кийдириш учун күпроқ ишлашга ҳаракат қылади.

Аёлларнинг жони қирқта дейишади. Йүқ, нотүғри бу сүз. Бугун жони нечталигини ўзи ҳам билмайды...

Энди у фақат бир нарсани — ҳаёт кечириши учун албатта ишлаши кераклиги ва шартлигини аниқ билади.

Болаликда мактаб дарсلىкларида үқиган ғазаллари аллақачон ёдидан фаромуш бўлган.

Энди унга шеър үқиб берсангиз, зерика бошлайди. Мавзуни тезроқ рўзғор икир-чикирларига бургиси келади.

Аммо унинг изтироблар билан тўлган юраги шеърдан-да гўзал эмас, деб ким айта олади?

Ахир, бир пайтлар улуғлар девонини мутолаа қилиб кўз ёш тўккан Кумушбибиларнинг қаторда деярли йўқлиги ижтимоий фожеа эмасми?

Ҳисоб-китобларга қараганда болалар тарбияси учун ати-ги ўн етти дақиқа вақти қоладиган АЁЛга биз қачон шафқат қилишни ўрганамиз?

Шарқона фидойилик билан ипак жонини йўлларимизга поёндоз қылган бу маъсума Аёлни қачон авайлашни ўрганамиз?

Фурури тоғ қадар баланд экан ўзбек Аёлининг...

У ўз аҳволидан на шикоят қылади, на зорланади...

Хаста гўдагини қўксига маҳкам босиб, шифоталаб вужудининг ғамини ҳам емай фақат ёргуғ кунлар умиди-ла жимгина яшайди. Ўлик фарзандлари сони даҳшатли рақамларни ташкил этса-да, тушларига тилло бешикда қийқираётган Алномишлар киради...

...Ҳар куни ишдан ҳориб қайтаётганимда хаёлимда ушбу сатрлар айланаверади:

Дунё айланади,
айланар бошим,
Кундан куттанимни
этолмадим жам.
Бунча шошилмасанг,
порлоқ қүёшим,
Ҳадемай тун келиб,
олажаксан дам...

Ниҳолгина шоира қизалоқ ижара пулининг кўплигидан, уй эгасининг зиқналигидан ранжийди. Юрагидаги тўлқинларни шеър кўринишидаги дунёга ҳадя қилгиси келади... Бироқ... тунлари чирофини ўчириб кўядиган ижарачи кампирнинг қош-қовогига муттасил кўзи тушади-ю, ёзадиган шеърлари юрагининг туб-тубларига кул бўлиб тўкилади. У ўзининг бир хоналик бошпанаси бўлишини шунчалар орзу қиласдики...

Унинг орзулари менинг бундан ўн йил бурунги орзуларимга жуда ўхшаб кетади.

Ўтаётган ҳар бир дақиқасидан нимани кутади АЁЛ?

Ҳаётнинг бешафқат қўллари эзғилаб ташлаган қалбига бир нафасгина осудаликни, оромни истайди у.

“Уй кул”лигидан отилиб чиққанда уни ташқаридаги қаршилаган ОЗОДЛИКнинг асл маъносида кўргиси келади.

Иш соатларининг кўнгилгага урадиган азобларидан кутублиб, фарзандларига ширин таом ҳозирлаб, турмуш ўртоғини чеккасида райҳон билан қаршилаб олгиси келади Аёлнинг...

Чунки гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. “У қуёшнинг ўзи бўлмаса ҳам унинг сувдаги аксига ўхшайди”.

Биз Аёлга унинг йўқотган юрак оромини қайтариб берган тақдиримиздагина ундан Кумушбиби латофатини талаб қилишга ҳақлимиз... Бироқ...

Жумхуриятимизда хаста гўдаклар тўлиб-тошиб ётган бир шароитда, қалблардаги умид Ороллари қарийб қуриёзган бир шароитда, икки дунё кўзига бир тутам бўлиб, туфуруқхона курсисида гўзал эмас даҳшатли ўлим топаётган камқон она-лар фожиаси якун топмаган бир шароитда кўнгил ороми ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?..

Аёл боласи ва ўзининг беморлиги учун касаллик варажлари очдиришга кўпинча истиҳола қиласди бу даврда.

Чунки унга боласининг бетоблигини эмас, ишхонадаги тўраларнинг узилиб тушай деган қовоқларини кўриш оғирроқ.

Ҳеч қайси жамиятда аёл ўзини бу қадар паст ва ўксик ҳис қилмаган бўлса керак.

Ҳеч қайси жамиятда аёл меҳнати бу қадар паст баҳоланмаган бўлса керак...

Наздимда АЁЛ олдидағи гуноҳи учун Дунё унинг оёқларига йиқилиб, тавба-тазарру қилаётгандек...

Кулбам тиғли нурларга тўлган
Шу баҳтиёр, шу телбавор тун.
Аёл, менга яна не бўлди?
Титраյпман, бўлаяпман хун.
Кечир мени, дарёдай оққан
Росту ёлғон сўзларим учун.
Бу норасо дунёга боқиб,
Хира тортган кўзларим учун...

Яқинда телеэкран орқали намойиш этилган “Қувноқлар ва зукколар” кўрсатувида йийинни бошқариб борувчиларнинг командирига иккинчи томон қўлида пахта, китоб тутган, бола кўтарган Аёлни саҳнага чиқариб, уни шарҳлашни сўради. Жавобдан қониқмагач, хиёл ранжиб, “Ахир бу — Ўзбекистон мадоннаси-ку”, — деди.

Ёшлиар тасаввурида тикланган ўзбек аёлининг ҳаққоний суврати бу матога кўчмаган...

“Бизда боғчаларнинг мавсумийлиги жуда катта қийинчиликлар түғдиради, — дейди Самарқанд вилоятининг Жомбой ноҳиясидаги З-мактаб ўқитувчиси Муборак Раҳимова. Қишин-ёзин икки сменада дарс берамиз. Ёзда болаларни амаллаб, боғчага жойлаштиrsак, қишида печка ёқиб, уйга қамаб келамиз. Ҳозир хонадонларни газлаштириш учун кувурлар шундокқина мактабимизнинг ёнгинасидан ўтаяпти. Лекин, пул ажратилмаганлиги сабабли мактабдагиларнинг куни яна кўмирга қолди. Мактабларимизнинг авария ҳолатида эканлигини айтмайсизми? Қачон бир тузукроқ шароит яратилади-ю, биз аёллар ҳам болам уйда қолди, нима бўларкан, деб юрак ўйноғи бўлишдан қутиласиз? Ижара пурратининг яхши томони билан яна бир тишга ботадиган жиҳатидан кўз юмиб кетолмаймиз. Ота-оналар энди далага биринчи синфдаги боласини ҳам олиб чиқаяпти. Белгилаб

берган уй вазифаларимиз шундокълигича тайёрланмасдан қайтиб келади. Бундай аҳволда боланинг саводига ким жавобгар бўлади?"

Яна кўз олдимга жингала зулфлари тўзғиб қатим тортаётган Кумушшиби келади.

Хозирги замон аёли шу қадар бандлигидан бағрига аёл орзулари кўчган қадимий санъатимизни деярли унутиб юборди.

Йигитларнинг белларини маҳкам чирмаб турган каштали шоҳи белбоғлар... Ажиг дўппилар... Баъзан разм солиб қарасангиз, айрим аёлларнинг қули нина тушишга ҳам келмайди.

Биз аёлни ўзининг латофатли дунёсидан бешафқатларча аириб, энди уларнинг ҳолини томоша қилишга ўтиб қолдик.

Кўпчилик ҳолларда оғир тўрхалта кўтариб олган аёлнинг ёнидан пинагини бузмай ўтиб кетаётган эркакларни кўрганимда беихтиёр юрагим увишиб кетади. Қачонки, жамият, миллат ўз келажагининг соҳибаларига меҳр ва шафқат кўзи билан қарамас экан, у миллатнинг равнақи қорга ёзилган хатдек қисқадир.

Ахлоқий тубанлик, ота-онасиз тирик етим гудаклар... Аёллар орасидан етишиб чиқаётган жиноятчилар, нашавандлар, угриликлар... Булар бари жамиятнинг, аёл жони қирқта деб ўйлаган жамиятнинг билиб-кўриб йўл қўйган оғир хатларидир.

Оиладаги баъзи эркаклар ўзи билан баравар ишлаб келган аёлига барча нозу инжиқликларни кутариши шарт, деб ҳукм чиқаради. Бу дунёнинг роҳату азобларини кўтаравериб яғир бўлған аёлнинг нозик елкаси оиласи учун, унинг тинчлиги учун қирқ биринчи жонни ҳам топишга рози. Аммо унинг бурондаги гулдек чирпирак бўлаётган хаста вужудига тиргак бўлгани аксарият ҳолда эркакда бир оғизгина ширин сўз топилмайди.

Қайдан ҳам топилсин ўша сўз? У сўзни айта оладиган марду майдонлар Отабек замонасида қолиб кетмаганикан, деган гумон баъзан юрак-багримни ўртайди.

Менга келган кўплаб мактубларда хасталиклари туфайли улардан воз кечган оила бошлиқлари ҳақида ўқинч билан битилган.

Ахир, ҳар бир аёл баҳтили бўлишга ҳақли-ку? Унинг гўзаллигини, соғлигини турмуш шамолларига совуриб, кейин

инкор қилиб кетиш учун инсон фақат тошдан яралган бўлиши керак эмасми?

Йигирма бир ёшида бир умр меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган аёллар (кўпчилик сариқ бўлган) олдидағи узун умрдан даҳшатга тушиб ёзадилар. Уларнинг ҳаётга қайтиш ҳақида ги илтижоларини эса... кўз ёшисиз ўқиб бўлмайди.

“Жамиятнинг тараққиёт даражасини ундаги аёлнинг камолот даражаси билан ўлчаш лозимлиги ҳақида жуда кўп гаплар айтилган. Чиндан ҳам, мамлакатнинг тараққиёт даражаси аёлнинг нечоғлик камолотга эришгани билан белгиланади. Бироқ “тараққиёт” сўзининг маъноси ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрмоқ лозим бўлади”, — деб ёзган эди ҳинд аёлларининг ажаб тимсоли бўлган Индира Ганди.

“Барча нарсаларда гўзаллик борлигини кўрсам не қиласай?” — деб ёзарди у мактубларида.

Унинг сўзларини ўқиб, бизнинг ўзбек аёли қачон барча нарсаларда гўзаллик кўра оларкин, — деб орзу қилгандим. Шукурким, энди кўп нарсалар улкан Гўзаллик — аёл гўзалиги томон аста-секин силжиётгандек. Миллий фурур туйгуси қалблар тубига яна қайтадан чуқурроқ илдиз отаётгандек... Беморхоналардаги гўдаклар тақдири ҳаммамизни сал бўлса-да, ташвишга solaётгандек... Куриётган Орол косасига ўзбек аёлининг умид ёшлари тўкилаётгандек...

Вақтлар келиб, ўзбек аёлининг “АЁЛ БЎЛИШ ОСОНИМИ?” деган саволига жавоблар бошқача бўлишини жуда жуда истайман...

1990 йил

АЁЛ ЖИНОЯТТА ҚЎЛ УРДИ

Ўша мудҳиш кунда у икки дунё бир тутам бўлиб дунёга келтирган жигарпораларини —
Муродилжонни, Манзурахонни, Мансурбекни
ва Наргизани ўз қўли билан бўғиб ўлдириди.

Хонадаги тўрт полапон қафасга тушган қушдек најот истаб тўрт тарафга тирқираб қочди. Аммо совуқ деворлар шафқат қилмади: улар бир оний жаҳолатдан телбаланган, ҳаётнинг беаёв зарбаларидан қалби фақат-фақат ўч ҳисси билан тўлган аёл қўлига гул бўйи таралиб турган чечакларни — ўз болаларини ҳеч иккиланмай топширди... Она

қўлларидан ёлғиз паноҳ топиб ўрганган гўдак, ҳали сут ҳиди анқиб турган бир ярим ёшли Наргизанинг ҳеч нарсадан бехабар мунчоқ кўзларидағи илтижо ёшлари азобли чинқирикка айланди-ю, мижжаларида қотиб қолди...

Ўша кун... дунёning соchlарига оқ тушди.

Ўша кун... меҳрнинг вужудига титроқ тушди.

Ўша кун оламнинг юрагига сўроқ тушди: мудҳиш қотилликдан, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай қотилликдан дарёлар ўзанидан чиққудай тўлғондилар, она замин қўксини фижимлаб ёрилгиси келди, осмон қулаб тушишни ихтиёр қилди, күёшнинг қонли кўз ёшлари уфқ этагига томиб кетди, ойнинг юзидағи доғлар кўпайди, жавдираб, кўз ёшларини артолмаган юлдузлар:

— Наҳот сен қотилга айландинг, она? — деди.

Ўша — дунёning юрагига армонли оғриқ кирган кунда, баҳтсиз тонгда Андижоннинг Жанубий Оламушук посёлкаси қабристонида тўрт мўъжаз қабр дўппайди...

Аёллар томонидан содир этилган жиноят сони яна биттага ортди.

Маҳкумалар сони биттага кўпайди.

Расмий ҳужжатдан: 1988 йилги жами жиноятларнинг 14,6 фоизи, яъни 7311 таси аёллар томонидан содир этилди. Жумҳуриятимизда 1989 йилда 84459 та ёки ўтган йилга нисбатан қаришиб ўн беш мингта кўп жиноят содир бўлди.

Қотилликлар, тан жароҳатлари етказиш, йирик қўламдаги ўғирликлар, давлат мулкини талон-тарож қилиш, гиёхвандлар, дайдилар, фоҳишалар (уларнинг 1150 дан зиёди ҳисобда турди) ҳақидаги хилма-хил хабарлар эндиликда кўпчилигимизни ҳайратга солмай қўйди.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар йил саёчин “болалаб” бормоқда.

Мен, Тешабоева Замира, Андижон вилоятининг Жалолкудуқ районида туғилдим. Онадан уч опа-сингилмиз. Ўгай ота қўлида тарбияландик. Опам ўз ихтиёри билан турмуш курди. Уларнинг оиласида тез-тез жанжал бўлиб тургани учун уйдагилар кимни лойиқ кўрсалар, ўшангага рози бўлдим. 1981 йилнинг январида тўйимиз бўлди. Эрим Тешабоев ИброХим сартарош эди. Яхшигина пул топарди. Бироз яхши яшадик. Кўп ўтмай у ичкиликка муккасидан кетди. Менга умуман кун йўқ эди. Бўлар-бўлмасга рашик қиласверарди. Бирор нарсани баҳона қилиб урмаган куни кам бўларди. Юз-кўзларим ҳамиша кўкариб юрарди. Бирор жойга шикоят қилиб

боришни ўзимга номус деб билдим. Нажот истаб қайга борай? Бизни не азобларда ўстирган онамнинг бошигами?

Кўпинча эрим мени бўғиб, оғзимдан кўпик чиққунча урганида ҳам “Болалар кўрмасин, бу нарса уларга ёмон таъсир қиласи”, деб ёлворардим. Аммо у: “Йўқ, болалар курсин ва ўргансин, атайин қиласяпман, — деб бақиради. Бора-бора болаларим ҳам, ўзим ҳам юрагимизни олдириб, жонсарак бўлиб қолдик. Ҳадеб томоғимга тираб, сени сўйиб ташлайман, деб қўрқитадиган катта пичогини милиция олиб қўйгандан кейин, дандон сопли яна иккита пичноқ келтириб, ошхонадаги стол тортмасига солиб қўйди. “Ажалинг менинг қулимда”, дерди доим. Охири, ўринсиз рашқ, қалтаклар, тинимсиз келишмовчиликлардан пичноқ суюкка бориб тақалди. “Усти-бошим билан тўртта боламга тўртта кўрпа берсангиз бўлди”, дедим. Ажралишдик ҳам... Аммо, нафақа учун қарор чиққандан кейин у негадир безовталаниб қолди. “Кел, яхшиси, ярашайлик, мен аввалги қилиқларимни қилмайман, уйга қайт, — деди. У ҳам етим эди. Бир томони шуни ўйладим, иккинчи томондан нима қилганда ҳам болаларимнинг отаси-ку, инсофга келиб қолар, деган хаёлга бордим. Уйга қайтиб борганимдан сўнг эса аввалгидан ҳам баттарроқ кунларга қолдим. У мени ҳаммага ўйнаш қилиб чиқди. Билмадим, фашист ҳам бунчалик бўлмас. Ўз болаларига заррача ҳам меҳри йўқ бундай одамни ер қандай қилиб кўтариб юрганига ҳайрон қолардим. Кўпинча бўйнимга камар солиб буғар, болаларнинг олдида у ўйдан-бу уйга судраб юарди. Ўғилларимга: “Қани, сенлар ҳам судраларинг”, деб мажбур қиларди. Кейин уларнинг олдида беҳаё қилиқлар қила бошларди...

Ўша мудҳиш кунда... бир кун аввал у мени опамникига бориб келганим учун кечаси эшикларни ёпиб, болаларимнинг олдида каравотга ётқизиб бўғган, оғзимдан кўпик келгач, “Болалар қурқади, урсангиз бошқа уйда уринг”, — дегандим. “Йўқ, — деди у, — ҳозир кўз олдингда қизингнинг номусига тегаман”.

Ўшанда қўрқувдан адойи тамом бўлгандим. Нима бўлса ҳам бу ярамас дунёдан болаларим билан баравар кетишим керак деган фикр миямга михланиб қолди. Сабр косамга сўнгги томчи аллақачон томиб бўлган эди... Нима бўлганини, ўз болаларимни қандай қилиб бўғиб ўлдирганимни ҳалигача билмайман. Уларни ўлдириб, ўзимга икки марта пичок урибман...

Қамоқхона курсисида гужанак бўлиб, бир ҳовуч суюкка айланиб ўтирган Замира кўз ёшлари дарё бўлиб сўзлайверади, сўзлайверади. Куз ёшлари оқиб, буйнидаги пичоқ изини юва бошлайди.

Мен бўлсам... тирик ҳайкалга айланиб, рўпарамда ўтирган онага — турт карра қотил онага даҳшатга тушиб қарайман. Назаримда, тўртга полапон ҳануз унинг теграсида ҳайратга тушиб чарх урадилар, ўз оналари содир қилган жиноят моҳиятини ҳали-ҳануз тушунолмайдилар. Уларни йўқлик дунёси сари жўнатиб, бугун энди қамоқхонада бўзлаб ўтирган қотил онани тушуниш мумкин эмас. Замиранинг пешонасига ҳаёт энг даҳшатли муҳрни — қотил деган тавқи лаънатни босди. Мен яна қўзларимга ишонмай унга қарайман, она ҳар қандай ҳолда ҳам ўз фарзандлари қотилига айланishi мумкинми? — деб ўзимдан сўрайман... Сўрайману бу жумбоқ сирини ечишга қодир бирор зот бу дунёда топилмаслигига ишончим комил.

— Тирик қолганим учун ўзимни кечиролмайман... Бу ерда ҳам ўзимни икки марта ўлдирмоқчи бўлдим. Аммо уддалай олмадим. Яқинда болаларимнинг суратини олиб келишган эди, — деди у сўзининг охирида. — Юрагим чидамади, қайтариб бериб юбордим...

(Рўй берган бу мудҳиш жиноятни Замиранинг эри қандай шарҳлаган бўларди? Жиноят илдизлари ёлғиз унгагина тааллуклимиди? Биз у билан суҳбатда бўлмаганимиз учун масаланинг бу томони қоронғилигича қолди.)

...Суд Замира Тешабоевани ўн йил, унинг эрини беш йил муддат билан озодликдан маҳрум қилди.

...Замира билан хотин-қизлар ахлоқ тузатиш ва меҳнат колониясида олиб борган суҳбатим ҳали-ҳануз даҳшатли ва сира туганмас тушга ўхшайди. Унга нисбатан менинг ҳам ўз хукмим бор. Ўзим она эканман ва бу дунёning маънавий пойдевори она-бola меҳрига асосланган экан, бу хукмни ҳеч қачон ўзгартирмасам, аниқроғи, ўзгартира олмасам керак. Ўз фарзандларини бўтиб ўлдирган мудҳиш қўлларни турманинг ўн йиллик азобларидан кейин ҳам кафтларим орасига қўймасам керак. Аммо ҳаётнинг мураккаблигини қарангки, Замиранинг қиёфаси менга қотилдан ҳам кўра кўпроқ меҳрга муҳтож одамни эслатди. Назаримда, аёлнинг дунёдан меҳр сўраб, шафқат сўраб қилган унсиз нидолари ҳаётнинг бешафқат тош деворларига урилиб қайтаверган. Доимий тазиик, ваҳшийларча таҳқирлаш, мутелик оқибат-натижада жамият учун яна бир жиноятчини — қотилни туғдирди. Бутун жа-

миятни чирмовуқдай ўраб олган лоқайдликнинг, бағритошликтининг қурбони бўлди у. Йиллар мобайнидаги оиласи мояшолардан атроф, маҳалла фаоллари, борингки, қўшнилари воқиф эмасмиди? Шунчаки томошабин бўлиб, оила фаят шахсий иш, деган хulosага таяниб, яқин-атрофларида кечайтган воқеа-ҳодисаларни билиб-билмасликка олиб юрганларнинг фожиаси эмасми бу аслида? Авваллари битта болага етти маҳалла оталик қиласди. Икки қўшни тортишса, қолганлари уни инсофга чақиради, ҳаром йўлга юрганларни “маҳаллани наҳса бостирасан”, деб бадарга қилишарди. Шу ўринда раҳматлик адабимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир ота Сафаровнинг сўзларини эслайман. “Кизим, — деган эдилар у киши куюниб. — Халқимиз ҳеч қачон эшик, дарвозасига кулф солган халқ эмас эди. Жума намози кунлари расталардаги ҳамма нарса шундоклигича қолаверарди. Қани унга бирор киши кўл тегизиб кўрсин-чи? Мабодо, кимдир ўғирлик қилса, эшакка тескари миндирилиб, юзига қора суртилиб, сазойи қилинар, ҳамма унинг юзига туфуарар, шу тариқа ўғри ҳеч кимга кўринмай бадар кетарди... Ҳали ҳам кеч эмас, жамиятимизда илдиз отиб кетаётган ёмон иплатларни тутатишда халқнинг сайқалидан ўтган қадимги усулларимизга, ибратли усулларимизга таянишимиз керак”.

Адаб бу гапларни айтганига неча йиллар бўлди. Аммо ҳеч нима ўзгармади. Аксинча, жиноят дараҳти чуқурроқ илдиз отди, холос.

Расмий ҳужжатдан: Спиртли ичимликларни муттасил истеъмол қилиш натижасида аёллар томонидан жамоат жойларида тартибни бузиш ҳоллари кўплаб қайд этилмоқда. 1988 йилда безорилик билан шуғулланган 1619 та аёл қўлга тушди. Улардан 314 таси жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноий хатти-ҳаракатлар Тошкент шаҳри, Қорақалпакистон Мухтор Жумхурияти, Тошкент вилояти, Андикон, Фарғона, Бухоро вилоятлари аёллари орасида кўплаб кузатилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида 1988 йилда 242 та безорилик, 136 та шахсий буюмларни ўғирлаш, 5 та қотиллик, 5 та йўлтўсарлик, 28 та талон-тарожлик, 24 та қаллоблик, 22 та қонунсиз равишда спиртли ичимликлар тайёрлаш жиноятлари содир бўлган. 898 та аёл эса давлат ва жамоат бойликларини талон-тарож қилиш ҳамда ўзлаштиришда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Жумхуриятимизда ягона ҳисобланган хотин-қизлар ахлоқ тузатиш ва меҳнат колониясида сақланаётган аёллар тақдири ҳам “жиноятлар харитаси”даги азобли нуқталардир. Колония бошлиғи Валентина Семёновна Полянскайяниң ҳикоя қилишича, улардан 125 таси, яъни 29,6 фоизи оғир жиноятлар, қотилликлар қилган, тан жароҳатлари етказган. Маҳкумаларнинг ўғлиз фоизи ўзбек миллатига, қирқ фоизи рус миллатига, 16,6 фоизи татар миллатига мансуб бўлиб, тўққиз фоизи дайдилар, қолгани рецидивистлар экан.

Ўн саккиз ёшдан 25 ёшгача бўлган маҳкумалар 24,4 фоизни, қирқ ёшгача бўлганлари 54,9 фоизни, 50 ёшгача бўлганлари 16 фоизни ташкил этаркан.

Хар бир жойнинг ўз қонун-қоидаси бўлгани каби бу ерда ҳам ўзига хос ички қонуниятлар мавжуд. Маҳкумаларнинг ўзларини ўксик сезмасликлари учун зарур шароитлар яратишга бўлган уриниш кўзга ташланиб туради. Ётоқхоналардаги ўта озодалиқ, болалар яслиларидаги барча мукаммал шароитлар...

Синф хоналарига, ўқув ишлаб чиқариш кабинетларига қўйилган маъюс гуллар... Дам олиш хоналаридағи телевизорлар... Буларнинг барчаси панжара ортидаги ҳаёт “бекалари”нинг кемтик кўнглини тўлдириш учун мўлтираб туради.

Маҳкумалар тиккан жажжи кўйлакчалар, костюмлар, ажиг нусхали кашталардан соғинч ҳиди уфуради. Уйга, катта ҳаётга тезроқ қайтиш илинжи билан яшайди улар... Аммо, қуёшнинг ҳақиқий нурларига юзини чайиш, соғ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш Замира кабиларга жуда узоқ муддатда насиб бўлади, холос.

Биз Валентина Самёновна билан ўтиб борар эканмиз, маҳкумаларнинг юз-кўзларида фалати, тасвирлаб бўлмайдиган ифода муҳрланиб қолади. Баъзилари шоша-пиша салом беради, ўтирганлари гапириб ўрнидан туради-ю, тезроқ узоқлашиш ҳаракатига тушади...

Гўё улар:

Менинг дунём қани,
Эй, ёруғ дунё!..
Таскин йўқдир на гулларнинг ривоятида,
Фам қўлида умрим менинг майдо-ю майдо,
Баҳор йўқдир қалдирғочнинг қўш қанотида,

Мен осмонни, хур осмонни соғинмай-да,
Осмон йўқдир.
Осмон, менинг осмоним қайда!.. —

деяётгандек...

Маҳкумалар — юрак осмонларининг чексизлигини, бегардлигини йўқотган, эндиликда ҳаёт деган улкан уммон қўйнида нажот истаб, сомон парчаларига ёпишган гуноҳкор жонлар...

Ана шундай гуноҳнинг азобли мевалари — йифилари бу жойларга сира-сира ярашмаётган гўдаклар — мурғак чақалоқлар панжара ортида дунёга келадилар. Улар икки ёшгача шу ерда тарбияланишади. Она дийдоридан баҳраманд бўлишади. Кейин эса гўдаклар маҳкуманинг қариндош-уругларига, улар йўқ бўлса, Юнусобод мавзесидаги болалар уйига топширилади.

Ташрифимиз куни беланчакда чирқиллаб ётган чақалоқнинг исми Кристина бўлиб, у эндигина бир ойлик бўлган экан. Онаси — ҳали балогатга етмаган маҳкума боласининг дийдорини кўришдан бош тортган. (Одатда, аёл юкли пайтида жиноят содир эттудек бўлса, ҳукмдан сўнг у бола туғилгунча бўлган муддатни ҳам ушбу колонияда ўтайди. Барча жиноятчи маҳкумалар сингари ҳомиладор маҳкумалар ҳам бу ердаги қонун-қоидалар билан ҳисоблашишга мажбурдирлар.) Ҳозирча Кристинанинг энагалари — оппоқ халатли, меҳрибон хизматчи аёллар. Яна бир гўдакни онаси Ўгулбайрам Шаймова меҳр билан эмизиб турганида учратдик. Ўгулбайрам туркманистонлик. 106-модда билан тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилган. Чақалоғи энди бир ярим ойлик бўлибди.

Хонада ўйнаб ўтирган болалар мунчоқ кўзлари жовдираб шу уйнинг мудираси, шифокори Людмила Максимовна Давидовичга талпинади. Фақат соchlари қоп-қора бир қизча биздан кўзларини узмай, жойидан қимиrlамай ўтираверди. Бир ярим ёшли бу норасидага қараб беихтиёр юрагим зирқираб кетди: гўё кўз ўнгимда нажотсиз Наргиза — ўз онаси буғиб ўлдирган гўдак тургандай бўлди...

Маънавий қашшоқлик, ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликлар бугунги кун аёлининг кўпчилик ҳолларда юзтубан кетишига сабаб бўлмоқда. Тенг ҳукуқлилик тушунчасининг аёл зарари томон ҳал бўлиши, жамиятда эркаклар ролининг бирмунча пасайиши... Орамиздан кўтарилаётган инсоф, диё-

нат, ҳалоллик туйгулари... Юракларни зарпекақдай бўға бошлаган мешчанлик, молу дунёга ҳирс қўйиш каби ҳаром туйгулар... Шулар эмасмикан аёлни жиноят жари ёқасига олиб бориб, зулмат тубига итариб юбораётган?

Мана, олдимда бу ерга бешинчи бор “меҳмон” бўлаётган аёл — Андижон вилоятининг Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Дружина Ҳасанова.

— Мен вояга етган оила ўзига тўқ, файзли хонадон эди, — дейди у. — Ота-онам зиёли, ички ишларда хизмат қиласарди. Милиционерга турмушга чиқдим. Бир йилча яхши яшадик. Кейин у ичишни бошлади. Менга хиёнат қилди. Оиласиз бузилиб кетди. Мен савдо соҳасига ишга кирдим. Икки йил ишлаб, давлатдан 1700 сўм қарз бўлдим. 1974 йилнинг январида биринчи марта қамалдим. Бир йил ўтирдим. Май ойида умумий афвга илиндим. Бешта болам бор. Икки марта дайдилигим учун қамалдим. Ҳамма мендан юз ўтирди. Чиққанимдан кейин кучада қолдим. Менинг аҳволимга ачинадиган бирорта кимса топилмади. 1983 йили Андижондаги ресторанин кўпчилик бўлиб ўмаришда айбланиб яна уч йил қамалдим. Йигирма икки яшик “белий аист” конъягини болалар ўғирлашган экан, бир жойда еб-ичиб ўтирганимизда тутиб олишди. Ўшанда еттинчи ноябр, байрам эди. Ҳозир эса ўғирлик учун яна уч йилга кесилганман. Белгиланган муддатнинг икки йилу уч ойи ўтди. Матрас тикаман, режамни икки баравар қилиб бажараман. Яқинда мени бошқа жойга юборишади. Агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетсан, умримнинг қолганини фалаж бўлиб қолган собиқ умр йўлдoshim билан ўтказмоқчиман. Худо ҳаққи, ишонинг менга. Қайтиб бу ерларга келмайман, деб ўзимга-ўзим сўз бердим. Ўйлаб курсам, умримнинг энг яхши дамлари қамоқхонада ўтибди. Энди қанча пушаймон бўлмай, барибир фойдаси йўқ. Ҳозир эллик ёшдаман. Кийинсам, ҳалиям қўғирчоқдек бўлиб қоламан. Дарвоҷе, сизга муҳим бир нарсани айтиш ёдимдан кутарилибди: туғишганларим мендан юз ўгиришганларида жонимга мана шу ер оро кирди. Бўлмаса, аллақачон йўқ бўлиб кетармидим...

Эллик ёшга борса-да, ҳали ўзини унча олдирмаган, босидан ўтганларини ҳеч қандай изтиробсиз галириб берадётган аёлнинг деярли ажинсиз чехрасига қараб, ундан “Аёлнинг жиноятга кўл уришини қандай изоҳлайсиз?” — деб сўрайман.

— Хар қандай одам, жумладан, аёл ҳам жиноятга онгли равиша қўл уради, — дейди у хотиржам. — Жиноят қилиш-қилмаслик аёлнинг ўз қўлида. Назаримда, қилган гуноҳларимизни ювиш учун тавба қиладиган вақтимиз келди...

“Ҳақиқий тавба — ёмон феъллар туфайли келадиган азоб-уқубатларнинг олдини олмоқдир ва ҳақ мадади билан у феъллардан чекинмоқдир.

Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди; афв сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилик йўлининг бошланишидир; у такаббурлик гафлатидан сесканмоқ ва гафлат уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойиқ аҳволини англамоқ ва бехуда феълларини ташламоқ... қабиҳ ишлар, шармандалик ва расвогарчилик туфайли хижолатта қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба, инсонга хос саркаспидан воқиф бўлмоқ, кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир”, — деб ёзади улуф шоир Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул қулуб” асарида.

Эллик ёшгача турма эшикларида “суяги қотган”, тажрибали бу аёлнинг тавбага мойиллиги кишини чукур ўлашга мажбур қиласди. Хатолари нега энди уни умр шомида ўйлантириб қўйди? Аслида, у йўл қўйган хатолар бизнинг умумий хатоларимиз эмасми? Илк қадамидаги хатоси учуноқ ундан юз ўтирганларнинг ҳиссаси йўқми бунда?

Тан олишимиз керак, биз ўз қобигимиздан ташқарига чиқмай қўйдик. Дунёни сув босса тўпифимга келмайди, қабилидаги худбинона нуқта-назарларимизнинг холосаси сифатида не-не бокираларнинг номуси поймол этилмоқда. Балоғат остонасида турган, бир оғиз ширин сўзга муҳтоҷ ўксик диллар лоқайдлигимиз, тепса-тебранмаслигимиз, худбинлигимиз туфайли жиноят чоҳига қулаб кетишмоқда. Ўзларига ўт қўймоқдалар, сирка ичмоқдалар ва жиноятга қўл урмоқдалар.

Кун бўйи бандлигимиз боис фарзандлар деярли қаровсиз қолмоқда. Ва, улар ҳам кўнгилларига келган машгулот билан шугулланиб, жиноят дараҳтининг ғунча новдаларига айланмоқдалар.

Расмий хужжатдан: Ўтган йили юз берган 84459 та жиноятнинг 4224 нафари балоғат ёшига етмаган ўсмирлар томонидан амалга оширилди.

Хеч қаерда ишламайдиган ва үқимайдиган наманганлык Масолиева Ч. (1970 йилда туғилған) күнгилхуши А. Бурхоновдан бұлған беш ойлик боласини рашқ қилиб сирка эссеңсияси бериб зақарлаган. Ва жинояты учун уч йил муддатта озодликдан маҳрум қилинганды.

Күнгил күзлари деярли күр бұлаеңған, ҳаётни ёлғиз майда-чуйда ташвишларданғина иборат деб билған хотин-қизларимизни күпроқ илм әмас, укубатта айланадаңған ҳаёт үз домига тортиб кетаяпты. Тұрт боласини совуқ қабрларга ишонған Замиранинг ҳам түйгача күргани пахта далалари бұлған. Сүнгра рұзғор ташвишлари, болаларининг ўсиши, униши билан боғлиқ бұлған азоблар билан үймалашиб, ўзи хусусида үйлашға вакыт ҳам бұлмаган. Зардобға тұла юраги-ни бұшаттувчи бир ғамғусор топилмаган. Орзуларидаги гүзал дүнёдан шу тахлит жуда олислашиб кетған бу аёл қандай қилиб болаларининг қотилиға айланиб қолғанини ўзи билмайды. Чunksи, у касалхонада ўзига келиб, атрофидагиларга айтған бириңчи сүзи: “Болаларим қани?” деган савол бұлған.

Уларни ҳатто сүнгги йұлға кузатиш баҳтидан ҳам мосуво бұлған бу аёлнинг тилло сандиғини — күзининг гавҳарларини жиноят деган ўғри бир умрга олиб кетди.

Қадимги юонон файласуфи Сүкрот: дүнёда биттә эзгулик бор — билем, Биттә ёвузылған бор — нодонлик, деганида минг бор ҳақ эди. Жамиятнинг узоқ йиллар үйқудаги күзлари нодонлик меваси бұлған жиноятлар ҳисобига бирозгина очила бошлади. Бироқ, мильтат қадри, аёлларни асраш, уларға кам иш соатлари белгилаш ҳақидағи эзгу үйлар ҳамон орзулигича қолиб кетмоқда.

Мен маҳқумалар “салтанати”да турли тоифадаги жиноятчиларни учратдым. Үз ишидан пушаймонлик ҳисси юрак-багрини үртаётғанларни ҳам, ёшгина қызалоқни ўлдириб, бутун бемалол журнал варақтаб әтғанларни ҳам күрдім.

Чанғакли сим билан иҳоталанған девор остида йүқлама бошланды. Уларнинг сафига турған Замиранинг жиққа ёш күзлари мени анча жойгача жимгина кузатди. Үнга сүнгги бор үтирилиб қарап эканман, ҳар бир содир қилинажак жиноят әнг аввало инсон қалбіда қарор топиб, сүнгра жамиятнинг азобли мевасига айланишини англағым. Шунда борлиқни бекес улуғ шоирнинг неча асрлар оша панжара ортида туриб, мусаффо осмонни мунгли кузатаётғанларға қаратада айнан айттылғандек сүзләри тутиб кеттандек бўлди:

“Илоҳо, инсоф шамоли әсіб, йўлдан озғанларни ёмон ҳолатдан огоҳ этгай. Огоҳ бўлгач, ўз қилмишидан хижолат

тортиб, думогидаи уят дуди чиққан ва бу каби ишларидан ибо қилиб, афв сўраб ножӯя ишларидан тавба қилиб ўринисиз феълини ўзгартиргай ва адашган йўлдан чиқиб, түгри йўлга киргай”...

1990 йил, 19 октябрь

КЎНГЛИ ЯРИМЛАР ДУНЁСИ

Беш-олти ёшлар чамасиман... Раҳматлик бувам оппок яхтакда нурдек бўлиб, тонгда қўлимдан тутадилар: турақол болам, ўзим сани бир бозорга олиб тушай, ҳандалаклар олиб берай...

Мен мўмингина қизалоқ — бувамнинг катта, сертомир қўлларидан ушлаб олиб, жон-жон деб йўлга тушаман. Бозорга олиб борадиган йўл — катта йўл шунақаям гавжум, шунақаям гавжумки, одам юришга қийналади. Бир томонда сигир-бузоқ, бир томонда эчки-улоқ, бир томонда думбасига арқон солиб, зўрга олиб кетилаётган ҳисори кўйлар. Ёллари узун-узун отлар тош кучани тарақлатиб кетиб боради. Ҳушим оғиб уларга, тойчоқларга қараб боравераман. Бозор эса улкан қозондек биқирлайди. Ўша пайтдаги катта дарвозадан (ҳозир бузилиб кетган) зўрга кириб, зўрга чиқамиз. Харид қилинган ҳандалакларнинг ҳиди димоқни ёргудек. Нимчамнинг чўнтагида эса писта, курут... Кўчага чиқиб, бирдан тўхтаб қоламиз. Йўлнинг ўртасида соchlари елкасига тушган, кийимлари тўзиб кетган, кўзлари бесаранжом Йўлдош девона қўлидаги таёфи билан тошчаларни у ёқ-бу ёққа суриниб, жазавага тушиб, лабларининг четида оқарган кўпикни ҳам артмай сўз айтади:

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор қақшайди.
Етимнинг ҳолини сўрасанг,
Отоси йўққа ўхшайди.

Девона сўзини охиригача етказмайди. Бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулади, кейин бирдан мунғайиб, улкан издиҳомга қўшилиб кетади. Менинг эса бирдан кўнглим чўқади, ҳандалаклар ҳам ёдимга келмай, бувамдан: — Етим ким, айтиқолинг, буважон, — деб сўрайман. Бувамга яхтагининг барларини тўлдириб олган ҳандалаклар энди оғирлик қиласи, чоги,

секин уҳ тортади, кейин: “Етимми, — дейди салмоқлаб, — худойим ўз даргоҳига уларнинг меҳрибонини жуда эрта чақириб олган мунглиглар, кўнгли ярим гўдаклар, болам!”

Орадан шунча йиллар ўтиб кетса-да, бувамнинг сўзлари ҳар сафар бозорга бораверсан, мен билан эргашиб келаверади: “Етимлар — кўнгли ярим гўдаклар болам!”

Самарқанддаги 9-болалар уйининг дарвозасидан кириб борарканман бу ердаги файз, фалати сокинлик бир нафасга бўлса-да, оғир хаёлларимни четга сурди. Мен гўё етимхонада эмас, адашиб кимнингдир каттакон ҳовлисига кириб қолгандекман... Болалар уйининг директори Шоира Шокирова ўттиз беш ёшлардаги истарали аёл, бизни аввал кабинетига бошлади. Сўнгра болалар ҳузурига...

Бири-биридан ёқимтой, қошу кўзлари қоп-қора, топ-тоза ўринларда ҳуркак кийикчалардек безовта нигоҳ билан қаршилаган кўнгли яримлар дунёсига... Наргизалар, Шерзодлар, Баҳодирлар, Ойхуморлар, Беҳзодлар, Элмуродлар дунёсига... Деворларда болаларнинг ўз қўли билан чизган антиқа расмлар: тумшуқлари ила гул солинган саватни қўёшга олиб учайтган, унга элтаётган турналар. Биз киришимиз билан тушлик овқатдан сўнг энди кўзлари ширингина юмилаётган болажонлар, кўзларини шунчаки юмиб хаёл суриб ётган қизалоқлар ҳам бирдан уйғонди. Уларга қараб куз ўнгимда фалати манзара бўй чўзди: гўё тоғдан адашиб тушиб қолган бир тўп кийикчалар оналарини интизор бўлиб кутаётгандек. Уларнинг гўзал кўзларидаги армон биз юрган йўлакларда ҳам сочилиб ётгандек. Аста бориб, ётган қизчанинг соchlарини силадим. Худди боламнинг соchlаридек ипак, худди униқидек сехрли. У эса жовдираб кўзларимга қарайди, жажжи қўлчалари билан бирпас қўлимни ушлаб, яна тортиб олади. Қизчанинг соchlарини, юзини силаган қўлим назаримда куяётгандек. Назаримда, меҳр истаб чўзилган қўлларга жавоб тополмай дунёнинг қўллари, юраги куяётгандек...

Бу даргоҳда отанинг, онанинг боши узра эгилишини истаб саксонта мурғак қалбнинг юраги куяди. Уч ўшдан етти ўшгача бўлган, ота-онаси асосан ҳаёт бўлган тирик етимлар тарбияланадилар. Жумхуриятимизда эса уларнинг сони уч мингдан ортиқ. Инқиlobгача бирорта етимиини бағридан бегона қилмаган, етимхона деган сўзни билмаган ўзбек халқи кўксидаги “замонавий” жароҳат...

Бу болалар уйида ҳам асосан эллик фоизи отали, эллик фоизи оналик болалар тарбияланади. Бувам айтганларидек,

худо уларнинг меҳрибонларини ўз даргоҳига жуда эрта чақириб олмаган. Аксинча, улардан ё униси, ё буниси ўз жигарбандларини қисматнинг дайди шамолларига қалбида оғриқ сезмай рўпара қилган, ундан тинчгина қутулганига шукур қилиб яшётган ожиз кимсалардир.

Болалар уйи директори Шоира Шокирова бу даргоҳда 1986 йилнинг август ойидан бери ишлайди. Асли касби муаллимлик. Аёл эмасми, етимхона, сафирхона деган сўзни ишлатишга қийналади.

Болалар уйидаги бир ҳолат диққатимни торти. “Шоиррахон, нима учундир мусулмон болалари ҳам ўзбек тилида қийналиб гапиришаётпи. Буни қандай изоҳлайсиз?” — деб сўрасам, директор мийигида кулиб: “Бутунги кунда бизни қийнаётган муаммолардан айнан бири шу бўлади”, деб жавоб қайтарди.

Маълум булишича, жумхуриятимиздаги барча эмизикли болалар уйида тарбия асосан рус тилида олиб бориларкан. Мактабгача бўлган етимхоналарга эса улар тили аллақачон қотган ҳолда келтириларкан. “Улар дастлаб бир оғиз ҳам ўзбекча гапириша олмасди, — дейди Шоира Шокирова. — Ҳозир сал қийналса-да, бинойидек тили келишиб қолди. Ундан ташқари биз миллий урф-одатларимизни ҳам кунт ва меҳр билан ўргатиб борамиз”.

Ховлига чиқдик. Сув тўлдирилган улкан тоғорага бир шўнғиб чиққан болакай силкинган эди сув томчилари ҳар томонга сачраётшиб, қуёш нурларида товланиб кетади. У бизларга қараб оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайди ва қум тўшалган йўлакка ётиб, офтобда тоблана бошлади. Ундан уч қадам нарида энагаси қулида сочиқ билан уни кузатиб турарди. Биз эса болалар учун ясалган чорпоялар, улардаги жажжи атлас ёстиқчалари, беқасам кўрпачаларни томоша қила-қила ҳовли тўридаги тандирнинг олдига бориб қолдик.

— Тандирни, болалар уйидаги яна кўп нарсаларни, бешиклар, сандиқларни ўзимизнинг самарқандлик усталаримиз текинга ясад беришган. Савоб бўлади дейишади. Шаҳримизда бизга нақшли курсилар совға қилган уста Қаҳдордек ажойиб инсонларимиз бор.

Бу ерда тарбияланувчилар ҳафтада икки марта тандирдан узилган иссиқ нон ейдилар. Уйнинг тафтини ҳис қилишин, деб уларга хамир қоришлоң тортиб то нон ёпишгача бўлган жараённи кўрсатишади. Меҳрибон энагалар тандир-

дан қайноқ кулчаларни узиб, атрофларида чувиллашиб турган қора күзларга узатгандариди, байрам бўлиб кетади. Ҳайит кунлари ис чиқаришади: чалпаклар, бўғирсоқлар пиширилади. Аммо, кулчасини совуқ сувга ботириб еяётган ўғилнинг, бўғирсоқнинг totли мазасидан бир нафас қувонган қизчанинг ўшанда ҳам кўзлари эшикда бўлади. Етимхона дарвозасида...

Иккинчи қаватдаги хонага аста кўтарилидик. Товуш чиқармай юришга, болаларни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб қадам босарканмиз, эшик олдида бир нафас сукутда котдик. Ичкаридан алла овози эшитилади:

Алла айтай, қўзим-о, алла,
Мани ширин сўзим-о, алла,
Ором олиб ухлай-о, алла,
Мани кўрар қўзим-о, алла...
Алла-ё, алла...

Бўғизимизга тош тиқилди... Мен Ойхуморга (Самарқанд ёзувчилар уюшмаси масъул котиби) у Шоирахонга қаради.

Мен бўлсан ичкарига киришга юрагим дов бермасди. Иш билан келганлигимни ҳам унугандим гўё. Наздимда эшик тирқишиларидан сизиб чиқаётган етим оҳанг, дунёга сифмай тўғри юрак пойига бош уриб келарди. Болалар уйи деб аталган шу гўшада илинжли юракчалар туну кун безовта дупурлаб, уларни инкор қилиб кетган кимсаларга гўё ёлворарди, уларни изларди, уларни чорларди... Уларнинг жажжи юракчалари илтижолари бу дунёни бир нафас бўлса-да, тинч қўймаслигини, улар миллатнинг ташландиқ бўлса-да, мевалари эканлигини уқтиради.

Ичкарига кирдик. Кроватчаларда Рушана, Дилноза, Алишер, Муродлар ётар, ўттароқда — тўрроқда эса бир-бирини кучоқлаб Ҳасан-Хусанлар ётишарди.

Рушананинг ипакдек кокиллари товланарди.

У:

Нон ёпганда, нон ёпганда, менинг ойим, менинг ойим.

Ширин кулча, ширин кулча, берар доим, берар доим, — деб шеър айтди.

Елкасида қоп-қора соchlари тошиб ётар, кўзлари эса менга:

— Узун соchlаримни ўрмади ҳеч ким, Кўзмунчоқ ҳам олиб бермади ҳеч ким, — деяётгандек эди.

— Болалар, қани яна ким шеър айтади?

Директор ҳар биттасини номма-ном шеър айтишга чорлайди. Ҳасан-Хусанлар ўтириб, маҳзун илжайишади. Кимдир хаёл суради. Кимдир яна отилиб ўртага тушади.

— Дада, сиз олиб берган қўзичоқ, ҳеч юрмайди...

Энтикиб шеър ўқийди кимдир.

— Қани, қандай туш кўрасизлар? Ким айтади? — Болаларга юзланади Ойхумор.

— Мен ойижонимни кўрдим, — дейди Рушана хурсанд бўлиб.

— Мен эса дадажонимни, — дейди Ҳасан хурсанд бўлиб.

— Мен эса акамни, — дейди бир чеккада ҳеч кимга қўшилмай ўтирган Баҳодир.

— Тогасининг ўғлини айтаяпти, — дейди директор. Баҳодир аввал бироз уларнида яшаган...

— Пойариқлик Шерзоднинг отаси ҳомиладор хотинини ўлдириб ўн беш йилга кесилиб кетган.

— 1989 йилнинг қиши, феврал ойи эди, — хотирлайди Шоира Шокирова. Алишер билан Эльвирани — ака-сингилни оstonамизга ташлаб кетишибди. Отаси бухоролик ўзбек, онаси — Таня экан. Эр-хотин ўзаро келишмай қолиб ажралишган ва болаларидан ҳам баб-баравар юз ўтиришган. Иккалови ҳам ўзимизда катта бўлди. Ҳозир улар етти ёшдан ошганлиги учун бошқа болалар уйига ўтказилган.

— Шоирахон, маълумки, ўзбек ҳалқи атрофида бир этак бола қалдирғочлардек вижирлаб юрмаса кўнгли тўлмайди. Мұхтоҗликдан ҳам фарзандларини болалар уйига топшираётганлар ҳам топиладими? — сўрайман ундан.

— Бундай ота-оналар анчагина. Масалан, вилоятнинг Иштихон, Булунғур ва яна бир қанча туманларидан болаларини олиб келиб берган ота-оналар бор. Тўғрисини айтсак, ҳар бир серфарзанд хонадонда бизнинг болалар уйидаги каби тўкинчилик йўқ ҳисоби. Бизда бола сариёғ, сут, мева-чевадан тортиб, ўсиши учун зарур бўлган барча дармондориларни олади. Бунинг учун бизга турли ташкилотлар, қўли очиқ одамларимиз ёрдам берадилар. Пул ўтказадилар. Байрамларда бутун харажатни ўзининг ҳисобига оладилар.

Директорнинг сўзларини тинглаб туриб, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак Ҳадиси шарифларидағи қўйидаги сўзлар ёдимга тушади: “Дилинг юшаб, ҳожатинг равон бўлишини хоҳлайсанми? Етимга раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳожатинг чиқади”.

Халқимиз бу мұқаддас сұзларнинг маънисини жуда қадимданоқ теран англаб етган. Шу боисдан бұлса керак, мурғактарга шафқат күзи билан қараб, иссиқ бағриларидан жой берган. Шунингдек, халқимиз ҳалок құлувчи етти нарсанинг бири -- етимнинг молини емоқликдан қаттық құрққан, инсоф, диёнат чегараларини бузмаган. Насл бузилиб кетмаслиги учун ҳаром йүлга юришдан сақланған. Никоҳнинг муқаддаслигини эъзозлаган. Ва шу боис, тангри халқимизга Абу Али ибн Сино, Беруний каби илм оламининг Күхинурдек олмосларини, Алишер Навоий каби сұз сеҳргарларини, буюк бобомиз Амир Темурдек шавкатли фотиҳларни берган...

Бугуннинг оғриқли муаммоларидан энг фожиалиси -- етимхоналарда беникоқ туғилған болаларнинг күпайиб бораётганидир. Масалан, биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида тұртта етимхона бўлиб, унда саккиз юз атрофида бола тарбияланаётган бўлса, бу рақам жумхуриятимизда ўттиздан зиёдни ташкил қиласи. Энг даҳшатлиси, деярли ҳар бир гўдакнинг ортида саҳнанинг ичкарисида турғандек ота-оналар пинҳон туради. Шулардан қанчасининг беникоқ дунёга келғанлиги ёлғиз яратганга аён.

— Худойим-ей, биласизми, улар ота-оналарини қанчалик яхши куришади, — Шоирахон яна хотираларга берилади. Бир куни (исмини айтмайман) тарбияланувчиларимизнинг бирининг отаси келди. Кечқурун... Фирт кайф. Оёғида зурға туради. Арзимас бир совға олиб келган экан. Билмайман, пайпоқми, рўмолнчами... “Тұхтанг, болангизни чақириб берайлик, бирровгина кўриб кетинг, хурсанд бўлади”, — деб шунча ялинсак ҳам кўнмади. Боланинг ўтай онасидан кўрқди. Аввалги хотини кўнгилхуши билан қочиб кеттган экан. Эркак иккита боласини болалар уйига топшириб, ўтай онанинг хархашасидан осонгина қутилиб қўя қолибди. Ота кетгандан кейин совғани болага бердик. У неча кунгача ўртоқларига совғани кўрсатиб, кўз-кўз қилиб юрди. Бир куни қара-сак, ёстиғининг тагига қўйиб ухлаб қолибди...

Кейин биз болалар уйи директори билан сұхбат мавзуини етимхона деган жароҳатнинг илдизига куч бериб турадиган бошқа жиҳатта — ўта кўнгилчан қонунларимизга бурдик. Бизнинг қонунларимиз — ўзи аллақачон эскирган бўлсада, янгиланмаётган қонунларимиз тўғрисида...

— Масалан, дейлик, — мен билан баҳсга киришади директор. — Бола ота-онадан никоҳсиз туғилди. Туғуруқхонада күзи ёриган, ўзини алданган деб азоб чекаётган кимдир

куяди, пишади. Тақдирини лаънатлайди. Сунгра боласини ўша ерга ташлаб, ўзи силлиққина томошибинг айланади. Гуноҳсиз боланинг тақдирини биздан бошқа паноҳбони борку, деган хотиржамлик билан ўша ерда қолдиришади ва ўзлари яна қайтадан тубанлик чоҳига чукурроқ шўнгийдилар. Агар шу ерда бизга қонун қаттиққуллик билан ёрдамга келганида, катта миқдордаги жарималар белгиланганида ёки фарзанднинг уволига қоладиган бундай кимсалар халқ орасида бир-икки сазойи қилинганида эҳтимол, қисқа муддатнинг ўзида тирик етим гўдаклар сони кескин камайган бўлармиди?

— Халқимизда бундай болаларни фарзандликка оламан деган оиласлар қанча. Лекин уларнинг олдида сунъий түсиқлар шу қадар кўпки, натижада улар битта бола учун йиллаб сарсон бўлишларига тўғри келади. Нима учун болаталабларга етимхоналарнинг эшиги доимо очиқ эмас. Бунинг сири нимада? Ё бунинг замираida ҳам қандайдир сирли манфаатлар ётибдими? — сўрайман Шоирадан.

— Бизнинг ўзимиз шу пайтгача атиги саккизтacha болани фарзандликка бердик. Қонунларнинг яна бир эскирган томони, масалан, тирик етимларнинг ота-онаси барибир кемтиқ умид билан яшайди. Асли олти ой мобайнида йўқламаган ота-она хукуқидан маҳрум қилиниши керак. Лекин бизда эса... Баъзи кимсаларга эса кексайган чоғида фарзанд бирдан керак бўлиб, ёдига тушиб қолади. Энди бу масаланинг бир томони... Яна иккинчи томони шундан иборатки, масалан, болаларнинг таржимаи ҳоли ёзилган варақасида уларнинг ота-оналари ҳақида маълумотлар берилади. Ёки болада касаллик бўлса ҳеч ким ўзига фарзандликка олмайди. Бола яна умрбод тақдир қарфишига маҳкумлигича қолади. Шунинг учун кескин қонунларни ишлаб чиқиш вақти келди. Дейлик, кейинги йиллар мобайнида етим болаларнинг мингдан зиёди хонадонларда ўринини топибди. Етимхоналар ҳам беш-ўнта ҳисобига камайибди. Аммо бу деган сўз етимхоналар бутунлай йўқ булиб кетади, деган сўз эмаску... Ҳаётни фақат ишратдан иборат деб қаровчиларга уларнинг каккуга ўхшаб, бола очиб уни бошқа уяда қолдириб, ўзи янгисига равона булишига чек қўйиш вақти келди. Ҳозир тирик етимлар орасида мусулмон болалар ҳам бор... Табиийки, бундай болалар сони тобора кўпайиб бормоқда.

— Ҳа, бу масалада дин ҳам ёрдамга келадиган вақт бўлди, — дедим директорнинг фикрини кувватлаб. Бу ўринда муслимларимизнинг ҳам ёрдамига жиддий таянмоғимиз

муқаррар бўлиб қолди. Чунки Ҳадиси шарифларда ёзилганидек: “Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш имондандир. Қизғанмаслик эса мунофиқликдандир”.

Асли, барча иллатлар худди шу қизғанмаслик илдизига бориб тақалмайдими? Биз яхлит бир миллат сифатида бор дунёмизни: тилимизни, динимизни, аёлимизни, илмимизни, гўдагимизни, истеъдодимизни теран бир муҳабbat ҳисси или қизғаниб, авайлаганимизда бошимизга шунча кулфатлар тушмаган бўлармиди?

Буюк фотиҳ Амир Темурнинг “ЗАИФАЛАРНИ ҚЎРИНГИЗ” деган қудратли сўзларини аввалроқ ўқиб, уққанимизда мусулмон болалари сафиҳоналар остоналарида сарфаймаган бўлармиди?

Бугунги кунда имконияти бўла туриб, боласини ҳафтада бир бор уйга олиб келадиганлар озми? Мурғак учун ота-она дийдори ҳамма нарсадан муҳим эканлигини тан олишини истамаётганлар-чи?

Анҳорлардан тутиб олинаётган ўлик чақалоқларнинг уволи кимни тутади, ахир?

Ахир, биз юз ўтирган болалар ҳамон меҳрдан умидвор тумшуқларида қўёшга гул тўла сават элтаётган турналарни чизишмоқда-ку?

Ахир, шу етимхонадаги Шерзод риёзиётдан фавқулоддаги истеъоди билан профессор деган лақабга эга бўлди-ку...

Ахир, бу шафқатсиз дунё учун Шаҳнозанинг чизган расмлари кўз ёш билан сабоқ оладиган ҳайрат мактаби-ку?

— Катта ошхона, саунали ҳаммом кураман, — деб режалаштиради директор Шоира Шокирова. — Курилиш материаллари йўқлиги учун иш тўхтаб қолган. Жумҳурият молия вазирлигидан маблағ сўрамоқчиман. Кўнгли яrim гўдаклар қийналmasин дейман...

Шоира бу режаларни кўнгли ўксиб, қийналиб айтади. Аслида у ҳам бир она сифатида она тупроғимизда сафиҳоналар бўлмаслигини жуда истайди. Болалар уйи деган номни ҳам бошқача аташни хоҳлайди. Аммо... қаерлардадир ҳамон чақалоқлар остонаяга ташлаб кетилмоқда.

Етимхоналардан фарзандликка олинган баъзи бир болалар яна унинг бағрига қайтарилмоқда. “Тарбиялаш қўли-миздан келмас экан, яхшиси қайтиб олақолинглар”, деб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Мурғакнинг уч ёшгача бир жойда, сўнгра етти ёшгача иккинчи жойда, ўн саккиз ёшгача учинчи жойда тарбияланиши, хоҳласа хонадонга олиб кетилиб,

хоҳламаса қайтариб берилиши сизга қизиқ туюлмаяптыми? Мунглиғ гүдакларнинг бундай қисмати қўлдан-қўлга оширилаётган чиройли коптокни эслатди менга...

“Болам, туғилганинг тупроқ қўлласин”, деб изтироб чекади шоира Бибисора Туробова.

— Бешта болам бор, яна бешта бола бўлса тарбиялайман, — дейди Иштиҳон ноҳиясидаги 39-мактаб ўқитувчиси Анора Чинорова. — Бола тасодифий, тасодифий меҳрдан узоқ хонадонларга тушиб қолмаслиги керак...

...Болалар, тунда оймомога қараб кўзлари жиқ ёшга тўладиган болажонларимиз эса ҳамон хонадоннинг сеҳрли оғушидан узоқ, тансиқ меҳрдан узоқ, лоқайд ва бепарво бўлиб вояга етмоқдалар.

Тунда уларнинг бошини ота-оналари эмас, хушфеъл, оқ-кўнгил энагалари силайди. Сеҳрли аллаларни ота-оналари эмас, энагалари айтади. Устларидан ерга сирғалиб тушган кўрпаларини энагалари қайтадан ёпиб қўяди.

9-болалар уйида ўттиз йилдан бўён ишлаб келаётган тарбиячилар Баҳриддинова Мамлакат, Мұҳсимова Мая, Мамутова Эльвира, Турсунова Марҳабо каби ажойиб инсонлар, оқкўнгил фаришталар, мунглиғ кўнгилларнинг кемтигини иложи борича тўлдиришга ҳаракат қилаётган энагалар Вонхидова Мұяссар, Сулайманова Шафиқа, Ҳамроева Сония ва бошқалар... Улар ҳақида болажонлар оғзиларидан бол томиб гапирадилар. Чунки бу ернинг заҳматига, бедор тунларига бардош бериб келаётганлар сони аста-секин камайиб бормоқда. Чунки ҳозирги ёшларда бардош, чидам айниқса ўлчамли, чоғи...

Мени ушбу етимхонада ҳали жумҳуриятимизда маънавий таназзулнинг илдизлари бақувватлиги ўйлатди. Кўрпа остидан мўлтираб ёттан ҳуркак кийикчаларнинг барини бағримга босиб, ўша ердан олиб чиқиб кетгим келди. Худди менинг болалигимдаги каби уларни ҳам боболари уйғотса: турақол, болам, сани бир бозорга олиб тушай, ҳандалак олиб берай, деса.

Отларнинг ҳилпираган ёлларига хаёллари илашиб кетса... Сўнгра беозор майсалар устида думалаб қуёшга гул элтаётган турналар ҳақидаги илк шеърини ёзсалар...

Эҳтимол, жуда тез йиллар оша менинг бу маҳзун хаёлларим рўёбга чиқар... Ҳозирча эса, тумшуғида гул тишлаган турналар маҳзун учадилар. Гуллари қон рангида... Етимхона гўдакларининг нигоҳларига ёзилган шеър эса янада маҳзунроқ...

Кундуз ёстиғимда қүёш ухлайди,
Тұнлар ёстиғимда күз ёш ухлайди... —

деб ёзди улар қалбимга үз шеърларини...

Мен у ердан юртни янада қаттиқроқ қызғаниш ҳисси ила
қайтдим...

1992 йыл, 31 июль

ЁЛФИЗ АЕЛ: У КИМ?

...Мен бу мақолани ёзишни бошламасымдан аввал ёлғизликнинг сувратини хаёлларда чизишим керак эди. Бу сувратни тикламоқ шу қадар мушкул бұлдықи, мен хаёл билан бир неча бор болалигим күчаларига кириб чиқдим. Чунки ёлғизлик түшунчесининг қырралари бир сүз билан қамраб олиш маҳол бұлған оғриқли, мавхұм ва айни бир пайтда жароҳатлы дунё эди...

...Бола эдим. Катта, назаримда бир чеккаси қүёшли уфқа-ча тулашиб кетаётгандай туюладиган богимиз бұларди. Тилладай ўриклар ерга беозор тушиб, пақ-пақ ёриларди. Қирмизак олмалар ариқчадаги сувларга узилиб тушиб, құшни боғларга бемалол оқиб кетаверарди. Ана шу олмалар қалқиб борадиган ариқчанинг бүйіда, биздан сал нарида, гариги-на күлбада мүнис ва мүштипар бир аёл яшарди. Бир туп жийдаси бор эди. Унинг тагида оппоқ ит — Оқтой эрта-ю кеч пашшасини қуриб ётар, аёл келтирған хурагини еб, миннатдорлик билан унинг оёқларига суркалиб құярди. Аёл эса катта-катта маъюс құzlарини унга тикканча узоқ үлтирап, ким билсин, баъзан биз инсонлар тушуниши қийин бұлған дардарларни ўша тилсиз жонивор билан бўлишарди, чоғи. Кейин у оҳиста бизникига келар, менга қараб: “Кизим, Абдураҳим буванг ҳали ҳам келмади-я, ишқилиб, тинчлик бўлсин”, — деб уҳ тортарди. Абдураҳим бува эса — худди Алномишдек келбатли, кўркам, бироқ фарзандсизлик ва дунёнинг турфа азобларидан ақлу шууридан айрилган кимса, қүёш уфқа оға бошлаганда кириб келар, супамизда бир нафас үлтирап: “Ана, қара, қара, боғлар айланиб кетаяпти”, — деб кулар, йиғлар ва яна уни кутиб мунгайиб үлтирган гарип қушнинг қанотларida ўша кулбасига йул оларди. Кўп ўтмай у күчада оламдан ўтди. Бир умр бир-бирига қаттиқ суюнган бу икки тақдирнинг тинчлигини вақтингачалик

айрилиқлар ҳам бузмади. Аёл, менинг фариб құшним, шоми фарибонда ўша танқо кулбада умрининг сұнгги күнларигача руҳнинг садоқат ва савоб шамларини ёқиб, ёлғиз үтираверди. Ва менинг тасаввуримда муқаддас ёлғизлигича бир умр муҳрланиб қолди. Ҳануз ўша аёлнинг шикаста товушини эсласам, катта-катта мунгли күзларини хотирласам, ёстиқдошининг қанотига кириб, оқиста уфққа йүл олаётганини эсласам, юрак-бағрим эзилиб кетаверади. Бұғзимга тиқилган азобларни күч билан миңжаларимга қалқытмайман. Улар эса юрагимнинг туб-тубларида ётаверади, ётаверади...

Кейин мен ақтимни таниб, уруш туфайли дунёning барча тұзалликларидан мосуво бұлған — гул умри бутун умр күчага термулған аёл ёлғизлигининг гувоҳи бұлдым. Бу ёлғизлик назаримда мен хаёlda чизмоқчи бұлған сувратнинг бүеклар етмайдиган мунғели, шаффоғ манзараси әдіки, унға сүз ҳам, бүёқ ҳам ортиқча эди. Чунки шаффоғ дунё фақат нурлар, тоза нурлар құним топадиган ҳаётнинг ўзи аллақачон титроқ құллари илиа күз ёшларини арта-арта чизиб ултұрган, мукаммал манзараси эди...

Сұнгра мен оиласи бағрида, болалари, турмуш үртоги ёнида туриб, “ёлғизман, руҳим ёлғиз”, деган аёлларни күрдим. Ёлғизликнинг бу күринишини қандай шарҳлашга ҳануз иккапланаман, аммо юрагим фарзанди бор аёл ҳеч қачон ёлғиз бұлмайди, деб менга уқтираверади...

Аммо, ёлғизлик дарахтининг яна бир навқирон шохла-ри — жамиятнинг илдизидан күч олиб, тобора бақувват тортиб бораётған қисми — ёлғиз аёл құлида ювилмаган мевала-ри билан ҳаёт боғига кириб келди.

Бу дарахтни жамият узоқ йиллар парваришилади, озиқ берди, натижада у энди ўз ҳақ-хуқуқини таниб, уни талаб қыладиган даражага етишди. Ва ҳатто ҳуқуқ таниш борасида у том маңнодаги ёлғиз тенгдошларидан анча илгарилаб ҳам кетди. Чунки “Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидан бұшаб қолған, башарият гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилған. Дунёning қоронғу тупроқхонасарының вафо шаъми ёритма-япты. Вафонинг нарғис гули давр чаманиға күз солмайды ва кишиларнинг күнгил күчасида күролмаслик ва ҳасаддан ўзга нарса топилемайды”.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 550 йил оша минг таассуғ билан қофозга муҳрлаган изтироблари бугунғи кунимизда ҳам аросатда қолған қисматлар — ёлғиз аёллар қисматининг аччиқ баҳосидай жаранглайверади. “Вафонинг

муаттар ҳидларидан айрилган башарият гули” — бу теграмиздаги ёлғиз аёл...

Мана у рұпарамда үтирибди. Гоҳ күз ёш тұқади, гоҳ ҳеч нарсадан бехабар, құлида тинч турмай, соchlаридан тортиб ҳаловат топаёттган гұдагининг қилиқларини хурсанд бўлиб кузатади. “Худо буни бир қайтиб берди, — дейди у ҳалиям тез-тез йўталиб, лабларининг кунжи кўкариб кетадиган гұдагининг бошини силар экан. — Реанимацияда йигирма кун ётди. Дўхтирлар ҳам умидини узган эди”. У сўзлайверади... Мен эса негадир сомон парчасига ёпишган кимсани эслайвераман. Бу аёлни ҳаётга боғлаб турган ёлғиз илинж гўдак эканлигини бутун вужудим билан ҳис қилиб тураман. Аммо уни ҳаётга боғлаган яна бир илинж — шу гўдакнинг отаси эшикдан бирдан йўқлаб кириб келармикан, деган илинж туну кун кўзларини эшикка термултиради. “Ҳатто боласини ҳам эсламайди-я”, деган хаёл уни тинмай таъқиб қилади. Ва бу таъқиб уни умрининг охиригача тарқ этмайди. Чунки у бу даҳшатли, изтиробли, кўз ёшли йўлни ўз ихтиёри билан танлаган. Ҳаёт деган карвон эса вазмин, қадимий йўлида давом этаверади...

Мен билан бу тақдир — ўзининг аччиқ қисматини бошқалар ҳам билиб қўйишини истаган бу қисмат ҳаётга энди қадам қўяёттган гулдек сингилларимиз учун аччиқ сабоқ бўлиши муқаррар. Ўзининг бепоён қирларини, жийда ҳиди анқиган ҳаволарини, онасининг содда ишончини, отасининг ҳамиша баланд бошини, укаларининг меҳрли нигоҳларини кўксига жойлаб, бир ажиб ҳайратга ошно бўлиб шаҳарга интилган эди. Шаҳар уни ўзига хос катта тажриба ва шубҳали нигоҳлари билан одатдагидек вазмин қаршилади. Қизалоқ шаҳарга келганида менинг хаёлларимда чизилган ёлғизликнинг пок сувратидек тоза эди. Кейин у ўзи истар-истамаган ҳолда ҳаёт ўйинларига бажонидил қўшилиб кетди. Бепоён қирлар ҳам, жийда гули анқиган ҳаво ҳам, отанинг қаҳрли ва меҳрли қараашлари ҳам бирдан унугилди. Киндик қони томган остона хаёлидан кўтарилган ондан бошлаб у жамиятимиз ёлғиз аёллар деб ардоқлаб келаёттган сафга ҳеч иккиланмай қўшилиб олди.

У ишонган йигит боласи билан кўшиб, кўчага ҳайдади. Йигит уни ҳақоратларга кўмди. Ота-онаси иснод келтирғани учун батамом юз ўтириди. Муттасил ичадиган, бир хонада кучуклари билан ухлайдиган кампирнинг ижара уйида у қаҳратон қиши кунида боланинг ўпкасини совуққа олдирди...

Сомонга ёпишган кимсани эслатади у менга...

Аслида-чи? Унинг аҳволи мен тасаввур қиладиган дара-жада аянчлими? Йўқ, энди уни ёлғиз илинж билан бир қаторда жамият томонидан ёлғиз аёлларга яратиб берилган имкониятлар ҳам яашашга ўргатди. Кўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсон ўз нуқсини худди шу тахлит жамият томонидан расмийлаштириб олди.

Уларга яратиб берилган шароитлар — гўдаги учун тўла-надиган нафақа, уст ва ҳоказолар ёлғиз аёллар сафининг кундан-кун ортиб боришига имкон туғдирмоқда. Жамияти-мизда шундоқ ҳам ўз боласини тирик етим қилиб ташлаб кетаётганлар, ўғрилар, нашавандлар, қотиллар тиқилиб ётиб-дики, бу қуринмас занжирларнинг бир учи ёлғиз аёл қисмати билан бевосита боғланниб кетади. Соғлом оиласларнинг барбод бўлиши, ёлғиз аёлнинг борган сари гуноҳга ботиб боравериши ижтимоий муҳит ҳавосининг ифлосланишига олиб келмоқда. Зоро, жамият ўпкасининг соғлом бўлиши учун бу ҳавонинг тозалиги нақадар зарурдир.

“Хурматли редакция, — деб ёзади кўп болали она Каромат опа. Каталакдек уйда жўжабирдек жонмиз. Яшаб турган жойимиз ҳар бир квадрат метрига белгиланганидан икки-уч баравар оз. Кўп жон қийналиб яшаб келмоқдамиз. Уй сўрайвериб, бормаган идорам қолмади. Лекин, ҳамма идораларнинг эшиги биздек бечоралар учун ҳамишга тақа-тақ берк. Ёлғиз умидимиз сизлардан: уй олишга ёрдам беринглар”. Жумхуриятишимиз матбуоти бундай мазмундаги хатларни ҳар куни кўплаб олиб турди. Кўксига бир оз шамол тегиб, ёрдам олганлари олиб қолади. Аксарияти эса, аввалгидек “эски ҳаммом, эски тос” қабилида индамай кун кечираверадилар. Чунки уларнинг асосий қисми турли маҳкамаларнинг эшигига бориб ўрганмаган.

Ёлғиз аёл-чи? У бундай ҳолда бутунлай бошқача йўл тутиди. У ўзига ишонган ҳолда жамиятнинг олдига масалани кўндаланг қўяди. “Ёлғиз аёлман, — дейди у дадиллик билан. Мени биринчи навбатда уй-жой, нафақа билан таъминлашинглар шарт”.

Ёлғиз аёлнинг ҳоҳишлари билан ҳисоблашмай кўрингчи? У кўпчилик ҳолда ўз мақсадига етиш учун бақиришдан, ҳақорат қилишдан тоймайди. Ёлғизлик эса жамият учун аёлни ҳимоячи куролга айлантиради. Худди шу тахлит жамият ўзи етиштирган меванинг роҳатини такрор-такрор кўраверади...

“Аммо, худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келтиради. Агар майхўр бўлса, у уй ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади”.

Агар биз ўзимиз яшаб турган жамиятни улкан уйга қиёс қиласиган бўлсан, унда ҳалокатли иллат аллақачон пайдо бўлишга улгурди. Мен ҳозиргача ёлғиз аёлларнинг бошпана-сизини кўрганим йўқ, аммо не-не покдомон аёлларимизнинг, эри қатор болалари билан ташлаб, бошқасига уйланиб кетган тенгдошларимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан эзилиб аччиқ-аччиқ кўз ёш тукаётгандарининг тез-тез гувоҳи бўламан. Жамиятда ёлғиз аёл пайдо бўлишига бешаф-қатларча ҳисса кушаётган эркаклар эса одатдагидек сувдан қуруқ чиқиб кетаверадилар. Чунки, улар миллат келажаги, маданияти бўлган аёлларни авайлаш, уларга инсоний нуқтаи назардан ёндошиш кераклигини аллақачон ёдларидан чиқариб юборганлар... Зоро, инсоф номли булоқнинг кўзларини тош босиб ётаверар экан, ёлғиз аёллар сони келгусида улкан рақамларни ташкил этмаслигига ким кафолат беради?

Мен ёлғиз аёллар қисматига тақдирнинг ўйинлари деб қарашга, шу фикрга ўзимни ишонтиришга уриниб кўраман. Аммо, юрагимнинг тубида фимираётган ҳис кескин “йўқ!” — дейди. Аёлнинг қисмати ўйинчоқ бўлмаслиги, у жамият ўртасида ёлғиз аёл деган тавқи лаънатга ўхшаган номни кўтариб юрмаслиги керак, деб эътиroz билдиради, унинг ёлгизланиб қолиши учун шароит яратиб берганимиз сабабли ўзимизни кечирмаслигимиз керак, дейди.

Ажойиб турк шоири Нозим Ҳикмат ўғлига ёзган хатида: “Онанг ой ёғдуси, қуёшнинг нури, мевалар ичиди хуштаъм олхўри”, деб ёзган эди. Мен буюк шоир нисбатида ажиб ёруғлик, муқалдас ёлғизликни кўраман. У ўз рафиқасини гўзалликнинг ёлғиз кузи билан кўра билган, муҳаббатнинг ёлғиз оғушида ардоқлаган, унинг ёлғизлигини ой нури қадар эъзозлаган.

Ўзбек аёлининг ёлғизлигини имтиёз қилиб најот сўраши — бу барчамизнинг фожиамиздир.

Аёлларимизнинг қайси бир йиғилишида хурматли опапаримиздан бири талаба қизнинг ўз фарзандини, яъни фарзандларини сотиш билан шуғулланаётгандарини, ҳар сафар

янги-янги мижоздан бола орттириб, шу орқали яхши еб, яхши ичаётганлигини айтиб қолдилар. Токи, аёл ўз аёллигини, муқаддаслигини савдо-сотик даражасида тубанлаштириб ерга ураётган экан, унинг урчишига йўл қўймай, қонулар орқали кескин ҳисоблашиш йўлларини қидириш вақти келди. Жамиятда ўзини яшашга ҳақли деб ҳисоблайдиган ҳар бир кимса, аввало унинг ривожи учун нималар қила олаётгани ҳақида ўзига бир ҳисоб берса ёмон бўлмайди. Қаерга бормайлик, ёлғиз аёл муаммолари ёки бошқа муаммолар ҳам шунчаки, йўл-йўлакай ҳал қилиб кетилади. Ваҳоланки, жиддийроқ, заҳарни заҳар кесади, қабилидаги қонуларимизнинг ўзи йўқ ҳисоби. Қанча минглаб ёлғиз аёллар жамият рўйхатида туради. Аммо уларнинг нима иш билан шуғулланаётгани, жамиятга кўпроқ фойда келтирияптими ёки зарар уни чуқурроқ таҳлил қилиб чиқадиган марднинг ўзи топилмайди. Ўша аёллар турадиган уйларнинг остоналаридан машиналар ўғирланяпти. Нашаванд ёшлар, ичкиликлар, турли ўғирликлар — кўзга кўринмас ҳалқалар — кимнингдир соғлом ҳаётини барбод қиласаяпти, кимнингдир умрига завол бўляяпти. Гўдаклар тарбиясига нохуш таъсир кўрсата-япти.

Кулдим.

Кувончимга бўлмадинг шерик.

Йигладим.

Дардимга бўлмадинг малҳам.

Сезмадинг.

Энг ёруғ ишончдан безиб,

Кетиб бораёттир бу кўхна олам.

Кетиб бораёттир лоқайд дунёдан,

Фижим рўмолчаси кўз ёшидан ҳўл.

Аёл мунглиф аёл, эй бебаҳт аёл

Қайга элтар сени ёлғизоёқ йўл?

...Яна сурхондарёлик О.нинг сўзлари ёдимга тушади: “менинг тақдиримни ёзинг, опа! Қандай азоблар тортганимни яширмай ёзинг! Ҳомиладор бўлиб қолганимда, бу итваччангни қайси йўл билан бўлса-да йўқ қил, бўлмаса ўзингни поезд йўлига бориб ташла. Мен барibir сенга уйланмайман, деганларини ҳам ёзинг. Мен кун бўйи ишлаб, беш йил давомида ўзим емай-ичмай, уни ўқитганларимни ҳам ёзинг! Унга ишонганим учун буларнинг бари менга яратган томо-

нидан жазо эканлигини ҳам ёзинг! Кизим тирик юрса, мен уни бошқача тарбиялайман. Мен унинг жудаем бахтли бўлишини хоҳдайман. Журналхон сингилларимизга эса айтар сўзим: улар бу маккор дунёning турфа найрангларига учмасинлар. Чунки ёлғиз аёл — бу жамиятнинг ўтай кўз билан қарайдиган фарзандидир”.

О. энди ота-онасининг олдига ҳам қайтиб боролмайди. У ўзининг гуноҳарини ювмоққа тайёрдай кўринди кўзимга. Бироқ, йиллар ўтиб, у ҳақидаги сўзлар, аччиқ қисмати ҳақидаги доимий таъқиб қилиб юрувчи мишмишлар дунёга ёлғиз ҳайрат кўзлари билан боқиб келаётган мургакнинг қалбини бир кун жароҳатлаб қўймасмикан. Чунки, халқимиз ҳамиша “тоза палакларни” суришириб, ҳукм чиқарувчи халқ.

Аммо мени чўчитган нарса, О.нинг қарапларидаги ўша даҳшатли ҳукм: жамият биз учун ҳамма имкониятни яратиб бериши керак деган, ҳукм. Энг ёмони, у боласини ҳам худди ўша руҳда тарбиялайди. Одамлар эса яна ахлатхоналардан гўдакларни топиб олаверадилар, етимхоналар уларнинг бошини силайверади. Биз кутган яхши ўзгаришлар, тозалик шабадалари худо билди, қачон эсади?

Мен ёлғизликнинг ҳақиқий манзарасини чизишга уринар эканман, халқимизнинг қадими жуда ибратли тадбирлари хаёлимдан бирма-бир ўтди. Тарихимизга “қора ўтмиш” бўлиб кирган ўша даврларда ёлғиз аёл бормиди?

Ота-онаси бир умр сир сақланиб келинадиган бундай қонунлар бугунги кунга келиб ўзини оқладими? Ахир, гуноҳ қилган кимса, аёл ё эркаклигидан қатъи назар жамият олдиди жавоб беришга қачон ўрганади?

Ахир, гуноҳи учун имтиёзлар ва шароитлар яратиб бераверсак, жамиятдаги иллатлар ҳеч қачон барҳам топмайди-ку?

Мен пахтазордаги аёлларимиз, касаллик туфайли емирлиб кетаётган она-болаларимиз, ёлғизлик кунжида — ғарилар уйида бу дунёning бевафолигидан ҳафсаласи пир бўлиб кўз юмаётган қарияларимиз ва бошқалар учун фавқулодда имтиёзлар борлигини эслай олмайман. Бироқ бор имтиёзларнинг ҳам маълум бир тоифа учун шарм ва ҳаё пардасини сидириб ташлаш воситаси бўлишини ҳам истамайман.

Жамият ёмон нарсалардан ҳазар қилишини ҳам унутиб қўйди.

— Бир йўла уч фарзандлик бўлдим, — деб ёзади журналхон К. Ёлғиз онаман...

...Нохия партия құмитаси зудлик билан ёлғиз онага уй ажратди.

— Ёлғиз онаман. Бешта болам бор. Ёрдам берсангизлар...

Әнг таажжубланарли жойи шунда бўлдики, мактуб муаллифининг бешта боласи ҳам бешта отадан, у бешаловидан ҳам нафақа оларкан.

Шундай пайтларда, беихтиёр яна бир этак болалари билан қолиб, эридан нафақа ҳам ундира олмаётган муштипар опа-сингилларимизни эслайди, киши.

Жамиятимиздаги ёлғиз аёл ким? Эҳтимол, бу кичик мақоламда мен унинг ҳаққоний сувратини чизиб беролмагандирман? Эҳтимол, сиз ҳам уни танирсиз? Нега инсон вақтлар келиб боши билан ҳаётнинг тош деворларига урилганида раҳмимиз келиб кўз ёш тўкамизу, унинг олдини олиш ҳақида қайғурмайсиз? Жамият тўғри деб билган қонунларнинг ҳаммаси ҳам чуқур ўйланганми? Уларга қарши юрганингизда озгина бўлса-да, бир лаҳза бўлса-да норозилик кайфиятини сезганимисиз?

Асоси эзгуликни ўйлаб қилинган иш бўлса-да инсоф, диёнат, покизалик, ҳалолликка курилмаган ҳар қандай бино куламоққа маҳкумдир. Шунингдек, қонунлар ҳам. Сиз-чи, азиз дўстлар, бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

1991 йил, январь

ИЛДИЗЛАРИНГ ҚАЙДА, ИЗТИРОБ?

...Ўша куни у беморхонада тунги навбатчиликда эди. Осмонда йирик-йирик, ерга жуда яқиндек туюлган юлдузлар ғалати чараклаб ётар, кузакнинг бадани бир оз жунжиктирувчи шамоли гоҳ-гоҳида хиёл очиқ дераза пардаларини ўйнаб, хонага мезон бўйларини таратиб кетарди. Телефон кўққисдан жиринглади. Қабулхонага оғир бемор келтирилганди. У навбатчи шифокор билан етиб борганида, қабулхона шовқин-суронга тўлиб кетган, қизининг ҳаётини сўраб фарёд чекаётган онаизорнинг кўли бир тутам оппоқ сочга тўла эди...

Фалокат деб аталмиш овчининг навбатдаги ўлжаси ҳам ўн етти ёшдаги қиз бўлиб чиқди. У онасининг: “Кинодан нима учун кеч қайтдинг”, деб койигани учун ўзини юқори қаватдан пастга ташлаб юборған, натижада бутун танаси

кучли зарб еган, бел ва иккала оёгининг суюклари синиб кетган, боши қаттиқ чайқалган эди.

“Хали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган бу қизнинг шу аҳволга тушишига фақатгина онасининг койиши сабаб эмас, деган фикр ўтди хаёлимдан. Келгуси навбатчилигимгача хаёлимдан ўша қиз кетмади. Ишга бордиму, шоша-пиша унинг bemорлик варақасини очдим. Кўнглимдан кечгандари ҳақиқат бўлиб чиқди: унинг икки ойлик гумонаси бор экан. Қиз ётган хонага кириб ундан ҳол сурадим: кўз ёшлардан ёстиқ ҳўл бўлиб кетган bemор билан иккимиз бир қараашдаёқ бир-бишимизни тушундик. Аммо, кейинги пушаймон, ўзингга душман, деганлари... Ташқарида эса онаизор: “Қизимни койигунча, тилим кесилса бўлмасмиди?” — деб ҳеч нарсадан бехабар, ҳамон ўзини койишда давом этарди...

Мен қизнинг ўзи айбор эканлигини юзига айтольмадим. Чунки ўша дамларда у ёлғиз тасаллига муҳтоҷ эди. Бироқ худди шу қизга ўхшаб, хато қилиб, сўнгра пушаймонлик ўтида жизғанак бўлиб юрган опаларимиз, сингилларимиз, тенгдошларимизга ўз йўлларини тўғри танлашда кўмак берайлік, деган мақсадда бу мактубни сизга йўлладим”, — деб ёзди бухоролик ҳамшира синглимиз Ирода.

Чиндан ҳам ҳаётда адашганлар, қоқилганлар учун ўлим сўнгги йўлми? Нега биз кўпинча хатога сабаб бўлувчи илдизларни кўрмай ўтиб кетамиз? Атрофимизда рўй бераётган воқеалар ривожини аввал лоқайдлик билан кузата борамиз. У сўнгги нуқтага етгандан кейингина қатъий ҳукмдек жаранглайдиган ўз фикримизни айтамиз...

Халқимизнинг ажидлатофатга, ҳаёга бой қизлари, аёллари кейинги пайтларда нега гуноҳдан қўрқмай қўйди? Кулоқларимда ўзбекнинг кўзга суртиб ўқийдиган шоири Чўлпоннинг сирли мисралари куйдек оқади:

Бир тутам соchlaring менинг қўлимда...
Эркалаб ўпайми ё севиб тараЙ?
Сочилган сочингдек сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан.
Ўзинг-ку уларда вафо йўқ дединг,
Тағин сен уларни нега кутасан?

Шоир ҳақ... Қиз боланинг энг катта бойлиги — хазинаси унинг ҳаёсида, ор-номуси, иффатини гард тегиздирмай асрай олишида... Аммо... оиласдаги ўзаро келишмовчиликлар,

хаёлдаги ҳаётга күр-күронан интилиш, меҳр-оқибат деган муқаддас түйғуларнинг инқирозга учраётгани... Хуллас, ҳалолу ҳаромнинг жамият қозонида аралаш биқиллаб қайнаши биз бир пайтлар сифинган, топинган түйғуларимизни йўқотишимизга олиб келди...

Бўлмаса, онаизорнинг бир оғиз койиши баҳонасида қиз ўзини юқори қаватдан пастга ташлармиди?

Аслида, ортиқча ишончнинг — она ишончининг поймол этилиши эмасми бу? Ахир, бешик устида аллалар айтиб, оппоқ тонг оттирган она вақтлар келиб фарзандининг заволини эмас, камолини кўрмоқчи эди-ку? Ўша бедор тунлар эвазига боласидан улкан ҲАЁ, улкан ИФФАТ, улкан ОРНОМУС кутаётган эди-ку она бечора... Кўнгилнинг хоҳлаган кўчасига кириб, оқибатда йўл қўйган хатосига ҳам яна энг яқинларини — яратувчиларини шерик қилиш... Билмадим, бу инсофнинг қайси китобида ёзилган экан?

Аммо хатога йўл қўйган қалб эса бошқача фикрлайди. У ўша дақиқаларда ўзини қаттиқ камситилган, хўрланган ва ўта баҳтсиз ҳис қиласи. Кўз олдида уни йўлдан урган, ишончини поймол қилган КИМСА туради. Ўша дамда жаҳл ақлдан устун келади, ўша дамда энг яқинларининг азиз чеҳралари бир нафас туман ичидаги қолади. Ўша дамда у оламни улкан ЎЧ шаклида кўради... Аммо ҳамма нарсага кеч бўлганда кўзлари очилгиси келади-ю, аммо...

Демоқчиманки, қилинган хатони тузатишнинг сунгти йули ЎЛИМ эмас.

Аслида, бу оламга ишонгани учун ҚИЗАЛОҚ айбдорми? У дунёни түйғуларидай соғлигича қабул қилгиси келди. Атиргулдек яшнаб, қуёш нурларида яйрагиси келди. У атрофида изғиринлар борлигини ҳис этмади. Сирларини энг яқинлари билан бўлашгиси келди... Бироқ, қани ўша сирларини беғараз тинглайдиган самимий дўст? Мингдан бир одамнинг бошига ҳумо кушидек қўнгган садоқатли дўстлар ҳам эртакларга айланганини у кечроқ билди-ю... топталган ишонч, меҳр эвазига ўзини курбон қилишга уриниб кўрди.

Жамиятнинг суюнчи бўлган, ишонган тоғи бўлган йигитларимизнинг аксариятини улкан ишонч мезонидан қўйига шўнғиб кетганлигини тан олгиси келмади у...

“Инсон ва қонун” кўрсатувида фоҳиша аёлларга 200 сўмдан жарима тўлансин, деб айтилди. Нима учун эркакларга бу тўғрида ҳеч қандай қарор чиқарилмаган? Чунки баъзи бир ҳаром пул топадиган эркаклар хотин-қизларни алдаб йўлга солса, баҳтсиз қилса, нега ундейларга чора

курилмайди? Масалан, менинг эрим ҳам ёмон йўлга кириб кетганига етти йил бўлди. Ҳаром пул топиб, аёлларни йўлдан уриб юради. Фарзандим беш ёшга тулди. Қонун бўйича ҳали ажрашмаганмиз. Ҳар йил биттадан хотин олади. Ҳозир кундошларим бешта бўлди, холос. Газетага ёссан, 50 фоиз алимент белгилашди-ю, аммо унга ҳеч қандай чора кўрилмади (Намангандик М.)”.

Жамият тарозисининг мувозанати эса худди шу ерда бузилди. Аслида, биз ёмон деган Ислом дини асрлар оша аёлнинг кафолатини эркак зиммасига бош торта олмайдиган вазифа қилиб қўйган эди-ку. Аёлни “мехр ва эҳтиром ила” муҳофаза қилишни қулоқларга такрор ва такрор қўйиб келган эди-ку. Бугунга келиб эса у эркаклар ўрнига ҳам “эҳтиром ила” ишлай бошлади. Пахта далалари саратон селларини “саҳоват” билан аёл бошидан қўйди, комил она бўлиши учун асрлар томонидан яратилган шароитлар, қулайликлар бешафқатларча тортиб олинди. У истаса-истамаса юзидан чимматга қўшиб иффат пардаси ҳам деярли юлқиб олинаётди. Кейин бироннинг синглиси, бироннинг онаси, бироннинг жуфти ҳалоли, деган нуктаи назарлар бирдан эскирди. Бегона нигоҳлардан ўрикнинг гулидай дув қизарадиган маъсумалар энди кўзимизга тик боқишга ўрганди. Кейин аёл боласини ҳам ўйламай гуноҳга ботди, жамият юкидан қадди букилиб ўзига ўт қўйди, ажиг ғазаллар билан ошно бўлиш ўрнига тунлари кинога боришни ўрганди. Сўнгра юқори қаватдан ўзини пастга ташлади...

Оврупо бу ҳодисани бумеранг, деб шарҳлайди...

Навқирон асрдошим эса юрак-бағри эзилиб, уни “ижтимоий хасталик” деб номлайди...

Одамлар орасидан кўтарилаётган меҳр-оқибат, инсонийлик каби туйғуларнинг тобора йўқолиб бораётганидан, миллий низоларга айланиб кетай деб турган таҳликали вазиятдан, иқтисодий қийинчиликлардан лолу ҳайрон бўлиб қолган, оппоқ соқолини кафтларида ғижимлаган отахонлар (улар жуда кўп нарсанинг гувоҳи бўлганлар) ўшлар орасидаги бутелбасаро ҳолатдан ич-ичидан эзилиб, бош чайқашиб, ўшларга умр, қариларга имон тилайдилар...

Менинг жонимни эса изтироб илдизларининг нақадар бакувват тортиб кетаётганилиги ўртайди...

Болаликдаги эртаклар бўлса бир ажиг фароғат билан етмиш қават пардасидан тарағлан нур хонани мунаvvар қилган куёш чеҳралар, бир кокили тилло, бир кокили кумуш

гўдаклар ҳақида ҳамон менга сўйлайверади... Жоним бир нафас ширин хаёллар оғушида роҳатланади, руҳимни алла-лаган ўша дунёни тарк этгим келмайди-ю, бироқ столим устида мунғайибгина сочилиб ётган мактубларга кўзим тушиб, бирдан ҳушёр тортаман...

“Уч ой таътилда ҳам далада бўлсак. Шийпонларда шароит йўқ бўлса... Пахта ҳам қизларсиз ўтмаса... Уйга келиб ота-онага ёрдамлашсак. Эрта тонгданоқ яна далага — кўёш қизифига чиқиб, 50—60 кг ўтни кутариб яна уйга келсак... Ичимиздагини бирорвга айтолмасак. Ким биландир дўстлашгимиз келса, бирордан маслаҳат суролмасак. Мактабда дўстлар билан келиша олмай қолган вақтимиз нима қилишни билмай қолсак. Рости, менинг ҳам хаёлимга бир-икки яшамаслик фикри келди. Лекин мен кундалик тутиб, дардларимнинг борини унга тўкаман. Шунда бир оз енгил тортгандай бўламан”. (Тўрткўл қишлоғидан Гавҳар.)

Рости, Гавҳарнинг мактубини ўқиб мен ҳам бир оз енгил тортгандай бўламан. Мактуб қатларидан ёруғ бир умид билан лишиллаб ёниб турган, кўнгил изҳорига айланган бу сўзлар ҲАЁТ КИТОБИдаги зарранинг — маъсума кўнгилнинг ҳам ўз кувонч-ю, ташвишлари билан, болаларча бегуборлик билан бу дунёга интилишини акс эттириб турибди. Қизнинг хатида на таъна, на шикоят оҳангиси сезилади. У қилинадиган ишларга — кундалик ҳаётига аллақачон кўникма ҳосил қилган. Аммо унинг кабутардек потирлаган юракчаси шу кўникмадан ўзга сирли эртакларга талпингиси келади. Ўша эртакларни хаёлда яратса олса хўп-хўп... Агар яратолмаса...

Жамият тарозисининг иккинчи мувозанати худди ана шу ерда — ўсмир орзуларнинг билиб-билмай дарз кетишидан бошланади. Кўнгил тубидаги дарзнинг чукурлашмаслиги учун ўз вақтида ўша асрий инсоф, сабр, ҳаё, иффат ёрдамга келмас экан, умрнинг қолган қисми ё фожиага, ё хатога айланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди...

Аёллар турмахонасига борганимдаги бир ҳолат ҳануз борлиғимни музлатиб юбораверади: ўн тўққиз, нари борса йиғирма ёшдаги қиз (у олий билимгоҳ талабаси экан) бир кишилик камерада ғужанак бўлиб ётарди. Мен унинг кўзларини куриб даҳшатга тушдим. Қуёш нури нималигини унуглан, заҳ ҳиди анқиб турган ўша жойдан аёл қиёфасидаги бўри қараб турарди. Бу кўзлар ўзига қолса бор ёруғ дунёни бир

зумда парчалаб ташласа... Ваҳший нафратини ҳатто қўёшга ҳам сочса...

Ҳали яшаб улгурмаган юрак бунча нафратни бағрига қандай сифтирди экан? У саволларга истар-истамас, узуқ-юлуқ қилиб жавоб қайтаради. Туғилган кунда шериклари билан уй эгасининг тилла буюмларини ўғирлаган. Уч йилга озодликдан маҳрум қилинган. Бу ерга келиб ҳам тинч юргиси келмаган. Пайт пойлаб назоратчига қўл кўтарган...

Унинг кўзларига қараб, бу қиз ҳам йиглашни билармикан, деб уйлайман. У суратга олишимизни хоҳламайди. Жазавага тушиб қичқиради. Темир дарича шарақлаб ёпилади... Хонада яна гунажак бўлиб, тавбага мойил бўлмаган бўри боласи қолади...

Муздек цементда гужанак бўлиб олган бўри боласи...

Жамиятимиз бу ваҳшийларни қачон тарбиялаб улгурди экан-а?

Юракда эъзозлаб келадиган эртакларим оғир руҳ исканжасида қийнала бошлайди. Димиқиб кетаман. Бу оламни бир нафас хатоларсиз, жазоларсиз, фожиаларсиз, жиноятларсиз кўргим келади...

Сен панжара орти учун яралмагансан, аёл, деб ҳайқиргим келади.

Ипак бармоқларига илашган гуноҳларни энди нима билан ювасан, Ҳаёт? — деган саволимни шамол олис-олисларга учирив кетади.

Кейин, губор инаёзган нигоҳларимни тирикчилик илинжидаги субҳидамдан фаррошлиқ қилиб, сочларининг тўлқинига чанглар ўтирганидан асл тусини аниқлаш қийин бўлган меҳнаткаш, фидойи, камсуқум аёлларимизнинг осойишта чехраларига қараб поклаб оламан.

“Яшаш минимумидан паст даражадаги маошга эга аҳоли сони Иттифоқда 14 фоиз бўлса, Ўзбекистонда 40 фоиздир”.

Муаммолари, фожиалари, хасталиклари билан ҳам мен учун жондай азиз она тупроқ ҳар бир муаммо илдизига тेरан нигоҳ ташлашимизни талаб қилмоқда. Биз бугун иккинчи мақолага деярли нуқта қўяёзган ўшлар муаммоси — изтироб илдизлари ҳам ўзига жиддий эътибор тилайди. Зоро, доно ҳалқимиз кўра-била туриб гуноҳга, жиноятга қул урганлардан қаттиқ ҳазар қилган, аёвсиз жазолаган. Ислом дини эса онгли равиша ўз жонига қасд қилганларга жаноза ўқишини буюрмаган. Оғриқ тишларни вақтида сууриб, жон ором олгандек, “ИЗТИРОБНИНГ ИЛДИЗЛАРИГА” ҳам вақтида

эътибор бермасак, олдини олмасак, күплад гулғунчалар ҳаётининг аянчли якуни халқимиз кўксида доғ устида доғ бўлиб қолаверади...

Бу дунёда инсоннинг баҳтини топишга бўлган уринишларини ҳеч ким ман этолмайди. Бироқ дилбар сингилларимиз, гўзал аёлларимиз ҳар қандай замон ва маконда ҳам орномусини, шарқона ифратини кўз қорачигидек асрашга уринишлари лозим.

1990 йил

демократичноти. Баландум жонимиздан кечидең да иштеп айтканы
жонимиздан кечидең да иштеп айтканы. Кечидең да иштеп айтканы
жонимиздан кечидең да иштеп айтканы. Манзараларни сабак
шайлантиру ўзбук тилининг маданий тарзини жадидлаб
ираватлилоқ проектин дебарбада оларни кечидең да иштеп айтканы
дебарбада оларни кечидең да иштеп айтканы. Сабак шайлантиру ўзбук
тилининг маданий тарзини жадидлаб

МУНДАРИЖА

XXI асрга юзланиб (Сўзбоши ўрнида) 5

Эрк манзаралари

Кетди манглайлардан мангулик қорлар	8
Ватандир дунёда танҳо илинжим	12
Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг. Зомин дафтаридан ..	17
Аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат. Зомин дафтаридан	24
Момо ер	31
Тонгга қасам	38
Нурларнинг қайтими нур бўлади	42
Огоҳ бўлинг, террор!	46
Эрк манзаралари (1-мақола)	49
Эрк манзаралари (2-мақола)	58

Ватан илдизлари жонимиздан ўтган (Суҳбатлар)

“Мен сув ичган дарёлар”	68
Гўзаллик она сути билан киради	76
Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам	85
Бадийи асар ҳам тирик жон	90
“Онанг ой ёруғи, қуёшнинг нури”	98
Бахтнинг калити шукронададир	103
Ватан илдизлари жонимиздан ўтган	109
Устоз Нақшбанд шогирдлари	116
Гиёҳлар билан тиллашган инсон	118
Ўзгараётган эл	126
“Яна умримни китобга бағишлардим”	134

Хизр булоғидан сув ичган авлод	139
Аёл билан мунавар олам	146
Инсоф боти	150

Менинг армандарим

Юракка санчилган игналар	160
Аёл бұлиш осонми?	165
Аёл жиноятта құл урди	171
Күнгли яримлар дүнёси	181
Ёлғыз аёл: у ким?	190
Илдизларинг қайда, изтироб?	197

Мәдениет жаңыларының
жынысынан
Ақадемияның
жынысынан
Союз мемлекеттік музейлерінен
Ақадемияның
жынысынан
Мемлекеттік музейлерінен

6201 08 200

Жыныс 2016-2017 жыл ретке шартты даттамый 25
жылдан көп. Қалып жыныс негізде орындық, табиғаттық
бозалының төс жаңылығынан жасалған. Жыныс Францияда
жасалған жаңылардан 2000 жылдан бергендегінен тоғыз
базада шартты даттамайды.

Түркістан облысының Қарасай ауданындағы
Ресей 19-шы жылдан қалыптап жасалған
Зарду ауданындағы жыныс.

Жыныс Ресейдегі Дәрігер жыныс музейінин
жынысынан жасалған. Бозалы 2000 жыл.
Коллекцияның датасы: Музыкальный зал

Адабий-бадиий нашр

Шарифа Салимова

ТОНГГА ҚАСАМ

Мұҳаррир *Д. Бұронова*

Мусаввир *Т. Сағдулаев*

Бадиий мұҳаррир *А. Бобров*

Техник мұҳаррир *Т. Смирнова*

Кичик мұҳаррир *Н. Фозилова*

Мусаҳых *М. Насриддинова*

ИБ № 3953

Босишга 26.06.2001 й. да рухсат этилди. Бичими
84×108^{1/32} Таймс гарнитура. Офсет босма. 10,92 шартли
босма тобоқ. 10,8 нашр босма тобоги. Жами 5000 нусха
106 рақамли буюртма. 8-2001 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти.
700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194,
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Салимова, Шарифа.

**Тонгга қасам / Масъул муҳаррир: Н. Жўраева/ — Т.:
F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. — 208 б.**

“Таажжуб, неча кундирки, тушларимга тўлин ойдек чехрасида гоҳ шодлик балқиб, гоҳ изтироблар кўланкаси қалқиб Кумушбиби киради.

Ўнгу сўлида беадад кокиллари ювошгина чарх урадилар, қўлларида очиқ қолган девон саҳифаларига кўз ёшлари беихтиёр томиб кетади:

— Бегим, — дейди у заррача таънасиз.

— Бегим, — дейди у сўнғти дақиқаларда ҳам беҳол...” Ушбу сатрлар истеъдодли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ўткир публицист, таржимон Шарифа Салимованинг “Аёл бўлиш осонми?” номли мақоласидан олинган. Сизнинг қўлингиздаги “Тонгта қасам” деб номланган бадиий публицистик китобида ҳам аёл қисматининг турили қирралари қаламга олинади.

Муаллиф ушбу китобини бежиз “Тонгта қасам” деб номламади. Тонг бу — ёруғлик, тонг бу — юракларга XX асрнинг сўнгида Аллоҳ томонидан ҳурлик кўринишида бизга юборилган мўъжиза — илоҳий қисмат. Ҳар бир инсон, ҳар бир миллат ўзининг мунаvvар тонгини кутиб яшайди. Ўзбек ҳалқи, ўзбекнинг муқаддас аёли ушбу тонгта узоқ асрлар ташна бўлди. Энди, у қўлга киритган эркини боласидек, биродаридек, ёрдўстидек, онасидек, падарибузрукворидек бағрига маҳкам босиб, асраб яшамоқда.

“Тонгта қасам” номли тўплам уч бўлимдан иборат. Бўлимларда шоирнинг асрий армонларидан тортиб, то бугунги мунаvvар кунлар умидларигача босиб ўтган йўли қаламга олинган ва бу ҳолатлар Ҳазрати аёл қисмати орқали кўрсатиб берилган.

